

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ-МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Х. НАЗАРОВ**

**ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ: ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК  
НАЗОРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2022**

***Ушбу ўқув қўлланма Тошкент Ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти-миллий тадқиқотлар университети Илмий Кенгашида(2022 йил « » \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ - сонли баённома) муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.***

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент Ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти-миллий тадқиқотлар университети 5630100–“Экология ва атроф муҳит муҳофазаси (сув хўжалигида)”, 5630200–“Сув хўжалигида экологик хавфсизлик” мутахассисликлари бакалавр ва магистратура йўналишида ўқиётган талабалар, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат экологик назоратини амалга оширишга ваколатли махсус давлат орган сифатида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси тизимида хизмат қилаётган давлат инспекторлари, бошқа мансабдор шахслари тамонидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиат бойликлардан фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш масалаларини ўрганиш ва уларни қўллаш тартибларига бағишланган ўқув қўлланмадир.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази тингловчиларига, соҳа буйича давлат инспекторларига, институт ва университетларнинг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши буйича ихтисослашган мутахассисликлари бакалавр йўналиши талабалари, магистрларига ва ушбу масалалар билан қизиқувчи мутахассисларга мўлжалланган.

**Муаллиф:** юридик фанлар номзоди, доцент **Холмурод Назаров**

**Маъсул муҳаррир биология фанлари доктори,  
проф.Б.Исмоилхўжаев**

**Тақризчилар:** **Н.Б.Эгамбердиев** - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент Ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти-миллий тадқиқот университети профессори, биология фанлари доктори

**О. Нарзуллаев** - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат Юридик университети Экология ва аграр ҳуқуқ кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

## МУҚАДИМА

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент Ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти-миллий тадқиқот университети 5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси(сув хўжалигида), 5630200-Сув хўжалигида экологик хавфсизлик”, бакалавр ва магистратура таълим йўналиши мутахассисликлари талабалари, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази тинловчилари учун мўлжалланган ўқув қўлланмадир.

Экологик давлат назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий-назарий-асосларини пухта ўзлаштириш экологик ҳуқуқ нормаларини амалда тўғри қўллашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ўқув қўлланма табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни сақлаш ва қайта тиклаш, табиий ресурс объектларининг тақсимланиши, улардан турли мақсадлар учун фойдаланиш ҳамда уларни турли салбий таъсирлардан муҳофаза қилиш мақсадида уларни давлат тамонидан назорат қилиш масалаларини ёритишга қаратилган.

Айниқса, бу ўқув қўлланма сув иншоатлари ва сув ресурсларидан фойдаланиш, муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш, табиий ресурсларга нисбатан ёш мутахассисларга, амалда хизмат қилаётган атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторлари, соҳа раҳбарлари томонидан давлат экологик назоратини амалга ошириш экология соҳасидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга тадбиқ қилиш ҳақида назарий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш ва амалда қўллаш малакаларини шакллантиришда ҳам муҳим қўлланма бўлади.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарорида белгиланган вазифаларни бажариш, олий таълим муассасаларини илғор жаҳон тажрибалари асосида яратиладиган янги авлод дарслик, ўқув қўлланмалари ҳам даврий нашрлар билан тизимли таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон қарорида белгиланган талабларга асосан тайёрланган: ўқув қўлланма — дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва мавзуларни зарурий ҳажмда тизимли ёритиб берадиган, фан асосларининг мукамал ўзлаштирилишини таъминловчи, мазмунан ва шаклан таълим турларига бакалаврият, магистратура, олий таълимдан кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим талабларига мослаштирилган, назарий ёки амалий машқ ва машғулотларга мўлжалланган, талаба ва малака ошириш курслари тинловчиларларда фанга тааллуқли билим,

кўникма ва малакалар шаклланишига хизмат қиладиган, расмий тасдиқланадиган ўқув нашридир.

Ушбу ўқув қўлланмада асосий эътибор Экология ҳуқуқи фанининг асосий мақсадини амалга оширишга, бўлажак мутахассисларга Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларнинг бошқарув тизимига, аҳолини ҳаёти ва соғлиғига етказиладиган экологик хавфларни олдини олиш учун зарур бўлган назарий ва амалий ҳуқуқий билимлар билан қуроллантиришга қаратилган.

Ўқув қўлланмада экология ва атроф муҳит соҳасида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашда давлат назоратининг амалий ва ҳуқуқий масалаларини давр талаби даражасида ҳал қилиш тажрибаси, давлат миқёсидаги масалаларни ҳал қилишда давлат назоратини ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, амалда қўллаш малакасини шакллантиришга алоҳида эътибор берилган.

Ўқув қўлланма Экология ҳуқуқи фани бўйича бакалавр, магистр, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари тингловчиларининг тасаввур, билим, кўникмаларига қўйиладиган талаблар, экологик ва сувга оид қонунлар, қонунга асосланиб чиқарилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазмун ва моҳиятини тушуниш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш ва тарғиб қилиш, ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш борасидаги малака ва кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

## 1.1. ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ НИМА?

Экологик назорат атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги экологик қонун ва қонунга асосланиб қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган экологик талаб ва қоидалари бузилишларини аниқлаш, олдини олиш, уларни бартараф қилишда янада самарали хатти-ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора тадбирлари тизимидир.

**Экологик назоратнинг ҳуқуқий асослари - Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунида белгиланган.**

**Экологик назорат**- бу корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, вазирликлар, давлат кўмиталари, турли идоралар ва фуқароларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона тежамкорлик билан фойдаланиш, аҳоли, хўжаликлар ва иншоотлар фаолиятларини экологик хавфсизлик нормативлари ва қоидаларга риоя қилишини текшириш, атроф-муҳит ҳолатини ўрганиш ва мониторинг қилиш, экологик экспертиза қилиш ва бу соҳада бошқа зарур ташкилий –ҳуқуқий тадбир-чораларни амалга оширишдир.

**Экологик назоратнинг мақсади** - бу экология ва атроф-муҳит соҳасидаги экологик ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш, айбдорларга экологик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда жазо чораларни ва ёзма мажбурий қоидаларни қўллаш, салбий оқибатларни бартараф этишдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасида экологик назоратнинг асосий вазифалари белгиланган.

### **Экологик назоратнинг асосий вазифалари:**

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

-атроф-муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

-мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

-юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

-атроф-муҳитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва кўрилаётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотларини ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилиш;

-табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлашдан иборат.

### **Экологик назоратнинг объектлар:**

- атроф табиий муҳит ва унинг алоҳида соҳаларининг ҳолати;

-атроф табиий муҳит ва унинг алоҳида соҳаларини муҳофаза қилиш бўйича мажбурий чораларни бажарилиши;

экологик қонунлар ва унга асосланиб чиқарилган бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоида ва талабларига риоя қилишдир.

**Экологик назоратни амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, амалдаги экологик қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида экологик назоратни амалга оширилишининг усуллари кўрсатиш мумкин:**

**1.Экологик қонунлар ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар норма ва қоидаларга риоя қилинишини текшириш усулида амалга оширилади.** Бу махсус ваколатли давлат органларининг вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар корхона, ташкилот, муассасалар, барча юридик ва жисмоний шахсларнинг экологик қонун ҳужжатлари норма ва талабларига риоя қилинишини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган фаолият туридир;

### **2.Экологик назорат мониторинг усулида амалга оширлади.**

Бу- табиий муҳитда содир бўлаётган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер ўсти ва ер ости сувларининг ифлосланиш

даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилиш ахборотлар ҳамда бу муҳит ҳолатига доир тахминлар билан таъминлашдир

**Экологик мониторингни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддасида белгиланган:** Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати табиий муҳитда содир бўлаётган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилиш ахборотлар ҳамда бу муҳит ҳолатига доир тахминий маълумотлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборот очиқ-ошкора йўсинда бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан эълон қилиш учун мунтазам бериб борилади.

Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари фалокатлар ва бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳит нормативда белгиланганидан ҳам ортиқроқ даражада ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор этишлари шарт.

Табиий ресурсларнинг миқдор, сифат ва бошқа хил кўрсаткичларини, улардан фойдаланишнинг ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастрлари юритилади.

.Атроф табиий муҳит ҳолатига зарарли таъсир қиладиган ёки номақбул тарзда таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, атроф табиий муҳитга тушадиган зарарли моддаларнинг турлари ва миқдори, чиқиндиларнинг ҳажмлари ва таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини назорат этиш хизматининг таркиби, уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши тартиби, давлат табиий ресурслар кадастрларини, атроф-муҳитга зарарли таъсир этувчи объектларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади.

**3.Экологик назоратни амалга оширишнинг учунчи усули умумлаштириш** - атроф табиий муҳитга бўлаётган зарарли ва хавфли таъсирларни аниқлаш мақсадида маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилишдир.

**4.Экологик назоратни амалга оширишнинг яна бир муҳим усули баҳолаш** - инсоннинг қонунийликка зид фаолиятини атроф-муҳитга, инсон саломатлиги ва ҳаётига хавфлилик ва зарарлилик даражасини аниқлашдир.

**5.Рухсатнома бериш** - экологик назоратнинг амалга оширишнинг шундай **усулики**, бунда давлатнинг махсус ваколатли органлари тамонидан табиий объектлар қисмлари(элеменлари)дан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат беришдир.

**6.Экологик назоратни амалга оширишнинг усули** – **экологик хавфли ёки зарарли хўжалик ва бошқа фаолиятларни олдини олиш,огоҳлантириш, чеклаш ва тўхтатиб қўйиш** ғоят муҳим аҳамиятга эга.

**7.Экологик назоратнинг энг муҳим усуллари**дан бири-экологик экспертиза **ўтказиш**- бу махсус техника ва технология асосида экологик хавфли фаолиятни олдини олиш, огоҳлантириш, маҳсулотларни яроқлилини аниқлаш, кўрсатилаётган хизматлар ва фаолиятларнинг зарарсизлигини таъминлашдир.

**8.Экологик назоратни амалга оширишнинг энг таъсирчан усуллари**дан – **жавобгарликки тортиш усули бўлиб**, бу экологик қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талабларни бузган шахсларга нисбатан маъмурий –ҳуқуқий ва бошқа юридик жавобгарлик чораларни қўллашдир.

Амалиётда экологик назорат ғоят кенг маънода тушунилади.Унинг кенг диапозони назорат қилувчи субъектларнинг хилма хиллигидан келиб чиқади.

Давлатнинг экологик функциясини нафақат махсус ваколатли давлат органлари,балки ,нодавлат корхона,ташкилот,муассасалар ва фуқаролар ҳам амалга оширади. Экологик назоратни амалга оширувчи барча субъектларнинг фаолиятининг мажмуи экологик назорат тизими дейилади.

**Ўзбекистон Республикасининг “ Экологик назорат тўғрисида” ги Қонуннинг 9-моддасида** экологик назорат тизимини ташкил этувчи назорат турлари: **экологик мониторинг, давлат экологик назорати, идоравий экологик назорат, ишлаб чиқариш экологик назорати, жамоатчилик экологик назоратидан иборатлиги кўрсатилган.**



**Бу экологик назорат турларининг ҳуқуқий асослари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган алоҳида алоҳида Низомлар белгиланган:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 августдаги 216-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низом,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Идоравий экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги намунавий низом,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги намунавий низом,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сонли «Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

**Давлат экологик назоратининг алоҳида турларига қисқача тавсиф:**

**а)Экологик мониторинг**

Ҳозирги замон экологик назорат турлари тизимида экологик мониторинг алоҳида муҳим ўрин тутди.Экологик мониторинг экологик назоратнинг энг кенг тарқалган,кўпқамровли,самарали туридир.

**Экологик мониторинг-бу экологик назорат қилинадиган ҳудуддаги атроф-муҳит, унинг ўзгариши, оқибатлари, одамлар ҳаёти ва соғлиғига учун хавфлилик ҳолати бўйича маълумотлар олиш учун зарур бўлган кузатиш усуллари, уни ташкилий тузилмалари, амалга ошириш услубларининг мажмуасидир**

Экологик мониторинг икки мақсадда амалга оширилади:

1)табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш,табиий ресурсларни муҳофаза қилиш,экологик хавфсизликни олдини олиш атроф табиий муҳит ҳолати юзасидан тизимли кузатув олиб бориш;

2) давлатнинг,тегишли юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф-муҳит ҳолатини ўзгаришларининг номаъқул оқибатларини камайтириш ва бартараф этиш учун зарур бўлган ишончли маълумотларга бўлган эҳтиёжларни таъминлаш мақсадларида амалга оширилади.

Мониторинг тизимини **ўтказиладиган миқёсига** қараб бир биридан фарқланадиган турлари бўлади: глобал,миллий,регионал ва лоқал; **мониторинг экологик объектларнинг турларига қараб:** атмосфера ҳавоси, сув, ер(тупроқ),ҳайвонот олами,ўсимликлар дунёси,хавфли чиқиндилар, радиоцион чиқиндилар, маиший чиқиндилар бўйича мониторинг турларига бўлиш мумкин.

**Глобал экологик мониторинг-** бу халқаро келишувларга мувофиқ ер кўрсаткичларнинг турли нуқталарида жойлашган кузатув станциялари тизими орқали атроф табиий муҳит ҳолати,ундаги иқлим ўзгаришлари ҳолатлари юзасидан давлатлар тамонидан олинган маълумотларни ўзаро алмашиш, уларни тарқатиш, атроф-муҳит қисмларини ривожланишининг истиқболларини аниқлаш, дунё миқёсда экологик маълумотлар базаси тизимини яратиш,экологик хавфларни олдини олиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида амалга оширилади.

**Миллий экологик мониторинг-** бу алоҳида давлат идоралари тамонидан ўз ҳудудида амалга оширилади.Ўзбекистонда бундай мониторинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Гидрометеорологик хизмат маркази тамонидан амалга оширилади.

**Атроф табиий муҳити бўйича давлат мониторинг хизмати уч хил даражада амалга оширилади:**

1) постлар қузатуви, 2)мамлакат турли регионларидан олинган маълумотларни тўплаш ва дастлабки қайта ишлаш станциялари қузатуви, 3) маълумотларни ҳудудий ва регионал марказларда қайта ишлаш.Умумлаштирилган маълумотларни тайинли мақсадда фойдаланиш учун узатиш.

Давлат мониторинг хизмати алоҳида табиий объектлар ва комплекслар мониторинг хизмати билан тўлдирилади. Бу тизим ташкилий бирликка эга эмас. У соҳавий экологик мониторинг тизими функциясини бажарувчи тегишли идораларга бириктирилган бўлиб, улардан олинган маълумотлар ахборот ва маълумотлар бош идораси- Ўзбекистон Гидрометеорологик хизмат маркази тамонидан таҳлил қилинади ва умумлаштирилади.

**Ер ресурслари мониторинги-** Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддасига мувофиқ ер ҳолати юзасидан ,унинг ўзгаришларини аниқлаш,бу ўзгаришлар ва зарарли оқибатларни баҳолаш учун ўтказилади. Ер мониторинг-Ер ресурслари,геодезия,картаграфия ва давлат кадастри Давлат кўмитаси тамонидан амалга оширилади.

**Сув ресурслари мониторинги** -бу ер усти ва ер ости сувларининг сифати юзасидан олиб бориладиган кузатув бўлиб, сув ва оқава сувлар таркибидаги қимёвий,физикавий ва биологик синов усуллар ёрдамида олиниб даврий ёки мавсумий тарзда аниқланадиган зарарли моддалар ва элементлар миқдори аниқлашга асосланади. **Сув ресурслари мониторинги- Сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги, Уй-жой коммунал хизмат вазирлиги,"Ўзбекистон сув таъминоти"Акционерлик жамияти тамонидан амалга оширилади.**

**Атмосфера ҳавоси мониторинги-** атмосфера ҳавосини сифатига, миқдорий таркибига инсон фаолияти таъсирида доимий ва ҳаракатланувчи манбалардан чиқадиган ташланмаларни кузатиш тизимидан иборатдир. Бундай кузатув Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тамонидан амалга оширилади.

**Ҳайвонот олами мониторинги-** ҳайвонот олами объектларининг турлари таркиби,сони тарқалганлиги юзасидан кузатиш тизими бўлиб, ҳайвонларнинг яшаш муҳити, миграция йўллари, биохилма хилликни сақлаш мақсадида бошқа факторлар ва ҳайвонот оламини ҳайвонларда эпедимия тусини оладиган касалликлар,ноқонуний ов қилинишидан, бошқа ҳайвонлар тамонидан нобуд қилинишидан муҳофаза қилиш, ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотларидан илмий асосланган тарзда фойдаланишга имкон яратади.

Бундай монитори ҳам Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тамонидан амалга оширилади.

**Ўрмон мониторинги** – ўрмонлар мониторинги ўрмонларга салбий таъсирларнинг ўз вақтида олди олиниши учун давлат ўрмон фонди ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлашга, уни баҳолаш ва прогноз қилишга доир мунтазам кузатувлардан иборатдир. Бу мониторинг ўрмон хўжалигини сақлаш, оқилona фойдаланиш, ёнғиндан,дарахтларни касалланишидан,ўрмон бойликларини толон тарош қилиш кабилардан муҳофаза қилиш, зарур илмий тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш умумлаштириш борасидаги кузатув тизими бўлиб,бу мониторинг “Ўрмон тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси,Вазирлар Маҳкамасининг 17.01.2020

йилдаги 31-сон қарори билан Ўрмонлар мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низом асосида юритилади..

#### **б) Давлат экологик назорати**

Мамлакатимизда туб ислоҳатлар ва демократлаштириш шароитида давлат экологик давлат назорати бошқарув тизими янги мазмун ва моҳият касб этмоқда. Хусусан, ҳозирги вақтда унинг қўйидаги муҳим ҳусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

**Биринчидан**, давлат экологик назорати бир эмас, кўп эмас, барча давлат идораларнинг доимий амалга ошириладиган асосий фаолият турларидан бирига айланди.

**Иккинчидан**, давлат экологик назорати демократик, ошкоралик харак- терига эга бўлиб, жамоатчилик манфаатига хизмат қиладиган бўлмоқда.

**Учунчидан**, давлат назорати экологик муаммоларни аниқлаш, уни олдини олиш, бутунлай бартараф қилиш вазифаларини ҳал қилишнинг самарали воситасига айланиб бормоқда.

**Тўртинчидан**, экологик назорат ҳеч қандай чекланмаган зўровонлик ҳаракатлари, шавқатсизликлардан мустасно бўлган ҳуқуқий воситалар ёрдамида сифатли ва самарали амалга ошириш имкониятлари яратилди.

**Бешинчидан**, экологик назоратни тизимли амалга оширилиши аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, мамлакат иқтисодий кудратини самарали ошириш, барча соҳаларда экологик хавфсизликни таъминлаш имконини яратмоқда.

#### **Давлат экологик назоратининг муҳим жиҳатлари шундаки:**

а) давлат номидан ; б) махсус ваколатли давлат идоралари ва мансабдор шахслар тамонидан амалга оширилади; в) идоравийликдан ташқари ва устиворли характерига эга; г) давлат экологик бошқарувининг функцияларидан бирдир; д) давлат назорати ҳолларда зарур албатта маъмурий жазо чоралари (экологик ноқонуний фаолиятни тўхтатиш, табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, жарима ва шу кабилар)ни қўллаш билан боғлиқ бўлади.

#### **Давлат экологик назоратининг бир неча турлари мавжуд:**

Назорат қилинадиган фаолият босқичларига қараб: огоҳлантирувчи ва жорий экологик назорат; Назорат субъектларига қараб: умумий ва махсус давлат экологик назорат.

**Умумий экологик назоратни амалга оширадиган субъектлар:** Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва умумий ваколатга эга бўлган бошқа субъектлар.

**Махсус экологик назоратни амалга оширувчилар:**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат кўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар бўйича Давлат кўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометро-логик хизмат маркази;

Ўзбекистон Республикаси Санитария эпидимиология хизмати.

Махсус ваколатли давлат органлари тизимида Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси алоҳида статусга эгадир. Бу давлат орган 1988 йил Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси сифатида ташкил қилинган. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида Қорақолпоғистон Республикасида, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳри, туман ва уларга тенглаштирилган шаҳарларда ўз идораларига эга бўлган.

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини

такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, Республикада экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлигига зарарли таъсирининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:** - экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви;

-атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш;

-чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустақкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш;

-ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратни ўрнатиш;

-экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни амалга оширишга оид амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

-экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини юритиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонларни, ёввойи ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш питомникларини, зоология ва ботаникага оид коллекцияларни давлат томонидан рўйхатга олиш;

-экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари негизида Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ташкил этилди .

Мазкур фармонинг 5- бандига мувофиқ,Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ва норматив-ҳуқуқий характерга эга бўлган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсуншидан қатъий назар, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийлиги белгиланди.

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун, шу жумладан, чиқиндилар билан боғлиқ ишлар соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун айбдор шахсларни ўрнатилган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эгадир.**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати таркибида Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг аппаратларида Инспекциянинг ҳудудий бўлинмалари;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузурида «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхоналари ва шаҳарларда ҳамда республика туманларида туман ҳокимликлари ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш участкалари негизида уларнинг филиаллари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш республика инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси этиб қайта ташкил этилди, унинг ҳудудий инспекциялари тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида табиатни муҳофаза қилиш республика ва ҳудудий жамғармалари негизида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасини ташкил этиш, унинг маблағларини, биринчи навбатда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шу жумладан, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, биоресурсларни сақлаш ва қайта тиклаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг мониторинги соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш, тарғибот ва таълим ишларини ташкил этиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил фармони ижросини таъминлаш мақсадида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент қарори ҳам қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида қуйидагилар ташкил этилди:

- **Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси;**
- **Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси;**
- **Экологик ахборот, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва мультимедия маркази.**

Қарор билан уларнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди. Давлат экология қўмитаси ҳудудий бўлинмаларини мустаҳкамлаш ва экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияларини қўшимча таъминлаш мақсадида унинг тизимига 404 штат бирлиги киритилди.

Амалдаги экологик қонун ҳужжатлари ва экологик назоратни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органлари тўғрисидаги Низомларни ўрганиш



ва таҳлил қилиш уларга экологик назоратни амалга ошириш борасида муайян махсус ҳуқуқ ва бурчлар мажмуаси берилганлигини кўрсатди.

**Мазкур давлат органларининг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчлари уларнинг махсус ваколатлари бўлиб, бу ваколатларни олтита йўналиш бўйича гуруҳлаш мумкин:**

1)назорати остидаги объектларга бориш,уларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш,табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳужжатлар билан танишиш, соҳага оид маълумотлар , маълумотномалар ва ҳисоботларни талаб қилиш;

2)аниқланган камчилликлар бартараф қилиш ва белгиланган муддатлардатабиатни муҳофаза қилиш бўйича профилактик тадбирларини ўтказишни талаб қилиш ;

3)табиий ресурслардан фойдаланишга рұхсатномалар бериш лимитлар ва нормалар белгилаш,давлат экологик экспертизасини тайинлаш ;

4)экологик зарар келтираётган объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиш, уларни молиялаштираётган банкларга молиялаштиришни вақтинча тўхтатиш бўйича илтимослар киритиш бўйича иш қўзғатиш ;

5)экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ўрнатилган тартибда маъмурий жарималар қўллаш;

б) атроф табиий муҳитга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида даъво тақдим этиш ва ҳуқуқбузарлик бўйича тўпланган материалларни айбдорни аниқлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли давлат органларига йўллаш ҳуқуқлари ва бурчлари,яъни ваколатлари берилган.

**Экологик давлат назорат соҳасидаги бу ваколатлар** мулкчилик шакли,бўйсунуш тартибидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектларга тегишлидир.**Экологик давлат назорат соҳасидаги бу ваколатлар** фаолият хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда,улар юритувига берилган ва бириктирилган табиий ресурслар доирасида барча махсус ваколатли давлат органларига тааллуқлидир.

### **в) идоравий экологик назорат**

**Идоравий экологик назорат**- вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва уларга бўйсунувчи ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар тамонидан амалга

оширилади. Масалан, **Сув ҳўжалиги вазирлиги** сув ресурсларидан оқилона фойдаданиш, муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги амалдаги экологик қонун ҳужжатларида белгиланган экологик қоида ва талабларини ўзига бўйсунувчи кархона, ташкилот ва муассасаларда бажарилишини назорат қилади.

**Уй-жой коммунал хизмат вазирлиги ва “Ўзбекистон сув таъминоти” Акционерлик жамияти, вазирлик қошида ташкил этилган ичимлик сувини назорат қилиш инспекцияси** - ичимлик суви таъминоти ва коммунал маъиший оқава сувларни чиқариб юбориш вауларни тозалаш тизимига кирувчи корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятида ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, ичимлик сув ресурсларини муҳофаза қилиш, ичимлик суви, оқава сувларни хавфсизлигини таъминлаш ишлари, сув иншоотлари ва объектлари хавфсизликларини назорат қилади.

Таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Президентиининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Аҳолини ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини оширишва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” гиПФ-5883 фармонининг 2-бандида мувофиқ:

**Уй-жой коммунал хизмат вазирлиги ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, сув ресурслари экологик хавфсизлиги ва сифатини таъминлашн мувофиқлаштириш соҳасида, шунингдек, ягона сув баланисини шакллантириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланди** ва унинг зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юкланди:

-сув балансининг ягона ахборот тизимини яратган ҳолда Ягона давлат сув фонди сувларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида ваколатли органлар ва ташкилотларнинг маълумотларини тўплаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш орқали республиканинг ягона сув балансини шакллантиришни ташкил этиш;

-сувни ҳисобга олишнинг ҳолати, унинг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш тўғрисида ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончилиги мониторингини ўтказиш, зарур бўлганда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш;

-ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича ваколатли органлар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

тоза ичимлик сувининг стратегик захираларини яратишни ташкил этиш, шу жумладан катта ҳажмдаги захира манбаларини барпо этиш;

судан фойдаланиш соҳасида замонавий инновацион технологияларни, шу жумладан сувнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишни мувофиқлаштириш, уларнинг республика сув балансининг ягона ахборот тизимига интеграциялашувини таъминлаш.

**Вазирликнинг марказий аппарати таркибига** Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, республиканинг ягона сув балансини шакллантириш, шунингдек, сув таъминоти ва сув чиқариш тизимига замонавий технологияларни жорий этишни ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришга масъул бўлган вазирнинг биринчи ўринбосари лавозими киритилди.

#### **Вазирлик марказий аппарати таркибида:**

Ягона сув балансини шакллантириш ва мониторинг қилиш бош бошқармаси;

Ягона давлат сув фонди сувларининг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бошқармаси;

Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимларига замонавий технологияларни жорий этиш бошқармаси тузилди.

**Қишлоқ хўжалик вазирлиги** қишлоқ хўжалик ерлари, тупроқ таркибини, сув ресурсларидан суғориш ишларида оқилona фойдаланиш, уларни турли хил ифлосланиш ва бузилиш ҳолатларидан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш чораларини ўзининг валоят бошқармалар, туман бўлимлари, ўзига бўйсунувчи корхоналар, ташкилотлар муассасалар тамонидан экологик қоида ва талабларни бажарилишини назорат қилади.

**Ички ишлар вазирлигининг автомобиль транспорт инспекцияси(ГАИ)** - автомобиль транспорт воситаларининг атроф-муҳитга етказадиган ижтимоий зарарлари хавфини олдини олиш ва салбий ҳолатларни бартараф этиш фаолиятини назорат қилади.

**Қурилиш вазирлиги** - қурилиш корхоналари, ташкилотлари, муассасалари қурил иши бинолар ва иншоотларни лойиҳаларини, қурилиш жараёнини экологик хавфсизлик, санитария қоида ва талабларига риоя қилинишини назорат қилади.

**Фавқулотда вазиятлар вазирлиги**- фавқулотда бўладиган зилзилалар, сув тошқинлар, шамол, довул, бўрон, ёнғин кабиларни олдини олиш, оқибатларини барараф қилиш жараёнида экологик талаб ва қоидаларга риоя қилинишини назорат қилади.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитари эпидимология хизмати**- тизимидаги **касалхоналар**, поликлиникалар инсон ҳаёти ва соғлиғига таъсир этувчи омилларни олдини олиш, касалларни даволаш, эпидимияларни олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш, барча корхона, ташкилот, муассаса, аҳоли яшаш пунктларида санитария қоидалари ва талабларига риоя қилиш фаолиятини назорат қилади

**Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси**- ўз тизимидаги регионал ва маҳаллий идораларининг экологик талаб ва қоидаларга амал қилиш фаолиятини назорат қилади.

**Ўзбекистон Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси**- саноат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалар томонидан радиоцион хавфсизлик қоидалари, йўриқномалар ва бошқа талабларни, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини, ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини, сув захираларини муҳофаза қилиш қоидалари ва талабларини бажарилиши соҳасидаги экологик фаолиятини назорат қилади.

**Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат кўмитаси**- ўзига бўйсунувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг экологик талаб ва қоидаларга амал қилиш фаолиятини назорат қилади.

**Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси** - ўз тизимидаги тузилмаларига (вилоят бошқамалари, бўлимлари, корхоналари, ташкилотлари, марказлари, институтларига) нисбатан идоравий экологик назоратни амалга оширади.

Мазкур кўмита тизимида кирмайдиган табиатдан фойдаланувчи субъектларга нисбатан-давлат экологик назоратини амалга оширади.

#### **г) ишлаб чиқариш экологик назорати**

Ишлаб чиқариш экологик назорати- муайян хўжалик юритувчи субъект, корхона, ташкилот доираси билан чекланган бўлиб, унинг раҳбари ёхуд

алоҳида ҳизмат тармоғи раҳбари (бош муҳандис, бош технолог кабилар) ёки махсус ташкил этилган экологик хизмат (бўлим) тамонидан қонун ҳужжатларига ёки махсус буйруққа мувофиқ, берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, яъни махсус ваколатларга асосан ташкил этилади. Ишлаб чиқариш экологик назоратнинг шакли ва тури унинг ташкилий ҳуқуқий шаклига боғлиқ.

**Ишлаб чиқариш экологик назорати** - атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича режаларнинг бажарилишини, технологияларни такомил лаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, экологик талабларга, стандарт ларга, ишлаб чиқариш экологик талаб ва нормативларига риоя қилиш, табиатни муҳофаза қилиш, объекларини қурилиши, ерларни бузилган қисмларини рекультивация қилиш бўйича ишларни олиб бориш, ишлаб чиқариш фаолияти мобайнида вужудга келадиган салбий оқибатларни бартараф қилиш экологик қоидаларига риоя қилишлардан иборат.

#### **д) жамоатчилик экологик назорати**

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш билан экологик жамоат назорати ҳам кенг ривожланмоқда. Бу муҳим ҳуқуқий институт кўплаб халқаро ва миллий экологик ҳужжатларда кўрсатилган бўлиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинишида, экологик хавфсизликни таъминлашда, экологик зарарларни олдини олишда жамоатчиликни фаол иштирок этиши кўрсатилган.

**“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”**ги Қонуннинг 32-моддасига мувофиқ, атроф табиий муҳит муҳофаза қилиш бўйича жамоат экологик назорати жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, нодавлат, нотижорат ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, алоҳида фуқаролар томонидан амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат экологик назорат турли хил шаклларда амалга оширилиши мумкин:

а) жамоат экологик экспертизаси шаклида;

б) давлат бошқарув ва органларига, оммавий ахборот воситаларига мурожаат шаклида;

г)ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар ва судларга шикоят, ариза, даъво шаклларида амалга оширилади.

Жамоат экологик назорати-атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш,табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, аҳоли ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган экологик ҳуқуқбузарликларни олдини олиш,оқибатларини тезлик билан бартараф этиш экологик назоратни самарали бўлишига бениҳоя катта ҳисса қўшиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик экологик назорати тўғрисида”ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги

“Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги ва“Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тўғрисида”ги Намунавий низомлар жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

## **1.2.Ўзбекистон Республикасида давлат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси**

Ўзбекистон аввалги тузумдан Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик инқирозни, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган, сув ва ер ресурсларини йўқотган ерларни мерос қилиб олди.

1980 йиллар охирида Ўзбекистондаги экологик муаммолар шунчалик кучайганки, Республика ҳукуматининг 1988 йил апрел ойида қабул қилган қарорида давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикасидаги Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари вилоятлар (туманлар), шунингдек Тошкент шаҳри ташкил қилинган давлат органлари махсус ечим бўлган.

Диққатга сазовор бўлган жиҳат шундаки, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ҳам айнан “қўмита” деб юритилган, тўғрироғи “ҳудудий қўмиталар” деб аталган. Ҳудудий бўлинмаларнинг айнан номи Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари сифатида келтирилган.

Экология соҳасидаги дастлабки ва асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан 1992 йилнинг 9 декабрида Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган бўлса, мазкур қонун билан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги асосий давлат бошқаруви органи сифатида эътироф этилди.

Эътибор беринг, мамлакатимиз қонунчилик тарихида жуда ҳам кам учрайдиган ҳолатлардан бирини келтириб ўтамиз, одатда вазирлик ва идоралар фаолиятига оид низомлар асосан, Президент ёки Ҳукумат томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланадиган бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги низом тасдиқлаган.

Мазкур низомга кўра, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи, идоралардан устун турувчи ва мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган эканлиги белгиланган. Мазкур низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига бўйсунуши ва унга ҳисобдор эканлиги белгилаб қўйилган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳудудий бўлинмалар ҳам табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари сифатида алоҳида ваколатларга эга эканлиги мазкур низом билан эътироф этилган. Агар ушбу низомга яхшилаб эътибор қаратган бўлсангиз, низомнинг 3-бандида шундай дейилган:

“Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, туманлараро, туман ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари (инспекциялари), шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ягона тизимни ташкил этади”. Яъни хатто туман ва шаҳар бўлинмалари ҳам гарчи инспекциялар ҳисоблансада, уларга ҳам қўмита мақоми берилган.

Шу йўсинда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ушбу ном остида 1988 йилдан то 2017 йилнинг 21 апрелига қадар фаолият юритган. Айнан 2017 йилнинг 21 апрелидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятдан туб бурилиш содир бўлди.

Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024 “Экология ва атроф-муҳит соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” фармони қабул қилинди ҳамда ушбу Фармонда

белгиланган талаблар экологик хавфсизлик соҳасида давлат бошқарувини тубдан яхшилаш мақсадида ва республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик шароитни яхшилаш, чиқиндиларни атроф-муҳитга зарарли таъсирини олдини олиш ва аҳоли саломатлиги, аҳоли турмуш тарзи сифати ва даражасини ошириш учун қулай шароит яратиш, чиқиндилар билан ишлаш тизимини узоқ вақт мобайнида яхшилашни ўз олдига асосий мақсад сифатида белгилаб олди.

Мазкур фармон асосида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сонли “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташки этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига айлантирилди.

Демак, айнан шу санадан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қайта ташкил этиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига айлантирилди.

Хўш, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қандай ўзгаришлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (бундан буён матнда Давлат экология қўмитаси) экология атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва такрор ишлаб чиқариш соҳасида давлат органи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси тизимида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси қўмиталари, шунингдек вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий бошқармаларидан ташкил топган.

Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси қошида ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари, туманлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлинмаларида, "Тоза Ҳудуд" давлат унитар корхонасининг шаҳарлар ва шунингдек, республика туманларида маиший чиқиндиларни йўқ қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш участкалари асосида туман ҳокимликларининг ободонлаштириш бўлимлари тузилди.

Биламизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сонли «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш



соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонига асосан Давлат экология қўмитаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилди.

Ушбу фармон асосида бугунги кунда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси аввалги Давлат экология қўмитасининг ҳуқуқий вориси сифатида унинг барча ваколат ва вазифаларини ўзида сақлаб қолиш билан бир қаторда жуда муҳим соҳа ҳисобланган чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда асосий мувофиқлаштирувчи ва назорат органи сифатида эътироф этилди.

Албатта, бу бўйича шу куннинг ўзида Президентнинг “2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2915-сонли қарори қабул қилинганлиги муҳим воқеа сифатида эътиборга олинди.

Эътиборлиси, Фармонга асосан Конституцияга ўзгартиришлар киритили, бугунги кунда Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари Бош вазир тақдимномасига биноан Президент томонидан тайинланади (аввал Конституциянинг 80-моддасига биноан Президент тақдимномасига биноан Сенат томонидан тайинланади).

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўзи Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот берадиган бўлди.

Қўмитанинг асосий вазифалари белгила қўйилди. У қуйидагиларни амалга оширади:

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви;

атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш;

ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан

фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратни ўрнатиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни амалга оширишга оид амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини юритиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонларни, ёввойи ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш питомникларини, зоология ва ботаникага оид коллекцияларни давлат томонидан рўйхатга олиш;

экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Президентнинг 21.04.2017 йилдаги ПҚ–2915-сон қарори эса Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг келгуси фаолиятини белгилаб берди.

Бунда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Давлат экология кўмитасини қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилганлиги муносабати билан кўмита структурасида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди:

#### **Ўзгартиришлар яқунларига кўра қуйидагилар тасдиқланди:**

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг ташкилий тузилмаси, унинг марказий аппарати тузилмаси (бошқарув ходимларининг чегараланган сони – 62 киши) ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг намунавий тузилмаси;

Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг марказий аппарати тузилмаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг намунавий тузилмаси;

Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекциясининг тузилмаси ва кўмитанинг ҳудудий бўлимлари инспекциялари намунавий тузилмаси.

Кўмитада чиқиндилар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун унинг тузилмасида Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси, вилоятлар

ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг аппаратларида унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди.

Табиатни муҳофаза қилиш республика ва ҳудудий жамғармалари негизида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ташкил этилди.

Соҳага оид қонунбузарликлар учун таъсир чоралари кучайтирилди, жумладан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахсларга жарималар оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузурида «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхоналари ва шаҳарларда ҳамда республика туманларида туман ҳокимликлари ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш участкалари негизида уларнинг филиаллари ташкил этилди. Бугунги кунда ҳудудлардаги “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари тизими маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиришда кўзга кўринган муҳим тармоқ сифатида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Ўтган давр ичида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятида ҳамда соҳадаги мавжуд муаммолар, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан жамоатчиликдан келиб тушган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб янада такомиллаштирилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-3956-сонли “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак.

Мазкур қарорга мувофиқ Қўмитанинг фаолияти янада такомиллаштирилди, янги штат бирликлари ва янги тузилмалар ташкил этилди.

Қарорга асосан Қўмимага унинг ҳудудий бўлинмаларини мустаҳкамлаш учун 404 штат бирлиги ажратилди, шунинг ҳисобига давлат санитария-эпидемиология назорати ходимларининг сони эса 404 тага қисқартирилди.

Қолаверса, Давлат экология қўмитаси тузилмасида 3 та янги тузилмалар ташкил этилди.

## ***Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат инспекцияси***

Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси негизида ташкил этилади. Янги ташкил этилган инспекциянинг вазифалари жумласида:

ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини амалга ошириш;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг мавжуд бўлиши, турларининг хилма-хиллигини, табиий туркумлари яхлитлигини ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасидаги амалий тизимни самарали ташкил этиш;

чиқиндиларни йиғиш пунктларини ташкил этиш, уларни ўз вақтида олиб чиқиш, руҳсат этилмаган чиқиндихоналарнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, чиқинди полигонларини бошқариш, уларни утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиш ва реализация қилишни белгиланган тартибда назоратга олишни ташкил этиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан жамоат экологик назоратини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш.

## ***Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси***

Бирлашма “Тоза ҳудуд” ДУК ва “Махсустрас” ДУКнинг Давлат экология кўмитаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган харажатлар сметаси доирасидаги

ажратмалари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Бирлашмага қуйидаги вазифалар юклатилди:

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳаракатдаги таркибга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажариш, шунингдек, санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш бўйича ташкилий-техник тадбирларни мувофиқлаштириш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш ҳолатини тизимли мониторинг ва таҳлил қилиш;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, шу жумладан электрон тўлов тизимларидан кенг фойдаланиш ишларини ташкил этиш;

иккиламчи ресурсларнинг хўжалик айланмасига жалб қилинишини рағбатлантириш бўйича устувор йўналишларни, шунингдек, маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий этиш;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда халқаро ва миллий органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

### ***Экологик ахборот, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва мультимедиа маркази***

АКТ ва биллинг тизимини жорий этиш ва ривожлантириш маркази негизда ташкил этилади. Бу ташкилот товарларни (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган маблағлар, Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Қуйидагилар унинг вазифалари этиб белгиланди:

атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базасини яратиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларни давлатнинг бошқа органлари тизимлари билан изчил интеграциялаштириш, ривожлантириш ва олиб бориш, Давлат экология қўмитаси ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш;


экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини, шунингдек, ёввойи ҳайвонлар ҳамда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш бўйича питомникларни, зоология ва ботаника коллекциялари давлат ҳисобини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг мониторинги, таҳлили ва ҳолатини баҳолаш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, атроф муҳит ҳолатини моделлаштириш ва прогноз қилиш бўйича дастурий маҳсулотларини яратиш;

замонавий технологиялар ва ижодий ёндашишлардан бевосита фойдаланган ҳолда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида кенг жамоатчилик хабардорлигини оширишга қаратилган ахборот-таҳлил ва обзорли медиа материалларини тайёрлаш, экологик маданиятни ошириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш;

тайёрланадиган ахборот-таҳлил ва обзорли медиа материалларини тезкорлик билан тарқатиш учун маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш.

Умуман олганда, Президентнинг ПҚ-3956-сонли қарорига мувофиқ, қўмитанинг ташкилий тузилмасига мувофиқ Давлат экология қўмитасининг ташкилий тузилмаси эндиликда қуйидаги кўринишда:



Биз Қўмитанинг ташкилий тузилмасига тўхталар эканмиз, ҳар бир тузилмага ва ташкилотга эмас, айнан давлат экологик назоратини амалга оширишга ваколатли ҳисобланган бўлинмаларнинг тузилмалари тўғрисида маълумот бериб ўтамиз.

Албатта, биринчи навбатда Қўмитанинг Марказий аппарати юқори турувчи бўлинма сифатида давлат экологик назоратини амалга оширишга масъул ҳисобланади.

Қуйида биз Қўмитанинг айнан марказий аппаратига оид тузилмани айнан келтириб ўтамиз

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси  
марказий аппарати  
ТУЗИЛМАСИ**


Шу билан бирга, жойларда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қўмита зиммасидаги вазифаларни ва давлат экологик назоратига оид тадбирларни амалга ошириш Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф

муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари зиммасига юклатилган.

Шу боис, Президент қарори асосида тасдиқлангани Қўмитанинг ушбу ҳудудий органларига тузилмаларини ҳам алоҳида шаклда келтириб ўтамыз:

**Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси**


**ТУЗИЛМАСИ**





## Вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари

### НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Худудий органларнинг умумий штат бирликлари сони тўғрисида батафсил маълумот олиш учун қуйидаги жадвалга эътибор қаратинг:

Худудлар номланиши	Бошқарув ходимларининг умумий сони (дона)	шундан:		Худудлар номланиши	Бошқарув ходимларининг умумий сони (дона)	шундан:	
		марказий аппарат	*туманлар (шаҳарлар) бўйича давлат инспекторлари			марказий аппарат	*туманлар (шаҳарлар) бўйича давлат инспекторлари
Андижон вилояти	163	50	113	Сурхондарё вилояти	151	46	105
Бухоро вилояти	154	46	108	Сирдарё вилояти	124	44	80
Жиззах вилояти	153	48	105	Тошкент вилояти	215	53	162
Қашқадарё вилояти	176	49	127	Фарғона вилояти	195	54	141
Навоний вилояти	133	44	89	Хоразм вилояти	133	45	88
Наманган вилояти	143	46	97	Тошкент шаҳри	103	44	59
Самарқанд вилояти	178	49	129	Жами:	<b>2 021</b>	<b>618</b>	<b>1 403</b>

Президент қарори билан белгилаб қўйилган яна бир муҳим масалалардан бири Қўмитанинг туман ва шаҳардаги ходимлари алоҳида (бирок, ҳудудий органлар таркибига кирувчи) бўлинмалар – Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича туман ва шаҳар инспекциялари сифатида қайта ташкил этилди.

Аввал, ПҚ-2915-сонли Қарор билан туман ва шаҳарлардаги ходимлар туман ва шаҳарларга бириктирилган инспекторлар мақомига эга эди, эндиликда кўриб турганингиздек, бу ходимлар айнан инспекциялар таркибида фаолият юритадиган ходимлар жамоасига айланган.

Эътиборли томони шундаки, туман ва шаҳарлардаги инспекциялар таркибидаги ходимлар мақом жиҳатидан инспекторлар сифатида қуйидаги тўртта йўналишга ихтисослаштирилди:

**Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияси**

**НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Президентимизнинг ПҚ3956-сонли қарорига мувофиқ туман ва шаҳарлардаги Қўмита инспекциялари таркибидаги ходимлар сони қуйидаги тартибда белгиланди:

Ҳудудлар номланиши	Туманлар (шаҳарлар) бўйича давлат инспекторлари	Ҳудудлар номланиши	Туманлар (шаҳарлар) бўйича давлат инспекторлари
Қорақалпоғистон Республикаси	137	Сурхондарё вилояти	105
Андижон вилояти	113	Сирдарё вилояти	80
Бухоро вилояти	108	Тошкент вилояти	162
Жиззах вилояти	105	Фарғона вилояти	141
Қашқадарё вилояти	127	Хоразм вилояти	88
Навоний вилояти	89	Тошкент шаҳри	59

Кўриб турганингиздек, Давлат экология қўмитаси бугунги кунда мутлақо янги ва ўзига хос давлат бошқаруви органи сифатида шаклланиб бўлди. Ҳукумат таркибида ўз ўрнига эга бўлган ва бугунги кундаги аҳолининг энг асосий муаммоларидан бири ҳисобланган экологик муаммоларни бартараф этиш борасида Қўмита бутунлай ўзгача иш услубида фаолият юритмоқда.

Биз бир нарсани таъкидлаб ўтишимиз керак: қўмитанинг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида давлат экологик назорати қўмита тизимидаги катта доира ҳисобланган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қиш инспекциялари орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда Давлат экология қўмитаси тизимида \_\_\_\_\_нафар инспектор тофасига мансуб бўлган ходимлар фаолият юритади. Уларнинг \_\_\_нафари Бош давлат инспектор, \_\_\_ нафари Бош давлат инспекторининг ўринбосари, -----нафари катта давлат инспектори а --- нафари давлат инспекторлари таркибини ташкил этади.

Биз мазкур китобимизда айнан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекторлари учун уларнинг иш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш, давлат назоратига оид ҳужжатларни расмийлаштириш каби масалаларда услубий тавсияларни келтириб ўтганмиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланма қўмита тизимидаги давлат инспекторлари учун услубий ёрдамчи бўлиб қолади, агарда ушбу қўлланма инспекторларнинг иш столидаги асосий адабиётлардан бири бўлиб қолса, биз ўз мақсадимизга эришган бўламиз.

## **Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолияти тўғрисида асосий маълумотлар**

Хўш, бир масала ҳақида келишиб олайлик: масалан, агар мен бирор-бир ташкилотдами, корхонадами ёки вазирлик ёхуд қўмита тизимида ишлайдиган бўлсам, мен албатта ушбу ташкилот тўғрисидаги, унинг фаолияти тўғрисидаги энг асосий маълумотларни албатта билишим шарт. Бусиз иложи йўқ, тўғри эмасми?

Шунинг учун Қўмитамиз тўғрисида, унинг асосий фаолият йўналишлари тўғрисида қисқача бўлсада, энг зарур бўлган маълумотларни келтириб ўтамиз.

**Ўзингизга-ўзингиз савол бериб кўринг, нима учун биз машғул бўлаётган ва биз фаолият юритаётган соҳанинг расмий номи қандай?**

Жудаям тўғри, жавоб – экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси, агар шу жавоб кўз олдингизга келган бўлса. Айнан Президентимизнинг “Экология ва атроф-муҳит соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон фармони қабул қилиниши мазкур соҳанинг айнан экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси сифатида, қонун миқёсида эътироф этилди.

Кўпчилик соҳанинг аввалги номи қўмитанинг номидан келиб чиқиб табиатни муҳофаза қилиш соҳаси деб ҳисоблайди. Лекин бу унчалик ҳам тўғри фикр бўлмаган, нега деганда аксарият қонун ҳужжатларида соҳамизнинг номи турлича келтирилган эди, масалан: “табиатни муҳофаза қилиш соҳаси”, “табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳаси” кабилар. Бироқ, ҳозирги кунда янги қонун ҳужжатлари ва соҳада олиб борилаётган кенг ислохотлардан келиб чиқиб, энг муқобил ном сифатида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Ҳар қандай ташкилотнинг, шу жумладан вазирлик ва идораларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи асосий ҳужжат бу низом (хўжалик ҳисобидаги юридик шахсларда биласиз, устав) ҳисобланади.**

Давлат экология қўмитаси ҳам алоҳида давлат бошқаруви органи сифатида ўзининг низомига эга. Эътибор беринг, фуқарога паспорт қанчалик муҳим бўлса, ташкилотга, шу жумладан давлат ташкилотига, янаям, аниқлаштирак, вазирлик ва идораларга шунчалик даражада муҳим.

Қўмита бу борадаг қонунчилик тарихига назар ташласак, қўмитанинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан уч маротаба низоми қабул қилинганлигига ишонч ҳосил қиламиз, булар қуйидагилар:

**биринчиси,** юқорида келтирганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги низом;

**иккинчиси,** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 майдаги 310-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги низом;

**учинчиси,** яқиндагина янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги 29-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги низом.

Албатта, шу заҳотиёқ Сизда мантиқий фикр деярли юзага келди менимча, бир вақтнинг ўзида иккита ёки учта низом амалда бўлиши мумкин эмас, тўғрими? Яъни, учинчи низом қабул қилинган экан, ўз-ўзидан аввалги 1996 йилдаги ва 2017 йилдаги низомлар амалда эмас, улар ўз кучини йўқотган. Шундай экан, Сизу-биз иш фаолиятимизда Давлат экология қўмитасининг низоми деганда уларнинг айнан охиригисига – Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 15 январдаги 29-сон қарор билан тасдиқланган низомга мувофиқ иш юритамиз, тамом, нуқта.

Ана энди, Сиз билан қўмитамизнинг юқоридаги низомига мувофиқ асосий фаолиятига оид энг зарур маълумотлар ва фактларни баҳам кўриб оламиз.

### **Қўмитанинг расмий ҳамда тўлиқ ва қисқартирилган номлари**

“Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси” – қўмитанинг тўлиқ, “Давлат экология қўмитаси” – қўмитанинг қисқартирилган номи ҳисобланади.

Батафсилроқ тўхталсак қуйидагича:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, қисқартмаси — Давлат экология қўмитаси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственный комитет Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды, қисқартмаси — Госкомэкологии;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — The State Committee of the Republic of Uzbekistan for Ecology and Environment Protection, қисқартмаси — Committee for Ecology of the Republic of Uzbekistan.

## **Қўмитанинг жойлашган манзили**

Давлат экология қўмитасининг жойлашган манзили (почта манзили): 100000, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 7а-уй.

### **Қўмита низомида белгилаб қўйилган асосий мезонлар:**

“Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги низомда асосан, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, унинг таркибий бўлинмаларининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари, ҳуқуқ ва жавобгарликлари белгилаб берилган.

### **Давлат экология қўмитаси қайси органга бўйсунди ва кимга ҳисобот беради?**

Давлат экология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди ва ҳисобот беради.

### **Давлат экология қўмитасининг асосий вазифалари:**

экология, атропоф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқарувини олиб бориш;

атропоф муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустақкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва қўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш;

ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан

фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини ўрнатиш;

экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастри ва мониторингини, шунингдек, ёввойи ҳайвонлар, ёввойи ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш питомникларининг, зоология ва ботаника коллекцияларининг давлат ҳисобини юритиш;

экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича профилактика ўтказиш;

экология ва атроф муҳит муҳофазаси масалаларида жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ҳамкорликни, қулай атроф муҳитга бўлган фуқаролар ҳуқуқини таъминлаш.

### **Давлат экология қўмитаси марказий аппаратининг асосий вазифалари:**

1) Ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда Давлат экология қўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

2) экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқарувини таъминлаш ва мувофиқлаштириш;

3) атроф муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

4) чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш;

5) ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан

фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини ташкил этиш;

6) экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

7) экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастри ва мониторингини, шунингдек, ёввойи ҳайвонларни, ёввойи ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш питомникларини, зоология ва ботаника коллекцияларининг давлат ҳисоби юритилишини ташкил этиш;

8) экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

9) атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

10) экология ва атроф муҳит муҳофазаси масалаларида жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ҳамкорликни, қулай атроф муҳитга бўлган фуқаролар ҳуқуқини таъминлаш;

11) экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

**Давлат экология қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифалари:**

Давлат экология қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

1) Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига юкланган вазифа ва функцияларни самарали бажариш;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар деб аталади) билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

3) экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасидаги давлат бошқаруви бўйича тадбирларни амалга ошириш;



4) атроф муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

5) чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни амалга ошириш;

6) ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини амалга ошириш;

7) тегишли ҳудудларда экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

8) экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастри ва мониторингини, шунингдек, ёввойи ҳайвонларни, ёввойи ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш питомникларини, зоология ва ботаника коллекцияларининг давлат ҳисобини юритиш;

9) экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

10) атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш;

11) экология ва атроф муҳит муҳофазаси масалаларида жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ҳамкорликни, қулай атроф муҳитга бўлган фуқаролар ҳуқуқини таъминлаш.

### **Давлат экология қўмитасининг туман (шаҳар) инспекцияларининг асосий вазифалари:**

Давлат экология қўмитасининг туман (шаҳар) инспекцияларининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

1) Давлат экология қўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларни тегишли туман (шаҳар)да самарали бажариш;

2) комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

3) жойларда атроф муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

4) чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни амалга ошириш;

5) ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини амалга ошириш;

6) экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

7) атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш;

8) экология ва атроф муҳит муҳофазаси масалаларида жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ҳамкорликни, қулай атроф муҳитга бўлган фуқаролар ҳуқуқини таъминлаш.

### **Давлат экология кўмитаси раҳбариятини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тартиби**

Давлат экология кўмитасига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Шунингдек, Давлат экология кўмитаси раиси бир нафар биринчи ўринбосари ва икки нафар ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси — Давлат экология кўмитаси раиси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан;

вилоятлар ва Тошкент шаҳри экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари бошлиқлари — тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда Давлат экология кўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Давлат экология кўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг раҳбар ўринбосарлари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари Давлат экология кўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Давлат экология кўмитасининг туман (шаҳар) бўлинмалари раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри экология ва атроф муҳитни

муҳофаза қилиш бошқармалари бошлиқлари томонидан белгиланган ички тартиб-қоидаларга мувофиқ лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

## **Давлат экология қўмитасининг давлат экологик назоратини амалга оширишда бевосита иштирок этувчи ходимлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги 29-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги низомга мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат экология назоратини амалга оширишда бевосита иштирок этувчи ходимлари тоифалари рўйхати тасдиқланган.

Ушбу рўйхатга асосан, эътибор беринг:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бош давлат инспектори;

2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг назорат қилиш йўналишлари бўйича бош давлат инспекторлари;

3. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг бош давлат инспектори;

4. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосарлари — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг назорат қилиш йўналишлари бўйича бош давлат инспекторлари;

5. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиқлари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг бош давлат инспекторлари.

6. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиқларининг ўринбосарлари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг назорат қилиш йўналишлари бўйича бош давлат инспекторлари;

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати бошқармалари, инспекциялари бошлиқлари, шунингдек, Атропо муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази директори — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бош давлат инспекторининг назорат қилиш йўналишлари бўйича ўринбосарлари;

8. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати бошқармалари, инспекциялари бошлиқларининг ўринбосарлари, бўлим ва шуъба бошлиқлари, шунингдек, Атропо

муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази директори ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг катта давлат инспекторлари;

9. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари бўлим ва инспекция бошлиқлари, шунингдек, экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияси бошлиқлари — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари бош давлат инспекторларининг назорат қилиш йўналишлари бўйича ўринбосарлари;

10. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппаратининг бош мутахассислари, шунингдек, Атропо муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат марказининг бўлим бошлиқлари — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг катта давлат инспекторлари;

11. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппаратининг етакчи мутахассислари ва мутахассислари, шунингдек, Атропо муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат марказининг бош ва етакчи мутахассислари — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат инспекторлари;

12. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг бош мутахассислари — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари катта давлат инспекторлари;

13. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари етакчи мутахассислари ва мутахассислари (I ва II тоифали) — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари давлат инспекторлари;

14. Ҳисор давлат қўриқхонаси, «Жайрон» Бухоро ихтисослаштирилган питомниги, «Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонаси, «Сайхун» давлат буюртма қўриқхонаси раҳбари, раҳбар ўринбосарлари, бўлим ва инспекция бошлиқлари, бош мутахассислари, етакчи мутахассислари, мутахассислари ва инспекторлари — давлат қўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарининг, табиат боғларининг ва давлат буюртма қўриқхоналарининг қўриқлаш ходимлари ҳисобланади.

## **Давлат экология кўмитасининг ҳайъати қандай тартибда тузилади ва унинг вазифалари**

Давлат экология кўмитасида раиси (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), Давлат экология кўмитасининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, шунингдек, асосий фаолият йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар раҳбарларидан иборат таркибдаги ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Давлат экология кўмитаси раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Давлат экология кўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Давлат экология кўмитаси тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чораларни қабул қилиш, таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли асосда эшитишни ташкил этиш;

ҳар чорақда ва тизимли тарзда Давлат экология кўмитаси фаолияти доирасида ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилиши натижадорлигини кўриб чиқиш;

Давлат экология кўмитаси фаолияти доирасидаги долзарб масалаларни жойларда муҳокама қилишни таъминлаган ҳолда Ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлисларини ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Давлат экология кўмитаси марказий аппарати ва унинг тизимига кирувчи лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Давлат экология кўмитаси номенклатурасига кирувчи лавозимларга ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва топшириқларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Давлат экология кўмитаси раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш.

Шунингдек, Ҳайъат Давлат экология кўмитаси ваколатларига кирувчи бошқа масалаларни кўриб чиқишга ҳақлидир.

Ҳайъат мажлисига Давлат экология кўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф қилиниши мумкин.

Ҳайъат мажлисида унинг таркибининг ярмидан ортиғи иштирок этса Ҳайъат мажлиси қонуний ўтказилган деб ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳайъат қарорлари Давлат экология қўмитаси раисининг буйруғи (Давлат экология қўмитасининг қарорлари) билан амалга оширилади.

Давлат экология қўмитаси раиси ва Ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Давлат экология қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юзага келган келишмовчиликлар ҳақида хабар берган ҳолда, мустақил равишда қарор қабул қилади. Бундай вазиятда Ҳайъат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрларини билдиришлари мумкин.

Ҳайъатнинг фаолият юритиш тартиби Ҳайъат томонидан тасдиқланадиган унинг регламенти билан белгиланади.

### **Табиатни муҳофаза қилиш объектлари**

Табиатни муҳофаза қилиш объектларига ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси кабилар киради.

### **Табиатни муҳофаза қилишдан асосий мақсад**

Табиатни муҳофаза қилишдан асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:  
инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;

экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

экология хавфсизлигини таъминлаш;

табиат объектлари билан боғлиқ моддий маданий мерос объектларини асраб қолишдир.

### **Ўзбекистонда табиий ресурсларга бўлган мулкчиликнинг амал қилиш тартиби**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Табиий ресурсларни бериш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

## **Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурсларни бериш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг шартлари ва тартиби белгилаб қўйилган асосий қонунлари**

Табиий ресурсларни бериш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг шартлари ва тартиби қуйидаги қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

Ер кодекси;

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги, «Концессиялар тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

## **Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар турлари**

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар жумласига давлат кўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари, миллий боғлар, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар киради.

## **Табиий ресурслардан фойдаланиш шартлари**

Табиий ресурслардан фойдаланишга табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш, табиат мажмуалари яхлитлигини сақлаб қолиш, жонли табиат объектларининг яшаш ва ўсиш муҳити бузилишига йўл қўймаслик, бошқа табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузмаслик шarti билан йўл қўйилади.

## **Тупроқ нима ва тупроқдан фойдаланиш шартлари**

Тупроқ дейилганида ер қобиғининг тириклик учун фойдаланиладиган ва ўсимликлар билан бирга амал қиладиган юзадаги унумдор қатлами тушунилади.

Тупроқдан фойдаланиш шартлари қуйидагича:

тупроқ унинг унумдорлигини пасайтирмаган ҳолда табиий ва маданий ўсимликлардан ҳосил олиш учун фойдаланилади;

тупроқнинг иншоот остида қоладиган гумусли қатлами бошқа жойларда ҳосилдорликни ошириш учун олиб кетилиши керак.

### **Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланиш шартлари**

Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланишга қуйидаги шартлар асосида йўл қўйилади:

қазиб олишда ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалар ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган бошқа табиий ресурслардан комплекс ва тежамли фойдаланиш таъминланса, шунингдек атроф-муҳит ва ер қаъри ифлосланишининг олди олинса;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида ҳолати ўзгарган ерлар рекультивация қилинса;

қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишига эришиладиган даражадагина фойдаланилса;

ер ости бойликларидан ва кенг тарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш соҳасида белгиланган қоидаларга риоя этилса;

фойдали қазилма конларини ишга солиш лойиҳалари бўйича, шунингдек минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда кенгайтириш лойиҳалари юзасидан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлса;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия мавжуд бўлса ёки ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш назарда тутилган маҳсулот тақсимооти тўғрисидаги битим мавжуд бўлса;

фойдали қазилмаларнинг юзасини олишда ҳосил бўладиган ва сиғдирадиган жинслар ағдармалари, сақлагичлар, терриконлар уларнинг атроф-муҳитга энг кам даражада зарарли таъсир кўрсатиши таъминланган ҳолда жойлаштирилса.

### **Сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланишини сақлаш, унинг нормативда кўрсатилган даражада тозалигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларини асраш, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экология мувозанатини сақлаш ва сув ҳавзасига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик шarti билан йўл қўйилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув ҳавзалари соҳили минтақаларида



дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дарахтни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

### **Атмосфера ҳавоси нима ва ундан фойдаланиш шартлари**

Атмосфера ҳавоси дейилганида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиғи тушунилади. Ҳаводан фойдаланишга муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортиқ даражада ифлослантирмаслик ёки сийраклаштирмаслик шarti билан йўл қўйилади.

Халқаро битимга мувофиқ вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахслар озон қатламига зарарли таъсир этувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланишни қисқартиришлари ва келгусида батамом тўхтатишлари шарт.

### **Жонли табиат нима ва жонли табиат объектларидан фойдаланиш шартлари**

Жонли табиат дейилганида табиий ўсимликлар, шу жумладан ўрмон, табиатда эркин яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жонли организмлар тушунилади.

Жонли табиат объектларидан:

уларнинг қайта тикланиш қобилиятини сақлаш;

уларнинг хилма-хил турини ва тўдаларининг барқарорлигини сақлаш;

атроф табиий муҳитнинг биологик жиҳатдан ифлосланишига йўл қўймаслик шarti билан фойдаланилади.

### **Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш шартлари**

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг атроф муҳитга хавфсизлиги учун чиқиндиларнинг мулкдорлари жавоб берадилар. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларини тегишли ҳудудга жойлаштириш масалаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳал қилади.

### **Давлат ва жамоатчилик экологик экспертизаси**

Давлат экология экспертизаси хўжалик қарори қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбиридир. Давлат экология экспертизаси Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Давлат экология экспертизасининг ижобий хулосасисиз лойиҳаларни рўёбга чиқариш ман этилади.

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблағлари ҳисобидан ёки жамоатчилик асосида мутахассисларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Жамоатчилик асосидаги экология экспертизасининг хулосалари тавсия тамойилига эга бўлади.

### **Экологик назорат нима, унинг вазифалари ва турлари қандай?**

Экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Экологик назоратнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

атроф муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

атроф муҳитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва кўрилаётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилиш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш.

**Экологик назоратнинг турлари қуйидагилардан иборат:**

давлат экологик назорати;

идоравий экологик назорат;

ишлаб чиқариш экологик назорати;

жамоатчилик экологик назорати.

## **Давлат экологик назоратининг шакллари**

Давлат экологик назорати асосан қуйидаги шаклларда:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига амал қилинишини, давлат дастурлари ва бошқа экологик дастурлар амалга оширилишини текшириш;

атроф муҳит мониторинги;

давлат экологик экспертизаси.

Давлат экологик назорати атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олиш, атроф муҳит ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил этиш, баҳолаш ва прогноз қилиш йўли билан амалга оширилади.

## **Давлат экологик назоратини амалга оширувчи давлат органлари**

Давлат экологик назорати махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат экологик назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли органларга қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси;, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.

## **Махсус ваколатли давлат органларнинг давлат экологик назоратини амалга ошириш соҳалари**

Давлат экология қўмитаси — атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги — атроф муҳитнинг радиоактив, кимёвий, биологик моддалар билан ифлосланиши, ичимлик сув таъминоти, атмосфера ҳавосига физик омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши юзасидан;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси — саноат, радиация ва ядро хавфсизлигига, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлигига риоя қилиниши учун;

ИИБ — автотранспорт воситаларининг ишлатилишида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши юзасидан;

Сув хўжалиги вазирлиги — сунъий сув объектларининг сувидан фойдаланилиши ва истеъмол қилиниши юзасидан;

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси — ўсимлик дунёсини ҳимоя қилиш бўйича давлат карантин қоидаларининг бажарилиши юзасидан;

Давлат ветеринария қўмитаси — ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш бўйича давлат карантин қоидаларининг бажарилиши юзасидан;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси — ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан, ерларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳамда бошқа чиқиндилар, радиоактив, кимёвий, биологик моддалар ва оқова сувлар билан ифлосланиши бундан мустасно, соҳаларда давлат экологик назоратини амалга оширидалар.

### **Давлат экология қўмитасида давлат экологик назоратини амалга оширувчи ходимлар**

Давлат экология қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари, Давлат экология қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат марказининг катта давлат инспекторлари ва давлат инспекторлари, шунингдек уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи аттестациядан ўтган ходимлари Давлат экология қўмитаси органларининг давлат экологик назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслари ҳисобланади.

## **2.1. Давлат экологик назоратини амалга оширишнинг умумий шартлари**

2013 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 августдаги 216-сон қарори қабул қилинди ва ушбу қарорга мувофиқ “Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Аввало, айтиш лозимки, давлат экологик назорати биринчи навбатда, ушбу қонун ҳужжатларига биноан амалга оширилади.

Эътибор беринг, давлат экологик назоратининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

атроф муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

атроф муҳитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўрилаётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилиш.

Яна бир муҳим ҳолатга тўхталиб ўтишимиз лозим, яъни давлат экологик назоратини амалга ошириш мақсади қаратилган унинг объектлари мавжуд бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси;

атроф муҳитга таъсир этувчи табиий ва техноген манбалар;

атроф муҳит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Давлат экологик назоратини амалга ошириш чоғида ушбу тадбирни амалга оширувчи давлат инспекторлари маълум бир вазиятларди ўзини-ўзи рад қилиши шарт бўлади. Эътибор беринг, “Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ юримдик ва жисмоний шахсларнинг фаолияти устидан амалга оширилган барча ёки бир шаклдаги давлат экологик назоратининг натижаларига бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлик

ҳолатида (муомала муносабатлари, қариндошлик муносабатлари, ҳамкорликдаги иш ва бошқалар) мансабдор шахс тегишли давлат экологик назорати органи раҳбарига олдиндан ёзма равишда хабар беришга ва ўзини ўзи рад қилишини маълум қилишга мажбур.

Ушбу талабнинг бажарилмаслиги ва экологик назоратни амалга оширишда иштирок этилиши унинг натижалари ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

Давлат инспекторлари хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан давлат экологик назоратини амалга ошириш давомида эҳтитор бўлишлари лозим, бу борада йўл қўйилган ва арзимас бўлиб туюлган хатоликлар ҳам жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бунда амалдаги қонунчиликда давлат инспекторлари назорат тадбирлари вақтида хўжалик юритувчи субъектга хўжалик ва ташкилий-бошқарув хусусиятига эга бўлган топшириқ бериш, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашиб тақиқланганлигини билиши лозим.

Давлат экологик назоратини амалга оширувчи инспекторларимиз ўз фаолиятининг қонунийлиги, холислиги, у қонун ҳужжатларига мувофиқ тўғри ташкил қилиниши ва амалга оширилиши учун жавоб берадилар.

Текширишлар шаклида давлат экологик назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар белгиланган тартибда аттестациядан ўтган бўлишлари ва текширишларни ўтказишга рухсат берувчи махсус гувоҳномага эга бўлишлари лозим.

Давлат экологик назоратини амалга ошириш давомида инспекторлар қуйидаги ваколатларга эга:

а) корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга, юридик ва жисмоний шахслар (хўжалик юритувчи субъектлар)нинг объектларига, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш учун белгиланган тартибда кириш;

б) ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига ташлаш ва оқова сувларни ташлаш манбаларининг хўжалик юритувчи субъектлар ҳудудининг ичида ёки уларнинг ташқарисида жойлашувидан қатъи назар, ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитга ташлаш ва оқизиш манбаларидан, шунингдек чиқиндилар ва ифлослантирувчи моддалар ташламалари (оқизмалари) билан ифлосланган ҳудудлардан тўсиқсиз намуналар олиш;

в) юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланганлигини аниқлаш учун ўсимликлар ўсиб чиққан ерларга ва ҳайвонларнинг яшаш муҳитига тўсиқсиз кириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан улар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бажарилиши устидан назоратни амалга оширмаган ҳолда;

г) янги (реконструкция қилинган) объектларни, шунингдек табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган объект ва иншоотларни қабул қилиш ва ишга тушириш бўйича давлат комиссиялари ишида қатнашиш;

д) атроф муҳитга, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ҳақида юридик ва жисмоний шахсларга талаблар қўйиш;

е) атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонунчилик талаблари бузилганлигини бартараф қилиш ҳақида юридик ва жисмоний шахсларга ёзма кўрсатмалар бериш;

ж) фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ва фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига бошқа аниқ таҳдидлар пайдо бўлишининг олдини олиш муносабати билан корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга чеклаш, вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

з) атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини чеклаш, вақтинча тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш, шунингдек атроф муҳитга, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги аризалар билан судларга мурожаат қилиш;

и) атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш;

к) қонун ҳужжатларининг санитария-гигиена ва экологик талабларини бузган ҳолда амалга оширилаётган табиатдан фойдаланишга рухсатномаларнинг амал қилишини вақтинча тўхтатиш, тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиш ҳақида ваколатли органларга таклифлар киритиш;

л) юридик шахслар раҳбарларидан тасарруфидаги объектларда атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташланиши (оқизилиши) устидан узлуксиз назорат қилиш воситалари билан жиҳозланган пункт (пост)лар барпо этишни, бундай пункт (пост)ларнинг иши устидан назоратни амалга оширишни, бундай пункт (пост)лардан олинган маълумотларни тизимли равишда тақдим этишни талаб қилиш;

м) юридик ва жисмоний шахслардан бепул асосда, белгиланган тартибда ва шаклларда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга оид керакли бўлган маълумот ва тушунтиришларни сўраш ва олиш;

н) куйидагиларни:

лаборатория тадқиқотлари ва таҳлиллари учун зарур бўлган намуна ва нусхаларни олиш далолатномаларини;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига амал қилиниши, давлат дастурлари ва бошқа экологик дастурларининг амалга оширилиши бўйича ўтказилган текшириш натижаларига кўра далолатномалар ёки маълумотномаларни;

атроф муҳит мониторинги натижаларига кўра маълумотлар ёки ҳисоботларни тузиш;

ўз ваколатларига мувофиқ:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни тузиш;

буюмлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва ички ишлар органлари идораларига етказиш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жазо солиш;

давлат экологик экспертизаси натижалари бўйича хулосаларни тузиш.

Ўз навбатида, давлат экологик назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар юқоридаги ўринларда айтиб ўтганимиздек, қуйидаги мажбуриятларга қатъий риоя этишлари шарт:

текшириладиган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳуқуқи учун зарур бўлган ҳужжатларни кўрсатишга;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига тўсқинлик яратмасликка;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишларни рўйхатга олиш дафтарида ёзувларни амалга оширишга;

давлат сирлари, тижорат сирлари ва бошқа сирларни ошкор қилмасликка;

текширишлар натижасини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштиришга, унинг бир нусхаси текшириш тамом бўлган кунда текширилган хўжалик юритувчи субъектда қолдирилади;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда унга таъсир кўрсатишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларини кўришга мажбурдир.

Биласиз, бугунги кунда Ҳукумат қарори билан Давлат экология қўмитаси ходимларининг алоҳида формали кийимлари намуналари тасдиқланган. Бу борада давлат экологик назоратини амалга ошириш борасидаги мажбуриятларни бажараётганларида Давлат экология қўмитаси мансабдор шахслари фарқлаш белгили форма кийимини кийишга мажбурдир.



## **2.2. Давлат экологик назоратини амалга оширишнинг алоҳида соҳалари**

Давлат экологик назорати қуйидаги соҳаларни қамраб олади:

- а) ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;
- б) ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш;
- в) сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш;
- г) ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;
- д) ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш;
- е) атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш;
- ж) чиқиндилар билан муносабатда бўлиш;
- з) инсон атроф муҳити.

**Энди мазкур соҳалар бўйича давлат экологик назорати қамраб олиши мумкин бўлган йўналишларга атрофлича тўхталиб ўтамиз.**

Демак, давлат экологик назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органлари уларга юкланган вазифаларга мувофиқ давлат экологи назорати соҳасида қуйидаги йўналишлар бўйича назорат тадбирларини амалга оширидилар:

### **Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасида:**

ер ажратиш;

ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш ва улардан фойдаланиш шартларига риоя этиш;

қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчилар томонидан шудгор ерлар сақлаб қолинишини таъминлаш бўйича тадбирлар бажарилиши ҳолатини;

ўз ичига:

тупроқнинг унумдорлигини, шунингдек ернинг бошқа хоссаларини тиклаш ва оширишни;

ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишидан, ботқоқлашишдан, иккиламчи шўрланишдан, қуриб қолишдан, зичлашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, емирилишнинг бошқа жараёнларидан ҳимоя қилинишини;

қишлоқ хўжалик экинларини бута ва майда ўрмонлар, бегона ўтлар билан ғовлаб кетишидан ва ерлар ҳолати ёмонлашувига олиб келадиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қилишни;

таназзулга учраган қишлоқ хўжалиги экин майдонларини консервациялашни;

бузилган ерларнинг рекультивациясини;

ерларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширишда тупроқнинг унумдор қатламини кесиб олиш, фойдаланиш ва сақлаб қолишни;

фойдали қазилма бойликларни қазиб олиш, қурилиш ва бошқа ишлар учун берилган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини, бошқа ерларни, уларга зарурат қолмаганда — мақсадга кўра фойдаланишга яроқли ҳолга келтиришни ўз ичига олувчи ерларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар мажмуасининг бажарилишини;

б) ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасида:

ер қаъри участкасидан у берилган мақсадга мувофиқ фойдаланишни;

ер қаъридан фойдаланиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш технологиясининг меъёр ва қоидаларига риоя этилишини;

кон ишларининг техник лойиҳалари ва уларни ривожлантириш режалари, шунингдек углеводород конларини қазиб олиш ва жиҳозлаш лойиҳалари талабларига риоя этилишини;

фойдали қазилмалар конларини қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш жараёнида геология, маркшейдерлик ҳужжатлари ва бошқа ҳужжат юритилиши ва уларнинг сақланиши таъминланишини;

ер қаъридан қазиб олинган ва унда қолдирилмаган асосий ва улар билан биргаликда чиқадиган фойдали қазилмалар компонентлари, шунингдек минерал хом ашё ва техноген минерал ҳосилалар маҳсулотларининг миқдор ва сифати ҳисоби юритилишини;

қазиб олинган, бироқ вақтинча фойдаланилмайдиган фойдали йўлдош қазилмалар ва йўлдош фойдали компонентларнинг сақланишини;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хом ашёни қайта ишлашда йўқотиш нормативларига риоя этилишини;

фойдали қазилма конларининг бой участкаларида танлаш асосда қазиб олиш ишларига йўл қўйилмаслигини;

асосий ва улар билан биргаликда жойлашган фойдали қазилмалар, фойдали йўлдош компонентлар захираларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек фойдали қазилма конлари, уларнинг аломати бўлган ва техноген минерал ҳосилалар конлари давлат кадастрини юритиш учун маълумотлар тақдим этилишини;

қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажмлари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилишини;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ олиб борилаётган ишлар минтақасида аҳоли хавфсизлиги таъминланганлигини;

ер қаъридан фойдаланиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини қабул қилиш, аварияларни тугатиш режаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ишлар хавфсиз олиб борилишини;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш корхоналари ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервациялаш тартибига риоя этилишини;

конларни қазишда ҳосил бўлган кон уюмлари ва ён деворлари нишабликларини текислаш ёки террасалаш ишлари, шунингдек эрозияга қарши чора-тадбирлар амалга оширилишини;

атроф муҳит муҳофазаси чора-тадбирларининг амалга оширилиши, шунингдек ер қаъридан фойдаланишда бузилган ер участкалари ва бошқа табиий объектлар кейинчалик фойдаланишга яроқли ҳолга келтирилишини;

ер қаърини геологик ўрганиш ишлари фойдали қазилмаларнинг беҳуда йўқотилишини ва улар сифати пасайишини истисно қилувчи усул ва йўллар билан олиб борилишини;

ер қаърини, фойдали қазилма конларини қидириш ва қазишнинг кон-техник, гидрогеологик, геологик-иктисодий ва бошқа шарт-шароитлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган, шу жумладан чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш учун ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун бериладиган ер қаъри участкаларининг геологик ўрганилиши тўлиқлигини;

фойдали қазилмалар юзасини очишда ҳосил бўладиган ва аралаш жинслар хусусиятларини, улардан ишлаб чиқаришда ва ерларни рекультивациялашда, шунингдек фойдали қазилмаларни радиация-гигиеник баҳолашда фойдаланиш учун улар бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг тўлиқлигини;

фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг оқилона, экологик хавфсиз технологиялари қўлланилишини;

кон ишларини амалга ошириш натижасида қазиб олинаётган ва ёндош фойдали қазилмалар конлари ва ер қаъри бошқа участкаларининг бузилишига йўл қўйилмаётганлигини, ер қаърида консервацияланадиган фойдали қазилмалар захиралари сақланишини;

конлардаги ўйиқлар ва уларнинг ён деворлари бардошлилиги, тоғ жинсларининг силжиш жараёнлари, ер юзаси, иморат ва иншоотлар деформациялари устидан асбоблар ёрдамида кузатувлар олиб борилишини;

маҳсулотлардан ва қайта ишлаш, оқова сувлар чиқиндиларидан фойдаланишнинг тўлиқлигини;

таркибида фойдали компонентлар бўлган, вақтинча фойдаланилмаётган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари жойлаштирилиши, ҳисоби юритилиши ва сақланишини;

чиқиндилар ва оқова сувларни белгиланган чегараларда зарарсизлантириш ёки локализациялаш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларидан фойдаланилганда уларнинг кон қазилма жойларига, ер юзасига, атмосфера ҳавосига ва сув объектларига тушишининг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилиши;

## **в) сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасида:**

сувдан оқилона фойдаланиш, мақсадсиз сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилишга йўл қўймаслик, сувни тежамкорлик билан ишлатиш, сув сифатини тиклаш ва яхшилашни;

ўрнатилган сув олиш лимитларига, сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш қоидаларига риоя қилинишини;

таркибида ифлослантирувчи моддалар бўлган оқова сувлар сув объектларига оқизилишини тўлиқ тугатишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилишини;

сув объектларига, хўжалик объектларига ва табиий ресурсларга зарар етказилишининг олдини олишни;

сув олиш жойларини сувни тартибга солиш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашни;

сув объектларини, сувни муҳофаза қилиш иншоотларини ва бошқа иншоотларни, техник қурилмаларни техник соз ҳолатда сақлашни, уларнинг фойдаланиш сифатини яхшилашни ва улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этишни;

сувни олиш ва етказишда унинг миқдори, сув объектларига ва коммунал канализация тизимларига оқизилаётган оқова сувларнинг миқдори ва сифати ҳисобини юритишни, ҳисоботлар тақдим этишни;

сув ресурсларидан фойдаланганлик, шунингдек сувни етказиб бериш хизмати ва шартнома асосида кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилишини;

сувни тежаш чоралари кўрилишини;

сув муҳофазаси бўйича технологик, ўрмон-мелиоратив, агротехник, гидротехник, санитария тадбирлари ва бошқа тадбирлар амалга оширилишини;

сувнинг ифлосланиши, булғаниши ва камайиб кетишининг олдини олиш, сув объектларига зарарли таъсирларни тугатиш, шунингдек ер усти ва ер ости сув йиғиш майдонларининг ифлосланишига йўл қўймаслик чоралари кўрилишини;

сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, қирғоқ бўйи полосалари ва санитария муҳофаза зоналарини сақлашнинг белгиланган режимларига риоя қилинишини;

балиқларни, бошқа сув флора ва фаунасини муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилишини;

## **г) ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасида:**

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва кўпайтириш қоидаларига риоя қилинишини;

ўсимлик дунёси объектларидан оқилона фойдаланилишини;

ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш чора-тадбирлари амалга оширилишини;

ёнғин хавфсизлигига риоя қилинишини ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш жойларида ёнғинга қарши тадбирлар амалга оширилишини;

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилишини;

ўсимлик дунёси объектларининг ўсиш муҳитини муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя қилинишини;

д) ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасида:

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш муддатлари, нормаларига риоя қилинишини, уларнинг муҳофаза қилинишини, қайта тикланишини ва кўпайтирилишини;

ҳайвонот дунёсидан уларнинг табиий жамоаларининг бутунлиги бузилишига йўл қўймайдиган ва фойдаланишга берилмаган ҳайвонлар сақлаб қолинишини таъминлайдиган усулларда фойдаланишни;

ҳайвонлар яшаш муҳити бузилишига йўл қўймаслигини;

ҳайвонлар сони ва улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисоби юритилишини;

ҳайвонот дунёсини қайта тиклаш ва уларни кўпайтириш тадбирлари ўтказилишини;

ҳайвонларнинг яшаш муҳити муҳофазаси ва кўпайиши шароитлари ва миграцияси йўллари ташкил этилишини;

хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширишда, транспорт воситаларидан фойдаланишда ҳайвонлар нобуд бўлишининг олди олинишини;

йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ва кам учрайдиган ҳайвонлар турлари тутқунликда кўпайтирилишини;

ҳайвонлар касалланганда, табиий офатлар ва бошқа сабаблар натижасида уларнинг нобуд бўлиш хавфи бўлган ҳолларда ёрдам кўрсатилишини;

ҳайвонларни сақлашда ветеринария-санитария қоидалари ва талабларига риоя қилинишини;

#### **е) атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш борасида:**

биологик организмларнинг ифлослантирувчи моддаларини атмосфера ҳавосига ташлаш ва физик омилларнинг чекланган йўл қўйиладиган зарарли таъсири нормативларига, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосини ишлатиш нормативларига, қайта ишланган газлардаги ифлослантирувчи моддаларни сақлаш ва ҳаракатланувчи манбалар билан улар физик омилларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсири нормативларига риоя этилишини;

атмосферага чиқариб юбориладиган чиқиндиларни тозалаш учун иншоотлар, аппаратлар ва асбоб-ускуналардан фойдаланишни ва уларнинг зарарли физик таъсирини камайтириш, шунингдек улар устидан назорат қилиш қоидаларига риоя қилинишини;

хўжалик объектлари атрофида санитария-ҳимоя зоналари ташкил этилишини;

чиқиндиларни ва зарарли физик таъсирни камайтириш чоралари кўрилишини;

чиқиндиларнинг ва физик омилларнинг зарарли таъсири ҳисоби юритилишини ва статистик ҳисоботлар тақдим қилинишини;

энергияни тежайдиган технологияларни жорий қилишни, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашни, энергиянинг экологик тоза манбаларидан фойдаланилишини;

атмосфера ҳавосига биологик организмлар ва ифлослантирувчи моддалар ташланишини кутилаётган ноқулай метеорологик шарт-шароитлар муносабати билан камайтириш тадбирлари бажарилишини;

корхоналар ва транспорт коммуникацияси таъсири зонасида атроф муҳитга ва аҳоли соғлиғига зарарли таъсир баҳоланишини;

кучли таъсир қилувчи захарли моддалар ва учиб кетувчи бирикмаларни сақлаш шартларига, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинишини, улар сақланган идишлар зарарсизлантирилишини;

атмосферага авариявий ва бирваракайига чиқиндилар ташланишининг юзага келиши мумкин бўлган хавфли вазиятларининг олдини олиш чоралари кўрилишини;

**ж) чиқиндилар билан муносабатда бўлиш борасида:**

чиқиндилар билан муносабатда бўлишда санитария нормалари ва қоидаларига, экологик нормативларга ва бошқа талабларга риоя қилинишини;

чиқиндиларнинг паспортини тузиш, чиқиндиларнинг ҳисоби юритилишини, ҳисоботлар топширилишини;

чиқиндиларнинг фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф муҳит учун хавфлилиги даражаси аниқланишини;

чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши нормативлари ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаларининг мавжудлигини;

фойдаланилиши лозим бўлган ва ресурс қийматига эга бўлган чиқиндиларнинг бузилиши ва йўқ бўлишига йўл қўйилмаслигини, уларни йиғиш, зарур тарзда сақлаш таъминланишини;

чиқиндилардан фойдаланиш бўйича технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш чоралари кўрилишини;

чиқиндиларни аралаштиришга йўл қўйилмаслигини, ишлаб чиқариш технологияларида кўзда тутилган истисно ҳоллардан ташқари;

чиқиндиларни рухсат берилмаган жойларда сақлаш, қайта ишлаш, фойдаланиш ва кўмиб қўйишга йўл қўйилмаслигини;

чиқиндилар билан муносабатда бўлишда бузилган ер участкаларини қайта культивация қилиш ишлари амалга оширилишини;

чиқиндилардан максимал даражада фойдаланиш, уларни чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахсларга реализация қилиш ёки бериш, шунингдек фойдаланиш лозим бўлмаган чиқиндиларни экологик хавфсиз қилиб кўмиб қўйиш таъминланишини;

чиқиндилар билан муносабатда бўлиш соҳасида атроф муҳитга рухсат берилмаган чиқиндиларни ташлаш ҳолатлари ва кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ваколатли давлат органларига тақдим қилинишини;

чиқиндиларни жойлаштириш учун компенсация тўловларини киритиш;

**з) инсон атроф муҳити борасида:**

инсон атроф муҳитининг биологик, кимёвий, радиоактив моддалар билан ифлосланишини;

ичимлик сув таъминотини;

физик омилларнинг атмосфера ҳавосига зарарли таъсирини;

**и) табиатдан фойдаланиш иқтисодий механизмларининг бажарилиши борасида:**

атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарилганлиги ва ташланганлиги, чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари тўланишини;

табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳолати бўйича текширади.

**2.3. Давлат экологик назоратини амалга оширишда текшириш, мониторинг ва давлат экологик экспертиза ишларини мувофиқлаштириш**

Табиий объектлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни текшириш, қоида тариқасида, сутканинг кундузги қисмида амалга оширилади.

Истисно ҳолларда текширишлар тунги вақтда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Текширишларни ўтказиш вақти асосан табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, ташлаш ва чиқиндиларни жойлаштириш вақти режимларидан келиб чиқиб белгиланади.

Рейд тартибдаги экологик назорат сутканинг исталган вақтида амалга оширилиши мумкин.

Табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ риоя қилинишини ўрганиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш изчиллиги тегишли давлат экологик назорати органлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган йўриқномалар ва методик кўрсатмалар билан белгиланади.

Текширишни юридик шахснинг вакили ёки яқка тартибдаги тадбиркор иштирокида амалга оширишга рухсат берилади.

Ишлаб чиқариш участкаларини (цехларини) корхонанинг маъмуриятини хабардор қилмасдан ёки унинг вакилисиз айланиб чиқиш (кўздан кечириш) тақиқланади.

Ишлаб чиқариш участкаларини (цехларини) айланиб чиқишдан (кўздан кечиришдан) олдин давлат назорат органининг мансабдор шахсига мазкур объектдаги техника ҳавфсизлиги қоидалари бўйича йўриқнома берилиши шарт.

Экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли органлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларига хўжалик юритувчи субъект

томонидан текширишни амалга ошириш учун шарт-шароитлар (хона, телефон ва бошқа алоқа воситалари, махсус кийим, шунингдек махсус ҳимоя воситалари) яратиб берилиши лозим. Назорат функцияларини тез, самарали ва хавфсиз амалга оширишга тўсқинлик қилувчи, қийин ўтиладиган ҳудудлар участкалари билан кесишганда, ишлаб чиқариш участкалари (цехлари) ўртасидаги масофа катта бўлган ҳолларда транспорт берилади.

Режали ва режадан ташқари текширишлар «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Рейд тартибидаги экологик назорат:

ёнувчи моддаларни ва қурилиш материалларини очик алангада ёндириш ёки омборга жойлаштиришда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилинмаганлиги;

махсус техника воситаларини қўлламасдан битум эритилганлиги, аҳоли пунктлари ва далаларда дарахт новдалари, экин ўриб олинган ерлар ва бошқа ўсимлик қолдиқлари ёндирилганлиги;

ноқонуний дарахтларни кесиш, ҳайвонларни овлаш ҳолатларини аниқлаш ва тўхтатиш юзасидан тезкор назорат тадбирларини амалга ошириш зарурати бўлганда амалга оширилади.

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинмаганлиги.

Рейд тартибидаги экологик назоратни амалга ошириш учун назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ёки ҳудудий комиссия билан келишиш талаб қилинмайди.

Давлат экологик назорати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари рейд тартибидаги экологик назоратни мустақил, шунингдек мувофиқлаштирилган тадбирлар режаси асосида биргаликда амалга ошириши мумкин.

Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги антропоген фаолият, табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатдаги табиий жараёнлар таъсирида атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ўзгаришлари ҳолати устидан мунтазам кузатиш тизими ҳисобланади.

Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги табиий объектлар, ифлосланиш манбалари, хавфли табиий-техноген жараёнлар, шунингдек фон мониторинги шаклида амалга оширилади.

Мунтазам кузатилиши лозим бўлган атроф табиий муҳитни ифлослантириш манбалари рўйхати Давлат экология қўмитаси томонидан белгиланган мезонлар бўйича белгиланади.

Мунтазам кузатилиши лозим бўлган, хавфли табиий-техноген жараёнлардан зарар кўрган ҳудудлар Давлат экология қўмитаси билан келишган ҳолда Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

Атроф табиий муҳитнинг фон мониторингини амалга ошириш учун пунктлар Давлат экология қўмитаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази томонидан белгиланади.



Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторингини амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Атроф табиий муҳитнинг ҳолатини баҳолаш натижалари бўйича маълумотлар, маърузалар, прогнозлар ва тавсиялар даврий равишда топшириб борилади.

Давлат экологик экспертизаси:

прогноз қилинаётган, мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ёки бошқа фаолият экологик талабларга мувофиқлигини;

фуқароларнинг соғлиғи ва атроф муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган ёки кўрсатиши мумкин бўлган мўлжалланаётган ва амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ёки бошқа фаолиятнинг экологик хавфи даражасини;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилган чораларнинг асосланганлигини ва тўлиқлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Қуйидагилар давлат экологик экспертизасининг объектлари ҳисобланади:

давлат дастурлари, концепциялари, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш схемалари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш лойиҳалари;

қурилишнинг барча турлари учун ер участкаларини танлаш материаллари; лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари;

табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хўжалик фаолияти ёки бошқа фаолиятни тартибга солувчи ва норматив-техник ва йўриқномавий-методик ҳужжатлар лойиҳалари;

техника, технологиялар, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратиш бўйича ҳужжатлар;

атроф табиий муҳитнинг ҳолатига ва фуқароларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётган фаолият юритаётган корхоналар ва бошқа объектлар;

кейинчалик уларга муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, фавқулодда экологик вазият ва табиий офат зоналари мақомини бериш мақсадида ҳудудларни комплекс кўздан кечириш материаллари;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари;

махсус ҳуқуқий режимли объектлар.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Давлат экология қўмитаси) давлат экологик экспертизаси соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Давлат экология қўмитаси ўз вақтида комплекс, холисона, сифатли экспертиза ўтказилишини ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хулосалар берилишини таъминлайди.

Давлат экологик экспертизасининг хулосаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаштириш ва реализация қилишда юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Банк ёки бошқа кредит ташкилотлари томонидан лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз уларни реализация қилиш тақиқланади.

Давлат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат экологик назорати натижаларини расмийлаштириш белгиланган тартибда:

табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, давлат дастурлари ва бошқа экологик дастурларни амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя қилинишини текшириш натижалари бўйича маълумотнома ёки далолатнома;

атроф муҳит мониторинги натижалари бўйича маълумотлар ва ҳисоботлар;  
давлат экологик экспертизаси натижалари бўйича хулосалар тузиш йўли билан амалга оширилади.

Давлат экологик назоратининг натижалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Юридик шахс, яқка тартибдаги тадбиркор ёки жисмоний шахснинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти натижалари белгиланган шакл бўйича далолатнома (маълумотнома) шаклида расмийлаштирилади.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолати мавжуд бўлмаганда маълумотнома тузилади. Маълумотномада текширишни амалга ошириш ҳолати қайд қилинади, улар бўйича текшириш амалга оширилган саволлар рўйхати келтирилади ва бирор-бир бузилишларнинг мавжуд эмаслиги кўрсатилади.

Маълумотнома давлат экологик назорати органининг мансабдор шахси, текширишда иштирок этган бошқа мансабдор шахслар томонидан имзоланади ва хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига танишиш учун тилхат остида топширилади (берилади).

Далолатнома атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланганда тузилади. Текшириш далолатномасини расмийлаштиришда мансабдор шахс саволномада назарда тутилган ҳар бир савол бўйича талаблари бузилган қонун ҳужжатининг номи ва нормаларига ҳавола қилиб, ишларнинг аҳволини баён қилади.

Далолатнома давлат экологик назорати органининг мансабдор шахси, текширишда иштирок этган бошқа мансабдор шахслар томонидан имзоланади ва хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига танишиш учун тилхат остида топширилади (берилади).

Қуйидагилар давлат экологик назорати натижаларини амалга ошириш шакллари ҳисобланади:

юридик ёки жисмоний шахсга атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишини бартараф қилиш тўғрисида ёзма кўрсатма бериш;

хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ўн кунгача бўлган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш тўғрисида қарор чиқариш;

корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини ўн кундан ортиқ муддатга қайта ихтисослаштириш, чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги ариза билан судга муурожаат қилиш;

чиқиндиларни чиқариш, ташлаш ва чиқиндиларни жойлаштириш, табиий ресурслардан ноқонуний фойдаланиш орқали атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш, шунингдек компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисида судга ариза билан муурожаат қилиш.

Давлат экологик назоратининг натижалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишини бартараф қилиш тўғрисидаги ёзма кўрсатма текшириш тугаллангандан кейин берилади.

Ёзма кўрсатмада хўжалик юритувчи субъектга текшириш натижалари бўйича далолатномада келтириб ўтилган қонун ҳужжатлари бузилишини ва унинг фаолиятидаги камчиликларни бартараф қилишга йўналтирилган, ижро қилишнинг аниқ муддатлари кўрсатилган талаблар баён қилинади.

Ёзма кўрсатма иккита асл нусхада имзоланади ва расмийлаштирилади:

бир нусхаси — хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, якка тартибдаги тадбиркорга, жисмоний шахсга ижро қилиш учун берилади;

иккинчи нусхаси — ёзма кўрсатмани берган органда сақланади.

Корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор давлат экологик назоратини амалга оширувчи органнинг қарори шаклида расмийлаштирилади.

Корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган қонун ҳужжатлари талаблари бузилишини аниқлаш мезонлари, шунингдек қарорни расмийлаштириш ва уни ижро қилиш тартиби давлат экологик назорати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида белгиланади.

## **Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига доир қонунбузарликлар учун жавобгарлик масалалари**

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун айбдор шахсларнинг жавобгарлигига доир нормалар аниқ равишда белгилаб қўйилган.

Мазкур Қонуннинг 47-моддасидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, юридик ва жисмоний шахслар табиатни муҳофаза қилишга доир қуйидаги қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги учун жавобгар бўладилар:

табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавfli маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сиғимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун белгиланган тўловни, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун компенсация тўловлари тўлашдан бош тортганликда;

табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда;

атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий режимини бузганликда;

атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганликда;

чиқиндиларни, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни

зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;

атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда.

Юқоридаги ҳолатларда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 майдаги 310-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги Низомда Давлат экология қўмитасининг шундай ҳуқуқлари келтирилганки, бунга мувофиқ қўмитанинг мансабдор шахслари содир этилган қонунбузарликлар учун айбдор шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларидан фойдаланишлари мумкин.**

### **Эътибор беринг!**

**Низомнинг 14-бандига мувофиқ** Давлат экология қўмитаси қонунбузарларга нисбатан аниқ тартибли ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳуқуқларига эгадир.

### **Биринчидан.**

Агар табиатдан фойдаланувчилар табиий ресурсларни ифлослантириш, уларга шикаст етказиш, камайтириш ва улардан нооқилона фойдаланиш натижасида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатган тақдирда Давлат экология қўмитасининг ваколатли мансабдор шахслари юридик ва жисмоний шахслардан етказилган зарарни ундириб олиш чораларини кўришлари мумкин.

Бундай ҳолатларда агар зарар етказган шахс юридик шахс ҳисобланса, Давлат экология қўмитаси тизимининг ваколатли раҳбари тегишлича иқтисодий судларга даъво ариза киритиши, етказилган зарарларни ундириб олиши мумкин. Агар зарарлар жисмоний шахслар томонидан етказилган бўлса, даъво ариза фуқаролик тартибида тегишли фуқаролик ишлари бўйича суд органларига киритилиши лозим бўлади. Албатта, бу борада ундирилган суммалар Давлат экология қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сарфланиши мумкин бўлади.

Таъкидлаш лозимки, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 49-моддасида табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти борасида аниқ нормалар баён этилган. Жумладан ушбу моддага кўра, атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар етказган зарарни, шу жумладан бой берилган фойда ўрнини қонунларга мувофиқ қоплашлари шарт ҳамда экология талабларини бузганликда айбланаётганларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши уларни атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

### **Иккинчидан.**

Давлат экология қўмитасининг ваколатли мансабдор шахслари давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини олмаган объектларга нисбатан молиялаш, кредитлаш ва бошқа молиявий операцияларни тўхтатиб туриш (тўхтатиш) тўғрисидаги тақдимномаларни банк ва бошқа кредит ташкилотларига киритиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Биламизки, Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ давлат экспертизаси объектлари сифатида қуйидаги объектлар келтириб ўтилган:

давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;

барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари; лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари;

табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ, хўжалик ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларнинг лойиҳалари;

техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар;

атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар;

кейинчалик уларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, фавқулодда экологик вазият ва экологик офат зоналари мақомини бериш мақсадида ўтказилган ҳудудларни комплекс текшириш материаллари;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари;

махсус ҳуқуқий режимли объектлар.

Ушбу Қонуннинг 13-моддасида эса Қонуннинг 11-моддасида кўрсатиб ўтилган объектларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш мажбурий эканлиги белгиланган. Ва ниҳоят, Қонуннинг 20-моддасида “давлат экологик экспертизаси натижалари бўйича хулоса тузилиб, у давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги яқунларни ўз ичига олган бўлади” дейилган.

Кўриб турганингиздек, юқорида кўрсатиб ўтилган объектлар бўйича давлат экологик экспертиза хулосаси олинмаган бўлса, Давлат экология қўмитасининг ваколатли мансабдор шахслари қайд этиб ўтилган ҳуқуқий таъсир чораларидан ўз вақтида фойдаланиши мумкин бўлади.

### **Учинчидан.**

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига реал таҳдид юзага келишининг олдини олиш муносабати билан ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилиш.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 48-моддасида ҳам аниқ қоида назарда тутилган. Жумладан ушбу модданинг 2-қисмида юқоридаги объектлар билан боғлиқ ҳолатлар фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйилиши мумкинлиги қайд этилган. Бунда тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ қарорларни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ўз ваколатларига мувофиқ экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари чиқарадилар.

### **Тўртинчидан.**

Ўз ваколати доирасида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш, мансабдор шахслар ва фуқароларга жарималар солиш, шунингдек ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида табиий ресурслар ва атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш.

Юқоридаги ўринларда, қисқача тўхталиб ўтдик ва кейинги бобларимизда бунга батафсил эътибор қаратамиз: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 8-боби ва ушбу бобдаги 65 моддадан то 95 моддага қадар бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари айнан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий

жавобгарлик масаласига бағишланган. Бу моддалар билан боғлиқ асосий иш юритиш масалалари айнан Давлат экология қўмитаси ваколатига тегишлидир.

Бунинг тасдиғи сифатида айтиш мумкинки, мазкур кодекснинг 261-моддасида назарда тутилган жами 34 та моддада қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ маъмурий иш юритиш айнан Давлат экология қўмитаси ва унинг тизимидаги ваколатли органларига тегишли ҳисобланади. Қўмита ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга маъмурий жазо чораларини қўллайди ҳамда ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарларни ундириш чораларини кўради.

### **Бешинчидан.**

Атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш тўғрисида, шунингдек атроф-муҳитга, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилиш.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 48-моддасида ҳам бу борада шундай дейилган: “корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг инсон саломатлигига ёки яшаш шароитига, табиий ресурсларга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарарли таъсир этган ёки бундай таъсир этиш хавфи туғилган тақдирда уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир этиш сабабларини бартараф этишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса тугатилиши ёки ўзгартирилиши мумкин”.

Мазкур моддадан келиб чиқиб яна қўшимча қилиш мумкинки, юқоридаги турдаги объектларнинг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки ўзгартириш ҳамда айни вақтда уларни пул билан таъминлашни тўхтатиш хусусидаги қарорларни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ўз ваколатларига мувофиқ экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари чиқарадилар. Агарда кўрсатилган чоралар тадбиркорлик субъектларига нисбатан амалга ошириш лозим бўлганида албатта, жойлардаги тегишли иқтисодий судларга даъво аризалари киритилади.

Юқоридаги ҳолатларда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.





## **Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва маъмурий иш юритиш масалалари**

Давлат экология қўмитасининг давлат инспекторлари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида йўл қўйилган қонунбузарликлар учун жазо муқаррарлигини таъминлашлари уларнинг асосий мажбурияти эканлигини ёддан чиқармасликлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги 29-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги низомнинг 18-бандида Давлат экология қўмитасининг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида **ўз ваколати доирасида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш, мансабдор шахслар ва фуқароларга жарималар солиш, шунингдек, ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида табиий ресурслар ва атроф муҳитга етказилган зарарни қоплаш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш** ҳуқуқи эътироф этилган.

Давлат экология қўмитаси тизимида 1665 нафар инспектор мақомига эга бўлган ходимлар фаолият юритаётган бўлса, улар билишлари керакки, уларнинг асосиф фаолият йўналишларидан бири айнан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича **маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш ҳисобланади.**

Шунинг учун биз ушбу масалага атрофлича тўхталиб ўтишни лозим, деб ҳисобладик.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни юритиш борасида энг аввало 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосланиш зарурлигини таъкидлаб ўтишимиз даркор.

Аввало шуни билиш керакки, маъмурий ҳуқуқбузарлик – бу қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

**Хўш шу ўринда савол туғилади, вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги қандай ҳал этилади?**

МЖТКнинг 14-моддасида бу саволга аниқ жавоб берилган. Ушбу моддага кўра:

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Ана шу шахслар мазкур Кодекснинг 61, 116-1, 116-2, 116-3, 125, 125-1, 126, 127, 128, 128-1, 128-2, 128-3, 128-4, 128-5, 128-6, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135-1, 136, 138, 183, 185, 194, 209-1, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилади. Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларга нисбатан (ушбу Кодекснинг 194-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар бундан мустасно) ишлар вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин, ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг ишлари эса шу комиссияларга берилиши лозим.

Ушбу моддага таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, модданинг 2-қисмида назарда тутилган моддалар қаторида Давлат экология қўмитаси ва унинг ваколатли органларига тааллуқли ишлар мавжуд эмас, шундай экан, вояга етмаганларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлари Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар томонидан ҳал этилади.

**МЖТКнинг 15-моддасида мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигига оид нормалар назарда тутилган.**

Мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

**Мансабдор шахс деганда** – доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро

этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс тушунилади.

Давлатнинг бирон-бир ҳокимият органи номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳокимият вакили деб эътироф этилади.

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

МЖТКнинг 16-моддасига мувофиқ, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун, жумладан ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига жарима солиниши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар жумласига кирмайдиган, интизом уставлари ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

Агар фуқаро ажнабий фуқаро бўлса ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса, унга нисбатан МЖТКнинг 17-моддаси тартиби қўлланилади. Ушбу моддага биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекснинг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

**Қайси ҳолатларда фуқаролар содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди ва уларнинг ҳаракати маъмурий ҳуқуқбузарлик саналмайди?**

Қуйидаги ҳолатларда фуқароларнинг ҳаракатлари маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас:

содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик **зарурий мудофаа** ҳолатида йўл қўйилган бўлса;

содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик **охирги зарурат** ҳолатида йўл қўйилган бўлса;

шахс ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида **ақли норасолик** ҳолатида бўлган бўлса;

шахс ҳуқуқбузарликни **жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш** натижасида содир этган бўлса ва агар бундай мажбурлаш ёки қўрқитиш натижасида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса.

МЖТКнинг 18-моддасига асосан ушбу Кодексда ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик саналмайди.

**Зарурий мудофаа ҳолатидаги ҳаракат** деганда биз, шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтидаги ҳаракатини, бироқ бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган ҳаракатини тушунишимиз лозим.

МЖТКнинг 19-моддасига мувофиқ, ушбу Кодексда ёки бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, ҳуқуқларга ҳамда қонун билан ҳимоя этиладиган манфаатларга зарар етказган, лекин охирги зарурат ҳолатида содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик саналмайди.

**Охирги зарурат ҳолатидаги ҳаракат** деганда шахсга ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни бартараф этиш учун содир этилган ҳаракатларни тушунамиз., Ҳолат охирги зарурат ҳолати деб ҳисобланишининг яна муҳим шартларидан бири шуки, башарти хавф ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаслиги керак ҳамда етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлиши лозим.

**Ақли норасолик вақтидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик** деганда биз МЖтКнинг 20-моддасига мувофиқ ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахсни тушунишимиз керак.

Эътибор бериладиган яна бир муҳим масалалардан бири – бу ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш масаласидир.

МЖтКнинг 21-моддасига биноан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин.

Бироқ бу масалада шунга аҳамият қаратишимиз зарурки, бундай важлар асосида жавобгарликдан озод қилиш маъмурий судларнинг ваколатига тегишидир. Айнан 21-модданинг 2-қисмида ҳам “агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги ҳақида хулосага келса, иш ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун ушбу Кодекснинг 308-1-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади” дейилганлиги бежиз эмас.

МЖтКда маъмурий жазо масаласи энг муҳим масалалардан биридир. Давлат экология кўмитасининг экологик назоратга масъул бўлган ходимлари маъмурий жазоларнинг турларини ва умуман, маъмурий жазони қўллашдан мақсад нима эканлигини албата билиши керак.

Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади (МЖтКнинг 22-моддаси).

#### **Маъмурий жазонинг турлари қуйидагилардан иборат:**

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамокқа олиш.

6) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

Маъмурий жазо масаласига тўхталадиган бўлсак, Давлат экология қўмитаси масъул ходимлари томониданг энг қўлланилиши мумкин бўлган жазо – бу маъмурий жарима эканлигини эътироф этишимиз керак.

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чоралари МЖТК билан бирга, агар бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бўлса ушбу ҳужжатларда белгиланган доирада ва тартибда қўлланилади.

Давлат инспектори ҳуқуқбузарга нисбатан жазо қўллар экан, бу жараёнда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятини, ҳуқуқбузарнинг шахсини, унинг айбдорлик даражасини, мулкӣ аҳволини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиши керак.

**Хўш, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар деганда нимани тушунамиз?**

МЖТКнинг 31 ва 32-моддаларида айнан жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга аниқлик киритиб қўйилган.

Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;

2) айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;

3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;

4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;

5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;

6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин (МЖТКнинг 31-моддаси).

Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

- 1) ғайрихукукий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;
- 2) маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;
- 3) вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш;
- 4) ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;
- 5) ҳуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;
- 6) ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши.

Маъмурий жазо чорасини қўлланувчи орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин (МЖТКнинг 32-моддаси).

### **Енгилроқ жазо чорасини қўллаш.**

МЖТКнинг 33-моддасида жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олиб, тегишли моддалардаги жазодан ҳам камроқ ёки ушбу моддада белгиланмаган янада енгил жазо қўллаш мумкинлиги ҳақида сўз боради.

Ушбу моддага биноан, суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо ёки ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа янада енгил жазо чорасини қўллаши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда, енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ишни ушбу Кодекснинг 308-1-моддасида белгиланган тартибда судга юборади.

### **Бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўллаш**

Битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.



Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айна бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқиладиган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти шахс ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўғрисидаги ишларни ҳар хил орган (мансабдор шахс) кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти шахс ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги тегишли модда билан маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилган ҳолда (ушбу Кодекснинг 1881-моддаси) содир этган бўлса, иш материаллари кўриб чиқиш учун судга топширилади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин (МЖТКнинг 34-моддаси).

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

## **Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи органларга тааллуқли маъмурий ишлар**

Албатта, мазкур масалага оид энг зарур қоидалар МЖТКда аниқ қилиб белгилаб қўйилган, ушбу Кодекснинг 18-боби ва ушбу бобдаги 245-моддадан 268-2-моддаларга қадар бўлган қоидалар маъмурий ишлар бўйича вколатли органларга бағишланган. Ҳар бир ваколатли давлат органларига тааллуқли бўлган маъмурий ишлар алоҳида моддалар кўрсатилган ҳолда баён этилган, ушбу бобда.

МЖТКнинг 261-моддасида айнан бизга керакли қоидалар – экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи органларга тааллуқли маъмурий ишлар қайд этиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 8-бобида ва ушбу бобдаги 65-95-моддаларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликлар келтирилган.

Бевосита Давлат экология қўмитаси тизимидаги мансабдор шахсларнинг ваколатларига тегишли бўлган маъмурий ишлар мазкур Кодекснинг 261-моддасида назарда тутилган жами 38 та моддадан иборатлигини яна бир бор таъкидлаб ўтамиз.

**МЖТКнинг 261-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларига тегишли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларга қуйидагилар киради:**

мазкур Кодекснинг **63-моддасида**, **65-моддасининг иккинчи қисмида** (*бундан қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганлик мустасно*), **68-моддасида** (*шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга, сув фонди ерларига оид қисмида*), **70-моддасида**, **70<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида**, **71-моддасида** (*табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида*), **72-моддасида** (*бундан термал ва ичимлик сувларига доир қисми мустасно*), **73-моддасида**, **74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида**, **75-моддасида** (*бундан ирригация тармоқларидан олинadиган сувларни ҳисобга олиш мустасно, шунингдек давлат сув кадастрини юритишининг белгиланган тартибини бузганлик учун*), **77-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида**, **78, 79, 80, 81, 82, 83, 84-моддаларида**, **85-моддасида** (*бундан санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи, атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш мустасно*), **86, 87, 88, 89-моддаларида** (*бундан атмосфера ҳавосига зарарли*

физикавий таъсир кўрсатиши мустасно), 89<sup>1</sup>-моддасида, 90-моддасининг биринчи қисмида, 91, 91<sup>1</sup>, 91<sup>2</sup>, 91<sup>3</sup>, 92, 93, 95-моддаларида, 96-моддасида (давлат экологик экспертизасига оид қисмида), 148-моддасида (бундан ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар мустасно), 162-моддасида, 1631-моддасида (бундан уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиши мустасно), 214-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида), 228-моддасида (табиатни муҳофаза қилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда муҳрлар (пломбалар) қўйилган ҳоллар) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Мазкур моддага кўра, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларига тегишли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни биз қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларига тегишли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар**

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 63-моддаси.**  
Ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиш.

**Мазкур модда билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қандай аниқланади?**

№	МЖтКнинг тегишли моддаси ва модданинг номи	МЖтК тегишли моддасининг диспозиция ва санкцияси
1	<b>63-модда</b> <b>Ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиш</b>	Ғайриқонуний ов маҳсулотларининг тайёрлов ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиб олинishi — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
2	<b>65-модда тўртинчи қисми</b> <b>Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз холга тушириш (қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз холга келтирганлик бундан мустасно)</b>	Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ерларни <u>яроқсиз холга тушириш</u> , уларни ишлаб чиқариш чикитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантириш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн

		бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
3	<p style="text-align: center;"><b>68-модда</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш</b></p> <p style="text-align: center;"><b>(модданинг шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга, сув фонди ерларига оид қисми)</b></p>	<p>Тасдиқланган ер тузилиши лойиҳа ҳужжатларидан тегишли рухсат бўлмайд туриб четга чиқиш, худди шунингдек тегишли органлар билан келишмай туриб объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, ахборотларни беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот бериш —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
4	<p style="text-align: center;"><b>70-модда</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш</b></p>	<p>Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга ўзбошимчалик билан иморатлар қуриш, фойдали қазилма қонларини экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда қон назорати органлари билан келишмай туриб ишга солиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидаларини ва табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш талабларини бажармаслик, ер ости сувлари режимини кузатиш учун қазилган қудуқларни, маркшейдерлик ва геологик белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, худди шунингдек ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар томонидан умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн</p>

бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Конларнинг бой участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хом ашёни қазиб олаётганда ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларни нормативдан ортиқ нобуд қилиш, фойдали қазилма конларини яроқсиз ҳолга келтириш ва фойдали қазилма захираларидан оқилона фойдаланиш талабларини бошқача тарзда бузиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маркшейдерлик ҳужжатларини йўқотиш, тугатилаётган ёки консервация қилинаётган конларни ва бурғиланган қудуқларни аҳолининг хавфсизлигини таъминловчи ҳолатга келтириб қўйиш талабларини, шунингдек консервация вақтида конларни, қазилаётган жойларни ва бурғиланган қудуқларни муҳофаза этиш талабларини бажармаслик —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу

модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

5

**70-1-модда  
биринчи қисми**

**Дарёларнинг ўзанларини  
тозалашга ва қирғоқларини  
мустаҳкамлашга доир ишларни  
амалга ошириш тартибини бузиш**

Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб

		бўлади.
6	<p align="center"><b>71-модда</b></p> <p align="center"><b>Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузиш</b></p>	<p>Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини топилган фойдали қазилмалар захираларига ёки фойдали қазилмалар қазиб олиш корхоналари, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш шароитларига нотўғри баҳо берилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тарзда бузиш, ер ости бойликларини кейинги геологик жиҳатдан ўрганишда ва конларни ишга солишда зарур бўлган геологик ҳужжатларни, фойдали қазилма намуналари дубликатларини ва кернларини йўқотиб қўйиш —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>енг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
7	<p align="center"><b>72-модда</b></p> <p align="center"><b>Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш</b></p> <p align="center"><b>(термал сувларга доир қисми бундан мустасно)</b></p>	<p>Сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Корхоналар, коммунал ва бошқа объектларни сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объектларининг</p>

табiiй ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш (бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун ер ости сувларини якка тартибда олишга мўлжалланган қудуқларни қазиш ҳоллари мустасно), ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган қудуқларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлашга, шунингдек ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялашга ёки йўқ қилишга доир чораларни кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувлари ифлосланишининг ёки сифати ёмонлашишининг манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги иншоотларини ва бошқа объектларни жойлаштириш, —  
фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу

модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

8

**74-модда**

**Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш**

Табiiй сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар) ва бошқа табiiй сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли

**(биринчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари)**

қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, шунингдек лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан олти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан олти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — олти бараваридан ўн тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ер ости сувли қатламларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, ер ости сувли қатламларидан сув олиш лимитларини бузиш, ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан сув олиш, бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун сувдан умумий фойдаланиши мустасно, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

9

**75-модда**

Сув объектларидан олинадиган ва уларга қуйиладиган сув миқдорининг дастлабки



	<p><b>Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш</b></p> <p><b>(ирригация тармоқларидан олинадиган сувларни ҳисобга олиш бундан мустасно, шунингдек давлат сув кадастрини юритишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун)</b></p>	<p>ҳисобини юритиш ва оқиб келиб қўшилаётган сувлар сифатини аниқлаш қоидаларини бузиш, шунингдек давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузиш —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
10	<p><b>77-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари</b></p> <p><b>Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш</b></p>	<p>Тегишли руҳсат олмай туриб иморат солиш, ёғочни қайта ишлаш, омборлар ва бошқа иншоотлар қуриш мақсадида ўрмон фонди ерларидаги дарахтни кундаков қилиш, ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
11	<p><b>78-модда</b></p> <p><b>Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш</b></p>	<p>Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш, ёғоч тайёрлаш ва ташиб олиб кетиш тартибини, шунингдек ўрмон кесиш чиптаси (ордери)да ёки ўрмон чиптасида белгиланган бошқа талабларни бузиш —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>

12	<p align="center"><b>79-модда</b></p> <p><b>Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш</b></p>	<p>Дарахтлар, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
13	<p align="center"><b>80-модда</b></p> <p><b>Ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш</b></p>	<p>Ўрмонларни тиклаш, уларнинг ҳолатини ва тури таркибини яхшилашга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек етилган ёғоч захираларидан фойдаланишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузиш —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
14	<p align="center"><b>81-модда</b></p> <p><b>Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш</b></p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликларни ёки уларнинг яшаш фаолияти натижасида ҳосил бўлган илдизлари, пиёзбошлари, таналари, поялари, новдалари, пўстлоғи, барглари, ғунчалари, гуллари, уруғлари, мевалари, шарбатини (елимини) ва бошқа маҳсулотларини ўзбошимчалик билан йиғиш, —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки</p>

		бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
15	<b>82-модда</b>  <b>Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш</b>	<p>Давлат кўриқхонаси режимини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари ҳамда давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузиш —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
16	<b>83-модда</b>  <b>Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш</b>	<p>Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
17	<b>84-модда</b>  <b>Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги</b>	<p>Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир</p>

	<p><b>талабларини бузиш</b></p>	<p>қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
18	<p><b>85-модда</b></p> <p><b>Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш</b></p> <p><b>(санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш бундан мустасно)</b></p>	<p>Ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни йўл қўйиладиган нормативдан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш; атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатиш; махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатини олиш талаб этиладиган ҳолларда бундай рухсатни олмай туриб атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, худди шунингдек ноқулай метеорологик шароит даврида атмосферанинг ифлосланганлик даражаси ортиб кетишига сабаб бўлувчи ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлашни камайтириш чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда бажармаганлик; бундай моддаларни ёппасига чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширмалик —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосидан белгиланган нормативлардан ортиқча фойдаланиш, худди шунингдек атмосфера ҳавосидан тасдиқланган нормативларсиз ёки махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз фойдаланиш —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг</p>

		<p>икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
19	<p align="center"><b>86-модда</b></p> <p align="center"><b>Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек ундан фойдаланмаслик</b></p> <p align="center"><b>(атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш бундан мустасно)</b></p>	<p>Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш учун ўрнатилган иншоотлар, ускуналар, аппаратуралардан, шунингдек чиқариб ташланадиган зарарли моддалар миқдори ва тартибини назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланмаслик —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
20	<p align="center"><b>87-модда</b></p> <p align="center"><b>Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш</b></p> <p align="center"><b>(атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш бундан мустасно)</b></p>	<p>Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтда шовкин ва бошқа физик таъсир даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш ёхуд ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш чоғида ишлатиб чиқарилган газлардаги ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби ҳамда улар физикавий омилларининг зарарли таъсири тегишли нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминламаслик —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтида шовкин даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган ҳаракатланувчи қурилмалардан фойдаланиш —</p> <p>энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан</p>

		<p>иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
21	<p><b>88-модда</b></p> <p><b>Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик</b></p> <p><b>(атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш бундан мустасно)</b></p>	<p>Қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, маҳсус техник қурилмаларсиз очик аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса, —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
22	<p><b>89-модда</b></p> <p><b>Ўсимликларни химоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни</b></p>	<p>Ўсимликларни химоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини тупроқ, сув,</p>

	<p><b>ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш</b></p> <p><b>(атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш бундан мустасно)</b></p>	<p>атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ёки ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини йўқ қилиб юборилишига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузиш —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етишига олиб келса, —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
23	<p><b>89-1-модда</b></p> <p><b>Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш</b></p>	<p>Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни тегишли рухсатномасиз, худди шунингдек рухсатномада кўрсатилган шартларни бузган ҳолда зарарсизлантириш —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
24	<p><b>90-модданинг 1-қисми</b></p> <p><b>Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш</b></p>	<p>Ов қилиш, балиқ тутиш ёки балиқ захираларини муҳофаза этиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб</p>

25	<p style="text-align: center;"><b>91-модда</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Саноат, рўзғор чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш</b></p>	<p>бўлади.</p> <p>Саноат, рўзғор чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд табиий муҳитга зарар етказган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
26	<p style="text-align: center;"><b>92-модда</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш</b></p>	<p>Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва уларнинг кўчиш йўлларини муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш, тўлдириш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини, зоологик ва ботаник коллекцияларини бошқа жойга жўнатиш ва чет элга олиб кетиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа ерга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
27	<p style="text-align: center;"><b>93-модда</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар</b></p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш —</p>



	<p><b>келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга ҳилоф равишда олиб келиш</b></p>	<p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
<p>28</p>	<p><b>94-модда</b></p> <p><b>Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, соғи камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш</b></p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвон турларига мансуб ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд уларнинг тухум, увилдир қўядиган инларини, бошпаналарини йўқ қилиш, инларини, уяларини ва бошқа яшаш жойларини бузиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар содир этиш ёхуд бундай ҳайвонларни овлаш рухсатномасида кўрсатилган шартларни бузган ҳолда ўлжа қилиш —</p> <p>шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
<p>29</p>	<p><b>95-модда</b></p> <p><b>Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик</b></p>	<p>Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик —</p> <p>фуқароларнинг энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>

30	<p align="center"><b>96-модда</b></p> <p align="center"><b>Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқариш (давлат экология экспертизаси қисмида)</b></p>	<p>Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз ёхуд унга риоя қилмаган ҳолда рўёбга чиқариш, шунингдек бундай хулосаси бўлмай туриб объектларни маблағ билан таъминлаш —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
31	<p align="center"><b>148-модда</b></p> <p align="center"><b>Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш</b></p> <p align="center"><b>(ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бундан мустасно)</b></p>	<p>Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларда темир йўл органлари ва йўл органлари билан келишмай туриб ерни хайдаш, ўт ўриш, дарахт кесиш ва уларга шикаст етказиш, чимларни олиб ташлаш ва тупроқ олиш, канализация, саноат, мелиорация сувларини ва оқова сувларни сув қочириш иншоотларига ва резервларига оқизиш, шунингдек ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг тўртдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
32	<p align="center"><b>162-модда</b></p> <p align="center"><b>Шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиш ташлаш</b></p>	<p>Айрим жойларда иморат қураётганда шу ерда ўсиб турган дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни ўзбошимчалик билан кесиш ташлаш ёки бошқа жойга кўчириш, шунингдек фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўз ихтиёрларидаги дов-дарахтларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаслиги —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>

33	<p style="text-align: center;"><b>214-модда</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузиш</b></p> <p style="text-align: center;"><b>(табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида)</b></p>	<p>Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг), сертификатлаштириш органларининг ва аккредитация қилинган синов лабораторияларининг (марказларининг) маҳсулотни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузиши;</p> <p>энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —</p> <p>фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
34	<p style="text-align: center;"><b>228-модда</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Мухрлар (пломбалар)ни қасддан бузиш ёки юлиб олиш</b></p> <p style="text-align: center;"><b>(табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда мухрлар (пломбалар) қўйилган ҳоллар)</b></p>	<p>Ушбу Кодекс 146-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда ваколатли мансабдор шахс қўйган мухрлар (пломбалар)ни қасддан бузиш ёки юлиб олиш —</p> <p>энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p><b>Кодекснинг 146-моддаси иккинчи қисми:</b></p> <p>Ҳаво кемалари, юк вагонлари, автомобиллар, автомобиль тиркамалари, контейнерларнинг, сузувчи воситалар трюмлари ва бошқа юкхоналарининг пломбаларига ва бекиткич қурилмаларига шикаст етказиш, уларнинг пломбаларини бузиш, айрим юк ўринларига ва юк ўрамаларига, пакетларига, юк қўраларининг, темир йўл станцияларининг, юк автомобиллари станцияларининг, контейнер пунктларининг (майдончаларининг), портларнинг (пристанларнинг) ва юк ташиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш учун фойдаланиладиган омборларнинг тўсиқларига шикаст етказиш, шунингдек тегишли рухсати бўлмайд туриб юк қўраларига, контейнер пунктларига (майдончаларига), портлар</p>

	(пристанлар), шлюзларнинг юк турган хуудларига (жойларига) ва юқорида зикр этилган омборларга кириш — Энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
--	---

Бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммаси-га юклатилган тегишли давлат органининг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузади (давлат органларининг рўйхати ва ваколатлари илова қилинади).

Агар фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдир-маса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаса, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан эса, фақат Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда, шунинг-дек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди.

Жарима тўлаганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги квитанция берилади.

Башарти, фуқаро ўзига солинадиган жаримага эътироз билдирса, у ҳолда баённома тузилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, башарти, баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир қилинган жойда тузиш мумкин бўлмаса, ҳуқуқбузар милиция ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс томони-дан милицияга ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтирилиши мумкин.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсиз-лигини сақлаш, транспортда юкларни бут сақлашни таъминлаш борасида-ги қоидалар, транспортда ёнғиндан сақлаш қоидалари, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши кураш-санитария қоидалари бузилган тақдирда, ҳуқуқбузар, агар унда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин

бўлган гувоҳлар бўлмаса, ваколатли шахс томонидан милицияга ушлаб келтирилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарни олиб келиш иложи борича қисқа муддатда амалга оширилиши лозим.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб келинган шахс бу ерда бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас.

## **Текширишларни ўтказишда Давлат экология қўмитасининг инспекторларига бўлган умумий талаблар**

Давлат экология қўмитаси тизимининг мансабдор шахслари назорат фаолиятини амалга оширишда унинг вакили ва бир вақтнинг ўзида лавозим бўйича мажбуриятлари қонун йўли билан ҳимояланган ҳукумат вакили саналади.

Инспекторнинг барча хатти-ҳаракатлари қонунчилик, объективлик, шахснинг ҳақ-ҳуқуқларига ҳурмат, табиатдан фойдаланувчиларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш тамойилларига асосланиши зарур ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитасининг ваколатлари, шунингдек, аниқ субъектни ҳўжалик фаолиятининг текшириш муддатига белгиланган расмий топшириғи (текшириш дастури) билан чегараланади.

Агар табиатдан фойдаланувчилар фаолиятини текшириш жараёнида бевосита ва билвосита шахсий манфаатдорлик ҳолатлари аниқланса, инспектор бу ҳақида Давлат экология қўмитасининг тегишли органи раҳбарига ёзма равишда хабар бериши лозим.

Текширилаётган табиатдан фойдаланувчининг раҳбари ёки вакили билан қариндош-уруғчилик муносабатлари мавжуд бўлса, шунингдек, мансабдор шахс ҳамда текширилаётган табиатдан фойдаланувчининг раҳбари ва (ёки) вакили илгари қатнашган ёки айни пайтда қатнашаётган шахсий мулкӣ ёхуд номулкӣ кўринишдаги фуқаролик-ҳуқуқӣ можаро мавжудлиги ва унда гумонланувчи, айбланувчи, гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида иштирок этганлиги мансабдор шахсни текширишда қатнашишдан воз кечиши ёки четлаштирилиши учун асос бўлади.

Масалан, Давлат экология қўмитасининг ички меъёрий ҳужжатларида сўнгги беш йил ичида текширилаётган табиатдан фойдаланувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган, шунингдек, унинг раҳбари билан яқин қариндошлик муносабатлари мавжуд бўлган тақдирда шахс текшириш гуруҳининг раҳбари бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилиши мумкин.

## **Текшириш ишлари бўйича комиссия ёки ишчи гуруҳини шакллантириш**

Текшириш ўтказиш учун гуруҳ ўрнатилган тартибда тегишли аттестациядан ўтган, амал қилиш муддати тугамаган махсус гувоҳномага эга бўлган мансабдор шахслардан иборат ҳолда тузилади.

Гуруҳ раҳбарлигига одатда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, жумладан, табиатдан фойдаланувчилар фаолиятини текшириш бўйича юқори тажрибага эга бўлган малакали мутахассисларни тайинлаш тавсия этилади.

Гуруҳ таркибига текширилаётган субъектнинг хўжалик фаолиятига ўхшаш ёки мос ҳолда касбий тайёргарлик ва тажрибага эга бўлган мансабдор шахслар киритилади.

Муайян бир табиатдан фойдаланувчининг фаолиятини текшириш учун гуруҳ ташкил этилаётганда унинг фаолияти билан таниш ёки аввалги текширишда иштирок этган мансабдор шахсларнинг гуруҳга киритилишига эътибор берилади.

Гуруҳ аъзолари сон жиҳатидан чекланмайди.

### **Текшириш ўтказиш бўйича иш берувчининг буйруғини расмийлаштириш**

Табиатдан фойдаланувчиларнинг атроф муҳит муҳофазаси бўйича фаолиятлари юзасидан текшириш ўтказиш учун давлат назорат органи раҳбарининг буйруғи асос бўлиб хизмат қилади.

Буйруқ унда кўрсатилган мансабдор шахсларга муайян вазифаларни аниқ бир муддатда ва муайян объектда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни расмий равишда белгилаб берувчи ҳужжатдир.

Текшируш ўтказиш ҳақидаги буйруқни Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитасининг раиси ва раис ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси давлат экология қўмитаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари, Биоинспекция ва Аналитик назорат маркази бошлиқ ва уларнинг ўринбосарлари чиқариши мумкин.

Буйруқ қўмитанинг махсус буйруқ бланкасида чиқарилади ва қуйидагиларни акс эттириши керак:

- давлат назорат органи номи;
- буйруқ чиқарилган сана;
- буйруқни қайд этиш журналидаги тартиб рақами;
- давлат назорати органлари раҳбари ёки раҳбар ўринбосари лавозимининг тўлиқ номи.
- буйруқни имзолаган шахснинг исми, отасининг исми ва фамилияси ҳамда лавозими.

**Буйруқ мазмунида қуйидагилар бўлиши керак:**

а) унинг мавзусини акс эттирадиган қисқача номи. Масалан: “Қўнғирот сода заводи”да (2017-2018 йиллар ва 2019 йилнинг 9 ойи давомида) атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги фаолияти бўйича текшириш ўтказиш тўғрисида;

б) текшириш ўтказиш топширилган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми ва шарифи, лавозими. Мансабдор шахслардан бири текшириш гуруҳи раҳбари этиб тайинланади;

в) текширишни бошлаш ва тугатиш вақтлари кўрсатилган текшириш ўтказиш муддати (сана, ой, йил);

г) атроф муҳитни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси раиси ёки раис ўринбосари, ҳудудий қўмиталар раиси ёки раис ўринбосарлари томонидан сана, ой ва йили билан имзоланган ва текшириш ўтказиш учун тасдиқланган саволнома (текшириш дастури);

д) субъектнинг солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР).

Буйруқ текширишга жалб этилган мансабдор шахсларнинг имзолари билан олдиндан таништирилади ва буйруқнинг бир нусхаси гуруҳ раҳбарига берилади.

### **Текшириш ўтказишга ҳозирлик кўриш**

Мансабдор шахслар навбатдаги инспекция текширишидан олдин корхонада ўтказилган сўнгги текшириш ҳужжатлари билан танишиб чиқишлари керак. Ўрганиладиган ҳужжатлар таркибига қуйидагилар киради:

- объектларни ишга тушириш, унинг тизими, ишлаб чиқариш майдонлари ва цехларнинг ҳудудий жойлашуви, корхона ҳудудида бошқа табиатдан фойдаланувчи объектларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш фаолиятининг лойиҳавий қуввати, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган хом ашё;

- ифлослантирувчи моддаларни ташлаш ва оқизиш манбалар инвентаризацияси ва ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари инвентаризациясига оид ҳужжатлар;

- табиатдан фойдаланувчиларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид давлат статистик ҳисоботлари ва тушунтириш хатлари;

- табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармаси (ТМҚМЖ) билан ҳамкорликда атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун (ҳар чоракда, йилига бир маротаба) компенсация тўлови ҳисоб-китобларининг амалга



оширилиши, мавжуд қарздорликни тўлаш бўйича графикнинг бажарилиши ва солиштирма-далолатномалар тузилганлиги;

- атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаш ва оқизишни камайтириш, чиқиндиларни бошқариш, ер ресурслари ва ер ости бойликлари, сув ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича ташкилий-техник тадбирлар режаси ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар;

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Ҳаракат дастурлари тўғрисидаги республика Президенти ва ҳукумат қарорлари материаллари, маҳаллий органлар қарорлари – атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг тармоқ дастурлари, уларнинг илгари бажарилганлигига оид материаллар ва бошқалар маълумотлар;

- олдинги ўтказилган текшириш далолатномаси, берилган мажбурий кўрсатмалар ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар;

- корхона ҳамда бошқа экологик лабораториялари томонидан мустақил равишда, шунингдек АНМ томонидан ўтказилган атроф муҳитни (ҳаво, сув, тупроқ) ифлослантирувчи манбалар мониторинги материаллари;

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, атроф муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариш (оқизиш) меъёрлари ва чиқиндиларни жойлаштириш лимити, ер ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш бўйича меъёрий ва рухсатнома ҳужжатлари;

- АТТА лойиҳаси, АТТА, ЭОТА лойиҳаларига берилган давлат экологик экспертизаси хулосалари;

- берилган экологик сертификатлар;

- текшириш ўтказилаётган корхонада атроф табиий муҳит муҳофазаси фаолиятига доир бошқа материаллар.

Табиатдан фойдаланувчининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларига риоя қилиш фаолиятини ўрганиш учун намунавий саволнома рўйхати **1-иловада** келтирилган.

Текширишга тайёргарлик жараёнида текшириш гуруҳи раҳбари ёки мансабдор шахс намунавий саволнома асосида текширилиши мўлжалланаётган табиатдан фойдаланувчининг фаолияти ва атроф муҳитга кўрсатадиган таъсирдан келиб чиқиб алоҳида саволнома ишлаб чиқади.

## **Атроф мухитни муҳофазаси бўйича олиб борилаётган фаолияти юзасидан назорат текширишларини амалда ўтказиш**

Мансабдор шахс корхонага келиши билан корхона раҳбарини, у бўлмаган тақдирда вазифалар тақсимооти ёки лавозим йўриқномасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини назорат қилиш учун масъул бўлган унинг ўринбосари ёки бош муҳандисини текшириш мақсади билан таништириши шарт.

Корхонанинг “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”га тегишли ёзув киритади (текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш намунаси **2-иловада** келтирилган), корхона раҳбаридан текшириш буйруғининг кўчирма нусхаси, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвалидан кўчирма, текшириш саволнома дастури тақдим этилганлиги ҳақида тилхат олади (тилхат намунаси **3-иловада** келтирилган).

Корхонада “Текширишларни рўйхатга олиш китоби” бўлмаса ёки раҳбар уни тақдим этмаса, мансабдор шахс ушбу ҳолатни далолатномада акс эттириши лозим.

Текширишни фақатгина корхона раҳбари томонидан белгиланган корхона вакили иштирокида ўтказишга рухсат берилади. Корхона маъмуриятини огоҳлантирмай ва корхона вакили иштирокисиз ишлаб чиқариш участкалари, цехларни кўздан кечириш ман этилади.

Ишлаб чиқариш участкаларини кўздан кечиришдан олдин давлат инспектори табиатдан фойдаланувчининг техника ҳавфсизлиги қоидалари бўйича тушунтириш (йўл-йўриқ) олиши лозим.

Мансабдор шахсга текширишни ўтказиши учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши, яъни телефон алоқа мавжуд бўлган алоҳида хона, автотранспорт воситаси ва махсус кийим ажратиб берилиши шарт. Ажратилган автотранспорт воситасидан шахсий мақсадларда фойдаланиши тақиқланади.

### **Режали текшириш**

Корхонада режали текшириш табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг барча йўналишлари (атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурслари, ер ости бойликлари, чиқиндилар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) бўйича муносабатларини ўрганиш мақсадида ўтказилади.

Режали текширишнинг натижалари маълумотнома, хат ва бошқа инфор­мацион ҳужжатларни тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тасдиқланган текшириш саволномасига асосан барча вазиятлар ва текшириш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилади (4-илова).

### **Корхонада режали текшириш қўйидаги босқичлар асосида ўтказилади:**

**1-босқич** – тақдим этилган ҳужжатларга асосан корхонада табиатни муҳофаза қилишга доир ишлар ташкил этилишининг ҳолатини текшириш;

**2-босқич** – ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга ташлаш миқдорини камайтириш, атмосфера, ер, сув ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни бошқариш, ер ва сув ресурслари ҳамда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилишини текшириш;

**3-босқич** – корхонанинг ҳозирги ҳолатини меъёрий ҳужжатларга, лойиҳавий кўрсаткичларга ва иш тартиби талабларига мувофиқлигини текшириш (корхона ҳудудини кўздан кечириш);

**4-босқич** – атроф муҳитни ифлослантирувчи манбалардан (ташланмалар, оқава сувларни оқизиш, чиқиндиларни тўплаш участкалари, шамол эсишини инобатга олиб тупроқ намуналарини ишлаб чиқариш зоналаридан ташқарида олиш) намуналарни олиш ҳамда уларни таҳлил натижаларини тақдим этиш;

**5-босқич** – инспекцион текшириш натижаларини тегишли кўрсатмалар билан расмийлаштириш;

**6-босқич** – атроф муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузган шахсларга нисбатан маъмурий ва бошқа жавобгарлик чораларини кўриш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

**7-босқич** - юқори лавозимдаги мансабдор шахслар томонидан далолатнома, кўрсатма, қарор ва бошқа ҳужжатларнинг ўрнатилган талабларга мослигини текшириш, ўтказилган текширишлар тўғрисидаги тегишли ҳисоботни Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссиясига тақдим этиш;

**8-босқич** – маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги қарорлар ва берилган кўрсатмалар бажарилишини назорат қилиш ҳамда назорат тартибидаги текширишларни ўтказиш.

### **Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ишларни ташкил қилиш ҳолатини текшириш (1-босқич)**

Мансабдор шахс ишлаб чиқариш корхонасида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга доир мавжуд ҳужжатларнинг юқори ташкилотнинг талаблари

ва кўрсатмасига, давлат назорат органларининг қайдларига ва бошқа меъёрий материаллар талабларига мувофиқлигини ўрганишдан бошлайди.

Атроф табиий муҳит (атмосфера, сув ва биологик ресурслар, чиқиндиларни жойлаштириш, ер, ер ости бойликлари) ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи корхоналарда:

- тегишли буйруқ ёки бошқа ҳужжат билан атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича хизматлар белгиланганлиги, атмосфера ҳавосига (сувга) саноат ташланмаларининг бирламчи ҳисобини юритиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича маълумотларни аниқлигини таъминлаш бўйича масъул шахс тайинланганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитасининг аттестация кўригидан ўтган атроф табиий муҳитнинг ифлосланишини назорат қиладиган, атмосфера ҳавоси ва сувга ташланмалар манбалари, тупроқ таркибидаги ифлослантувчи моддаларни аниқлайдиган, шунингдек, имкон бўлса, санитар-муҳофаза ва селитеб зоналаридаги ер усти қатлами, атмосфера ҳавоси ҳолатини назорат қиладиган экологик лабораториялар ташкил қилинганлиги;

- фаолият кўрсатаётган экологик лабораториялар Ўзстандарт агентлиги идораларининг текширишидан ўтган ҳамда текшириш муддатлари тугамаган асбоб-усуналар ва назорат-ўлчов приборлари билан жиҳозланганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси билан келишилган табиий муҳит ифлосланиши устидан назорат ўтказиладиган қўлланмалар мавжудлиги;

- корхонада чанг ва газ ушлаш қурилмалари, сув таъминоти-канализация хўжалиги ва ифлосланган оқава сувларни тозалаш иншоотларидан фойдаланиш, чиқиндиларни жойлаштириш участкалари бўйича ҳамда ҳар бир цех учун жавобгар шахслар тасдиқланганлиги;

- табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар ҳамда меъёрий-техник ҳужжатлар;

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тасдиқланган ишлар режаси ва улар бажарилиши тўғрисида маълумотлар;

- корхона раҳбари томонидан тасдиқланган ва ўрнатилган тартибда тегишли ҳудудий Давлат экология қўмитаси билан келишилган атмосфера ҳавосига чиқиндиларни ташловчи ва оқава сувларни чиқарувчи манбаларда асбоб-ускуналар билан ўлчов ўтказиш бўйича режа-график бўлиши шарт.

Ўзгидромет хизмати томонидан ноқулай об-ҳаво шароитлари ҳақида хизмат кўрсатувчи корхоналарда бўрондан огоҳлантириш тўғрисида ахборотлар қабул

қиладиган ва корхонада ташламаларни вақтинча тартибга солиб турувчи масъул шахслар тайинланган бўлиши керак.

Автотранспорт корхоналарида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи кўчма манбаларидан чиқариладиган газларнинг захарлилик даражасини (ис ва газларнинг қалинлигини) ўлчаш бўйича жавобгар шахс белгиланган бўлиши зарур.

Юқорида кўрсатилган атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ барча ишларни бажариш учун жавобгар шахслар корхона буйруғи асосида, тармоқ низоми ва тасдиқланган мансаб йўриқномасига мувофиқ уларнинг лавозими, фамилияси, исми-шарфи ва қайси иш участкасига жавобгарлиги кўрсатилган ҳолда тайинланиши лозим.

Жавобгар шахс узоқ муддат ишда бўлмаса, унинг вазифасини бажариш бошқа шахсга юкланади, агар ишдан бўшатиб – буйруқ билан унинг ўрнига корхонанинг бошқа ходими тайинланиши шарт.

Мансабдор шахсга ушбу масала бўйича барча корхонадаги мавжуд ҳужжатлар тақдим этилиши зарур.

Мансабдор шахс текшириш далолатномасини мавжуд ва тақдим этилган ҳужжатлар асосида тузишга мажбур, оғзаки маълумотларга таяниб тўлдириш тақиқланади.

Мансабдор шахс корхонадаги кириш ҳужжатларини қайд этиш китобидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан корхонага келган фармойишлар, қарорлар, буйруқлар, хатлар, кўрсатмаларнинг номи ва қисқача мазмунини ёзиб олади, сўнгра ҳар бир кириш ҳужжатининг бажарилиши диққат билан текширилади.

Одатда юқори ташкилотнинг раҳбарий ҳужжатлари ва давлат назорат органларидан келган кўрсатмалар асосида корхонада буйруқ чиқарилиб, унда аниқ тадбирлар, уларнинг ижро муддатлари ва ижрочилари кўрсатилиши шарт.

Мансабдор шахс ҳужжатлар билан ишлаш вақтида табиий муҳитни ифлослантирувчи манбаларни хатловдан (инвентаризация) ўтказди ҳамда услубий қўлланмалар мавжудлиги, бажарилган ҳисоб-китоблар тўғрилиги, услубий қўлланмалар талабларига риоя қилиниши, ишлаб чиқариш жараёнида технологик ускуналарда ишлатиладиган ёки чиқариладиган барча зарарли моддаларни ҳисоботи тўлиқлигини текширади.

Экологик лабораториянинг ишчи журналлари ва ҳисоботлари орқали атмосфера ҳавосига, сув ҳавзаларига чиқарилган ташланмалардан намуналарни олиш жадвалига, РЭЧЧ (ПДВ), РЭЧТ (ПДС) меъёрларига амал қилиниши назорат жадвалига риоя қилиниши, зарарли моддалар таркиби қайси услублар орқали таҳлил этилиши, мазкур услублар қачон ва ким томонидан келишилиб,

тасдиқланганлиги текширилади. Текшириш вақтида чиқарилган газлардаги зарарли моддалардан намуна олиш ва зарарли моддалар таркибини аниқлаш услублари келишилган бўлишига, аниқлаш диапазони доираси эса зарарли моддаларнинг амалдаги миқдорига мувофиқ бўлишига эътибор қаратиш керак.

Олинган намуналар ва лаборатория таҳлилларининг барча натижалари алоҳида журналда рўйхатга олинади, унинг шакли тармоқ бўйича кўрсатмалари ва қўлланмалари билан белгиланади.

Лаборатория таҳлилларининг натижалари лаборатория томонидан турғун ифлослантирувчи манбалар (ПОД-1 ва ПОД-13 шакли) ҳисоби ва тавсифи журналини юритиш учун масъул бўлган ходимларга берилиши лозим.

Мансабдор шахс атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат статистик ҳисоботлар тўғрилигини текширишда тозалаш иншоотларининг бирламчи ҳисоботи ва сувдан фойдаланиш (ПОД-1, 2, 3, 11, 12, 13) ҳисобини юритиш журналларининг маълумотларига асосланади.

Бухгалтерия ёки атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлимининг ҳисоб-китоб гуруҳида мансабдор шахс табиий муҳит ифлосланиши ва табиий ресурслардан фойдаланиш учун компенсация тўловлари бўйича ишлар ҳолатини ва тақдим этилган табиий муҳит ифлосланганлиги учун компенсация тўловлари ҳисоб-китобларининг ҳаққонийлигини текширади:

а) атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларини ҳисоб-китобини ва ҳисобини назорат қилиш бўйича корхона буйруғи билан тасдиқланган ишчи гуруҳ мавжудлиги;

б) корхонада лавозим мажбуриятларига кўра атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун компенсацион тўловларни ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисобини юритишни ким назорат қилади;

в) атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаш, оқава сувларни оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштириш миқдорининг ҳисоб-китоблари қандай ташкил қилинганлиги.

Шу билан бирга корхона томонидан атроф муҳитни ифлослантирганлик учун ҳисоб-китоблар ҳар чоракда амалга оширилаётганлиги текширилади.

*Масалан, атроф муҳитни муҳофаза қилиш хизмати ҳар чоракда кейинги ойнинг 5 санасигача экологик лаборатория томонидан бажарилган инструментал ўлчовлар натижалари, ҳисоб-китоб-баланс усуллари ва амалда чиқарилган ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндилар ҳажми асосида компенсацион тўловларни ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси (ТМҚМЖ) билан келишган ҳолда ҳисоб-китоб қилиши лозим.*

*Ифлослантирувчи моддалар ташланмалари, оқава сувларнинг атроф муҳитга чиқарилиши ва чиқиндиларни жойлаштиришни ҳисоб-китоб қилиш қўйидагича ўтказилади. Экологик лаборатория ҳар ойда зарарли моддаларнинг атмосфера ҳавосига ташланиши ва оқава сувларнинг сув ҳавзаларига оқизилиши устидан назорат олиб боради. Меъёрий ҳужжатлар талабларига биноан алоҳида ингредиентлар миқдорини (концентрацияларини) аниқлаш учун намуналар ҳар бир манбадан алоҳида инструментал тарзда олинади. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи баъзи бир моддалар концентрациялари ҳисоб-китоб усули билан аниқланади. Ифлослантирувчи моддаларнинг олинган концентрацияси асосида ташланмалар миқдори аниқланади. Олинган маълумотлар РЭЧЧ меъёрлари ва чиқиндилар ҳосил бўлиш лимити (тоннада) билан солиштирилади. Оқава сувларни назорати ушбу сувлар таркибида ингредиентлар ( $\text{мг/дм}^3$ ) миқдорини РЭЧТ билан солиштирган ҳолда амалга оширилади.*

Мансабдор шахс атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсацион тўловларнинг ҳисоб-китобларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф муҳитни ифлослантиргани ва чиқиндиларни жойлаштиргани учун тўловлар тизимини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги Қарори ва 2006 йили 6 февралдаги 15-сонли “Махсус табиатдан фойдаланиш учун тўловлар тизимини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги қарорларига ҳамда корхоналар учун белгиланган РЭЧЧ, РЭЧТ, РЭЧЧн (рухсат этилган чегаравий чиқиндилар) тасдиқланган меъёрий ҳужжатларига, шунингдек давлат статистик ҳисоботларга 2-экология, 2-ТП (сув хўжалиги), 3-экология ёки 1-КБ - амалдаги ифлослантирувчи моддалар ташланмалари, чиқармалари ва жойлаштирилган чиқиндилар ҳажми мос келишини текшириши лозим;

г) ушбу ҳисоб-китобларда атроф муҳитга авария ҳолатда, бирданига миқдорли ва ташламалар, оқава сувларни оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштириш ҳолатларининг ҳисоби олиб борилганлигини, ушбу ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни ҳисобга олиш шарт эмаслигини алоҳида қайд этиш лозим. Акс ҳолда корхона томонидан бажарилган ҳисоб-китоблар тўғрилигини текшириш лозим ёки мансабдор шахс томонидан компенсацион тўловлар бўйича қўшимча ҳисоб-китоблар ўтказилади;

д) компенсацион тўловлар, аванс бадаллари, пеньялар ва қарздорлик Давлат экология қўмитасининг махсус жамғармаларининг ҳисоб-китоб варақларига ўз вақтида тўланиши қандай назорат этилаётгани, бу бўйича ҳудудий органлар билан солиштирма далолатномалар тузилиши;

е) атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларининг умумий ва бухгалтерия ҳисоб-китоби қандай амалга оширилаётганлиги. Мисол учун, мансабдор шахс корхона атроф табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни жойлаштирганлиги учун компенсация

тўловларининг умумий ва бухгалтерия ҳисоби атроф муҳитни муҳофаза қилиш хизмати томонидан «атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари бўйича» чораклик ҳисоб-китоблар асосида корхона бухгалтериясига топширади. Сўнгра бухгалтерия томонидан бухгалтерлик ўтказмалари бажарилади. Атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловларининг ҳисобланиши ва тўланиши ҳисоби бўйича ҳисоб варақа рақамларини; компенсация тўловлар суммаси ҳудудий қўмиталарнинг қайси ҳисоб-китоб варағига ўтказилганлиги ва тўлов амалга оширилган санаси, келишилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари қаерда сақланишини кўрсатиш лозим;

ж) корхонада компенсацион тўловлар бўйича мавжуд қарзларни ундириш чоралари кўрилаётганлиги, қарздорликни сўндириш жадвали, қарз тўловлари келишувларининг мавжудлиги ва улар қандай бажарилаётганлигини текширади.

Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари олдидаги қарзларни тўлаш учун корхонада тўлиқ ҳажмда пул маблағлари ажратилмаган тақдирда мансабдор шахс компенсацион тўловлар, бадал тўловлари, пенялар ва қарзларни сўндириш бўйича маблағларнинг Қўмитанинг махсус жамғармаси ҳисоб-китоб варағига ўз вақтида ажратилиши назорат механизмини текшириши ва изоҳлаб бериши керак.

Агар корхона компенсация тўловлари бўйича ҳисоб-китобларни бажариши ва уларни тўлаши зарур бўлмаса, мансабдор шахс томонидан ушбу ишларнинг корхона томонидан бажарилмаслиги асослаб берилиши шарт.

*Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитни ифлослантиргани ва чиқиндиларни жойлаштригани учун тўлов тизимини такомиллаштириши тўғрисида”ги 2003 йил 1 майдаги 199-сонли қарори ва “Табиатдан махсус фойдаланиши учун тўловлар тизимини такомиллаштириши тўғрисида”ги 2006 йил 6 февраль 15-сонли қарорларининг тегишли бандларига асосан (банд мазмуни) ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.*

## **Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлар бажарилишини текшириш (2-босқич)**

Мансабдор шахс табиатни муҳофаза қилиш тадбирлар режасининг мавжудлиги ва қандай бажарилаётганини текшириши зарур.

Бунда режага кўрсатма берувчи органлар қарорлари, юқори ташкилот тармоқ дастурлари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан аввал берилган тақдимномалар, РЭЧЧ, РЭЧТ, РЭЧЧн (чиқиндилар) меъёрлари ва чиқиндилар жойлашуви лимитларида кўзда тутилган тадбирлар ва



топшириқлар киритилганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга жорий йилга мўлжалланган ташкилий-техник тадбирлар, май ойидан сўнг эса янги йил учун прогноз кўрсаткичларининг тузилиши кўриб чиқилади.

Текшириш жараёнида корхонда зарарли моддаларнинг атмосферага ташланиши, оқава сувларнинг очиқ ҳавзаларга ёки жой рельефига чиқарилишининг кўпайиши, чиқиндилар ҳосил бўлиши ҳажмларининг ўсиши, сув ресурслари ва ерлар ифлосланиши кучайиши кузатилса ушбу ҳолатларни далолатномаларда акс эттириш лозим. Агарда, корхонада ишлаб чиқаришнинг ўсиши, бошқа ишлаб чиқариш технологияси тадбиқ қилиши, бошқа хом ашё ишлатиши ва бошқа сабабларга кўра атмосфера ҳавосига зарарли моддалар ташланиши, оқава сувлар оқизилиши ёки чиқиндилар ҳажми ўсиши кузатилса, корхона атроф муҳит ифлосланишини камайтирадиган тадбирларни ишлаб чиқиши даркор.

Мансабдор шахс “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонун талабларининг ижросини текшириш мақсадида қуйидаги бўлимларда давлат экологик экспертизадан ўтказиш ҳолати ва АТТА лойиҳаси, АТТА, ЭОТА лойиҳаларининг мавжудлигини ўрганади:

- технологик жараённи такомиллаштириш, корхонада атроф табиий муҳит ифлосланишини камайтирувчи, шунингдек, атмосфера ҳавосига ифлосланттирувчи моддалар ташлашни қисқартирувчи, тоза сув олинишини, оқава сувлар чиқарилишини камайтирувчи, чиқиндиларни ҳосил бўлиши меъёрларини пасайтирувчи, чиқиндиларни қайта ишлаш ва фойдали қазилмалардан унумли фойдаланишни таъминловчи чиқиндисиз ва кам чиқитли технологик жараёнларни жорий қилиш масалаларини назорат қилувчи бош технолог бўлимида ёки бошқа хизматда;

- янги объектлар қурилиши ва ишлаб турган объектлар реконструкция қилиниши лойиҳалари бўйича капитал қурилиш бўлимида (КҚБ). Ушбу бўлимдан давлат инспектори табиатни муҳофаза қилиш объектлар қурилишига ва реконструкциясига капитал маблағлар ишлатилиши бўйича маълумотлар олади (18-КС шаклида). КҚБдаги мавжуд ҳужжатлар асосида давлат инспектори ишчи ва давлат комиссияси таркибига Давлат экология қўмитаси ходимларини киритиш ҳақидаги кўрсатмалар корхонада мавжудлигини текширади.

Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмаган ёки давлат экологик экспертиза хулосаларида кўзда тутилган тадбирлар бажарилмаган ҳолатларда мансабдор шахс далолатномада «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 25, 41-моддалари, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси, “Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилганлигини акс эттиради. Масалан, барча қурилишларга ажратилган майдонларни танлашда, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатлари, янги

технологияни, моддаларни ва материалларни яратиш бўйича ҳужжатларни ва бошқа техникани, шунингдек МЖТКнинг 96-моддасига биноан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

### **Амалдаги ҳолатнинг меъёрий ҳужжатлар, лойиҳа кўрсаткичлари ва регламентга мувофиқлигини текшириш (3-босқич. Корхона ҳудудини кўздан кечириш)**

Табиатни муҳофаза қилиш ишларининг ташкил этилгани бўйича материаллар билан танишиб чиққан мансабдор шахс корхона вакилининг иштирокида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг ҳолатини бевосита ишлаб чиқариш майдонларида текширишни давом эттиради.

Корхонани айланиб чиқишда мансабдор шахснинг қўлида табиий муҳитни ифлослантирувчи барча манбалар мавжудлигини солиштириш, уларнинг ифлослантирувчи манбалар (ташланмалар, чиқармалар, чиқиндилар) инвентаризациясига мувофиқлигини аниқлаш, ҳисобга олинмаган ифлослантириш манбаларини аниқлаш учун ифлослантирувчи манбалар (ташланмалар, чиқармалар, чиқиндилар) инвентаризацияси бўйича ҳужжатлар бўлиши лозим.

Рўйхатга олинмаган барча ифлослантирувчи манбаларни далолатномада акс эттириш ҳамда тегишли инвентаризация ҳужжатларига ва экологик меъёрларга тузатиш киритиш ҳақида кўрсатма бериш зарур.

Ишлаб чиқариш майдонларини кўздан кечириш жараёнида мансабдор шахс куйидагиларни текширади:

- асосий уюшмаган манбалар; чанг ва газ ушлаш қурилмалари (ЧГТУ) билан жиҳозланмаган ташланма манбалари; ташланма ва чиқарма манбаларда намуна олиш учун жиҳозланган шоҳобчаларнинг мавжудлигини;

- давлат ва бошқарув органларининг қарорлари бўйича топшириқларни амалда бажариш ҳолати, корхонанинг ижтимоий ривожланиш режалари, ташкилий-техник тадбирлари, қурилиш ва ЧГТУ реконструкция қилиш тадбирлари, тозалаш иншоотлари бўйича тадбирлар;

- цехларда ПОД-1, 2, 3, 11, 12, 13 намунавий журналларнинг мавжудлиги ва уларнинг тузилиши;

- корхона ҳудудида ва иш жойларида табиатни муҳофаза қилишга оид плакатлар, стендлар ва бошқа тарғибот материалларининг мавжудлиги;

- хом ашё ва тайёр маҳсулотларни экологик талабларга мос ҳолда сақлаш ва транспортировка қилиш қоидаларига риоя этилиши.

Корхонани кўздан кечириш даврида мансабдор шахс табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги ишларни фақат назорат қилмасдан, балки корхона кузатувчиси ва ишлаб чиқариш участкасининг маъмурият вакиллари ёрдамида тадбирлар бажарилмаслиги ва уларни белгиланган муддатдан кечикиш сабабларини ҳам ўрганиб чиқиши лозим.

Мансабдор шахс корхонада текшириш ўтказиш жараёнида атроф муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятида аниқлаган барча камчиликларга унга текширилаётган корхонадан ҳамроҳлик қилаётган кузатувчи, унинг мансабдор шахси ва маъмурият вакилининг эътиборини қаратади.

Мансабдор шахс текширув далолатномасини расмийлаштиришда фойдаланиш учун барча камчиликларни дафтарчага ёзиб боради.

Мансабдор шахс корхона ҳудудини кўздан кечириш даврида давлат экологик экспертиза хулосаларида келтирилган тадбирлар бажарилиши, табиий муҳит ифлосланишига таъсир этадиган объектларни лойиҳалаштириш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириш бўйича талабларнинг бажарилишини текширади.

**Атроф муҳитни ифлослантирувчи манбаларда намуналарни олиш,  
ҳамда таҳлилларни ўтказиш ва улар натижаларини тақдим этиш  
(4 босқич)**

Ишчи гуруҳи раҳбари ёки мансабдор шахс Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитасининг Аналитик назоратга маркази вакиллари билан ҳамкорликда ўлчов асбоб-ускуналар тайёргарлиги текширилади ва намуналарни олиш тўғрисидаги далолатномалар тузилади.

Асбоблар, назорат-ўлчов асбоблари ва жиҳозлар “Ўзстандарт” органлари томонидан текширилган ва рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.

Ифлослантирувчи манбаларда намуналар олиш бўйича режа тузилади, унда қуйидагилар ўз аксини топади:

- атмосфера ҳавосига, оқава сувларга ва тупроққа чиқиндиларни ташлайдиган назорат остидаги манбалар;
- назорат қилинадиган кўрсаткичлар ва газ-ҳаво аралашмасининг аэродинамик кўрсаткичлари;
- бевосита жойда аниқланадиган (таҳлил этиладиган) ўзгарувчан ингредиентлар;
- ифлослантирувчи манбаларни атроф муҳитга таъсирини баҳоловчи намуналар сони ва хажми;

- ифлослантирувчи моддаларни тозалаш даражасини аниқлаш (тахлил этиш) ишлари ўтказиладиган тозалаш иншооти (жумладан ЧГТУ).

Агар корхонада экологик меъёрий ҳужжатлар бўлмаса, экологик хавфи кўпроқ бўлган манбалар ва ифлослантирувчи моддаларни танлаб олиш қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ўтказилади:

- атроф муҳитга таъсири бўйича кенг тарқалган, эмиссияси оммавий характерга эга бўлган ифлослантирувчи моддалар;

- энг кўп захарли хусусиятга эга бўлган ифлослантирувчи моддалар;

- ҳар бир АНМ аттестация доирасида белгиланган ифлослантирувчи моддалар.

Корхонадаги ифлослантирувчи моддалар инвентаризацияси (РЭЧЧ, РЭЧТ) ҳужжатларига ва корхона учун ўрнатилган экологик меъёри асосида биринчи навбатдаги манбалар ва ифлослантирувчи моддалар танлаб олинади ва улар устидан асбобий усуллар билан идоравий ва ишлаб чиқариш назоратини амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш цехларни кўздан кечириш вақтида корхона томонидан тақдим этилган статистик ҳисоботлар ҳаққонийлигини ҳамда РЭЧЧ, РЭЧТ ва РЭЧЧн меъёрларига мос келишини текшириш мақсадида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ташлаш, оқава сувларни оқизиш ва тупроқни ифлослантирувчи манбаларидан мансабдор шахс кўрсатмасига асосан намуналар олинади.

Чиқаётган газлар ва оқава сувлар таркибидаги ифлослантирувчи моддаларни аниқлаш учун намуналарини олиш ва тасдиқланган усулларда таҳлил қилиш АНМ мутахассислари томонидан ўтказилади. Давлат экология қўмитаси томонидан келишувдан ўтган тармоқ услубларидан фойдаланишга рухсат берилади. Мазкур ҳолларда назорат ўлчовларни ўтказишда АНМ вакиллари раҳбарлигида корхоналарнинг экологик ва санитар-саноат лабораторияларни жалб қилишга рухсат берилади.

Атроф муҳитни ифлослантирувчи манбаларда **кузатув инструментал ва инструментал-лаборатория усуллар** билан олиб борилади.

Инструментал усуллар кўчма ва стационар асбоб-ускуналар ва лаборатория жиҳозлари ёрдамида ўтказилади.

Инструментал-лаборатория усуллари ишлаб чиқариш манбаларидан атмосфера ҳавосига чиқиндиларни ташлаш, оқава сувлар ва чиқиндилар билан ифлослантирувчи манбалардан намуналар олиш, келгусида тегишли лабораторияларда кимёвий таҳлил ўтказишда қўлланилади.

Атроф муҳитни ифлослантирувчи манбалардан намуналарни олиш ва уларни сақлаш ишлари табиий муҳит объектлари усуллари талабларига мувофиқ ўтказилади (НВН-33-5.3.01-85, ГОСТ 17.1.5.04-81, ГОСТ 17.4.3.01-83, ГОСТ 17.1.5.05-85, ГОСТ 17.2.4.07-90, РД 118.3897485.14-92, РД 118.3897485.25-94).

Намуналарни олиш корхонанинг технологик жиҳозлари ишлаш тизими ва ишлаб чиқариш қувватига биноан ўтказилади.

Намуналарни олишда ўрнатилган тартибда намуна олиш далолатномаси тузилади (**5-илова**).

Атроф муҳитни ифлослантирувчи моддаларни ўлчаш ишларини амалга ошириш фақатгина аттестациядан ўтган инструментал-лаборатория ва вақтинча рухсат берилган атроф муҳитни ифлослантиришни аниқлаш усуллари ёрдамида ўтказилади.

Ифлослантирувчи моддаларнинг эмиссиясини баҳолаш таҳлиллар асосида олинган кўрсаткичларни ўрнатилган экологик меъёрларга солиштириш йўли билан ўтказилади.

Таҳлилар натижалари бўйича ўлчов баённомаси тузилади (**6-илова**).

Ўтказилган таҳлилар натижалари бўйича далолатнома тўлдириш даврида мансабдор шахс томонидан тегишли хулосалар киритилади.

Атроф муҳитни ифлослантирувчи манбаларнинг экологик меъёрларга нисбатан (РЭЧЧ, РЭЧТ, РЭЧЧн ва бошқа) ортиш ҳолатлари аниқланганда, кўрсатма тузилади, ўрнатилган тартибда тегишли таъсир чоралари - жарима, даъво, ишлаб чиқаришни тўхтатиш тўғрисида ҳужжатлар расмийлаштирилади.

*Масалан, «ИБ «Шуртан ГХК»да 2010 йил 23 ва 29 июнда вилоят аналитик назоратга ихтисослаштирилган инспекцияси томонидан 19 ва 40-сонли манбаларида ўтказилган текширишлар натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди:*

*Норматив чиқинди меъёри бўлмаган ҳолда 19-сонли манбадан углерод икки диоксид чиқиндилари 0,43 г/с ташкил қилди.*

*40-сонли манба чиқиндилари:*

*- углерод икки оксид бўйича 3,118 г/с ташкил қилди, меъёр бўйича эса - 0,372 г/с;*

*- углерод оксиди – 0,237 г/с ташкил қилди, меъёр бўйича эса 0,169 г/с;*

*олинган маълумотлар таҳлили 1, 2, 17, 35,36, 37, 38 манбаларда г/с ўлчанадиган РЭЧТ меъёри ошишини кўрсатмади, 40- манбада олтингузурт икки оксиди бўйича меъёрни ошиши 8,3 ва углерод оксидини меъёрида 1,4 баровар ошиши*

аниқланди. 19–сонли манбада олтингугурт икки оксиди чиқиндисидан ўрнатилган меъёрга асосан бўлиши мумкин эмас (7.1 ва 7.2.).

**Юқорида қайд этилган ҳолатлар «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси ва «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун атмосфера ҳавосининг меъёрдан ошиқ ифлосланиши қисмига тегишли 3 ва 8-моддасини бузилишига олиб келди.**

Текширишлар давомида 2010 йили 23 июнь куни тозалаш иншоотларининг самарадорлиги ( завод ичидаги ва ишчилар шаҳарчасидаги) ва РЭЧЧ меъёрларига мос келишини аниқлаш мақсадида АНИДИ ходимлари томонидан 7 кўрсаткичлар бўйича намуналар олинди. Тахлил натижалари шуни кўрсатдики корхонанинг 1-сонли манба бўйича чиқиндилар РЭЧЧ меъёрига мос келишини, 2-сонли манбада эса РЭЧЧ меъёрлари БПК 5 дан – 3,3 ва нефтьмаҳсулотлари бўйича 3,6 мартаба ошганлигини кўрсатди, бу ҳолат эса “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун 74-моддасининг биринчи қисмига мос келмаслигидан далолат берди.

### **Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг ҳолатини текшириш натижаларини расмийлаштириш (5-босқич)**

Корхонанинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини текшириш натижаларини расмийлаштиришда далолатнома тузилади. У ўрнатилган тартибда қилинган ишлар ва берилаётган кўрсатма бўлимларидан иборатдир.

Далолатномани тўлдиришда корхонадаги мавжуд атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳужжатлари бўйича ўрганиш олиб бориш лозим бўлади. Корхона ҳудудини ўрганиб чиққандан сўнг ва барча ўлчов натижаларини олингандан кейин тегишли маълумотлар далолатноманинг кириш қисмига киритилади.

Далолатномани тўлдириш даврида мансабдор шахс тасдиқланган текшириш дастурининг барча саволларига жавоб бериши лозим.

Мансабдор шахс томонидан корхона маъмуриятига берилган далолатномада белгиланган кўрсатмалар, қонунбузарлик ҳолатлари, камчиликлар ва салбий ҳолатлар асосланиши зарур.

Далолатноманинг кўрсатма қисмини тўлдиришда, мансабдор шахс табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги, раҳбарий органлар томонидан чиқарилган қарорларга ва буйруқларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитасининг ва юқори ташкилотлар кўрсатмалари, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича давлат топшириқлари ва ижро бўйича ўрнатилган муддатларига таянмоғи керак.

Раҳбарий органларнинг топшириқларини бажариш муддатларини, шунингдек, статистик ҳисоботларни топшириш муддатлари ва манзилларини ўзгартириш ман қилинади. Раҳбарий органлар топшириқларининг бажариш муддатларини ўзгартиришга фақатгина улар ўзи ҳақлидир.

Кўрсатмалар аниқ-равшан ифодаланган ва уларнинг бажариш муддатлари аниқ ёзилган бўлиши талаб этилади.

Корхонага аниқ турдаги чанг ушловчи, газ ва сув тозаловчи янги (тажрибадан ўтмаган) ускуналарни тавсия қилиш ман этилади.

Тозалаш ускуналарини танлаш ҳамда ўрнатиш жойини аниқлаш фақатгина тармоқ лойиҳа ташкилоти тавсияларидан сўнг амалга оширилади.

Мансабдор шахс корхонага бошқа соҳа корхоналарида ўрнатилган атроф муҳитни муҳофаза қилувчи энг замонавий технологияларни ўрганиб чиқишни тавсия этишга ҳақли.

Далолатноманинг кўрсатма бериш қисмида текширилган корхона томонидан берилган кўрсатмалар бажарилиши тўғрисида маълумотномани (маълум вақтга ёки вақти-вақти билан) тақдим этилиши мажбурияти берилади.

Кўрсатмаларни ифодалашда ноаниқлик бўлмаслиги ва уларни бажариш муддатларини аниқ ўрнатиш мақсадида тайёрланган далолатнома лойиҳаси билан корхона вакили ва корхона раҳбариятини таништириш тавсия этилади.

Далолатнома-кўрсатма мансабдор шахс (бошқа масъул мансабдор шахслар) текшириш давридаги корхона томонидан тайинлаган масъул томонидан имзоланади, сўнгра корхона раҳбари ёки унинг ўринбосарига имзолаш учун тақдим этилади.

Корхона раҳбари маълум бир сабабларга кўра далолатнома-кўрсатма билан ўз вақтида танишмаган бўлса ёки муҳокама вақтида корхона вакили мансабдор шахс томонидан берилган кўрсатмаларга норози бўлса ёки ўзаро келишувга келинмаса, мансабдор шахс корхона раҳбари далолатнома-кўрсатмани фикр-мулоҳазалар билан имзолашга ҳақлилиги тўғрисида огоҳлантиради.

Далолатнома-кўрсатма қонунда ўрнатилган аниқ вақтда текшириш яқунлангандан кейин тузилади.

Далолатнома 4 (тўрт) нусхада расмийлаштирилади ва имзоланади:

- бир нусхаси корхона раҳбари ёки унинг ўринбосарига ижро учун берилади;

- иккинчи нусхаси ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига кўрсатмалар бажарилишини назорат қилиш учун қолдирилади;

- Республика кўмитаси томонидан текшириш ўтказилган бўлса, учинчи ва тўртинчи нусхалари Ўзбекистон Республикаси Давлат экология кўмитасининг Марказий аппаратида қолади.

Далолатнома-кўрсатмани прокуратура органларига, юқоридаги ташкилотга ва бошқа жойга юбориш тўғрисида қарор қабул қилинса, ундан нусха олиниб, Бош давлат инспектори ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади, имзо муҳр билан тасдиқланади. Бериладиган ташкилотга асл нусхаси юборилади, далолатнома-кўрсатманинг нусхаси Давлат экология кўмитасида назорат учун қолдирилади.

**Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлик учун маъмурий  
ва бошқа чораларни жорий этиш ва тегишли ҳужжатларни  
расмийлаштириш  
(6-босқич)**

Табиатни муҳофаза қилиш инспектори мақоми берилган мансабдор шахс табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлиги учун юридик ва жисмоний шахсларни жавобгарликка тортиш ва бошқа чораларни кўриш ҳуқуқига эга.

Мансабдор шахсларни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилигини, меъёрларни, қоидаларни бузганлари учун маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида ҳужжатларни расмийлаштириш МЖТКда белгиланган талабларга риоя этган ҳолда оширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Баённома ва уни тўлдириш намунаси **8-иловада** келтирилган.

Ифлослантирувчи моддаларни атмосферага ташлаш, оқава сувларни сув ҳавзаларига ёки ер рельефига оқизиш, чиқиндиларни жойлаштиришни тақиқлаш, шунингдек, айрим технологик участкаларни, цехларни ва ускуналарни тўхтатиб қўйиш фаолияти қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида”ги 2005 йил 14 июнь ПФ-3619-сонли Фармониغا биноан (2006 йил 7 июлдаги ПФ-3772-сонли ва 2009 йил 21 декабрдаги ПФ-4158-сонли фармонлари билан ўзгартиришлар киритилган) мансабдор шахсга атроф муҳитга зарар етказадиган айрим цехларни, участкаларни, ускуналарни, ифлослантиришни камайтириш чора-тадбирларини кўрмаган ташкилотларга нисбатан 10 кунгача тўхтатиш ҳуқуқи берилган.

Ўн кунлик муддат тугагач объект ўз фаолиятини қайта тиклаш ҳуқуқига эга. Агар объект фаолиятини узоқ муддатга тўхтатиш зарурати бўлса, тўхтатиш тўғрисидаги барча асословчи ҳужжатлар суд органларига юборилади.



Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси органлари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчилик талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускуналарни, ишлаб чиқаришни, цехларни, жиҳозларни, ва кўчма ифлослантирувчи манбалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича кўрсаткичларига биноан мансабдор шахс томонидан айрим участкалар, цехлар, ускуналарни тўхтатиш тўғрисида Қарор расмийлаштирилади **(9-илова)**.

Қарор кучга киргунга қадар барча аниқланган камчиликларни бартараф этиш ёки ускуналардаги ишчи ходимларни иш билан таъминлаш учун корхонага Қарор олдиндан берилиши лозим.

Чанг ва газ тозалаш ускуналари билан таъминланмаган цехлар, участкалар, ускуналарни тўхтатиш қарори 1-2 ой олдин берилади, агарда ушбу ускуналар бузилган бўлса – 2 - 4 ҳафта олдин, вақти-вақти билан ишлатиладиган айрим ускуналар ва механизмларни (битум тайёрлаш, кўчма чиқинди ташлаш манбалари, бузилган аппаратлар) тўхтатилиши тўғрисидаги қарор чиқарилган кунидан кучга киради.

Қарор 3 (уч) нусхада тўлдирилади, ҳар бир нусхаси текширувчи мансабдор шахс ва бажариш учун қабул қилган корхонанинг мансабдор шахси томонидан имзоланиши шарт. Биринчи нусхаси корхона раҳбари ёки унинг ўринбосарига берилади, иккинчиси – Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органида қолади, учинчиси – Давлат экология қўмитасига юборилади. Қарорга Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органининг муҳри босилади. Чиқарилган қарорлар махсус журналда рўйхатга олинади **(10-илова)**.

Бир вақтнинг ўзида маҳаллий ҳукумат органларига, прокуратурага ва корхонанинг юқори ташкилотига ушбу корхонада табиатни муҳофаза қилиш ишларининг ҳолати ва корхонанинг айрим цех, участка ва ускуналарини тўхтатиш бўйича қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги қисқача маълумот хат орқали юборилади **(11-илова)**.

Корхона қарорда кўрсатилган муддатда барча камчиликларни бартараф қилганлиги тўғрисида қарор чиқарган Давлат экология қўмитасини расмий равишда хабардор қилиши лозим.

Корхона томонидан бажарилган тадбирлар натижасида атроф муҳит ифлосланиши камайганлиги ва ўрнатилган экологик меъёрлардан (РЭЧЧ, РЭЧТ, РЭЧЧн) ошмаганлиги қайд этилса, корхонага иши тўхтатиб қўйилган объектда қайтадан иш бошлашга рухсатнома берилади **(12-илова)** ва тегишли қарор ўз кучини йўқотади.

Қарорларни рўйхатга олиш китобида бу ҳақида белги қўйилади. Қарор неча нусхада тўлдирилган бўлса, рухсатнома ҳам шу миқдорда тўлдирилади.

Рухсатномага уни олаётган ишончли мансабдор шахснинг имзоси ва корхонанинг мухри қўйилади.

Агар корхона томонидан ўрнатилган вақтда камчиликларни бартараф этиш бўйича зарурий чоралар кўрилмаган бўлса, мансабдор шахс корхона раҳбарининг вакили иштирокида ишлаётган ускуналарни тўхтатиш бўйича кўрсатма беради.

Тўхтатиш жараёнида технологик ускунанинг ишлаши мумкин бўлмаган, лекин таъмирлаш ва монтаж (электришлатгич, ёпиш мосламалари ва ҳ.к.) ишларни олиб бориш имконини берадиган участкаси рақамланган тамға билан муҳрланади.

Асбоб-ускунани қоғоз бўлаги билан муҳрлашга рухсат берилади, бунда қоғоз бўлагига “давлат инспектори томонидан муҳрланган” деб (исми, шарифи, муҳрлаш санаси, вақти дақиқаси) ёзилади, мансабдор шахснинг имзоси, муҳр билан тасдиқланади.

Мансабдор шахс корхона раҳбарига асбоб-ускунани ўзбошимчалик билан ишга тушириш барча тўпланган ҳужжатлар бўйича жавобгарликка тортилиш учун асос бўлиши тўғрисида тушунтириши зарур.

Айрим цехлар, участкалар, асбоб-ускуналарни тўхтатиш тўғрисидаги қарор фақатгина Давлат экология қўмитаси раҳбарияти билан келишилган ҳолда корхонага тақдим этилади.

Агар айрим цех, участка, жиҳозларни тўхтатиш тўғрисидаги қарор кучга киришдан олдин корхона томонидан жиддий сабаблари кўрсатилган ҳолда ўрнатилган муддатни чўзиш тўғрисида расмий равишда мурожаат қилса, мансабдор шахсга экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий орган раҳбарияти билан келишган ҳолда янги муддатни ўрнатиш ҳуқуқи берилади, бу тўғрисида Давлат экология қўмитаси зудлик билан хабардор қилинади.

**Юқори лавозимдаги мансабдор шахслар томонидан  
далолатномалар, баённомалар, қарорларнинг ўрнатилган талабларга  
мослигини текшириш (7-босқич)**

Текширишдан сўнг имзоланган текшириш далолатномаси, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги баённома ва қарорлар ва бошқа ҳужжатлар текшириш сифатини баҳолаш учун Давлат экология қўмитаси ва ҳудудий органлар қошида тузилган тегишли комиссияга тақдим этилади.

Текшириш сифатини баҳолаш комиссияси уч кун мобайнида тушган ҳужжатларни кўриб чиқиб, уларни баҳолайди, тўғри расмийлаштирилиши ва аниқлигини баҳолаб ёзма равишда фикр-мулоҳазасини беради (**13-илова**).

Ҳужжатларда камчиликлар аниқланса ва белгиланган талабларга мос келмаса, комиссия барча ҳужжатларни гуруҳ раҳбари ёки мансабдор шахсга қайта ишлаб чиқиш учун юборади. Камчиликлар гуруҳ раҳбари ёки мансабдор шахс томонидан икки кун мобайнида бартараф этилади.

Камчиликлар бўлмаса ёки аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан сўнг буйруқ ва саволлар нусхаси, текширилган корхона раҳбари томонидан берилган тилхат асл нусхаси, текшириш далолатномаси, баённомалар нусхаси, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорлар ва бошқа ҳужжатлар алоҳида жилдга тикиб қўйилади.

Тадбиркорлик субъектида ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ҳисобот ўрнатилган шакл ва муддатларда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органига тақдим этилади.

### **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарорларни, далолатнома-кўрсатмаларни ҳамда назорат тартибида текширишларни ўтказиш (8-босқич)**

Текшириш ўтказилиб ва далолатнома-кўрсатма расмийлаштирилганидан сўнг ҳар бир кўрсатманинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилади.

Кўрсатмалар бажарилиши устидан назорат ўтказиш учун уларнинг рўйхати махсус журналда қайд этилади. Журналда текшириш ўтказилган корхонанинг номи, ўтказилган режали текшириш муддати, барча кўрсатмаларни бажариш муддатлари, бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар (бажарилмасдан қолган тадбирларнинг сабаблари, санаси, кўрилган чоралар) акс эттирилади.

Назорат тартибидаги текширишни ҳудудий органнинг раҳбари буйруғи билан, корхонада режали текшириш ким томонидан ўтказилганидан қатъий назар ўтказилади.

Текшириш фақат охириги текшириш давлолатномасида акс эттирилган кўрсатмаларнинг бажарилиши юзасидан ўтказилади.

Назорат тартибида текшириш натижалари бўйича берилган кўрсатмаларнинг бажарилиши тўғрисида тегишли далолатнома расмийлаштирилади.

Текшириш ўтказилган корхона томонидан кўрсатмалар бажарилиши тўғрисида маълумотнома тақдим этиб турилади. Бунда кўрсатмаларни рўйхатга

олиш журналига кўрсатмани амалда бажариш муддати тўғрисида маълумот киритилади. Тушган маълумотлар ҳаққонийлигини мансабдор шахс текшириши лозим. Натижаси ижобий бўлган ҳолда кўрсатма назоратдан чиқарилади, далолатномага эса ушбу кўрсатма бажарилгани тўғрисида ёзув киритилади.

Агар кўрсатма бажарилмаган бўлса ёки бажарилмасликнинг жиддий сабаблари ҳақида маълумот бўлмаса, мансабдор шахс далолатномада ушбу ҳоллар “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг давлат назоратини амалга оширадиган органлар кўрсатмаларининг бажарилмаганлиги ҳақидаги 47-модданинг қисми бузилганлигини қайд этади, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддаларига асосан чора кўради ёки мазкур ҳолат юзасидан далолатнома тузади ва суд органларига тегишли чора кўриш учун юборади. Текшириш натижалари тақдимномаларни рўйхатга олиш журналига киритилади.

### **Режадан ташқари текшириш**

Режадан ташқари текширишлар “Хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг шикоят ёки аризаларида келтирилган фактларни аниқлаш мақсадида, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини қўпол равишда бузиш ҳолатлари аниқланганда, фалокат, фавқулодда вазиятлар ва ҳоказолар рўй берганда, фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи рухсати билан ўтказилиши шарт.

Режадан ташқари текширишни ўтказиш вақтида мансабдор шахсда 1-боб 1-бўлимда кўрсатилган барча тегишли ҳужжатлар бўлиши лозим.

Текширишни ўтказишда мансабдор шахснинг ҳаракатлари унинг олдида турган мақсадларга мувофиқ бўлиши зарур. Мансабдор шахснинг режадан ташқари текширишни ўтказишдаги иш тартиби худди режали текширишни ўтказиш тартибига мос келади.

Текшириш натижалари бўйича далолатнома-кўрсатма тузилади.

Текшириш далолатномасида текширилган йўналишдаги ишлар ҳолати акс этилади.

Далолатнома-кўрсатма режадан ташқари текширишлар рўйхатга олиш журналида рўйхатга олинади, шунда объект номи (манзили, ИНН), текшириш муддати, берилган кўрсатмалар сони, текшириш ўтказган давлат инспекторининг исми-шарифи тўғрисида ёзув киритилади.

## Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга ошириш тартиби

### 1. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ давлат назорати

Мансабдор шахс корxonани кўздан кечириш даврида санитар-ҳимоя зонаси мавжудлиги, унинг майдони санитар меъёр талабларига мос келиши, санитар-ҳимоя ва селитеб зоналар чегарасида Узгидромет билан келишилган ва белгиланган намуна олиш шохобчаларининг мавжудлигини текширади.

Мансабдор шахс атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий ишлаб чиқариш цехларидан ташламаларни атмосфера ҳавосига ташлайдиган ташкилланган ва ташкил қилинмаган асосий манбаларни, манбалар баландлигини санитар меъёрларга мос келишини ёзма қайд этади.

*Масалан, агар ташкил қилинмаган чиқиндиларни атмосфера ҳавосига ташлайдиган манбалардан махсус тиббиёт чиқиндилар махсус идишда ёндириш натижасида чиқиндилар (бир мартаба ишлатиладиган иприцлар ва системалар) ташланиши аниқланган бўлди, дейлик. Ушбу чиқиндилар очиқ аланга олдириб ёқилиши натижасида атмосфера ҳавосининг кўшимча ифлосланишига олиб келади, бу ҳолат “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси, чиқиндиларни утилизация қилиш ва атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш тўғрисидаги қисми бузилишига олиб келади.*

*Ёки, иситиш мақсадида АГВ маркали иситиш қозонидан фойланишда унинг тутун чиқариш трубази томнинг устида 1,5 метр баландликда туриши зарур.*

Текшириш саволнома асосида ўтказилади ва далолатномага қуйидаги маълумотлар киритилади:

- “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун (15-модда), “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун (8-модда) бўйича.

- **Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ташланишини меъёрлаш ишлари ҳолати:** Ифлослантирувчи моддаларни чиқариш манбалари инвентаризациясини ишлаб чиқиш ва келишиш санаси, РЭЧЧ меъёрий

ҳужжатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш санаси, бутун корхона бўйича РЭЧЧ норматив ҳужжатида ўрнатилган (г/с ва т/йил) меъёрлар мазмуни, РЭЧЧ меъёрий ҳужжатининг амал қилиш муддатлари ўрганиб чиқилади.

Агар корхонада ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси ва РЭЧЧ меъёрлари йўқлиги аниқланса, мансабдор шахс бу қонунбузилиш ҳолатини қайд қилади, кейин тегишли кўрсатма бериб, маъмурий жавобгарликка тортиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилади.

*Масалан, бюджет тассаруфидаги ташкилот ҳисобланувчи марказий туман касалхонасида ифлослантирувчи моддаларни чиқариш манбаларининг инвентаризация йўқлиги ва РЭЧЧ норматив лойиҳаси тайёрланмаганлиги аниқланди, бу “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг ҳар бир стационар манбага атмосфера ҳавосига чиқиндиларни ташлаш РЭЧЧ нормативи ўрнатилиши шартлиги ҳақидаги 8-моддасининг биринчи қисми бузилган деб ҳисобланади;*

- чиқиндилар ҳисобини олиб борувчи масъул шахснинг мавжудлиги, бирламчи ҳисобни юритиш журналининг (ПОД-1,2,3.) ҳолати;

- атмосфера ҳавосига стационар ва кўчма манбалардан ифлослантирувчи моддаларни ҳақиқий ташлаш ҳажми, ташламаларнинг кўпайиш ёки камайишга мойиллиги қандайлиги? Атмосфера ҳавосига ташланаётган умумий ифлослантирувчи моддалар бўйича тақсимланишини тавсифлаш;

- асосий чиқинди манбаларида давлат аналитик назорати, шунингдек корхона томонидан мустақил равишда бажарилган ишлаб чиқариш назорати натижалари бўйича 2-экология ёки 1-КБ статистик ҳисоботларига биноан, ҳақиқий чиқиндилар ҳажмини РЭЧЧ нормативларида ўрнатилган ташламаларнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ ҳулоса чиқариш лозим.

**“Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунга биноан (24-модда):**

- атмосферага ташланадиган чиқиндиларни тозалаш иншоотлари, жиҳозлари, асбоб-ускуналарни ишга тушириш қоидаларига риоя қилиш ва улар устидан ўрнатилган назорат; тизимли чанг ушлаш ва газ тозалаш жиҳозлари (ЧГТУ) воситаларининг сони, унинг қуввати, ЧГТУларнинг техник ҳолати, лойиҳавий самарадорлиги мавжудлиги, ЧГТУнинг паспорти, ўрнатилмаган ЧГТУ мавжудлиги, янгисининг жорий этилиши, амалдаги ЧГТУларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш. Аналитик назорат натижалари бўйича ишлаб турган ЧГТУнинг лойиҳавий ва ҳақиқий самарадорлигини солиштириб баҳолаш.

**“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига ва “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига биноан:**

- автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлашда ишлаб чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар меъёрларига амал қилиш; автотранспорт воситалари, (шундан карбюраторли, дизелли, газ баллонли транспортлар) сони, диагностика постлари, газоаналитик жиҳозлар мавжудлиги, улар назоратдан ўтганлиги;

Двигателлардан чиқаётган газнинг токсикологик ва тутунлиги бўйича ТО ва ТР регламенти билан ўрнатилган муддатларда корхонада назорати ўрнатилганлигини текшириш, Автомобилларни газ ёқилғисига ўтказиш тадбирларининг олиб борилаётганлиги.

Автотранспорт корхонасини (АТК) кўздан кечириш мобайнида барча корхоналар учун умумий саволлардан ташқари мансабдор шахс эътиборини корхонада автотранспорт воситаларидан чиқаётган газларнинг токсикологик ва тутунлиги, диагностика пости ёки назорат-созлаш шохобчаси мавжудлигига қаратиши зарур.

Диагностика пости ёки автотранспорт воситаларидан чиқаётган газларнинг токсикологик ва тутунлиги назорат-созлаш шохобчаларини ўрганиш даврида мансабдор шахс қуйидагиларга эътиборини қаратиши лозим:

- асбоб-ускуналар, назорат воситалари (газоанализатор ва тутун ўлчов асбоблари) билан таъминланганлик, уларни стандартлаштириш органлари томонидан давлат назоратидан ўтганлик ва рухсат бериш муддатлари;

- автотранспорт воситаларининг экологик ҳолатини текшириш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар мавжудлиги;

- автотранспорт воситаларидан чиқаётган газларнинг заҳарлилиги ва тутунлигини текшириш жадвали мавжудлиги ва унга риоя қилиниши;

- корхонада двигателлар бўйича аккумулятор назорат-созлаш ишларни олиб боровчи мутахассислар билан тўла таъминланганлиги.

Бундан ташқари, диагностика пости ёки назорат-созлаш шохобчасида автотранспорт воситаларидан чиқаётган газлар заҳарлилиги ва тутунлигини рўйхатга олувчи журнал бўлиши шарт, унда нафақат ўлчовлар натижалари, балки ушбу ифлослантирувчи моддаларни ўрнатилган меъёрларга келтириш чоралари ҳам қайд қилинган бўлиши керак.

Автомобиллардаги ишлатилган газларда углерод оксиди ва углеводородлар миқдори “Табиатни муҳофаза қилиш. Атмосфера. Бензинли автомобиллардан

чиқувчи ишлатилган газлардаги углерод оксиди ва углеводородларни миқдори меъёрлар ва ўлчов усуллари. Хавфсизлик талаблари.” 17.2.2.03 – 87 ДСТ 2-сонли “Ўзгартишлар”га мос келишини текшириш.

Тутун миқдори “Дизели автомобиллар. Ишлатилган газлар тутунлиги. Ўлчов меъёрлари ва усуллари. Хавфсизлик талаблари” 21393 - 75 ДСТ 1- сонли “Ўзгартишлар”га мос келиши.

Мансабдор шахс ишлатилган газлар заҳарлиги ва тутунлигининг назорат ўлчовлари ўзига тегишли бўлган газоаналитик асбоб-ускуналарида, текширилаётган корxonанинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисини жалб қилган ҳолда ўтказди. Текшириш автотранспорт воситаларини гараждан чиқиб кетишда ва қайтиб келишда, шунингдек таъмирдан чиққан вақтида ўтказилади.

Моторини соzлашдан ўтган автотранспорт воситаси углерод оксиди, углеводородлар ва тутунлик ўрнатилган меъёрларга мос келишини мансабдор шахсга текшириш учун қайта кўрсатилиши зарур.

Ишлаб чиқарилаётган газларнинг заҳарлилик ва тутунлиликка текширилаётган автотранспорт воситаларининг сони 80 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Углерод оксиди, углеводородлар ёки тутунлилик миқдори ошганлиги аниқланса, мансабдор шахс камчиликлар бартараф этилмагунга қадар автомобиллардан фойдаланишни тўхтатади, бу ҳолатни ҳам далолатнома-кўрсатмада акс эттириб, текширилаётган корxonанинг ушбу масала бўйича мансабдор шахсига нисбатан маъмурий чора қўллаш масаласини кўриб чиқади.

**“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси бўйича:**

- таркибида озон қатламини емирувчи моддалар (ОЕМ) мавжуд бўлган жиҳозларни ишлатиш, ОЕМ ҳисобини олиб бориш, озон учун хавфсиз бўлган моддаларга алмаштириш талабларига риоя қилиниши, хладагент маркасини аниқлаш, ОЕМни қачон, қанча миқдорда озонга хавфсиз модда билан алмаштирилганлиги, ОЕМ бўлган қурилмалар (R-12, K-11...) ни корхонага олиб кирмаслик ишларининг амалга оширилиши.

**“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси бўйича:**

- атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қисмидаги чиқиндиларни жойлаштириш ва кўмиш талабларига риоя қилиниши.



**“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси,  
«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси  
бўйича:**

- ноқулай метеорологик ҳолатларда корхонада чиқиндилар ташланишини вақтинча бошқариш бўйича ишлар ҳолати.

Корхоналар барқарор ишлаб турган вақтда муайян об-ҳаво шароитида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши сезиларли даражада ортиши кузатилади. Бундай ҳолат ноқулай метеороҳолатлар деб ҳисобланади ва улар атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлослантирувчи моддаларни қисқа муддатга камайтиришига қаратилган аниқ тадбирлар ўтказилишини талаб қилади.

Корхона, муассаса ва ташкилотлар ноқулай метеороҳолат даврида ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига ташлашни РЭЧЧ меъёри даражасида бўлишини вақтинча бошқариш бўйича тадбир ишлаб чиқади ва келишади. Бундай шароитда бир кун аввал “Ўзгидромет” томонидан махсус рўйхатга киритилган ташкилотлар ва корхоналарга (аниқ вақти ва ҳаракат вақти кўрсатилган) корхонада махсус журналга рўйхатга олинган бўрондан огоҳлантириш ҳақидаги тезкор ахборот берилади. Бўрондан огоҳлантиришни қабул қилган масъул шахс зудлик билан вақтинча чиқиндиларни камайтириш тадбирларини ташкил қилиш бўйича масъул шахсларга етказди. Ушбу масъул шахслар тайёрлов ишларни олиб борадилар, бўрондан огоҳлантириш топшириғи кучга кириши билан чиқиндиларни ташлаш миқдорини камайтириш тадбирларини бажаришади, ушбу ҳаракатлар махсус журналга тадбирларини бажариш вақти ва улар экологик самарадорлиги (кг/соат акс миқдорида этилган ҳолда) ёзилади.

Мансабдор шахс корхонада бўрондан огоҳлантиришни қабул қилишга жавобгар шахсларни тасдиқловчи ҳамда тадбирлар ўтказилиши тўғрисидаги буйруқ, бўрондан огоҳлантириш журнали мавжудлигини, унинг тўғри тўлдирилиши, вақтинча чиқиндиларни махсус бошқариш тадбирини бажарувчилар билан келишилгани, бажарилган тадбирлар ва улар самарадорлиги тўғрисидаги мавжуд ёзувлар, корхона томонидан ифлослантирувчи моддаларни атмосферага ташлаш вақтидаги назорат ўлчовлари ўтказилганлигини текширади.

Агар корхонани текшириш даврида бўрондан огоҳлантириш келса, мансабдор шахс вақтинча чиқиндиларни камайтириш бўйича тадбирлар бажарилишини, атмосферага ифлослантирувчи моддаларни ташлаш даврида назорат ўлчовлари ўтказилишини текшириши лозим.

## **2. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича давлат назорати**

Далолатномада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

### **Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни (7, 26, 27- моддалари) бўйича:**

- сувдан фойдаланиш ва оқавалар ташлаш - далолатнома матнида қуйидагиларни кўрсатиш лозим: номи (дарё, кўл, сув омбори ва бошқалар), ер ости сув олиш манбалари (ўзи қуйиладиган, босимли, босимсиз қудуқлар), шаҳар-туман ичимлик сув тармоғи (1.13.-илова), шаҳар-туман оқава сув тармоғи, бошқа ташкилотларнинг ичимлик ва оқава сув тармоқлари, оқава сувларни очиқ ер майдониغا, йиғувчи ҳавзаларга ташлаш;

- сув олиш иншоотларнинг техник тавсифлари – далолатномада сув олиш насосларини сони, уларнинг русуми, ишлаётган ҳолатлари сони, захирада турганлари, таъмир ишларига зарурлари, консервация ёки демонтаж талаб қилинадиганлари сони, ўртача иш вақти (соат/сутка), қувурларнинг диаметрлари кўрсатилиши лозим;

- сувдан фойдаланишга ва оқава сувларни ташлашга берилган рухсатнома ҳужжатларининг мавжудлиги, ушбу ҳужжатларни берган орган номи, берилган санаси, амал қилиш муддатларини кўрсатилиши - буларга тааллуқли бўлган ичимлик-оқава сув тармоқлари эгалари билан ўзаро шартномалар, техник шароитлар мавжудлиги, сувдан фойдаланишга махсус рухсатнома (СФМР) ҳамда рухсат этилган чегаравий ташлама (РЭЧТ), меъёрий ҳужжатлари асосида оқава сувларни сув ҳавзалари ва жой рельефига ташлаш.

### **“Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни (35, 73, 74- моддалари)га асосан;**

- сувни ҳисоблаш жиҳозлари мавжудлиги – русумлари, техник ҳолати (соз ёки носоз);

- ПОД-11, ПОД-12 шаклида сувнинг бирламчи ҳисобини юритиш – олиб борилиши;

- манбалар бўйича амалда сувдан фойдаланиш ҳажми – ер усти сув манбаларидан ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{йил}$ ), ер ости сув манбаларидан ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ ), шаҳар ичимлик сув тармоғидан ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ ), бошқа корхоналардан ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ ) ;

- сув қабул қилувчилар томонидан ҳақиқий оқава сув ташлаш ҳажми – ер усти сув манбаларига ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ ), шаҳар оқава сув тармоғига ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ ), бошқа корхоналарни оқава сув тармоқларига ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ );

- манбалардан рухсат этилган сувдан фойдаланиш ҳажми – ер усти сув манбаларидан ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ ), ер ости сув манбаларидан ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ ), шаҳар ичимлик сув тармоғидан ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ ), бошқа корхоналардан ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ );

- қабул қилувчиларга рухсат берилган оқава сув ташлаш ҳажми - ер усти сув манбаларига ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ ), шаҳар оқава сув тармоғига ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ ), бошқа корхоналар оқава сув тармоқларига ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ );

- тасдиқланган меъёрий кўрсаткичлар ва лимитларни ҳақиқий маълумотлар билан солиштириш ва хулоса чиқариш.

### **Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (19-моддаси)га асосан;**

- тозалаш иншоотларининг тавсифи ва техник ҳолати ҳамда уларнинг иш самарадорлиги–иншоотлар тоифаси, тозалаш тури (механик, биологик, физик-кимёвий), ишга туширилган йили, қуввати (лойиҳавий ва амалда,  $\text{м}^3/\text{кун}$ ), иншоотларнинг таркиби (механик тўсиқлари, бирламчи тиндиргичлар – уларни сони, аэротенкалар – улар сони, йўлкалар узунлиги, иккиламчи тиндиргичлар – улар сони, хлорлаш хонаси, лойқа карталари – уларни майдони ва бошқалар);

- айланма ва иккиламчи кетма-кет сувдан фойдаланиш тизимларининг тавсифи – амалдаги ва лойиҳавий қуввати ( $\text{м}^3/\text{кун}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ ), фойдаланиш мақсадлари (совутиш, кондиционер сифатида, сувни тежаш), қайси цехларда, уларнинг жиҳоз таркиби (насослар, қувур тармоқлари, ва ҳоказо).

### **3. Ер ресурсларни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича давлат назорати.**

Далолатномада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

#### **Ер Кодексининг 23, 24, 25, 33- моддаларига асосан:**

- ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган давлат далолатномаси ва ҳокимият органлари қарори – уларнинг мавжудлиги, рўйхатдан ўтказилган рақами ва санаси, ажратилган ер майдони, ерлар тоифаси, объект жойлашган харитаси кўрсатилади. Ер ажратиш масалаларини кўриб чиқиш жараёнида табиатни муҳофаза қилиш назорати вакиллари иштирок этади.

#### **Ер Кодекси 15-моддасига асосан;**

- ер кадастр ҳужжатларининг мавжудлиги – улар рўйхатдан ўтган рақами ва тузилган вақти кўрсатилади. Кадастр китобига асосан корхона балансида бўлган барча объектлар рўйхатдан ўтказилади (цехлар, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқалар).

### **Ер Кодекси 40, 79-моддаларига асосан;**

- ердан фойдаланишда экологик талабларга риоя этилиши – у ўз ичига белгиланган мақсадда ерлардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнида табиатни муҳофаза қилиш технологияларини қўллаш, хўжалик фаолиятини юритиш даврида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашишига йўл қўймаслик; фойдаланилаётган мелиорация ва ирригация тизимлари, муҳандислик тармоқларининг соз ва ишчи ҳолатда сақланиши, фойдали қазилма конлари, қурилиш ва бошқа ишлар амалга оширилганидан сўнг қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ер майдонларини қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш, кўрсатилган ишлар бошқа ерларда амалга оширилганида - уларни кўрсатилган ҳолда фойдаланишга яроқли сақлаш (рекультивация қилинган ерларни эгасига топширилганини тасдиқловчи ҳужжатлар); ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селдан, сув босишидан, ботқоққа айланишидан, иккиламчи шўрланишидан, сувсизликдан қуришидан, зичлашишидан, ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлосланишидан, кимёвий ва радиактив моддалар билан ифлосланишидан ва бошқа ер таркибини бузилишига олиб келадиган жараёнлардан ҳимоя қилишни таъминлаш.

### **“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни (41-моддаси)га асосан:**

- муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ерларидан фойдаланиш (сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақалари) – бу ерларда қуйидагилар тақиқланади: дарахт ва буталарни кесиш (парваришlash ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно); заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш; заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборларини қуриш; харом ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш; чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш; канализация-тозалаш ва оқава сувлар тўпланадиган иншоотларни қуриш; чорвачилик ва паррандачилик мажмуаларини жойлаштириш, шунингдек суғориш учун суюқ гўнг (“шарбат”) ишлатиш; автомобиль транспортини қўйиб туриш, уларга ёқилғи қуйиш, уларни ювиш ва таъмирлаш жойларини ташкил этиш; нефть маҳсулотлари омборларини ташкил этиш; зиғир, каноп, тери ювиш. Қирғоқ бўйи минтақаларида юқорида назарда тутилган чеклашлар ва тақиқлардан ташқари қуйидагилар тақиқланади: минерал ва органик ўғитларни қўллаш; чорва молларни ўтлатиш; ҳар қандай турдаги қурилиш, сув хўжалиги объектларини қуриш бундан мустасно; белгиланмаган жойларда қайиқлар боғлаб қўйиладиган жойлар ташкил этиш.

### **Ер Кодекси (81-моддаси)га асосан:**

- кимёвий, радиоактив моддалар билан ифлосланган, шўрланиш ва эрозияга учраган ерлар мавжудлиги – уларнинг майдони (га, м<sup>2</sup>), корхона томонидан фойдаланилаётган ёки фойдаланилмаётган ерларини кўрсатиш лозим. Ерлар унумдорлигини қайта тиклаш бўйича кўрилган тадбирлар – у ўз ичига рекультивация қилиш, зарарсизлантириш, консервациялаш ишларини қамраб олади, ушбу кўрсаткичларда сўнгги текшириш ўтказилган кундан сўнг режалаштирилган ва ҳақиқатда амалга оширилган ишлар ҳажмини динамик ўзгарувчанлиги акс эттирилади.

- кимёвий воситалар, заҳарли моддалар ва минерал ўғитларни сақлашга мўлжалланган иншоотларнинг мавжудлиги ва техник ҳолати – бунда бино-иншоотлар эгаллаган майдони, унинг жиҳозланганлиги (оддий, мослаштирилган) акс эттирилади, уларнинг техник тавсифи (сиғими, ҳажми – тоннада ва м<sup>3</sup>, сувдан ҳимоя қилиш қопламалари ва вентиляция билан таъминланганлиги, минерал ва заҳарли моддаларни сақлаш учун алоҳида бўлинмаларга эгаллиги ва ҳоказо), сақлаш қоидаларига риоя қилиниши, моддалар тури ва сони, ишлатилиши тақиқланган моддалар мавжудлиги.

Бошоқли дон маҳсулотлари поясини ёқиш ҳолатлари аниқланганда ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикасини МЖТКни 88-моддасига асосан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 25 декабрда 1647-сон билан рўйхатга олинган “Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан қўллаш бўйича Низом”га биноан зарар ҳажмини ҳисоблаш лозим.

#### **4. Чиқиндиларни бошқариш соҳасида давлат назорати**

Далолатномада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари тавсифи – корхонада ҳосил бўлаётган чиқиндилар тури ва сонини ёритиш (бирлиги тн, м<sup>3</sup>), шу жумладан хавфлилик даражаси бўйича (бирлиги тн, м<sup>3</sup>); чиқиндиларни зарарсизлантиришда қандай ишлар амалга оширилди (режа, ҳақиқатда), зарарсизлантириш бўйича ишлаб чиқилган режани бажарилмаслик сабаблари;

- ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндиларни жойлаштириш учун ажратилган ер майдонларидан фойдаланиш – ажратилган майдон (га, м<sup>2</sup>) ва унинг ҳолати кўрсатилиши шарт, улардан фойдаланиш самарадорлиги, бузилган ерларни қайта тиклаш-рекультивация ишларини олиб борилиши (режа, ҳақиқатда). Атроф табиий муҳитга чиқиндиларни рухсатсиз жойлаштириш ҳоллари. Кўрилган чоралар.

#### **“Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонун (18 моддаси) га асосан;**

- корхонада чиқиндиларни меъёрлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати – ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари инвентаризацияси меъёрий ҳужжатининг ишлаб чиқилган ва келишилган санаси, чиқиндилар ҳосил бўлиши ва жойлашуви лимитлари меъёрий ҳужжати ишлаб чиқилган ва тасдиқланган санаси, ушбу ҳужжатларнинг амал қилиш муддатлари, меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талабларга риоя қилиш ҳолатлари, ишлаб чиқариш жараёнида чиқиндиларни жойлаштириш назоратининг мавжудлиги.

**“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунини 22-моддаси, “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунини 15, 19, 27-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йили 23 октябрдаги 405-сонли “Таркибида симоб моддалари бўлган лампалар ва приборлардан фойдаланиш ва уларни фойдали равишда ишлатиш корхоналари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига асосан:**

- чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишда талаблар ва мажбуриятларга риоя қилиш – чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф табиий муҳитга нисбатан хавфлилик даражасини аниқлаш; чиқиндиларни тўплаш, бегиланган тартибда сақлаш, уларнинг йўқ бўлиши ва бузилишига йўл қўймаслик; чиқиндилар аралашиб кетишининг олдини олиш; чиқиндиларни белгиланмаган жойларда ёки объектларда зарарсизлантириш ва кўмишга йўл қўймаслик; чиқиндиларни корхона ҳудудида жойлаштирганда санитар ва экологик ҳолатини назорат қилиш;

- чиқиндиларни юқори даражада зарарсизлантириш (утилизациялаш) нинг мажмуавий тадбирларини амалга ошириш; уларни бошқа юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ёки бериш;

- чиқиндиларни экологик сертификациялаш талабларини амалга ошириш;

- «Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига асосан чиқиндиларни паспортлаш ишларини амалга ошириш;

- симобли лампалар ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, сақлаш ва тегишли корхоналарга демеркуризация қилиш учун топшириш йўлга қўйилганлиги ва шартномалар мавжудлиги.

- “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига асосан чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастри талаблари бажарилиши.

Чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойлари тўғрисидаги ахборотлар тўпланиши, қайта ишланиши, сақланиши ва таҳлил қилинишини таъминлаш мақсадида чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастри юритилиши, кадастрда чиқиндиларнинг миқдор ва сифат тавсифлари, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳамда уларнинг хавфлилик даражасини камайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги ахборотлар борлиги.

## **5. Ер ости бойликларни муҳофаза қилишда давлат назорати**

Мансабдор шахс текширишни корхонада ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бўйича мавжуд ҳужжатларни ўрганишдан бошлайди, ушбу ҳужжатлар юқори ташкилотнинг талабларига, табиатни муҳофаза қилиш назорати кўрсатмаларига ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келишини кўриб чиқади.

### **“Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунни 26, 27-моддаларига асосан:**

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг мавжудлиги – рўйхатдан ўтказиш рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилиши шарт;

- Ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси, тоғ ерларини ажратиш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилганлиги – рўйхатдан ўтказиш рақами, берилган санаси, ажратилган майдони, қазиб олиш ҳажми ва амалдаги ҳолат акс этирилиши лозим;

- тоғ ишларини ривожлантириш режаси - мавжудлиги, «Саноатконтехгеоназорат» давлат инспекцияси билан келишилган санаси, рўйхатдан ўтказилган рақами, унга риоя қилиниши акс этирилиши шарт.

### **“Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунининг 33, 35, 37-моддаларига асосан:**

- ер ости бойликларидан фойдаланувчилар томонидан атроф муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилиши, ер ости бойликларини қазиб олишда атроф муҳитга зарарли таъсирни камайтириш юзасидан тадбирларнинг

бажарилиши – ушбу бўлимда ер ости бойликларидан фойдаланишда корхона томонидан лицензияда кўрсатилган экологик шарт ва талабларга риоя қилиниши акс эттирилиши лозим;

- ер ости бойликларидан фойдаланувчи томонидан ер ости бойликлардан фойдаланиш жараёнида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши;

- фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш тўғрисида лойиҳа, шунингдек қурилиш, мукаммал таъмирлаш, корхона томонидан бузилган ерларни қайта тиклаш ва ер ости бойликларини қазиб олиш ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш лойиҳалари учун экологик экспертиза томонидан берилган хулосалар мавжудлиги (ҳужжатнинг номи, берилган санаси ва рўйхатдан ўтказилган рақами). Давлат экологик экспертизаси томонидан берилган хулоса шартларига риоя қилиниши;

- ер ости бойликларидан, минерал хом ашё маҳсулотларидан оқилона ва мажмуавий фойдаланиш юзасидан олиб борилаётган ишларда атроф муҳитнинг экологик хавфсизлигига риоя қилиниши;

- кенг тарқалган фойдали ер ости бойликлари конларидан фойдаланишда ўрнатилган қоида ва меъёрларга риоя қилиш;

- фойдали қазилма бойликлари ва минерал хом ашёни қазиб олишда, минерал хом-ашёдан мажмуавий фойдаланишда, фойдали қазилма билан биргаликда қазиб олинаётган бошқа хом ашёни сақлаш ва ҳисобини юритиш, аммо вақтинча фойдаланилмаётган ва таркибида қимматбаҳо компонентларга эга, қазиб олинган устки қатлам ерлардан оқилона фойдаланиш (ҳажми, эгаллаб турган майдони, устки қатламларни сақлаш тури);

- ер ости бойликларидан фойдаланишда ва минерал хом ашёни қайта ишлашда атроф муҳитни ифлосланишдан ва камайишидан муҳофаза қилиш; чиқиндилар ва ер ости бойликлари жойлашган ерларни, энг кам атроф муҳитга зарар етказувчи чиқиндихоналар, терриконларни жойлаштириш; ер остида зарарли моддаларни, ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган радиактив чиқиндиларни кўмишда белгиланган талабларга риоя этиш; ер ости бойликлардан фойдаланишда сув ресурсларидан фойдаланиш, ер ости сувларининг ифлосланиши ва камайишига йўл қўймаслик.

**Ер Кодексининг 40-моддаси, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунни 33-моддасига асосан:**



ер ости бойликларидан фойдаланиш даврида, шунингдек фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда бузилган ерларни қайта тиклаш бўйича иш режасининг мавжудлиги ва унинг бажарилиши – бузилган ерларнинг умумий майдони, уларни қайта тиклаш лойиҳаси, лойиҳа бўйича қайта тикланадиган майдон, ҳақиқатда амалга оширилган ишлар, ерларнинг топширилгани тўғрисидаги далолатнома ва ҳокимият қарорининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни акс этиш зарур.

### **“Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига асосан:**

- фойдали қазилмаларни муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар чегарасида қазиб олиш (сувни муҳофаза қилиш зоналари, ва ҳаказо) – табиатни муҳофаза қилиш назорати, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда геология хизматларидан фойдали қазилма қазиб олиш ва бошқа ишларни амалга ошириш чоғида дарё оқимини ўзгартириш ва сув объектларига таъсир этиш бўйича рухсатноманинг мавжудлиги кўрсатилиши лозим.

*Аниқланган табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги бузилиши ҳолатларида чоралар кўриш билан биргаликда корхона фаолияти (10 иш кунига) вақтинча тўхтатилади.*

## **6. Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда давлат назорати**

### **Табиий ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликлар хом ашёсини териш, йиғиш ва ёввойи ҳайвонларни овлаш квоталаридан фойдаланишни назорат қилиш**

Квота – айрим доривор, озиқ-овқатбоп ва техник табиий ўсимлик турлари хомашёси, меваси ҳамда улар қисмларидан тайёрлаш ва йиғиб олиш ҳамда ҳайвонлар популяциясини айрим турларини тутиш, овлашга (овланган ва отиб олинган) Ўзбекистон Республикаси Давлат экология кўмитаси буйруғи билан ўрнатилган меъёр. Квота рухсатнома бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳайвонлар популяциясини айрим турларини тутиш, овлашга ўрнатилган меъёр - Квота табиатдан фойдаланувчиларга рухсатнома расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат экология кўмитасининг ҳудудий органларига юборилади.

Айрим доривор, озиқ-овқатбоп ва техник табиий ўсимлик турлари хомашёси, меваси ҳамда улар қисмларидан тайёрлаш ва йиғиб олишга

ўрнатилган меъёр – Квота табиатдан фойдаланувчиларга Давлат экология қўмитасининг Биоинспекцияси томонидан расмийлаштирилади.

Рухсатнома табиатдан фойдаланувчиларга уларнинг аризаси асосида ва табиий муҳитдан териладиган, йиғиладиган, тутиладиган ва овланадиган биологик хилма-хиллик объектларини ўрнатилган тартибда белгиланган қийматлари асосида тўловдан кейин расмийлаштирилади.

Тўлов Биоинспекция ёки ҳудудий органлар томонидан ёзилган ҳисоб-фактура асосида амалга оширилади, ушбу ҳужжатлар асосида амалга ошириладиган тўловлар бўйича мисоллар намунаси 13-иловада келтирилади.

Ер эгалари томонидан махсус ташкил этилган питомник ва плантацияларда кўпайтирилган табиий ўсимлик турлари хомашёсини йиғиш, териш рухсатномасиз яъни ер эгалигининг шахсий мулкчилик асосида фойдаланишни тўловсиз амалга оширилади.

Ҳайвонот олами объектларидан фойдаланиш квотасига амал қилишни назорат қилиш йўллари қуйидагилар:

а) бериладиган рухсатнома қайд этилган журнал ва “йўлланма” (йўлланманинг қисми) бўйича текширишни ўтказиш;

б) бевосита овчилик хўжаликларидаги рухсатномалар (йўлланмалар)ни рўйхатдан ўтказишни текшириш. Бунда овланган ҳайвонлар сони қайд қилинган йўлланма ва журналга эътиборни қаратиш зарур;

в) фойдаланувчи томонидан сақланаётган ов учун рухсатнома ёки йўлланмада ҳайвонлар сони ва тури кўрсатилган “йиртма варақлар”да қайд этилиши;

Рухсатноманинг амал қилиш муддати:

ваколатли органнинг рухсат беришга доир талаблар ва шартларнинг бажарилишини белгиланган тартибда текширишидан бош тортилса;

рухсатнома бериш натижасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ёки ҳайвонот дунёси объектларига ҳамда уларнинг яшаш муҳитига ҳақиқатда хавф солса, рухсатномада кўрсатилган ҳолатлар (тутиш ва бошқалар) бундан мустасно;

табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги меъёрлари ва рухсатнома талаблари бузилса;

рухсатнома олиш учун қалбаки ҳужжатлар тақдим этилса ёки ҳайвонларни сақлаш шароитлари мавжуд бўлмаса тўхталиди

Ов мавсуми тугагач, фойдаланувчи табиат муҳофаза қилиш кўмитасига ва Давбионазорат бошқармасига рухсатномаларнинг фойдаланилганлиги тўғрисида ҳисобот ва овчилик-балиқчилик билан боғлиқ бошқа маълумотларни (2-ПР статистик ҳисоботи ва бошқа маълумотлар) топшириши шарт.

### **Биотехник тадбирларни ўтказишни ёввойи ҳайвонлар ва овладиган ҳайвонлар ҳисобини назорат қилиш**

Овчилик жамиятлари, ўрмон хўжаликлари, ижарачилар ва бошқаларнинг фаолияти юзасидан текшириш амалга оширилаётганда уларни ушбу фаолиятни амалга оширишига рухсат берадиган барча ҳужжатлари, яъни Низоми, ёввойи ҳайвонлардан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга ошириши учун ваколатли шахс томонидан имзоланган шартнома мавжудлиги ўрганилади.

Шунингдек, овчилик ва балиқчилик майдонларини бириктириш ҳақидаги буйруқ бўлиши керак (ўрмон фонди ерларини Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон кўмитаси томонидан, қолган жойларда эса — Давлат экология кўмитасининг ҳудудий органлари томонидан жойларда бириктириб берилади.

Овчилик балиқчилик хўжалигини юритиш бўйича шартномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинганлиги текширилади:

- хўжалик ташкил этилишини иқтисодий асословчи буюртма (табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга кўзланган харажатлар ва ҳайвонлар сонини юритиш ҳисоби) ҳудуднинг тавсифи, харита-схема;

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси томонидан ўтказилган ушбу ҳудуддаги мавжуд ёввойи ҳайвонларнинг сони ҳақидаги тадқиқот материаллари, Ўзбекистон Республикаси Давлат экология кўмитаси талабига кўра тақдим этиладиган ерларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар;

- хўжалик тузиш мўлжалланаётган ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг розилиги.

Муайян ажратилган ҳудудда биотехник тадбирларни амалга ошириш ва ёввойи ҳайвонлар сони, овладиган ҳайвонлар ҳисоби бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ўрганилади

- Биотехник тадбирлар режасининг мавжудлигини талаб қилиш; унда ёввойи ҳайвонларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, яъни уларни асраш, кўпайтириш ва бунинг учун ноқулай омилларни бартараф этиш, улардаги

касалликларга қарши курашиш каби тадбирлар кўзда тутилган бўлиши керак (14-илова).

- Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахслари ва табиатни муҳофаза қилиш давлат инспектори томонидан имзоланган бажарилган ишлар бўйича далолатномаларини талаб қилиб олиш.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар мавжуд номувофиқликларни аниқлаш учун солиштирилади.

Ёввойи ҳайвонларнинг сонини ҳисобга олиш жараёни ўрганилади:

- ҳисобга олиш услубининг бир хиллиги (ҳисобдан ўтказишни аниқлигини таъминлаш мақсадида);

- ҳисоб ўтказишда ушбу соҳадаги мутахассислар иштироки;

- табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспектори томонидан ҳисоб ўтказишни назорат қилиш.

Режалаштириш ва квота тақсимлашда ҳайвонларнинг сони ҳақидаги маълумотдан фойдаланиш лозим.

Агар вилоят бўлими текширилаётган бўлса, ҳайвонларнинг сони ҳақидаги маълумотларни статистик ҳисобот маълумотлари билан солиштириш керак. (2-ПР)

### **Овланган ҳайвонларнинг ҳисоби**

Овчилар жамияти ва овчилик хўжаликлари текширилганда барча журналлар ва ҳисоби юритилган барча маълумотлар ўрганилади.

Овчилик хўжаликлари томонидан қайтарилган рухсатнома (йўлланма)лар ва қайд этиш журналлари ўрганилиши керак.

Журналда кўрсатилган маълумотнинг ҳаққонийлиги овчиларнинг рухсатнома (йўлланма)ларида улар томонидан овлаган ҳайвонларнинг сони ва турлари бўйича, овчиларнинг чипта рақамлари журналда қайд этилганлар билан солиштириш орқали аниқланади.

Олинган маълумотлар жадвал шаклида акс эттирилади (15, 16-иловалар).

Агар вилоят бўлими текширилаётган бўлса, овланган ҳайвонлар ҳақидаги маълумотлар статистик ҳисоботларда кўрсатилган маълумотлар билан солиштирилади (14-илова).

Ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади (Асос: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 215-моддаси)

Табиатдан фойдаланувчи томонидан маълумотлар тақдим этилмаса расмий ёзма равишда огоҳлантирилгандан сўнг, мансабдор шахс фойдаланувчига ҳайвонлардан фойдаланишга рухсат бермасликка ҳақлидир. (Асос: “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи билан табиатни муҳофаза қилиш органи ўртасида тузилган шартнома.)

### **Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва унинг яшаш шароитларини назорат қилиш**

Текширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

а) фойдаланувчиларнинг иш режаси билан танишиш, унда ҳайвонот дунёсини асраш тадбирлари режалаштирилганлиги;

б) табиатдан фойдаланувчилар томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар ҳисоби олиб борилиши;

в) ҳуқуқбузарлик аниқлангач, қўрилган чоралар - ҳужжатлар табиатни муҳофаза қилиш органларига, прокуратура, судга топширилган ёки жарима (тўлов) ундирилган, жарималар қарор чиқарилмай ёки бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилмай “ихтиёрий” равишда ундирилганми ёки йўқлигини аниқлайди.

Ёввойи ҳайвонларнинг муҳофазаси ва уларнинг яшаш шароитини ташкил этиш тадбирлари ўрганилади (Асос: “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ва табиатни муҳофаза қилиш органлари ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар ўртасида тузилган ўзаро шартнома).

- идоравий муҳофаза усуллари (мустақил ёки инспекция билан ҳамкорликда);

- тизимли (тизимсиз) тартибда ҳудудни кўздан ўтказиш;

- ов пайтида ва ундан кейин овланган ҳайвонлар назоратининг амалга оширилиши;

- овланган ҳайвонларнинг қайд этилиши (рўйхатга олиш);

- амалда овланган овчилик ва балиқчилик маҳсулотларининг ҳисоб – китоби ва аниқлиги, овланган маҳсулотлар ҳисобининг юритилиши.

Ҳайвонлар ва уларнинг яшаш муҳитини муҳофаза қилишда табиатдан фойдаланувчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши (ёки бажарилмаслиги) аниқланган ҳолатларда, ҳуқуқбузарлик иши бўйича далолатнома тузилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма берилиши зарур.

Балиқчилик корхоналарини назорат қилишда қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- балиқ хўжаликларига бириктирилган сув ҳавзасининг паспорти ва ижара шартномалари билан танишиб чиқиш;

- овлаш қуролларини (қандай анжомлар билан овланиши, тўрлар ўлчами ва ҳоказоларни) ва муддатларини, балиқ турлари бўйича сув ҳавзаларини балиқлар билан тўлдириш ишларининг олиб борилишини текшириш;

- балиқчилик корхонаси аъзоларининг шахсий гувоҳномаси мавжудлиги, тўрларнинг тамғаланганлигини, овлаш журналининг юритилишини текшириш;

- бунда томонларнинг белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари эътиборга олинган ҳолда шартномаларни тўғрилигини текшириш.

*Масалан, балиқчилик корхоналарида овчилик-балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш ҳуқуқи, балиқчилик хўжаликларида балиқ овлаш учун ижара тузилган шартномалари асос бўла олмайди (17 ва 18-иловалар);*

Балиқларни кўпайтириш, муҳофаза қилиш тадбирлар режасини амалда бажарилишини (ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолда) ўрганиш (17-илова).

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда далолатнома тузилади. Ҳуқуқбузарлик аниқланганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилади.

Шартнома талаблари бузилгани ҳақида ушбу шартномани тузган маҳаллий ҳокимиятга хабар берилади.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганида (Асос:“Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунлар). Ушбу ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг қуйидаги моддалари билан асосланади:

- ўсимликлардан фойдаланиш (77,81,84-моддалар);
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд тартибини бузиш (82-модда);
- овчилик қоидаларини бузиш (90-модда);
- ҳайвонлар яшаш жойларида қоидаларни бузиш (83, 92, 94, 95-моддалар);

**Ўрмонлар ҳудудларида ўсимлик дунёси муҳофазаси ва улардан оқилона фойдаланишни назорат қилиш**

Ўрмонларни текширишда ўрмон ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар хўжалигининг барча фаолият турлари қамраб олиниб, амалга оширилган ишлар ҳажми, уларнинг бажарилиш муддати ўрганилади. Бунда бажарилган тадбирлар самарадорлигини баҳолаш лозим (*19-илова*).

Ўрмон хўжалиklarини текшириш жараёнида табиий ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликлар хомашёсини, улар қисмларини териш, тайёрлаш учун олинган рухсатнома бланкаларининг намунавий рухсатнома бланкалари билан мослиги солиштирилади, шунингдек улар аниқ тўлдирилиши (бланкада ўсимлик турлари бўйича йиғиш жойлари ва амал қилиш муддатлари акс этиши лозим) текширилади.

Ўрмон хўжалиги ҳудудидаги барча турдаги рухсатномалар белгиланган намунадаги талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Ўрмон хўжалиklари томонидан расмийлаштирилган барча рухсатномалар нусхалари уч кунлик муддат ичида жойлардаги Биоинспекциянинг ҳудудий инспекцияларига тақдим этилиши лозим. Агар расмийлаштирилган рухсатномалар уч кунлик муддат ичида тақдим этилмаса ўрмон хўжалигининг мансабдор шахсини маъмурий жавобгарликка тортиш лозим.

Ўрмон хўжалиги томонидан дарахт кесишга рухсатнома расмийлаштириш учун аввалам бор унга бирламчи ҳужжатлар (ер ажратиш, ишбоп ва ўтинбоп дарахтлар ажратилганлиги ҳақидаги бир йил олдинги ҳужжатлар тўплами, уларни махсус тамғалар билан тамғаланганлиги текшириб кўрилади)

Ўрмон хўжалиги томонидан барча қилинган ишларни ҳақиқийлигини текшириш учун 1-ПР шаклдаги давлат статистик ҳисоботи ва йиллик ҳисоботни амалдаги қилинган ишлар билан солиштириб таҳлил этиш зарур.

Ўрмон хўжалигининг ўрмон тузиш лойиҳавий ва ҳисобот ҳужжатлари билан ишлаш: ўрмон тузиш ишлари ҳар бир ўрмонда ягона тизимда олиб борилади. Ўрмон тузиш китоби ўрмонларни юритиш, ўрмондан фойдаланишни амалга ошириш, жорий ва истикболга мўлжалланган режалаштириш ишларини олиб бориш учун асосий норматив-техник ҳужжат ҳисобланади. Ўрмон тузиш ўрмон хўжалиги ва ўрмондан фойдаланишнинг оқилона юритилишини таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, қуйидагиларни қамраб олади:

- давлат ўрмон фонди участкаларининг чегараларини белгилаш ва давлат ўрмон фондининг ўрмондан доимий фойдаланувчилар фойдаланишидаги ҳудудининг ички хўжалигини ташкил этиш, топографик-геодезия ишларини бажариш ва ўрмонларни харитага киритиш, ўрмон фондини ҳисобга олиш, улар етилиш ёшини белгилаш, ўрмонларни кесиш режасини, кесиш ҳажмини ва

ўрмондан фойдаланиш миқдорларини белгилаш, ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, қайта тиклаш, барпо этиш.

Барча амалга оширилган ишлар ҳолати далолатномаларда кўрсатилади.

Ўрмон тузиш лойиҳаси учун давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосалари мавжудлиги, ўрмон тузиш лойиҳасининг ўрмон хўжалиги ва жойлардаги давлат ҳокимият органлари томонидан тасдиқланганлиги текширилади.

Доимий равишда ўрмонлардан фойдаланувчилар қошидаги давлат ўрмон фонди, унинг ички хўжалик ташкилоти участкалари чегаралари аниқланади.

Ўрмонни қайта тиклаш ҳисоб китобидаги маълумотларни баҳолаш ва ўрмон хўжалиги ва статистик ҳисоботнинг йиллик ҳисоботлар 1-ПР шаклига мувофиқлиги аниқланади.

Ўрмонни қайта тиклаш ишларини ўрганишда қуйидагиларга эътибор берилади:

- сўнгги текширишдан кейинги даврда қайта тикланган ўрмон майдонлари ўлчови;

- ўрмон ўсимликларининг қайта тикланиши. Ўрмон хўжаликлари ҳисоботи ўрмонни қайта тиклашнинг йиллик инвентаризацияси техник далолатномалари, шунингдек, ўрмон тикланиши ва давлат статистик ҳисоботининг 1-ПР шакл бўйича тасдиқланиши керак. Тафовутлар далолатномада қайд этилади, ўрмонни табиий шароитда қайта тикланиши, экилган кўчатларнинг яшовчанлигига қараб уларни сақланиши ёки қуришини аниқлаш учун майдонлар танлаб текширилади;

- ўрмон ўсимликларини турлар таркибининг ўрнашиши, уларни жойлаштириш схемаси ўрганиб чиқилади.

Ўрмон хўжалиги иш самарадорлиги ўрмон билан қопланган ҳудуд асосида яъни барпо этилган маданий ўрмонларни табиий ўрмон билан қопланган майдонга ўтказиш ишлари билан баҳоланади.

### **Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни назорат қилиш**

#### **Умумий ҳужжатлаштириш**

Ўрганилаётган ҳудудларни таъсис ҳужжатлари ўрганилади: Ҳукумат қарори, маҳаллий ҳокимият органлари қарори. Шу билан бирга муҳофаза



зоналари ташкил этиш ҳужжатлари — ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари қарорларининг мавжудлигини текшириш лозим.

Ердан фойдаланиш ҳужжатларининг – ер ажратиш тўғрисидаги қарор, ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси, ер участкасини Кадастр рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг мавжудлиги текширилади.

Муҳофаза этиладиган майдон ҳудуди ўзгарган бўлса, у ҳолда ер таркиби ўзгарганлиги тўғрисидаги мавжуд ҳужжатлар текширилади.

### **Илмий-тадқиқот ишлари**

Илмий бўлим мавжудлигида, илмий ва илмий-техник ходимлар штат жадвалига мувофиқлиги тўлақонлик билан текширилади. Муҳофаза этиладиган ҳудуд штат жадвалида кўрсатилган илмий ходимларнинг исм - фамилияларни, лавозимларни, иш стажи, илмий даражасини олиши керак (**20-илова, 20.1-жадвал**).

Меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлигини қуйидагилар билан текширилади:

- барча илмий ходимларнинг мансаб қўлланмалари;
- илмий ишларни ўтказиш бўйича қўлланма;
- ҳисобот тузиш бўйича қўлланма (давлат стандартига мувофиқ);
- Табиат солномаси юритиш бўйича қўлланма (услубий кўрсатма)ни ва хоказо.

Илмий тадқиқот ишлари йиллик иш режасига асосан олиб борилади. Илмий ишларни режалаштириш йиллик ҳисоботида, йиллик иш режасидан ташқари, шахсий иш режаларни қачон ва ким томонидан тасдиқланганлиги кўрсатилган ҳолда жамланган бўлиши лозим (**20-илова, 20.2-жадвал**).

Илмий ҳисоботларнинг мавжудлигини, уларнинг сақланишини текшириш, ҳисоботларнинг давлат стандарти талабларига мувофиқ келиши, Табиат Солномаси китобининг услубий кўрсатмалар ва қўлланмаларга мувофиқлиги ва йиллик ҳисоботлардаги маълумотларга мувофиқлиги шунингдек, уларнинг сақланиши текширилади. Қўриқхонада сўнги йилларда Табиат Солномаси китобининг ва йиллик илмий ҳисоботлар жамланмасининг борлиги текширилади.

Бошқа ташкилотлар билан илмий ҳамкорлик ишлари олиб борилиши, бундай ҳамкорликнинг зарурати; бир хил мазмунда ва мавзуларда илмий ишлар бажарилмаслиги; бошқа илмий муассасалар билан соҳага оид шартномалар имзоланганлиги; шартномаларнинг мавжуд ҳисоботларга мувофиқ келиши;

илмий ишлар сифатини кўзланган илмий даражалар билан мувофиқлиги текширилади.

Сўнгги текширишдан кейинги ўтган йиллар давомида янги илмий асарлар – мақолалар, тавсиялар, услубий қўлланмалар, диссертациялар чоп этилгани, чоп этилган барча ишларни йиллар бўйича кўрсаткичи, кўриқхонанинг илмий бўлимида бошқа ташкилот хизматчилари муаллифлигида ушбу кўриқхона ҳақида чоп этилган мақолалар борлиги, уларнинг йиллар бўйича сони ҳақида маълумотлар ўрганилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудда илмий жамғармалар мавжудлиги аниқлаштирилади. Илмий коллекциялар борми – улар қандай шароитда сақланади, махсус жавонлар, жиҳозлар қутилари борлиги. Биологик коллекцияларни сақлашда санитария меъёрларига риоя этилиши. Турли коллекциялар битта бинода сақланадими? Каталог журналининг мавжудлиги аниқлаштирилади.

Бирламчи материаллар – кундаликлар, картотека, сурат ва видеотекалар, қайд этиш журналлари мавжудлигини ва сақланиш тартибини текшириш. Фонли мониторинг станцияси қаерда жойлашганлиги, гидрологик постлар ва метеостанциялар мавжудлиги ва уларнинг маълумотларидан қандай фойдаланилади. Илмий бўлимдаги картографик материаллар. Ўрмон тузиш ҳужжатлари тўплами.

Илмий кутубхонанинг мавжудлиги – улар алоҳида бинога эгами ёки йўқлиги, китоблар ва журналлар миқдори, олиб борилган тадқиқотларнинг йўналишларга мувофиқлиги, қайд этиш журналидаги рўйхатлар.

Илмий бўлим ихтиёрида қанча ва қандай бинолар мавжуд. Қандай асбоб-ускуналарга эга, ноутбук, компьютер, сканер, принтер (шу жумладан, рангли), видео и фотокамералар, кузатиш аппаратлари, дурбинлар. Гербарий тайёрлаш ва уларни сақлаш учун жиҳозлар, керакли лаборатория идишлари ва асбоблари мавжудлиги.

Илмий техник кенгашининг иш режаси ва режа асосида ҳамда режадан ташқари олиб борилган йиғилишлар сони ва жойи. Йиғилишларда муҳокама этилган мавзу. Илмий бўлимда Илмий техник кенгаш йиғилишларининг йиғилиш баённомаларининг мавжудлиги.

### **Бошқа фаолият**

Муҳофаза этиладиган ҳудуднинг штат жадвалини текшириш. Бўш иш ўринлари борми, бор бўлса, бунинг сабаблари. Сўнгги текширишдан буён ишлаб чиқариш молиявий режасини текшириш. Уларни ажратилган воситалар сметаси билан солиштириш. Уларнинг нусхаларини талаб қилиб олиш.

Фаолият тури бўйича қандай меъёрий ҳужжатлар— қўлланмалар, услубий қўлланма ва бошқалар мавжуд. Муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг йиллик иш режаси ва кўп йиллик ривожланиш режаси билан танишиш.

Муҳофаза этиладиган ҳудуд идораси жойлашган бино – ишчилар хонаси, ёрдамчи бинолар, омборхоналар, техникалар ва уларни таъмирлаш учун бинолар. Муҳофаза этиладиган ҳудуд дала базалари, кордонлар. Инфратузилма белгилари – ичимлик суви, электр энергия мавжудлиги, қишки мавсумда бинолар қандай тартибда ёки усулда иситилиши, дала майдонлари, кордонларда овқат тайёрлаш ва овқатланиш учун махсус анжомлар ва бошқалар.

### **Муҳофаза ҳолати**

Муҳофаза этиладиган ҳудуднинг инспекторлари штат жадвали тўлиқ ёки тўлиқ эмаслигига оидинлик киритиш. Барча инспекторлар рўйхатини олиш, рўйхатда уларнинг ёши, муҳофаза этиладиган ҳудуддаги иш фаолияти (стажи), маълумоти, улар назорат қилиши учун бириктирилган майдон ҳақида маълумот (майдони, жой номи, 20-илова, 20.3-жадвал).

Муҳофаза этиладиган ҳудуднинг алоҳида майдонларини айрим инспекторларга бириктириб бериш бўйича буйруқ чиқарилгани. Ҳар бир инспекторга назорат қилиш учун белгиланган меъёрий майдон борлиги. Агар белгиланган майдон бўлса, ушбу майдон битта инспектор учун кўплик қилмайдими?

Муҳофаза этиладиган ҳудудни махсус муҳофаза этиш қисми бўйича Низом ёки қўлланма мавжудми. Инспекторларнинг лавозим мажбуриятлари. Инспекторларни аттестациядан ўтказиш даврийлиги. Текшириш чоғида инспекторларни ўз мажбуриятлари бўйича амалий билимларини қанчалик билишларига оидинлик киритиш лозим.

Сўнгги текшириш ўтказилганидан сўнг ўтган йилларда аниқланган қонунбузарликларни очиш бўйича расмийлаштирилган ишлар ҳолати. Ҳуқуқбузарликлар миқдори, тури, солинган жарима ва товон суммалари, улардан ундирилганлари сони, ундирилмаган жарималарни ундириш учун прокуратура, суд ва бошқа органларга қилинган мурожаатлар.

Текшириш чоғида аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини таҳлил қилиш. Бирламчи ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилиши – баённомалар, кўрсатмалар ва бошқалар. Баённомада аниқланган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик назарда тутилган қонун ёки қарор моддаси кўрсатилган ёзув мавжудми ёки йўқлиги. Аниқланган ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарнинг ёзма тушунтириш хати борми. Ҳуқуқбузарлик ишларини қайд этиш журнали ва унинг тўғри юритилиши,

баённома бланкасидаги рақамларни қайд этиш журналида кўрсатилган рақамлар билан мувофиқ келиши. Ундирилган жарималарни журналда қайд этиш.

Сўнгги текшириш ўтказилгандан буён ўтган йилларда амалга оширилган назорат-тафтиш далолатномалари мавжудлиги. Тафтиш ўтказиш даврийлиги (йилига 1 ёки 2 марта).

Сўнгги текшириш ўтказилганидан буён ўтган йиллар давомида ёнғин келиб чиққан ёки чиқмаганлигини аниқлаш. Ўрмон ёнғинларини қайд этиш журнали ташкил этилганлиги. Агар ёнғин келиб чиққан бўлса, уни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилганлиги. Сўнгги текширишдан кейин ўтган йиллар мобайнида ёнғин хавфи бўлган даврларда унинг олдини олиш ва ёнғинга қарши ишларни амалга ошириш соҳасида қабул қилинган ҳокимият қарорлари билан танишиш. Муҳофаза этиладиган ҳудуд директорлари томонидан ёнғин хавфи бўлган даврларда буйруқлар чиқарилганлиги. (Барча қарорларнинг нусхалари муҳофаза этиладиган ҳудудда сақланиши керак).

Муҳофаза этиладиган ҳудудда охириги марта ўтказилган ўрмон тузиш лойиха ҳужжатлари. Ўрмон тузиш бўйича далолатномаларнинг мавжудлиги, кварталларнинг таксономик тавсифи, муҳофаза этиладиган ҳудуднинг чегаралари ва муҳофаза минтақалари тавсифи, маҳаллий табиий шароит жойида ўрганилганида чегараларнинг тавсифланишга мос келиши. Муҳофаза этиладиган ҳудуд асосий майдонларини минтақалаштириш, хўжалик минтақалари, турар-жой ва ёрдамчи бинолар мавжудлиги, уларда бегона шахсларнинг бўлиши ва яшаши (ходимлар оилаларидан ташқари).

Қуролли кучлар тизимлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган режалар мавжудлиги. Сўнгги текшириш ўтказилгандан буён ўтган йилларда ҳамкорликда ўтказилган рейдлар сони, аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони, солинган жарималар ва ундирилган товон суммалари миқдори.

Инспекторлар гувоҳномалари, назорат паспортлари, баённома, қарор, мажбурий кўрсатма бланкалари, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлари (қонунлар, қарорлар, қўлланмалар, қоидалар ёки улардан кўчирмалар) мавжудлиги.

Инспекторларда табель қуроллари борлиги – бўлса, ўқ отувчи қуроллар тури ва сони, ишлаб чиқарилган йили, ҳолати, ўқ-дорилар билан таъминланганлиги ёзилиши керак.

Текшириш ўтказиш жараёнида қуйидаги ҳуқуқбузарлик турларига алоҳида эътибор бериш лозим, яъни муҳофаза этиладиган ҳудудда мол боқиш, ўтган йили боқилган моллар изи (қуриган тезак, топталган ўсимликлар), ем-хашак ўриш, ўтин йиғиш, ноқонуний хўжалик фаолиятини юритиш (муҳофаза этиладиган ҳудуд ходимлари томонидан), ноқонуний овчилик, балиқчилик билан шуғулланиш,

бегона шахсларнинг бўлиши ва бошқалар. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ўзлари бўлмаса, жавобгарлик назорат олиб борадиган инспекторга, ҳудуд катта инспектори ёки муҳофаза этиладиган ҳудуд директори зиммасига юклатилади. Текшириш жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган тартибда алоҳида далолатнома ёки жарима чоралари қўлланган баённома тузилади.

Муҳофаза этиладиган ҳудудда ундирилган жарима ва даъво суммаларидан фойдаланиш. Инспекторларни тақдирлаш учун маблағ ажратилиши.

### **Маърифий фаолият**

Муҳофаза этиладиган ҳудудда табиат музейи ёки бурчаги борлиги. Унда алоҳида ҳайвонлар тулumi, умуртқасизлар коллекцияси, намланиб фиксация қилинган материаллар, гербарий ва бошқа ботаник коллекциялар (илмий коллекцияда сақланаётганларидан ташқари) мавжудлиги. Экспозицияга қўйилган материалларни тавсифловчи матнлар ва лозим бўлганда уларга бириктирган жадваллар борлиги. Ранг-баранг стендлар, катта картиналар ёки муҳофаза этиладиган ҳудудни кўриниши тасвирланган суратлар, рақамли маълумотлар, муҳофаза этиладиган ҳудудлар ютуқлари акс эттирилган иллюстрациялар, муҳофаза этиладиган ҳудуднинг чизма-харитаси мавжудлиги.

Матбуотда чоп этилган мақолаларнинг сони, радио ва телевидениядаги чиқишлар, мактаблар, лицей ва коллежлардаги ва меҳнат жамоаларида олиб борилган йиғилишлардаги чиқишлар сони.

### **Иш юритиш тартиби**

Иш юритишнинг умумий ҳолатини текшириш – компьютер базаси мавжудлиги, кириш ва чиқиш журналларини олиб бориш, иш юритиш жилдлари тартиби (ишлар тартиби), ходимлар бўлимида шахсий варақалар ва меҳнат дафтарчаларининг тўғри сақланиши (сейф ёки ёпиладиган металл кути мавжудлиги). Назорат қилувчи органлар ва юқори ташкилотларнинг фармойишлари, буйруқлари ўз вақтида ва муддатида бажарилиши.

**Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги давлат экологик  
назоратига доир намунавий ҳужжатлар**

*Илова 1*

**«Тасдиқлайман»  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат экология қўмитаси раиси  
(раис ўринбосари)**

\_\_\_\_\_  
(ФИО)

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й.

**Корхоналар фаолиятида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги  
талабларига амал қилишни ўрганиш бўйича  
намунавий саволнома**

**I. Умумий маълумот**

1. Корхона, ташкилотларнинг реквизитлари. Объектни фойдаланишга топшириш, унинг тузилиши, жойлашуви. Корхона ҳудудида бошқа табиатдан фойдаланувчиларнинг мавжудлиги. Ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари: сўнгги текшириш ўтказилганидан бошлаб ўтган давр мобайнида лойиҳа маълумотларини ҳақиқатда амалга оширилган ишлар билан солиштириш (1.1-илова).

2. Қўлланилаётган хом-ашё маҳсулотларининг атроф муҳитга салбий таъсирини тавсифлаш.

3. Аввал ўтказилган текшириш натижасида табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан берилган ёзма кўрсатмаларнинг бажарилиши (1.2-илова).

4. Корхона фаолияти доирасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш хизмати ёки экологик вазиятга жавоб берадиган масъул шахс тайинланганлиги (буйруқ рақами ва санаси), унинг тўлиқ штат жадвалига боғлиқлиги. Масъул шахс

хизмати, мансаб вазифалари, иш режаси ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги Низомнинг мавжудлиги. Корхонада аттестациядан ўтказилган назорат хизмати (лаборатория) мавжудлиги, унинг махсус жиҳозлар билан таъминланганлиги, штат жадвалига асосан ходимлар билан таъминланганлиги, тасдиқланган қўлланмалар ва бошқалар мавжудлиги. Бошланғич ҳисоб-китоб ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича жавобгар шахс.

5. Атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлиги.

6. Сўнгги текшириш ўтказилгандан буён ўтган йиллар давомида атроф табиий муҳитга аварияли ва ялпи ташламалар ташланганлиги, ифлослантирувчи моддаларни оқизиш, фалокатли ҳолатлар ва белгиланмаган жойларга чиқиндиларни жойлаштирилганлиги ҳақида маълумотлар. Давлат ҳокимияти ва махсус ваколатга эга давлат органларига атроф табиий муҳитга авария ҳолатларида ҳамда чиқиндиларни белгиланмаган жойларга жойлаштирилганлиги бўйича маълумотларни тақдим этилганлиги. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш учун кўрилган чора-тадбирлар (Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 38-моддасига асосан) *(1.3-илова)*.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 491-сонли “Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига асосан қайси хавфлилик тоифасига мансуб. Атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатувчи корхоналарни жойлаштиришда, лойиҳалаштиришда, қуришда ва фойдаланишга топширишда қарор талабларига риоя этилиши. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 25-моддасига, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуни 11, 14, 15-моддалари талабларига асосан АТТА, ЭОТА ҳужжатларини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш бўйича ишларнинг ташкил этилганлиги. Сўнгги текшириш ўтказилганидан буён ўтган даврда давлат экологик экспертизаси томонидан берилган хулосада кўрсатилган тадбирлар бажарилиши.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 34-моддасига, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 25-моддасига, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни 115-моддасига, “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни 23-моддасига асосан атроф табиий муҳитни ифлослантирилганлиги ва табиий ресурслардан фойдаланганлиги учун компенсация тўловларини амалга ошириш ишларининг ҳолати *(1.4-илова)*.

8.1. Атроф табиий муҳит ифлосланганлиги учун компенсация тўловлари ҳисоб-китоби назоратини юритишга корхона раҳбарияти томонидан буйруқ асосида ишчи гуруҳ ташкил этилганлиги.

8.2. Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлиги, оқава сувлар оқизганлиги, чиқиндиларни жойлаштирганлиги массалари учун ҳисоблаш ишларини ташкил этилганлиги.

8.3. Ушбу ҳисоблашларда фалокатли, ялпи ва бошқа ташламалар, оқава сувлар ва чиқиндиларни атроф табиий муҳитга жойлаштирганлиги учун ҳисоб юритилганлиги.

8.4. Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармасига компенсация тўловларини, бадал тўловларини, қарздорлик ва пеняларни ўз вақтида ўтказишни назорат қилиш механизми. Маҳаллий жамғарма бўлими билан тузилган солиштирма далолатномалар.

8.5. Атроф табиий муҳитни ифлослантирганлиги учун тўланган компенсация тўловларининг умумий ва бухгалтерия ҳисоби.

8.6. Атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун ҳисобланган компенсация тўловларини ҳудудий орган билан келишиш механизми, ифлослантириш турлари бўйича ушбу ҳисоб-китоблар тўғрилиги ва пеняни тўлаш.

8.7. Корхона томонидан компенсация тўловидан бўлган қарздорликни ундириш учун кўрилган чора (қарздорликни ундириш режаси, ўзаро келишув ва уни бажарилиши).

9. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 47-моддасига, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 24-моддаси, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни 98, 105-моддалари, Ер Кодексини 40, 79-моддалари, “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунни 15, 25-моддаларига асосан корхонада табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирларни мавжудлиги, улар пул маблағлари билан таъминланганлиги, бажариш учун масъул шахслар, бажариш муддати, молиялаштириш манбаси, улар самарадорлиги ва ҳисобини юритиш ташкил этилганлиги, шунингдек РЭЧЧ (ПДВ), РЭЧТ (ПДС) ва РЭЧЧн (ПДО) меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича тузилган тадбирлар бажарилиши.

- табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилишида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар, жорий харажатлар, шунингдек умумий харажатлар бўйича умумий маълумот;

- ишга туширилган табиатни муҳофаза қилиш объектлари, қурилмаларининг сони ва қуввати;

- ишга туширилган табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги объектларнинг қувватидан олинган экологик самара (ташламалар камайиши, оқава сувлар ташланиши, чиқиндиларни зарарсизлантириш, сувни тежаш);



- бажарилиши режалаштирилган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилмаслиги сабаблари, улар бажарилишини таъминлаш бўйича кўрилган чоралар.

Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 24-моддасига асосан энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, ёқилғи энергетика ресурсларини тежаш, экологик жиҳатдан тоза энергия манбаларидан фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати (1.5 ва 1.6 иловалар).

10. Корхонада атмосфера ҳавосини, сув ва биологик ресурсларни муҳофаза қилиш, бузилган ерларни қайта тиклаш, чиқиндилар бўйича статистик ҳисоботларни юритиш ишларининг ҳолати. Табиатни муҳофаза қилиш ва статистика органлари билан ҳамкорлик. 2, 3, 5, 6-экология, 4-экология (молия), 1-ПР ва 1-КБ ҳисобот шакллариининг юритилиши, тақдим этилиши ва ҳаққонийлиги (Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 47-моддаси, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 26-моддаси, “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни 26-моддасига асосан) (1.7- илова).

11. Манбалардан атмосфера ҳавосига ташланаётган ташламалар, оқизилаётган оқава сувлар ва чиқиндиларни жойлаштириш устидан ишлаб чиқариш назорати. Жойлардаги АНМ таҳлил натижалари билан ишлаб чиқариш назорати таҳлил натижаларининг мослиги (Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Қонунини 32-моддаси, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунини 28-моддаси). Республика илмий-тадқиқот институтлари билан атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи манбаларнинг мониторингини ўтказиш, мониторинг натижалари.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 46-моддасига, шунингдек “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасига асосан экологик сертификатлаштиришни амалга ошириш талаблари бажарилиши.

13. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида илғор технологияларини жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш институтлари ва илмий изланишлар олиб бораётган корхоналар билан ўзаро шартномалар мавжудлиги. Олинган натижалар.

## **II. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш**

14. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий ишлаб чиқариш цехлари.

15. Корхонада атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддаларни меъёрлаштириш ишларининг йўлга қўйилганлиги: РЭЧЧ меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган санаси (Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 15-моддаси, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 8-моддаси). Корхона бўйича РЭЧЧ меъёрларини г/с, тн/й тўлиқ ўрнатилганлиги. РЭЧЧ меъёрий ҳужжатининг амал қилиш муддати.

16. Ташламалар бошланғич ҳисобини юритиш учун масъул шахс. Бошланғич ҳисобни юритиш учун журналлар мавжудлиги ва ҳолати (ПОД-1, 2, 3).

17. Ташкилланган ташланмалар манбалари сони, асосий ташкилланмаган ташланмалар миқдори. Корхонада ҳисобга олинмаган ташланма манбалари мавжудлиги.

18. Турғун манбалар ва кўчма манбалардан атмосфера ҳавосига ҳақиқатда ташланаётган ташланмалар миқдори, уларнинг фарқи. Атмосфера ҳавосига ташланаётган умумий ташланмаларда ифлослантирувчи моддалар тақсимланишини баён этиш (1.8, 1.9 иловалар).

19. Атмосфера ҳавосига ҳақиқатда ташланаётган чиқиндилар аҳамиятига кўра статистик ҳисоботларга (2-экология, 1-КБ), аналитик назоратга ихтисослашган инспекциянинг асосий ташлама манбаларидан олинган намуналарини текшириш натижаларига ва корхона томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқариш назорати натижалари - РЭЧТ меъёрий ҳужжатида ўрнатилган меъёрларга ҳақиқатда мос келадими? (1.10 илова).

20. Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 24-моддасига асосан атмосферага чиқариладиган чиқиндиларни тозалаш иншоотлари, асбоб-ускуналари ва аппаратураларидан, шунингдек улар устидан назорат қилиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этиш.

Корхонада чанг-газ ушлаш қурилмалари сони, унинг қуввати, техник ҳолати, лойиҳавий самарадорлиги. ЧГТУлари паспортларининг мавжудлиги. Ўрнатилмаган ЧГТУлари сони, янгиларининг жорий этилиши, амалдагиларини капитал ёки жорий таъмирлаш. Аналитик назоратга ихтисослашган инспекциясининг назорат таҳлили натижаларига кўра ЧГТУларининг лойиҳавий самара дорлиги ҳақиқатдаги самарадорлигига мос келадими? (1.10.1, 1.10.2, 1.10.3, 1.10.4, 1.10.5, 1.10.6-иловалар).

21. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 20-моддаси, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасига асосан автотранспорт воситаларини таъмирлашда ва фойдаланишда улардан чиқадиган ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддалар миқдорининг меъёрларига риоя қилиниши.

Автотранспорт воситалари сони, шу жумладан карбюраторли, дизелли, газ ёқилғисида ҳаракатланадиганлари, уларнинг фойдаланиш муддати. Диагностика пости, газларни таҳлил қилиш қурилмалари мавжудми, улар солиштирма текширишдан ўтганми? Двигателлардан чиқаётган ишлатилган газларнинг захарлилик ва тутунлиги бўйича ТО ва ТР регламенти билан ўрнатилган муддатларда ишлаб чиқариш назорати ўтказиладими? Автомобилларнинг газ ёқилғисига ўтказиш бўйича амалга оширилган тадбирлар (1.11, 1.11.1 и 1.11.2-иловалар).

22. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 20-моддаси, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасига асосан таркибида озонни бузувчи моддалари бўлган жиҳозлардан фойдаланишда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилиши, озонни бузувчи моддаларнинг ҳисобга олиниши ва улар озон учун хавфсиз моддалар билан алмаштирилишини таъминланиши (1.121- 1.12.6 иловалар).

23. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 20-моддаси, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасига асосан ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш ёки кўмиб ташлашда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши.

24. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 20-моддаси, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 24-моддасига асосан метеорология шароитлари ноқулай келиши кутилаётганлиги муносабати билан корхона томонидан вақтинчалик ташламаларни камайтириш бўйича ишларни ташкил этиш.

### **III. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш**

23. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасига асосан корхона томонидан сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларига амал қилиниши.

23.1. Қайси манбадан ва қандай ҳажмда сув олинади, агар ер остидан бўлса – у ҳолда кудуқларнинг умумий сони, улардан нечтаси ишчи ва қанчаси ишсиз ҳолатда, скважиналар тавсифи, атрофида Санитар муҳофаза минтақаси (СММ) мавжудлиги ва унинг ҳолати (“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 100-моддаси), сув ўлчов қурилмалари ёки жиҳозлар мавжудлиги, уларнинг маркалари, техник ҳолати, тамғалар мавжудлиги. Корхонада рўйхатдан ўтмаган оқава сувларни ташлаш манбалари (1.13, 1.14-иловалар).

23.2. Агар сув ташувчи машинадан ёки водопроводдан олинса, унинг эгаси билан жорий йилга шартноманинг мавжудлиги (шартнома сони, санаси) (“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси).

23.3. Сувдан қандай эҳтиёжларда ва қандай ҳажмда фойдаланилади, муомалада бўлган тизимнинг мавжудлиги, сув таъминотининг такрорий ва давомийлиги. ( $\text{м}^3/\text{сут.}$ ,  $\text{м}^3/\text{йил}$ ).

23.4. Оқава сувларнинг турлари ва ҳажми ( $\text{м}^3/\text{сут.}$ ,  $\text{м}^3/\text{й}$ ), улар қаерга ташланиши, агар очиқ сув ҳавзаларига ёки очиқ ерга ташланса, бунда тозалаш иншоотининг мавжудлиги (“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 74-моддаси), уларнинг турлари: биологик, физик-кимёвий, механик, таркиби,

лойиха ва ҳақиқий қуввати, техник ҳолати, кимёвий таҳлил бўйича тозалашнинг ўртача самарадорлиги (1.15-илова).

24. Объектда оқава сувларни ташлаш бўйича РЭЧТ, КЭМ (“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддаси ва “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 27, 35, 73-моддалари) меъёрлаш ишлари ҳолати. РЭЧТ, КЭМ меъёрий ҳужжатларининг амал қилиш муддатлари. Корхона бўйича белгиланган меъёрлар мазмун-моҳияти.

25. Сувдан фойдаланиш ва ташлаш учун бирламчи ҳисоботни олиб борувчи масъул шахслар мавжудлиги. Бирламчи ҳисобот (ПОД-11,12,13) журналининг мавжудлиги ва юритиш ҳолати.

26. Сув истеъмолининг амалдаги ҳажми (манбалар бўйича), оқава сувларни ташлаш ҳажми (оқава сувлар йиғиладиган махсус жойлар бўйича), улардан ифлосланганлари, тозалашни талаб қилмайдиган меъёрий тоза, тозалаш иншоотларида меъёрида тозаланган (1.13, 1.16 иловалар).

27. Ташланган ҳақиқий оқава сувлар Давлат аналитик назоратнинг натижаларига мувофиқ РЭЧТ меъёрларга мос келадими (5, 6, 1.15 иловалари).

#### **IV. Ер ресурсларини муҳофаза қилиш**

28. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ тупроқдан фойдаланиш шартларига амал қилиниши:

28.1. Ер участкаларини танлашда экологик экспертиза хулосаларининг мавжудлиги (“Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси) ва бажарилиши.

28.2. Объект эгаллаган майдон, ердан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида давлат далолатномаси ва маҳаллий ҳокимият қарори мавжудлиги. Ер майдонлари тартибини бузиш.

28.3. Рекультивация ишлари бўйича бузилган ерларни ҳар хил турдаги ифлосланишлардан сақлаш (Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 79-моддаси) (1.17-илова).

29. Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш. Тоғ ва ер чиқиндилари, карьерлар тўғрисида давлат экологик хулосалар мавжудлиги тўғрисида маълумот. Тоғ ишларини юритиш қоидаларига риоя қилиниши (1.18 илова).

30. Тупроқ таркибидаги ифлослантирувчи моддаларни аниқлаш учун намуна олиш, таҳлил натижалари (5, 6-илова).

## **V. Чиқиндиларни бошқариш**

31. Чиқиндиларни меъёрлаш бўйича объектда олиб борилаётган ишларнинг ҳолати, РЭЧЧн меъёрий ҳужжатини ишлаб чиқиш ва тасдиқланиш муддатлари (“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддаси ва “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси). Корхона бўйича белгиланган РЭЧЧн меъёрларининг т/йда мазмун-моҳияти. РЭЧЧн меъёрий ҳужжатининг амал қилиш муддати.

32. Чиқиндиларнинг бошланғич ҳисоби бўйича масъул шахслар. Чиқиндилар бўйича бошланғич ҳисоб қайд этиладиган журнал ҳолати ва мавжудлиги. Корхоналарда ҳисобга олинмаган чиқиндилар манбасининг мавжудлиги. Объектда қандай хавфли чиқиндилар тоифаси ва қандай турлари ҳосил бўлиши, уларнинг турлари ва тоифалари бўйича хавфлилигининг йиллик ҳажми. Амалдаги чиқиндиларнинг миқдори. Уларнинг ўсиш суръати қандай? (1.19-илова).

33. Чиқиндиларнинг амалдаги миқдори статистик ҳисоботидаги РЭЧЧн меъёрларига мос келадими? (3-экология ёки 1-МБ маълумотларига кўра).

34. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси ва “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига биноан объектда чиқиндилар бошқаруви талабларига риоя қилиниши (инсон ҳаётига ва саломатлигига ҳамда атроф муҳитга хавфлилиги; тўпланишини таъминлаш, тўғри сақлаш, чиқиндилар бузилишига йўл қўймаслик, чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш чораларини кўриш, чиқиндиларни ва қайта ишланган маҳсулотларнинг аралаштиришига йўл қўймаслик, рухсат этилмаган жойларда уларни кўмишга йўл қўймаслик, чиқиндиларни жойлаштиришнинг санитария ва экологик ҳолатини назорат қилиш. Сўнгги текширишдан кейин қандай чиқиндисиз ва кам чиқинди берадиган технологиялар жорий қилинди?

34.1. Ишлаб чиқаришдан чиққан чиқиндиларни жойлаштириш учун ажратилган ернинг умумий майдони, уларнинг ҳолати ва фойдаланиш самарадорлиги, саноат чиқиндиларининг шаклланиши, шундан заҳарли чиқиндилар, чиқиндиларни утилизация қилиш.

34.2. Маиший ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш ва утиллаштириш шароитлари, уларнинг ҳисобини юритиш (Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни 15, 22 ва 26-моддалари) (1.20-илова).

34.3. Объектда табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан тасдиқланган “Чиқиндиларни инвентаризациядан ўтказишни ташкил қилиш тартиби” О’зРН 84.3.15:2005 ва “Ишлаб чиқариш чиқиндиларини жойлаштириш лимитини белгилаш бўйича услубий кўрсатмалар» О’зРН 84.3.16:2005 меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги (Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунининг 15 ва 18-моддаси).

34.4. Чиқиндиларни бошқаришда бузилган ерларни рекультивация қилиш ишларини ўтказиш (Ўзбекистон Республикаси “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддаси).

34.5. Объектларда чиқиндилар паспорти мавжудлиги (Ўзбекистон Республикаси “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддаси).

34.6. Агар савдога қўйилган объектда чиқиндилар ҳосил бўлса, шунингдек, транспортда ташиладиган хавфли чиқиндилар ҳосил бўлса, у ҳолда уларда экологик сертификатларнинг мавжудлиги (Ўзбекистон Республикаси «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддаси).

34.7. Агар маиший ва саноат чиқиндилари бошқа ташкилотлар томонидан объект ҳудудидан четга олиб чиқилса, у ҳолда жорий йил учун улар билан шартноманинг мавжудлиги (шартнома санаси ва рақами).

34.8. Таркибида симоб моддаси бўлган лампаларни тўплаш, сақлаш ва топширишда О’зРН 84.3.10:2004 “Ўзбекистон Республикасида ҳудудда таркибида симоб моддаси бўлган маҳсулотлар билан муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги Низоми”га мувофиқ амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати. Таркибида симоб моддаси бўлган лампаларни демеркуризацияга топшириш бўйича тегишли корхоналар билан шартноманинг мавжудлиги (1.21-илова).

34.9. Агар объектнинг ишлаб чиқариш фаолиятида тиббий чиқиндилар ҳосил бўлса, у ҳолда бундай чиқиндиларни утиллаштириш ва йўқ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларининг ҳолати.

35. Чиқиндиларни утиллаштириш ва уларни кўмиш жойи Давлат кадастрини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати (Ўзбекистон Республикаси “Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддаси) (1.20.1.ва 1.20.2-иловалар).

## **VI. Ер ости бойликлари муҳофазаси**

36. Карьерлардан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб бориш ҳуқуқи бўйича берилган лицензиянинг мавжудлиги (қайд этиш рақами, берилган санаси). Ер ости бойликларидан фойдаланишда улардан фойдаланганлик учун тўловларни ўз вақтида ва тўғри тўлашни кўшиб ҳисоблаганда, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва лицензияда ўрнатилган экологик шарт-шароитлар ва талабларга риоя қилиниши (Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунининг 26, 27-моддалари).

37. Ердан фойдаланиш ҳуқуқига оид давлат далолатномаси, тоғ кон ажратмаси далолатномаси (қайд этиш рақами, санаси, ўрнатилган майдон, ўрнатилган ҳажм, амалдаги жараён).

38. Келишилган тоғ ишларини ривожлантириш режасининг мавжудлиги ва унга риоя қилиниши (қайд қилинган рақами, мувофиқлик санаси) (1.18-илова)

39. Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар томонидан атроф муҳит муҳофазасига зарарли таъсири бўйича тадбирлар ва қонунчиликнинг бажарилиши (Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунининг 33, 35, 37-моддалари).

40. Фойдали қазилма конларини ишлатиш лойиҳаси, қурилиш, тиклаш, рекультивация ва фойдали қазилмаларни ва минерал хом ашёни ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаларига давлат экологик экспертиза хулосасининг мавжудлиги (рўйхатга олиш рақами, берилган санаси, ҳужжат номи). Давлат экологик экспертизаси хулосасидаги шартларга риоя қилиниши.

41. Фойдали қазилмаларнинг очилган юза тупроқларни оқилона жойлаштириш талабларига риоя қилиниши (ҳажми, эгаллаб турган майдони, уларни сақлаш тури). Очилган юза тупроқларни терриконлар ва чиқинди қабристонларига жойлаштиришда атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш тадбирларининг бажарилиши.

42. Зарарли моддалар, ишлаб чиқариш ва радиоактив чиқиндиларни кўмишнинг ўрнатилган тартибларига риоя этилиши (ЎзР «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунининг 27, 39-моддалари).

43. Ер ости бойликлардан фойдаланиш, бундан ташқари фойдали қазилмаларни казиб олиш билан боғлиқ бўлмаган иш жараёнида, бузилган ерларни рекультивация қилиш бўйича иш режаларининг мавжудлиги ва бажарилиши (умумий бузилган ерлар майдони, рекультивация лойиҳаси, рекультивацияга оид майдони, ҳақиқатдан бажарилгани, ерларни топшириш далолатномаси ва ҳокимият қарори) (Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 40, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунининг 33-моддаси) (1.17-илова).

44. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар чегараларида фойдали қазилма конларни казиб олиш (Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддаси).

## **VII. Ўсимликлар дунёси муҳофазаси**

45. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ жонли табиат объектларидан фойдаланиш шартларига риоя қилиниши.

45.1. Ўзбекистон Республикаси ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг кесилиши (Ўзбекистон Республикаси «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни).

рухсатнома учун тўловлар қиймати, ўрмон фондига кирмайдиган ҳудудга берилган рухсатноманинг қайд қилиниши;

ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланганлик тўғрисидаги рухсатнома бланклари намуналарини ҳамда давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларда пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатномалар бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш талабларининг бажарилиши;

- дарахтларни кесишга рухсат берадиган ҳужжатларнинг мавжудлиги (текшириш далолатномаси, хулоса, рухсатнома берилиши – ким томонидан берилган, муддати бўйича, дарахтлар сони, тўлов, тўлов қоғозининг мавжудлиги, маблағ қаерга келиб тушган, тўлов суммаларини тўғри ёки нотўғри ҳисобланганлиги);

- кесилган дарахтлар ва буталар миқдорини аниқлаш. Уларнинг диаметрини тавсифлаш ва уларни схемага тушириш.

45.2. Текширилаётган объектда ўсимлик дунёсини ҳисобга олишда (Ўзбекистон Республикаси “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш” тўғрисидаги Қонуни):

- дарахтлар ва бошқа ўсимликлар (бутазорлар) турлари бўйича миқдорини аниқлаш;

- участкалардаги дарахтлар ва буталар тақсимланиши схемасини тузиш;

- объект ҳудудида жойлашган дарахтлар инвентаризацияси ўтказилгани;

- дарахтлар ташкилот баланси қийматида кўрсатилгани;

- объект ҳудудини ободонлаштириш мақсадида ҳар йили экилган кўчатлар (кўчатларнинг яшовчанлиги % ҳисобида).

45.3. Ўсимликлар дунёси объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан назорат (Ўзбекистон Республикаси “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш” тўғрисидаги Қонуни) (ким назоратни амалга оширади – давлат инспекцияси, объект хизматчилари ва бошқалар. Ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш қонунчилигини бузганлик учун жарималар солинганми ва даъволар қилинганми?)

- ноқонуний кесиш ҳолларида – етказилган зарарни аниқлаш, айбдорларга нисбатан далолатнома тузилиб, баённома ва бошқа зарур ҳужжатларни расмийлаштириш. Албатта суратга олиниши керак).







Олинган манба: маълумотлар \_\_\_\_\_ дан олинган

Корхона \_\_\_\_\_

1.3 - Илова

<b>Авария келиб чиқиши сабаблари</b>	<b>Авария содир бўлган ва баргараф этилган сана, вакти</b>	<b>Сув ва бошқа объектларнинг номи</b>	<b>Ифлослантирувчи моддалар номи</b>	<b>Оқизилган (ташланган) ифлослантирувчи моддалар миқдори, кг, т</b>

**Сув ҳавзаларига, ерга авариявий (бараварига) ташланган, оқизилган ифлослантирувчи моддалар тўғрисида маълумот**

**Атроф табиий мухитга зарарли моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари**

Йиллар	Келишилган тўлов миқдори, минг.сўм.					Ундириган тўлов		
	Жами	Атмосфера хавосига чиқарилган ифлослантувчи моддалар учун	Оқава сувлари сув объектлари ва жой рельефига оқизганлик учун	Чиқиндиларни жойлаштирганлик учун	Канализацияга тармоғига меъёридан ортиқча ифлослантувчи моддаларни оқизганлиги учун	Жами	Атмосфера хавосига чиқарилган ифлослантувчи моддалар учун	Оқава сувлари сув объектлари ва жой рельефига оқизганлик учун
20__								
20__								
20__								

## Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича чора -тадбирларнинг бажарилганлиги ҳақида

Режалаштирилган тадбирлар сони (та)			Режа бўйича сарфланадиган маблағ миқдори (минг.сўм)			Амалда бажарилгани сони (та)			Бажаришга амалда сарфланадиган маблағ (минг.сўм)		
20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й.	20__ й.
<b>Сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича</b>											
<b>Ер ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича</b>											
<b>Чикиндиларни жойлаштириш бўйича</b>											
<b>Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича</b>											
<b>Усимлик дунесини муҳофазаси бўйича</b>											

Корхона \_\_\_\_\_  
1.6 - Илова

### Атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича сўнгги 3 йилда бажарилмаган асосий тадбирлар тўғрисида маълумот

Тадбир мазмуни	Бажариш муддати	Режалаштирилган маблағ, минг сўм	Тадбир амалга оширилгандан сўнг қутилаётган экологик	Бажарилмаган

			<b>натижа</b>	
--	--	--	---------------	--

\_\_\_\_\_ (жазо қўллаган мансабдор шахнинг лавозими, Ф.И.Ш., имзоси ва сана)

**26-Илова**

20 \_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (материал юборилаётган идора ёки мансабдор шахс)

№ \_\_\_\_\_

**Маъмурий хуқуқбузарлик  
тўғрисидаги баённомани**

## юбориш ҳақида

Сизга \_\_\_\_\_ га нисбатан  
(хуқуқбузарлик содир этган шахсининг Ф.И.Ш. ва турар жойи)  
Ўзбекистон Республикасининг МЖТК \_\_\_\_\_ -моддаси бўйича тўпланган ҳужжатлар  
ушбу кодекснинг 282-моддасига асосан мазмунан кўриб чиқиш учун юборилмоқда.

Илова: «\_\_» варақда.

\_\_\_\_\_  
(мансабдор шахс лавозими)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

**27-НАМУНА**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(материал юборилаётган прокуратура  
органи  
номи)

№  
\_\_\_\_\_

### Жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли ишни юбориш ҳақида<sup>1</sup>

Сизга \_\_\_\_\_  
(МЖТКнинг моддаси, хуқуқбузарлик содир этган шахсининг Ф.И.Ш. ва турар  
жойи)

нисбатан расмийлаштирилган маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларида  
жиноят аломатлари аниқланганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 278-  
моддасига асосан кўриб чиқиш учун юборилмоқда.

Илова: «\_\_» варақда.

\_\_\_\_\_  
(мансабдор шахс лавозими)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

### МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДА ИШ ЮРИТИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ

Маъмурий хуқуқбузарликни тўхтатиш, хуқуқбузарнинг шахсини  
аниқлаш, башарти, баённома тузиш зарур бўлиб, уни хуқуқбузарлик содир  
этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда, маъмурий  
хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри  
кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги  
ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур  
шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўриқдан ўтказишга,

унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш бу ишга қонун ҳужжатлари билан ваколат бериб қўйилган органлар (мансабдор шахслар) томонидангина амалга оширилиши мумкин, масалан, МЖТКнинг 56, 57, 58, 61, 90, 91, 92, 94, 113, 114, 115, 116, 117-моддаларида, 118-моддасининг учинчи қисмида, 121, 122, 123, 125, 1251, 126, 127, 128, 1281, 1282, 1283, 1284, 1285, 1286, 129, 130, 131, 133, 134, 135, 1351, 136, 137, 138, 141, 142-моддаларида, 144-моддасининг учинчи қисмида, 146-моддасида, 147-моддасининг биринчи қисмида, 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 154, 156-моддаларида, 164-моддасининг учинчи қисмида, 170-моддасида, 176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 1763-моддасида, 1764-моддасининг иккинчи қисмида, 183, 184, 1841, 1842, 1843, 185, 186, 187, 188, 189, 1891, 190, 191, 192, 194, 195, 198, 199, 201, 203, 204, 205, 209, 210, 218, 220, 224-моддаларида, 225-моддасининг биринчи қисмида, 228, 240-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – ички ишлар органлари томонидан;

60-моддасида, 69-моддасида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бундан мустасно), 77, 79, 81, 82, 83, 84, 90, 91, 92, 93, 94, 162, 198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан маъмурий йўл билан ушлаб турилишга йўл қўйилади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса – улар хушёр тортган вақтдан бошланади.

Шахсни кўриқдан ўтказиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органлари ва чегара қўшинларининг ваколатли шахслари ҳамда қонунларда бевосита бу ваколат берилган бошқа органлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шахсни кўриқдан ўтказиш кўриқдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита холис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарларни ушлаш, шахсий кўриқдан ўтказиш ёки ашёларини кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашёлар ва ҳужжатлар олиб қўйилади.

Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар шундай ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқи берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан белгилаб бериладиган жойларда сақланади, иш кўриб бўлинганидан кейин эса, уни кўриб чиқиш натижаларига қараб, бу ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса – сотиб юборилади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсни кўриқдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш, транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш устидан манфаатдор шахс юқори органга (мансабдор шахсга), прокурорга ёки судга шикоят бериши мумкин.

## 28-НАМУНА

### Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги БАЁННОМА № \_\_\_\_\_

20 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_  
(кун, ой)

\_\_\_\_\_ (ҳудуд номи)

\_\_\_\_\_ (баённома тузган шахснинг лавозими, Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ (ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар)



\_\_\_\_\_ (ушлаб туриш вақти ва жойи)

\_\_\_\_\_ (ушлаб туриш асослари)

\_\_\_\_\_ ушлаб турилди. Шахс ушлаб турилган жой ҳақида унинг \_\_\_\_\_ га (қариндоши, адвокат, иш ёқиққиш жойи маъмурияти) \_\_\_\_\_ телефон рақами орқали хабар берилди<sup>2</sup>. Ушлаб туриш бошланган вақт: 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ соат \_\_ дақиқа \_\_ (кун, ой)

\_\_\_\_\_ (қўшимча маълумотлар)

Ушлаб турилган шахсга Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 286-моддаси талаблари тушунтирилди.

Баённомага қўшимча ва иловалар:

\_\_\_\_\_ (кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш натижалари, олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар)

\_\_\_\_\_ (ушлаб турилган шахснинг Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (халис гувоҳларнинг Ф.И.Ш.)<sup>3</sup>

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (баённома тузувчи шахснинг лавозими ва Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

## 29-НАМУНА

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (прокуратура органи)

№ \_\_\_\_\_

### ХАБАРНОМА<sup>1</sup> шахснинг ушлаб турилганлиги ҳақида

Фуқаро \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

1. Туғилган йили, ойи ва куни \_\_\_\_\_
2. Маълумоти \_\_\_\_\_
3. Оилавий аҳволи \_\_\_\_\_
4. Иш жойи, лавозими \_\_\_\_\_
5. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат \_\_\_\_\_

(номи, серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган)

Ушлаб туриш асослари \_\_\_\_\_

Ушлаб туриш бошланган вақт: 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ соат \_\_ дақиқа \_\_  
(кун, ой)

Ушлаб турилган шахс ҳозирда \_\_\_\_\_

да

(вақтинча сақлаш жойи тўғрисида маълумотлар)

сақланмоқда. Ушбу ҳақда Сизга Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 288-  
моддасига асосан маълум қилинмоқда.

\_\_\_\_\_ (мансабдор шахс лавозими) (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

**30-НАМУНА**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

№ \_\_\_\_\_

(ушлаб турилган шахснинг қариндоши, адвокат,  
или ёки ўқини жойи маъмуриятига)

**ХАБАРНОМА**

**шахснинг ушлаб турилганлиги ҳақида**

Фукаро \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Ушлаб туриш асослари \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Ушлаб туриш бошланган вақт: 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_.  
(кун, ой)

Ушлаб турилган шахс ҳозирда \_\_\_\_\_ да(вақтинча сақлаш жойи  
тўғрисида маълумотлар)  
сақланмоқда.

Ушбу ҳақда Сизга Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 286-моддасига  
асосан маълум қилинмоқда.

\_\_\_\_\_  
(мансабдор шахс лавозими) (имзо) (Ф.И.Ш.)

**31-НАМУНА**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(вояга етмаган шахсинг ота-онаси  
ёки улар ўрнини босувчи шахсларга

№ \_\_\_\_\_

**ХАБАРНОМА**  
**шахсинг ушлаб турилганлиги ҳақида**

Фукаро \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

Ушлаб туриш асослари \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Ушлаб туриш бошланган вақт: 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ .  
(кун, ой)

Ушлаб турилган шахс ҳозирда \_\_\_\_\_ да  
\_\_\_\_\_ да  
(вақтинча сақлаш жойи тўғрисида маълумотлар)

сақланмоқда.

Ушбу ҳақда Сизга Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 286-моддасига асосан маълум қилинмоқда.

\_\_\_\_\_  
(мансабдор шахс лавозими)(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

32-Илова

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

\_\_\_\_\_  
(мансабдор шахснинг лавозими,  
Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

20\_\_ йил \_\_\_\_\_  
(кун, ой)

«РУХСАТ БЕРИЛСИН»

\_\_\_\_\_  
(тегишли прокурорнинг Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

20\_\_ йил \_\_\_\_\_  
(кун, ой)

**ҚАРОР**

**шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатини узайтириш ҳақида**

20\_\_ йил \_\_\_\_\_  
(кун, ой)

\_\_\_\_\_  
(худуд номи)

Мен, \_\_\_\_\_,  
(ваколатли орган номидан иш юриётган шахснинг лавозими ва Ф.И.Ш.)  
Ўзбекистон Республикасининг МЖТК \_\_\_-моддасида назарда тутилган маъмурий  
хуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган шахс \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш., яшаш жойи)

1. Туғилган йили, ойи ва куни \_\_\_\_\_
2. Маълумоти \_\_\_\_\_
3. Оилавий аҳволи \_\_\_\_\_
4. Иш жойи, лавозими \_\_\_\_\_
5. Муқаддам маъмурий жазога тортилганлиги \_\_\_\_\_
6. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат \_\_\_\_\_
7. Ушланган вақти: 20 \_\_\_ йил \_\_\_\_\_, соат \_\_\_\_\_.
8. Ушлаб туриш асослари \_\_\_\_\_

нисбатан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб,

### АНИҚЛАДИМ:

\_\_\_\_\_ (ишни қўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатлар баёни)

\_\_\_\_\_ (ушлаб туриш муддатини узайтиришига асослар)

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 287 ва 288-  
моддаларига асосланиб,

### ҚАРОР ҚИЛДИМ:

Ўзбекистон Республикаси МЖТК \_\_\_\_\_-моддасида назарда тутилган маъмурий  
хуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган шахс

\_\_\_\_\_ ни \_\_\_\_\_ да ушлаб туриш муддати

(Ф.И.Ш.) (ушлаб туриш жойи)

20 \_\_\_ йил \_\_\_\_\_, соат \_\_\_\_\_ га қадар узайтирилсин.

(кун, ой)

\_\_\_\_\_ (мансабдор шахс лавозими) (имзо) (Ф.И.Ш.)

34-Илова

### ҚАРОР

маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича  
таржимон тайинлаш ҳақида

20 \_\_\_ йил \_\_\_\_\_  
(кун, ой)

\_\_\_\_\_ (ҳудуд номи)

Мен \_\_\_\_\_  
(маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юриётган мансабдор шахснинг  
лавозими ва Ф.И.Ш.)

фуқаро \_\_\_\_\_ га нисбатан

(Ф.И.Ш., туғилган вақти, иш ва яшаш жойи)

Ўзбекистон Республикасининг МЖТК \_\_\_\_\_-моддаси бўйича юритилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб,

**АНИҚЛАДИМ:**

\_\_\_\_\_ (таржимон кимга, қандай асос ва сабабларга кўра тайинланиши кўрсатилади)

Юқоридагиларга кўра, МЖТКнинг 300-моддасини қўллаб,

**ҚАРОР ҚИЛДИМ:**

Фукаро \_\_\_\_\_ га нисбатан  
(Ф.И.Ш., тугилган вақти, иш ва яшаш жойи)

Ўзбекистон Республикасининг МЖТК \_\_\_\_\_-моддаси бўйича юритилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан \_\_\_\_\_ га нисбатан

\_\_\_\_\_ (таржимон тайинланаётган шахснинг Ф.И.Ш.) (таржимон этиб тайинланаётган шахснинг Ф.И.Ш., иш жойи ва лавозими)

\_\_\_\_\_ таржимон этиб тайинлансин.

\_\_\_\_\_ (мансабдор шахс лавозими)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

**35-Илова**

**ТИЛХАТ**

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари билан танишиб чиққанлиги ҳақида**

Мен \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни  
(Ф.И.Ш.) (кун, ой)

фукаро (мен) \_\_\_\_\_ (га) нисбатан Ўзбекистон Республикасининг

(Ф.И.Ш.)

МЖТК \_\_\_\_\_-моддаси бўйича расмийлаштирилган \_\_\_\_\_-сонли маъмурий ҳуқуқбузарликка оид \_\_\_\_\_ хужжатлар билан \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ да,

\_\_\_\_\_ (таништирилган жой номи)

\_\_\_\_\_ томонидан

(иш материаллари билан таништирган мансабдор шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими)  
таништирилдим.

\_\_\_\_\_ (таништирилган шахс Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (мансабдор шахс лавозими) (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

**36-Илова**

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (хуқуқбузарлик содир этган шахс ва унинг манзили)

№ \_\_\_\_\_

### Хабарнома

\_\_\_\_\_ биносининг  
(иш кўриб чиқиладиган идора номи ва манзили)

№ \_\_\_\_ хонасида 20 \_\_\_\_ йилнинг « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ да Сизга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг МЖТК \_\_\_\_-моддаси билан расмийлаштирилган маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатлари мазмунан кўриб чиқилади.

Мазкур ишни ҳар томонлама тўлиқ ва сифатли кўриб чиқиш учун кўрсатилган муддатда белгиланган манзилга етиб келишингиз ва ишни кўриб чиқишда шахсан катнашингиз шарт.

Катнашишдан бўйин товлаган тақдирингизда, Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 294-моддаси 3-қисмида белгиланган тартибда мажбуран олиб келинишингиз мумкинлиги хусусида огоҳлантириласиз.

Манзил:

\_\_\_\_\_. Қуйидаги \_\_\_\_\_ жамоат транспортлари қатнайди.  
(жамоат транспорти тури ва рақами (белгиси))

\_\_\_\_\_ (мансабдор шахс лавозими) (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**37-Илова**

№ \_\_\_\_\_

### ЧАҚИРУВ ҚОҒОЗИ

\_\_\_\_\_ да  
(ишни кўриб чиқаётган орган номи ва манзили)  
фуқаро \_\_\_\_\_ томонидан Ўзбекистон Республикасининг МЖТК \_\_\_\_-моддасида (моддалари) назарда тутилган хуқуқбузарликни содир этганлиги юзасидан ишни кўриб чиқиш белгиланган.

Шу муносабат билан, Сизни 20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ га \_\_\_\_\_ нинг

(идора номи, мансабдор шахсининг лавозими, ҳарбий (махсус, даражали) унвони,  
Ф.И.Ш.)

№ \_\_\_\_\_ хизмат хонасига шахсининг тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, гувоҳнома)  
билан келишингиз лозим.

Манзил: \_\_\_\_\_.

Қуйидаги \_\_\_\_\_ жамоат транспортларикелади.  
(жамоат транспорти тури ва рақами (белгиси))

\_\_\_\_\_  
(мансабдор шахс лавозими)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

-----  
кесили чизиғи

**Чақирув қоғозига илова**  
(маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжати тикиш учун)

\_\_\_\_\_ ни «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил куни соат \_\_\_\_ да  
(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ га чақирилганлиги тўғрисидаги чақирув қоғозини олдим.

(давлат органининг номланиши)

\_\_\_\_\_  
(чақирув қоғозини олган шахсининг Ф.И.Ш.)<sup>1</sup>

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(имзо)

**38-ИЛОВА**

\_\_\_\_\_  
(давлат органи ва мансабдор шахс)

**ИЛТИМОСНОМА**

Менга нисбатан 20\_\_ йилнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ да  
\_\_\_\_\_ биносининг

(давлат органининг номланиши)



№ \_\_\_\_ хонасида Ўзбекистон Республикасининг МЖТК \_\_\_\_-моддаси билан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш мазмунан кўриб чиқилиши юзасидан йўлланган хабарномани 20 \_\_\_\_ йилнинг « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ да олдим.

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
*(ишни кўриб чиқишни кечиктиришининг асослантилган сабаблари)*

\_\_\_\_\_  
сабабли Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 294-моддаси 2-қисмига асосан менга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтини 20 \_\_\_\_ йилнинг « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ га кечиктиришингизни сўрайман.

\_\_\_\_\_  
*(Ф.И.Ш.)*

\_\_\_\_\_  
*(имзо)*

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил

**39-ИЛОВА**

### **ҚАРОР**

**маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан**

\_\_\_\_\_  
*(қарор чиқарган орган (мансабдор шахс), иш кўриб чиқилган сана)*

\_\_\_\_\_  
*(маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётган шахс хусусидаги маълумотлар)*

\_\_\_\_\_  
га нисбатан, Ўзбекистон

*(Ф.И.Ш.)*

Республикасининг МЖТК \_\_\_\_\_-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги юзасидан тўпланган (ёхуд МЖТКнинг 308<sup>1</sup>-моддасига асосан фуқаро \_\_\_\_\_ га нисбатан \_\_\_\_\_

*(орган номи)*

томонидан ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқ-бузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш масаласини кўриб чиқиш ҳақида киритилган тақдимномани) ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагилар,

### **АНИҚЛАНДИ:**

\_\_\_\_\_ *(ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатлар баёни)*

Ушбу ҳаракатлар (ҳаракатсизлиги) билан \_\_\_\_\_

*(Ф.И.Ш.)*

\_\_\_\_\_ *(МЖТКнинг тегишли моддаси талаби)*

бузишда ифодаланадиган ҳуқуқбузарликни содир этган (суднинг Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 308<sup>1</sup>-моддасига асосан фуқаро \_\_\_\_\_ га нисбатан ҳуқуқбузарликнинг кам *(Ф.И.Ш.)* аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги асослангириши).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 309–311-моддаларига асосан, \_\_\_\_\_

*(ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс))*

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. \_\_\_\_\_

*(иш юзасидан қабул қилинган қарор)*

2. \_\_\_\_\_

*(қарор устидан шикоят ва протест билдириш муддати ва тартиби)*

\_\_\_\_\_ *(мансабдор шахс лавозими)*

\_\_\_\_\_ *(имзо)*

\_\_\_\_\_ *(Ф.И.Ш.)*

**40-ИЛОВА**

\_\_\_\_\_ *(маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган орган (мансабдор шахс))*

\_\_\_\_\_ *(жабрланувчининг Ф.И.Ш., турар жойи ва телефон рақами)*

### **ИЛТИМОСНОМА**

**маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан  
чиқарилган қарор нусхасини олиш тўғрисида**

Менга, \_\_\_\_\_  
( \_\_\_\_\_ сонли ёки \_\_\_\_\_ ҳолат юзасидан расмийлаштирилган)  
маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан 20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ »  
\_\_\_\_\_ куни \_\_\_\_\_ томонидан  
(*давлат органи ёки мансабдор шахс*)  
чиқарилган қарор нусхасини Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 311-моддасига асосан  
беришингизни сўрайман.

\_\_\_\_\_  
(*Ф. И.Ш.*)

\_\_\_\_\_  
(*имзо*)

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил.

**ТИЛХАТ**  
**маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги**  
**иш юзасидан чиқарилган қарор нусхасини олганлик ҳақида**

Мен \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

менга нисбатан, \_\_\_\_\_  
 (\_\_\_\_ сонли ёки \_\_\_\_\_ ҳолат юзасидан расмийлаштирилган)

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан 20\_\_ йил «\_\_»

куни \_\_\_\_\_ томонидан чиқарилган қарорнинг  
 (давлат органининг номланиши)

нусхасини 20\_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_ йил куни олдим.

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
 (имзо)

42-ИЛОВА

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
 (қарор юборилаётган шахснинг Ф.И.Ш.)

№ \_\_\_\_\_

(ва яшаш жойи)

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган**  
**қарор нусхасини юбориш ҳақида**

Сизга \_\_\_\_\_ маъмурий  
 (\_\_\_\_ сонли ёки \_\_\_\_\_ ҳолат юзасидан расмийлаштирилган)

ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни

(давлат органининг номланиши)

томонидан чиқарилган қарорнинг нусхаси Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 311-мод-  
 дасига асосан юборилмоқда.

Илова: қарор нусхаси \_\_\_\_\_ варақда.

\_\_\_\_\_  
 (мансабдор шахс лавозими)

\_\_\_\_\_  
 (имзо) (Ф.И.Ш.)

## ЭКОЛОГИЯ ФАҚАТГИНА ДАРАХТЛАР ВА ЧИҚИНДИДАН ИБОРАТМИ?

Савол.

*Жуда кўпчилик, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси деганда, асосан дарахтлар ва буталарни ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ муаммоларни тушунадилар. Бу қанчалик тўғри?*

### ЖАВОБ

Кўпчилик, асосан аҳолининг салмоқли қисми, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси деганда, фақат дарахтларнинг ноқонуний кесилиши ва чиқиндилар масаласини тушунмоқда. Буни тўғри тушунамиз, чунки экологик муаммолар орасидан аҳолининг кўз олдида энг кўп рўй берадигани айнан дарахтлар кесилиши ва чиқиндилар муаммосидир.

Аслида, аҳоли билиши, англаши ва асраб-авайлаши лозим бўлган табиий ресурслар масаласи ҳамда экология ва атроф муҳит соҳаси фақатгина дов-дарахтлар ва чиқиндилардангина иборат эмас.

Ўзбекистоннинг экология соҳасига оид энг биринчи қонунларидан бири ҳисобланган 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунига кўра табиатни муҳофаза қилиш объектлар (йўналишлар)и қуйидагилар ҳисобланади;

ер, ер ости бойликлари;

сув ресурслари;

ўсимлик дунёси;

ҳайвонот дунёси;

атмосфера ҳавоси;

шунингдек, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳаси.

Кўпчилик ташвиш қилаётган дарахтлар масаласи, аслида ўсимлик дунёсининг таркибий бир қисми (дейлик, юзта муаммонинг бири) холос, чиқиндилар масаласи ҳам еттига йўналишдан бири ҳисобланади.

Демак, жойларда аҳоли фақатгина дов-дарахтлар ва чиқиндилар масаласига эмас, балки ер ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ҳайвонот дунёсидан ноқонуний фойдаланмаслик, бунда ноқонуний ов амалиётларининг олдини олиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, яъни атмосферага зарарли ташламалар ташланиши борасида учраётган муаммоларга ҳам жиддий эътибор қаратиши керак.

## ДАВЛАТ ИНСПЕКТОРЛАНИНГ ҲИСОБОТ ТОПШИРИШГА ДОИР ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРМАГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ҚАНДЙ ЧОРА БОР?

Савол:

*Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги 820-сонли қарори бўйича атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўлови тўловчилари, агар уларнинг фаолият тури III ва IV тоифага оид бўлса — ҳар йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январигача ҳудудий экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига ҳисобот топшириши керак. Бироқ, жуда кўплаб корхона ва ташилотлар юқорида белгиланган муддатларда ҳисобот топширмаган ва улар жавобгарликдан чўчимаяпти. Шу ҳолатда ҳисобот топширмаган ташилотларга қандайдир чора кўра оламизми?*

ЖАВОБ.

Албатта, бундай ҳолатлар учун маъмурий жавобгарлик чораларини кўриш мумкин. Бунинг учун ҳудудий бошқармадаги ваколатли мансабдор шахс, яъни ҳудудий бошқарма бошлиғи ёки унинг ваколатли ўринбосари номидан ҳисобот топширмаган хўжалик субъектига қонунбузарликни бартараф этиш тўғрисида мажбурий кўрсатма юборилиши керак.

Кўрсатмада хўжалик субъекти раҳбаридан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги 820-сонли қарори билан тасдиқланган низомнинг 23-банди талаблари бузилганлиги, яъни ўз вақтида ҳисобот топширмаганлиги кўрсатилиб, аниқ бир муддат ичида (масалан, беш кун ичида) ушбу ҳисоботларни топириши ҳамда шу йўл билан қонунбузарликни бартараф этиш чорасини кўриш сўралиши керак.

Мана шу вазиятда, мажбурий кўрсатма хатини хўжалик субъекти албатта қабул қилиб олиши, хатнинг бир нусхасига қабул қилиб олганлик тўғрисида белги қўйиши, ёки буюртма почта орқали унга етказилиши керак.

Юқорида кўрсатилган 5 кунлик муддат ичида хўжалик субъекти томонидан ҳисобот топширилмаслиги, ёки расмий жавоб хати билан асосли бўлган узрли сабабнинг келтирилмаслиги хўжалик субъектининг раҳбарияти томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйилганлигини тасдиқлайди. Айан мана шу факт, яъни мажбурий кўрсатманинг бажарилмаслик факти ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликка тортиш учун энг асосий далил ҳисобланади.

Бу ҳолатда ҳисобот топширмаган ва кўрсатмани бажармаган хўжалик субъекти мансабдор шахслари томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг

198-моддасида назарда тутилган ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлади. Бундай ҳуқуқбузарлик учун 198-моддага кўра мансабдор шахсларга эса — энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солинади. Агар худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин такрор содир этилса эса, энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Фақат унутманг, МЖТКнинг 198-моддаси бўйича маъмурий жазо қўллаш, ушбу кодекснинг 245-моддасига асосан маъмурий судлар ваколатига киради.

Бу ҳолатда, Маъмурий судга ҳудудий бошқарма бошлиғи, ёки унинг ваколатли ўринбосари номидан тўпланган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда мажбурий кўрсатмани бажармаган хўжалик субъектининг тегишли мансабдор шахсига нисбатан МЖТКнинг

198-моддасига асосан маъмурий жазога тортиш юзасидан расмий хат киритилади.

Ёдда тутинг, юқоридаги маъмурий жавобгарликка тортиш амалиётини давлат инспекторларимизнинг қонуний талаблари бажарилмаган ёки уларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилинган бошқа вазиятларга нисбатан ҳам тадбиқ қилиш мумкин.

## ҲУҚУҚБУЗАРЛАРГА НИСБАТАН МАЪМУРИЙ ЖАРИМА БЕЛГИЛАШДА НИМАЛАР ЭЪТИБОРГА ОЛИНИШИ КЕРАК?

Савол.

*Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жарима миқдорини белгилашда нималарга эътибор қаратишимиз керак?*

ЖАВОБ

Айтишим керакки, ушбу савол орқали давлат инспекторлари фаолияти учун жуда оптимал бўлган бир масала кўтарилган, шахсан ўзим ҳам бўлиб ўтадиган ўқув семинарларида бу масалага имкони борича батафсил тўхталишга ҳаракат қиламан.

Аввало, билишимиз зарурки, маъмурий жарима маъмурий жазонинг биринчи ва энг кўп қўлланиладиган тури ҳисобланади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК)нинг 25-моддасига мувофиқ жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Маъмурий жариманинг миқдори ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Маъмурий жарима қўлланиладиган шахсларнинг тоифаси икки хил, булар фуқаролар ва мансабдор шахслар.

Фуқаролар шахсан ўзларининг жисмоний шахс сифатидаги хатти-ҳаракатлари учун жавоб берса, мансабдор шахслар ўзи фаолият юритаётган ташкилотдаги ўзига юклатилган маъмурий (раҳбарлик ва маъмурий-бошқарув) ваколати борасида йўл қўйган ҳуқуқбузарлиги учун жавоб беради.

МЖТКнинг 25-моддасида маъмурий жариманинг энг кам ва энг кўп миқдорлари ҳақида аниқ талаблар белгилаб қўйилган. Чунончи, маъмурий жариманинг энг кам миқдори фуқароларга энг кам иш ҳақининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса — ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Шунингдек, маъмурий жариманинг энг кўп миқдори фуқаро ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ошмаслиги керак, деган қоида мавжуд.

Бироқ, 25-моддада қуйидаги истисновий норма мавжуд: баъзи ҳуқуқбузарликлар учун энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Энди қаранг, агар эътибор берган бўлсангиз, МЖтКнинг 5-бобидан 16-бобига қадар (16-боб ҳам қиради) бўлган барча моддалар – булар сакнцияли (яъни жазоли) моддалардир. Яъни бу моддалар ҳуқуқбузарлик учун ўзида маъмурий жазони назарда тутувчи моддалар ҳисобланади. Мазкур моддаларда маъмурий жарималар фуқаролар ва мансабдор шахслар учун минимум ва максимум кўринишда ифодаланади. Яъни, масалан: “фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади” деган мазмунда.

Айни шу вазиятда содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлловчи мансабдор шахс зиммасида энг масъулиятли вазифа юзага келади. Бу ерда, давлат инспектори аниқланган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган маъмурий жариманинг қайси миқдорини қўлаши керак: минимум миқдориними ёки максимум миқдориними ёхуд уларнинг ўртадаги миқдориними, шунга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ечим жуда оддий: бу ҳолатда давлат инспектори маъмурий жариманинг аниқ миқдорини (минимум ёки максимум миқдорини) МЖтКнинг 31-моддасида назарда тутилган маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ва 32-моддасида наарда тутилган маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда белгилайди.

Масалан, МЖтКнинг 31-моддасида ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл томонидан содир этилганлиги енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланса, 32-моддасига биноан ҳуқуқбузарликни ҳуқуқбузар томонидан маст ҳолда содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Бу вазиятда дейлик, тегишли моддада фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима белгиланган бўлса, давлат инспектори:

- ҳуқуқбузарликни содир этган ҳомиладор аёлга нисбатан маъмурий жариманинг энг кам миқдорини – энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги жаримани;

- маст ҳолатда ҳуқуқбузарлик этган фуқарога нисбатан маъмурий жариманинг энг кўп миқдорини – энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоридаги жаримани қўллаши мумкин.

Бундан ташқари, МЖтКнинг 33-моддасига кўра суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, тегишли моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо ёки ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа янада енгил жазо чорасини қўллаши мумкин.

Бироқ, ҳозир ушбу ваколат фақат судларга берилган ва маъмурий ишни кўраётган мансабдор шахс (масалан, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспектори) ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда, енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллашни лозим топса, бу масалани тўғрисидаги масалани судга юбориш лозим бўлади.

Яна бир муҳим масалага эътибор қаратинг.

МЖтКнинг 261-моддаси иккинчи қисмида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиши мумкин бўлган инспекторларнинг маъмурий жарима миқдори юзасидан ваколати қайд этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги 29-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги низомнинг иловасида эса МЖтКнинг 261-моддасида кўрсатилган инспекторлик мақомига эга бўлган ходимларнинг тоифалари тасдиқланган.



Ушбу икки қонун ҳужжатиға мувофиқ агар лавозимингиз бўйча туман инспекциясида 1-тоифали мутахассиси ҳисоблансангиз, Сиз ҳуқуқий мақом жиҳатдан “давлат инспектори”сиз ва Сиз фуқароларға энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача, мансабдор шахсларға эса — етмиш бараваригача миқдорда жарима солишға ҳақлисиз.

Сизға раҳбарлик қилувчи туман (ёки шаҳар) инспекция бошлиғи эса вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бош давлат инспектори (яъни вилоят бошлиғи)нинг назорат қилиш йўналишлари бўйича ўринбосари ҳисобланади, у фуқароларға энг кам иш ҳақининг юз бараваригача, мансабдор шахсларға эса — юз эллик бараваригача миқдорда жарима қўллашға ваколатли ҳисобланади.

## ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ДАВОМИДА ҚОНУНБУЗАРЛИК АНИҚЛАНМАСА, БУ БЎЙИЧА БИРОР-БИР ҲУЖЖАТ ТУЗИШ КЕРАКМИ?

Савол.

*Келиб тушган шикоятга кўра туман (шаҳар) инспекциясиға туман ҳудудидаги бир мактабда дарахтларнинг ноқонуний кесилаётганлиги маълум қилинди. Тезкорлик билан юборилган инспекторлар томонидан ўтказилган рейд натижасида ўша таълим муассасасида ноқонуний дарахт кесилиши билан боғлиқ қонунбузарлик аниқланмади. Вазият бошқачароқ экан: кучли шамол сабабли, кўп йиллик чинорлардан бирининг қуриган шоҳи синиб тушган.*

*Мана шу вазиятда, ўтказилган рейд давомида қонунбузарлик аниқланмаган бир ҳолатда рейдга юборилган давлат инспекторларининг ҳаракати қандай бўлади, улар бирор-бир ҳужжат расмийлаштириши керакми ёки шарт эмасми?*

ЖАВОБ.

Бу вазиятда рейдда иштирок этган давлат инспектори (ёки давлат инспекторлари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 августдаги 216-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомға риоя этиши лозим бўлади.

Биламизки, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги рейд тадбирлари давлат экологик назорати тадбирларининг бир тури ҳисобланади. Юқоридаги низомнинг 7-боби айнан давлат экологик назорати натижаларини расмийлаштириш ва амалга ошириш масалаларига бағишланган.

Ушбу Низомнинг 55-бандига мувофиқ соҳа бўйича қонун ҳужжатлари талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя қилинишини текшириш натижалари бўйича маълумотнома ёки далолатнома тузилади.

Энди эътибор беринг.

Низомнинг 57-бандида “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолати мавжуд бўлмаганда маълумотнома тузилади” дейилган.

Низомнинг 59-бандида эса атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланганда далолатнома тузилиши қайд этилган.

Демак, ҳулоса шундайки, агар давлат инспекторлари томонидан ўтказилган рейд натижасига кўра экология ва атроф муҳит соҳасида бирор-бир қонунбузарлик аниқланмаган бўлса, воқеа жойидан “шунчаки” қайтиб кетиш керак эмас. Аксинча, бундай вазиятларда қонунбузарлик аниқланмаганлиги тўғрисида маълумотнома тузиши керак бўлади.

Маълумотнома рейдда иштирок этган давлат инспектори, текширишда иштирок этган бошқа мансабдор шахслар томонидан имзоланади ва табиатдан фойдаланувчи (қонунбузар деб гумон қилинган) шахсга, бизнинг вазиятда таълим муассасасининг раҳбариятига таништирилади.

Кейинги қадамлар сифатида рейдга сафарбар этилган давлат инспектори ушбу маълумотнома асосида ўз раҳбари, яъни туман инспекцияси бошлиғига ҳисобот беради, ундан сўнг агар рейд тадбири шикоят асосида ўтказилган бўлса, ушбу шикоятга тузилган маълумотнома асосида ёзма жавоб қайтарилишини таъминлайди.

## ИНСПЕКТОРНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХАТОЛИК ТУФАЙЛИ ЧИҚАРГАН МАЪМУРИЙ ЧОРА ҚЎЛЛАШ ҚАРОР БЕКОР ҚИЛИНСА, КЕЙИНГИ ЙЎЛ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ

Савол.

*Давлат инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан чиқарган қарорлари асосан, маъмурий судлар томонидан, ёки прокуратура протести ёхуд адлия органлари тақдимномаси бўйича бекор бўлиб кетяпти. Ўша маъмурий қарорлар, уларни расмийлаштиришда пухталиқ бўлмаганлиги сабабли бекор бўлмоқда. Қарор бекор бўлганидан сўнг эса, аслида содир этилган ҳуқуқбузарлик масаласи таққа-тақ тўхтаб қолмоқда. Кейин, табиатга етказилган қанчадан-қанча зарарлар ҳам ундирилмай қолиши мумкин.*

*Шу вазиятда қандай йўл тутмоқ керак?*

ЖАВОБ.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторининг маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш борасида асосан, қуйидаги учта орган ваколатли ҳисобланади:

юқори мансабдор шахс – қарор билан (МЖТКнинг 315, 321-моддалари);

туман маъмурий суди – суд қарори билан (МЖТКнинг 319, 321-моддалари);

прокуратура органлари – протест орқали (МЖТКнинг 317, 319-моддалари);;

Энди қаранг, бу ерда иккита шахс, яъни юқори мансабдор шахс ва маъмурий суд давлат инспекторининг қарорини тўғридан-тўғри бекор қилиш ваколатига эга, прокуратура органининг протести маъмурий қарорни тўғридан-тўғри бекор қила олмайди, бу ҳужжатлар билан юқори мансабдор шахсдан давлат инспекторининг маъмурий қарорини бекор қилиш сўралади (талаб қилинади). Ҳақиқатдан ҳам шундай: давлат инспекторининг юқори турувчи мансабдор шахс, яъни раҳбарият агар прокуратуранинг проести билан келишмаса, унга рози бўлмаса, қуйи инспекторнинг маъмурий қарорини бекор қилмасдан, протест киритган прокурорга ўз эътирозларини билдириши мумкин.

Бу ҳолатда протест киритган прокуратура органи давлат инспекторининг маъмурий қарорини бекор қилиш ва унинг (прокуратуранинг) қонуний талабларини бажарилмаганлиги масалалари юзасидан туман маъмурий судларига мурожаат қиладилар.

Кўпинча, ҳудудларда давлат инспекторларининг маъмурий қарорлари адлия органларининг тақдимномалари билан бекор қилиниши ҳолатлари кузатилмоқда. Аини бу вазиятда эса менинг адлия органлари томонидан маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни бекор қилиш борасида тақдимнома киритиш ваколати юзасидан бироз бўлсада, эътирозларим бор.

Аслида МЖТКда маъмурий иш юритиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахснинг қарорини бекор қилиш борасида унга орган эътироф этилган булар юқоридаги учликлар. Лекин буларнинг таркибида адлия органлари йўқ.

Яъни МЖТКда давлат инспекторига нисбатан юқори мансабдор шахс ҳамда туман (шаҳар) маъмурий судлари мансабдор шахснинг маъмурий иш бўйича қарорларини бекор қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган бўлса, прокуратура айнан шу юқори мансабдор шахсга ва судга қуйи мансабдор шахснинг маъмурий қарорини бекор қилиш юзасидан протест киритиши мумкинлиги қайд этилган. Бу кодексда адлия органларининг бундай ваколатларга эга эканлиги ҳақида ҳеч қандай норма йўқ.

Тўғри, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2018 йилдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги низомда адлия органларининг тақдимномага доир ваколати кўрсатиб ўтилган.

Бироқ, ушбу Низомнинг 12-бандида адлия органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти, фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларини бажариш ҳолатини текшириш давомида аниқланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киитиш ваколати назарда тутилган.

Бу ваколатнинг эса аслида давлат назорат органлари давлат инспекторларининг маъмурий қарорларини бекор қилиш масаласига алоқаси йўқ. Агар шундай бўлганда ҳам, адлия органининг тақдимномага доир ваколати айнан МЖТКда белгилаб қўйилиши керак эди (худди прокуратура протести каби).

**Бекор қилинган маъмурий ишни қайтадан кўриб чиқишимиз керак!!!**

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларда аксарият ҳолларда табиатга нисбатан жиддий зарар етказилади, бунда масалан энг кўп учрайдигани дарахтларни кесиш (МЖТК 79 ва 162-моддалари) ҳолатларини мисол

қилишимиз мумкин. Жуда кўп гувоҳи бўламан, прокуратура протести асосида ёки маъмурий суд қарори билан давлат инспекторининг маъмурий чора қўллаш тўғрисидаги қарори бекор қилинган, инспекторнинг ҳаракати айни шу вазиятда тақа-тақ тўхтаб қолади. Бўлди бекор қилиндими, бекор қилинди, гўёки бошқа чора қолмагандек.

Мана шу позицияга қатъан қаршиманда, негаки, маъмурий қарор давлат инспекторининг ҳужжатга нисбатан пухта бўлмаганлиги сабабли бекор қилинган бўлади. Бироқ, ҳуқуқбузарлик факти, табиатга етказилган зарар факти бекор қилинмаган ҳолатда турибди, бу фактлар бекор бўлмайди ҳам. Масалан, 6 та дарахт ноқонуний равишда кесилган, бундай ҳеч ким кўз юма олмайди, тўғрими? Гарчи давлат инспекторининг ўша дархтни ноқонуний кесганларга нисбатан маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори бекор қилинган бўлса ҳам, қонунбузарлик факти ўз ҳолатича қонунбузарлик бўлиб турибди, ҳуқуқбузарлар эса маъмурий жазодан озод этилмаган.

Демак, бу ҳолатда маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори бекор бўлган давлат органи, шу жумладан Давлат экология қўмитаси давлат инспекторлари тўхтаб қолмаслик керак, ҳамма нарсани бой бергандек ваҳимага тушмаслик керак, аксинча мавжуд бекор бўлган маъмурий ишни қайтадан кўриб чиқиш керак.

Бунда қарорни бекор қилишга сабаб бўлган камчиликларни тўлиқ бартараф этиб, янги бланкаларда ва янги сана билан айнан ўша ҳуқуқбузарга нисбатан қайтадан маъмурий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

Сизга таклифим, айнан ана шундай бекор қилинган маъмурий қарорларни бир кўриқдан ўтказиб чиқинг, агар мен айтганимдек, инспекторнинг ҳужжат тузиш бўйича камчилиги сабабли бекор қилинган маъмурий қарорлар бўлса, уларнинг барчасига нисбатан “маъмурий ишни қайтадан кўриб чиқиш” процедурасини қўлланг.

Чунки шундай қилмасангиз, биринчидан ҳуқуқбузар жазодан қутулиб қолади, иккинчидан улар бўйича ҳисобланган йирик хажмдаги табиатга етказилган зарарларни ундириш имконияти йўққа чиқади.

## ЧИҚИНДИ ҚУТИЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШМИЗ КЕРАК?

Савол.

Чиқинди қутилари санитар тозалаш инфратузилма объектларидан дири ҳисобланади. Чиқинди қутиларидан фойдаланиш ва уларни жойлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни қандай аниқлашимиз мумкин?

ЖАВОБ.

1. Чиқинди қутиларини жойлаштириш масаласи.

Маълумки, МЖТКнинг 91-2-моддаси ўз мазмунига кўра санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талаблар бузилган ҳолларда қўлланиладиган маъмурий жарималар ҳақидадир. Санитар тозалаш инфратузилма объектлари деганда, чиқинди қутилари, контейнерлар, чиқинди тўплаш шохобчалари, шу жумладан, махсус ажратилган ва жиҳозланган жойлар (маиший чиқинди полигонлари)ни тушунамиз.

МЖТКнинг 91-2-моддаси бўйича менимча айнан чиқинди қутиларига оид ҳуқуқбузарликлар энг кўп учрайдиган ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади. Буни билиш унчалик қийин эмас, шундоққина Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сонли қарорига эътибор қаратсак кифоя.

Ушбу қарор билан тасдиқланган “Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари”нинг 8-бандида ўзига бириктирилган ҳудудни тозалашга масъул бўлган ҳар бир юридик ва жисмоний шахс чиқинди қутиларини жойлаштириши шартлиги назарда тутилган.

Чиқинди қутиларини жойлаштиришга қўйилган талаблар қандай?

Бу саволга жавобни Қоидаларнинг айнан юқоридаги 8-бандидан ва ундан кейинги 9 ва 10-бандларидан топамиз.

Чиқинди қутилари ҳудудларни тозалаш учун масъул бўлган жисмоний ва юридик шахслар томонидан мажбурий тартибда қуйидагиларда ўрнатилади:

кўп квартирали уйларнинг подъездига кириш йўлида — 1 та;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ташкилотлар, шунингдек, савдо объектларининг биносига кириш (чиқиш) йўлида — 1-2 та;

метро, ер ости ва ер усти ўтиш жойларининг ҳар бир кириш (чиқиш) йўлида — 2 та;

аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини ва ҳордиқ чиқаришини қондириш учун мўлжалланган объектларда (маданият ва истироҳат боғлари, ўрмон массивлари, боғлар, бульварлар, скверлар, хиёбонлар ва бошқалар) — объектнинг ҳар 800 м<sup>2</sup> майдонида 1 та ва йўлаклар ва йўлкалар чизиғи бўйлаб ўрнатилганда бир-биридан 40 метрдан узок бўлмаган масофада;

бозорлар ва савдо объектларида (супермаркет, гипермаркет ва бошқаларда) — объектнинг ҳар 250 м<sup>2</sup> майдонида 1 та ва савдо дўконлари қатори бўйлаб ўрнатилганда — бир-биридан 10 метрдан узок бўлмаган масофада;

жамоат йўловчи транспорт бекатларида — 1-2 та;

автотураргоҳлар ва автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш майдончаларига кириш (чиқиш) йўлида — 1-2 та;

даволаш муассасаларининг ҳовли ҳудудида — объектнинг ҳар 700 м<sup>2</sup> майдонида 1 та, асосий аллеяларда эса — бир-биридан 10 метрдан узок бўлмаган масофада;

чекиш учун махсус ажратилган жойларда — 1-2 та;

пляжлар ва сув акваториялари (дарёлар, кўллар, кўрфазлар ёки ҳовузлар)га туташ рекреация зоналарида — сув бўлинишидан 15 м ҳамда яшил экинлардан 3 — 5 м узоқликда жойлаштирилган ҳолда, объектнинг ҳар 800 м<sup>2</sup> майдонида 1 та;

кўп квартирالى уйлар атрофидаги ҳудудларда ва марказий майдонларда, йўлчаларда ҳамда магистрал кўчаларнинг пиёдалар зонаси бўйлаб, шунингдек, кўприкларда — ҳудуддан фойдаланиш интенсивлигидан келиб чиқиб, пиёдалар серкатнов ҳудудда — ҳар 50 метрдан ошмаган масофада ва одам кам жойларда — ҳар 100 метрдан ошмаган масофада 1 тадан.

Турғун кўча чиқинди қутилари ҳаракатланадиган конструкцияга (ағдариладиган механизмга) эга бўлиши ва уларни ўрнатиш учун ажратилган жойга мустақкамлаб қўйиш учун асос қисмига эга бўлиши лозим.

Вақтинчалик савдо дўконлари, шу жумладан, кўчма шохобчаларга (озик-овқат маҳсулотларини сотиш ва умумий овқатланиш соҳасида хизматлар кўрсатиш палаткалари, дўкончаларига) туташ ҳудудларда — 5 метр радиусгача кўтариш механизми ёки уларни бўшатиш учун алмаштириладиган челақларга эга бўлган кўчма чиқинди қутилари ўрнатилади.

Чиқинди қутилари, улардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши (тозалаш, бўшатиш в.х.) учун қулай бўлган жойга ўрнатилиши керак.

Юқоридаги талабларнинг бузилиши МЖТКнинг 91-2-моддасига мувофиқ фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## 2. Чиқинди қутиларидан фойдаланиш масаласи.

Орада бир кузатдим ва шунга ишонч ҳосил қилдимки, бизлар чиқинди қутилари масаласида фақатгина уларни жойлаштириш талабларига эътибор қаратяпмиз холос экан. Яъни масалан, МЖТКнинг 91-2-моддасига асосан чиқинди қути масаласида чиқинди қутиларини жойлаштирилмаганлиги юзасидан маъурий чора кўряпмиз (тўғрироғи, шунга ҳаракат қиляпмиз).

Лекин, 91-2-моддада санитар тозалаш инфратузилма объекти борасида фақат жойлаштириш эмас, балки улардан фойдаланишга доир талаблар ҳақида ҳам гап кетмоқда. Бу вазиятда, биз ҳукукузарларнинг чиқинди қутиларидан фойдаланиш талаблари бузилаётганлигига эътибор қаратмаяпмиз.

Бу албатта, нотўғри. Давлат инспекторлари чиқинди қутилари билан боғлиқ рейдлар давомида ушбу қутилардан фойдаланиш талабларига риоя этилаётганлигига ҳам аҳамият бериши, ушбу талабларнинг бузилишини эса ҳукукубузарлик сифатида баҳолаши лозим.

“Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари”нинг 10-бандига кўра чиқинди қутиларидан фойдаланиш талабларига қуйидагилар киради:

### 1. Чиқинди қутилари:

пиёдалар, ногиронлар ва болалар аравачалари ҳамда велосипедлар ҳаракатига халақит бермаслиги;

тоза ва соз ҳолатда сақланиши, шунингдек, барча санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлиши лозим.

2. Чиқинди қутиларини бўшатиш ва тозалаш уларнинг тўлишига кўра мунтазам равишда, лекин суткада бир мартабадан кам бўлмаган ҳолда олиб борилиши лозим.

3. Чиқинди қутиларини ювиш ва дезинфекция қилиш бир ойда камида бир мартаба амалга оширилиши лозим ёки уларнинг тозалигини ва қулай бўшатилишини таъминлаш учун махсус чиқинди қоғозлари (пакетлар) қўлланилиши мумкин.

Мана шу фойдаланиш талабларининг бузилиши МЖТКнинг 91-2-моддасига мувофиқ фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## ИШДАН ТАШҚАРИ ВАҚТДА НОҚОНУНИ ДАРАХТ КЕСУВЧИЛАРГА ДУЧ КЕЛИБ ҚОЛСАК ҚАНДАЙ ИШ ТУТИШИМИЗ КЕРАК?

### Савол.

*Тасаввур қилинг, сиз экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторисиз ва ишдан кечки пайт соат 19.00 да уйга қайтысиз, шу орада номаълум кишилар томонидан шундоққина, йўл бўйидаги улкан бир дарахт кесилганлигига кўзиз тушиди. Сиз давлат инспекторисиз, шу сабабли шу заҳотиёқ йўлдан тўхтаб, дарахт кесувчи броконьерлар олдида бордингиз ва зудлик билан дарахтни кесиш ишларини тўхтатиб, улардан тегишли ҳужжатларини тақдим этишларини сўрадингиз.*

*Бироқ, қонунбузар: “Сиз кимсиз ўзи, кеч бўлганда бизни назорат қилишига ҳаққиз борми, йўлдан қолманг, сизда ҳеч қандай ҳуқуқ йўқ, прокуратурага арз қиламан устиздан жавоб берасиз, бизга чора қўллашга, биздан ҳужжат талаб қилишига ўзиззи ҳужжатиз борми? Қани йўлдан қолманг!!!”*

*Шу вазиятда қандай йўл тутуши керак бўлади?*

### ЖАВОБ

Дарахтларнинг ноқонуний кесилишига оид ҳолатларда давлат инспектори рейд тартибида ҳаракат қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 августдаги 216-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга биноан рейд тартибидаги экологик назорат вақт танламайди, у сутканинг исталган вақтида, у жумладан тунгги вақтларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Рейдни ҳар қандай вақтда амалга оширишингиз мумкин.

Унутманг, Давлат экология қўмитаси тизимида рейд тартибидаги экологик назорат икки хил бўлади – жорий рейд ва бир марталик рейд. Бир марталик рейдлар, кўпинча келиб тушган ариза ва шикоятлар ёки тезкор хабарлар асосида амалга оширилади. Сиз, юқоридаги ҳолатда “хижолатли” вазиятга тушиб қолмаслигиниз учун жорий рейдни амалга оширишингиз керак бўлади, нега деганда жорий рейд муайян давр (масалан, бир ҳафта, бир ой ёки бир чорак)ни ўз ичига олган умумий тартибдаги назорат ҳисобланади. Йўл-йўлакай қонунбузарлик учраса. Ундан кўз юммасликка, ушбу қонунбузарликни бартараф этиш ва чора қўллашга асос бўлади, бу жорий рейд деганлари.

Мисол учун, туман инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан 2019 йилнинг 1 июлидан 1 августига қадар Сиз ўзингиз яшаётган ва ишлаётган тумандаги қонунбузарликлар юзасидан рейд тартибидаги назорат тадбирларига бириктириласиз. Ҳамда сизга сутканинг исталган вақтида аниқланган экология соҳасидаги қонунбузарликлар юзасидан маъмурий чора қўллаш ваколати берилади. Мана шу ҳужжат, яъни буйруқ сизга анови “геройлар”дан ҳужжат талаб қилишга ва уларга маъмурий жарима қўллашга ҳуқуқ ва ваколат беради. Бироқ, қўлингизда яна иккита ҳужжат бўлиши керак: хизмат гувоҳномаси ва текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома (бу асосан, хўжалик субъектлари учун керак бўлади). Уларни ҳам кўрсатишингиз керак бўлади, жаноби ҳуқуқбузарларга.

Хуллас, Сиз чўчиманг ва кўриб кўрмаганликка олманг. Фақат, бояги виждонсиз “табиатхўрлар”ни зудлик билан ҳаракатдан тўхтатиб, ҳужжатларни талаб қилинг ва имкони бўлса, шу ҳудудга яқин бўлган давлат инспекторларини ёки ички ишлар идроралари ходимларини кўшимча равишда ёрдамга чақиринг. Тушунтириш хати, далолатномаларни ва маъмурий баённомани кўрқмай тузаверинг. Маъмурий жарималарни белгиланган тартиб ва миқдорда аямай босиш эса ёдингиздан чиқмасин.

## СОМОН ЁҚИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК АНИҚЛАНГАНДА, ЗАРАРНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

### Савол

*Мен сомон ёқиш ҳолати юзасидан ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқладим ҳамда бу бўйича маъмурий баённома расмийлаштирдим ва ҳуқуқбузарга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробари миқдоридида маъмурий жарима қўладим. Шунингдек, 3.564.000 сўм миқдоридида табиатга етказилган зарарни ҳисобладим. Барча ҳужжатларни тўлиқ расмийлаштирганман. Бироқ, ҳуқуқбузар фермер маъмурий жарима ва етказилган зарарни қачон галланинг пули тушса, шунда тўлайман демоқда.*

*Шу ҳолатда мен қандай йўл туттишим керак?*

### ЖАВОБ.

Демак, сиз сомон ёққан фермерга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасига асосан жарима қўлагансиз ва Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 25 декабрда 1647-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни



аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича” низомга асосан зарар ҳисоблагансиз.

Умид қиламизки, ҳаракатингиз юқоридаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилган, шу сабабли биз ҳуқуқбузар томонидан тўланмаган маъмурий жарима ва зарарларни ундириш тартибига тўхталиб ўтамиз.

### **Маъмурий жаримани ундириш.**

МЖТКнинг 332-моддасига биноан жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.

Ана шу ўн беш кунлик муддат ҳуқуқбузарнинг ихтиёрига берилган муддат ҳисобланиб, жарима ушбу муддат ичида тўланмаса, давлат инспектори 15 кун ўтиб, 16-кун келиши билан ушбу жарима тўловларини мажбурий равишда ундириш воситаларини қўллаш керак.

Бунда МЖТКнинг 333-моддасига асосан кўрсатилган 15 кунлик муддат ўтиши билан, маъмурий жарима қўллаш тўғрисидаги қарорнинг аслини “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Мажбурий ижро бюросининг шу тумандаги бўлимига топширасиз.

Мажбурий ижро бюроси бўлинмалари маъмурий жаримани ихтиёрий тўламаган шахсинг ойлик иш ҳақи, агар иш ҳақи бўлмаса, унинг мол-мулки ҳисобидан тўлик ундириб беради.

### **Етказилган зарарни ундириш.**

МЖТКнинг 38-моддасига биноан “башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкый зарар белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаса, орган (мансабдор шахс) жазо қўлланиш пайтида айбдор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир, маъмурий суд эса — бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар ҳал қилаверади.

Бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкый зарарни қоплаш фуқаролик-ҳуқуқий тартибида ҳал қилинади”.

Эътибор беринг, ўша фермер хўжалиги ўз инон-ихтиёри билан етказилган зарарни қопламадими, демак мазкур ҳолатда “кутиш” энг ёмон вариантдир. Фуқаролик кодексининг 989-моддасига асосан фермер хўжалигининг раҳбари ёки унинг ишчисининг хўжалик фаолиятига алоқадор бўлган зарари учун шу фермер хўжалиги жавоб беради.

Шу сабабли, масалани фуқаролик-ҳуқуқий тартибида, яъни суд органларига фермер хўжалигидан табиатга етказилган зарарни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритишимиз керак. Бунда биласиз, икки ёки ундан ортиқ хўжалик субъекти ўртасидаги низолар бўйича суд ишлари тегишли иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Сизнинг ҳолатингизда сомон ёққан фермер томонидан етказилган 3.564.000 сўм миқдоридаги зарарни фермер хўжалигидан ундириш учун Юқори Чирчиқ туманлараро

иқтисодий судига даъво аризаси киритиш лозим (манзили: Юқоричирчиқ тумани, “Оқ овул” ҚФЙ, “Султонравот” даҳаси, e-mail: i.yuqorichirchiq@sud.uz.) .

Суднинг 3.564.000 сўм миқдорига зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинганидан бир ой муддат ўтиб, ўша суднинг ўзи фермер хўжалигидан юқоридаги зарарни ундириш тўғрисида “ижро варақаси” деб номланган ҳужжат беради.

Мазкур ижро варақасининг нусхаси ижрога қабул қилинмайди, шу сабабли унинг асл нусхасини олган кунингизнинг ўзида шу тумандаги МИБга расмий равишда топширасиз. Айнан туманда жойлашган МИБ фермер хўжалигининг ҳисоб-рақамидан ёки унинг мол-мулклари ҳисобидан 3.564.000 сўмни ундириб беради.

## **МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТИЛГАНДА МУСОДАРА МАСАЛАСИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ?**

Савол

*МЖтКнинг айрим моддаларида ҳуқуқбузарликни содир этиш қуролини мусодара қилиш чоралари ҳам назарда тутилган. Айтингни, мусодара қилиш чоралари қандай амалга оширилиши керак?*

ЖАВОБ.

МЖтКга асосан экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик масаласини белгилашда мусодара қилиш жазоси ҳам назарда тутилган. Бизнинг вазиятларда ушбу чора асосан, қўшимча жазо сифатида қўлланилади. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасига оид қуйидаги турдаги ҳуқуқбузарликлар учун мусодара қилиш жазоси назарда тутилган:

70-1-модданинг 2-қисми, яъни дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш ҳаракати маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашё ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёси мусодара этилиши;

90-моддадаги ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш ҳаракатлари такроран содир этилганда ёки тегишли рухсати бўлмаётган туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки воситалар билан ов қилинганда ёки балиқ овланганда шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара этилиши;

90-1-моддадаги ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуролларини ёки воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ташиш ёки юбориш, олиш ёхуд сотиш ҳаракатлари учун ҳуқуқбузарлик қуроли ва ашёларини мусодара қилиниши;

94-моддадаги Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвон турларига мансуб ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд уларнинг тухум, увилдир қўядиган инларини, бошпаналарини

йўқ қилиш, инларини, уяларини ва бошқа яшаш жойларини бузиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар содир этиш ёхуд бундай ҳайвонларни овлаш рухсатномасида кўрсатилган шартларни бузган ҳолда ўлжа қилиш ҳолатларида шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиниши.

*Хўш, юқоридаги мусодара чоралари ким томонидан қўлланилади, маъмурий ҳуқуқбузарликни аниқлаган давлат инспектори томониданми ёки бошқа бир шахс томониданми?*

Эътибор беринг, МЖТКнинг 27-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиш мазкур ашёни ҳақ тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, ушбу чора туман (шаҳар) маъмурий суди томонидан қўлланилади.

Демак, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ашёсини мусодара қилишга давлат инспектори ваколатли эмас.

Бироқ, бу вазиятда давлат инспектори мусодара қилишгача бўлган этапларни, маъмурий ҳуқуқбузарликка доир барча зарурий ҳужжатлар (тушунтириш хати, далолатнома, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий ишни кўриб чиқиш тўғрисидаги баённомалар, маъмурий қарор ва бошқа ҳужжатлар)ни расмийлаштиришга масъул ҳисобланади.

Якунда, давлат инспектори маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ҳуқуқбузарлик аниқланган туман (шаҳар) маъмурий судига ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ашёсини мусодара қилиш тўғрисида ариза билан мурожат қилади.

Бир муҳим ҳолатга эътибор беринг: МЖТКнинг 287-моддасига асосан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси органларининг давлат инспекторлари МЖТКнинг 70-1, 90, 90-1, 91, 94-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича мусодара қилиниши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашёларни олиб қўйиши, уларни маъмурий судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар белгиланган жойларда сақлаб туриши лозим бўлади.

## НОҚОНУНИЙ ОВЧИЛАРГА ЖАЗО БОРМИ?

Савол.

*Биз томонда зовур ва каналдан қармоқ ва ТОКЛИ ДВЕЖОКЛИ АППАРАТЛАР билан балиқларни броконерлар балиқ овлашади. Яқинда бир инсон билан суҳбатлашиб қолдим энди гоз билан ўрдак овига чиқамиз деди. 20 августдан кейин балиқлар вазни ортади бемалол овлаймиз деди - албатта бу ачинарли хол лекин шу вақтда кимга мурожат қилишни билмаймиз. Бундай қонун бузарликлар учун қонунларимизда чоралар борми? Бундай ҳолатда кимга мурожат қилишимиз керак?*

## ЖАВОБ:

Сиз кўтарган масала ва бундай қонунбузарликлар учун бугунги кунда жавобгарлик масаласи анчагина жиддий кўринишда, айтиш лозимки, бунинг оқибати учун қонунбузарларни анчагина оғир жазолар кутади.

Ўзи аслида, ноқонуний ов ҳолатлари учун қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (кейинги ўринларда – МЖТК)да белгиланган МАЪМУРИЙ ЖАЗОЛАР ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (кейинги ўринларда – )да назарда тутилган ЖИНОИЙ ЖАЗОЛАР қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 майдаги ЎРҚ-543-сонли Қонунига биноан МЖТКга ва ЖКга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга биноан Сиз айтган қонунбузарликлар учун жазо чоралари анчагина кучайтирилган.

МЖТКда бу ҳуқуқбузарлик “ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш” деб аталади ва айнан шу кодекснинг 90-моддасига мувофиқ ушбу ҳуқуқбузарликлар учун куйидаги тўртта вазият (мен оғирлашиб борувчи вазиятлар деб атайман) бўйича алоҳида жазолар назарда тутилган, қаранг:

1. Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидалари оддий ҳолатда бузилганида — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солинади;

2. Айнан шу ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда — шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солинади.

3. Айнан шу ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси икки марта қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда — шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солинади ёхуд шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

4. Тегишли рухсати бўлмайд туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, ТАҚИҚЛАНГАН ҚУРОЛЛАР ЁКИ ВОСИТАЛАР билан ов қилинганда ёки балиқ овланганда (яъни, айнан сиз кўтарган ҳолат юзага келганда) —

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача (3.040.950 сўмдан 4.054.600 сўмгача), мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача (4.054.600 сўмдан 5.068.250 сўмгача) миқдорда жарима солинади ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, ноқонуний равишда овланган ҳайвонот дунёси учун ўша “броконьерлар”дан табиатга етказилган зарарлар (бу зарарлар ов хажмидан келиб чиқиб, миллион ёки миллиардлаб сўмлик миқдорларни ташкил қилиши мумкин)ни ундириш бўйича суд органларига даъво аризалари киритилади.

### БУ ХАММАСИ ЭМАС!!!

Биласизми, бу ҳали ҳаммаси эмас, ука. ЖКнинг “ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш” деб номланган 202-моддасига биноан бундай қонунбузарликлар учун жазолар анчагина кескинлашган. Бу ҳолатда ҳам 202-моддага биноан жинойий жавобгарликни оғирлашув даражасига қараб учга бўлиб оламиз, яъни:

1. Ов қилиш ва балиқ овлаш ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини тутиш қоидаларини бузиш, камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон турларини тутишнинг белгиланган тартибини ёки шартларини, худди шунингдек муҳофаза этиладиган табиий худудлардаги ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш АНЧА МИҚДОРДА ЗАРАР етказилишига сабаб бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади;

2. Юқоридаги ҳаракатлар: а) КўП МИҚДОРДА ЗАРАР етказган ҳолда, б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

3. Юқоридаги ҳаракатлар: а) хавфли рецидивист томонидан; б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб; в) ерда, сувда ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб; г) тақиқланган қуролларни ёки воситаларни қўллаган ҳолда; д) уюшган гуруҳ томонидан; е) ЖУДА КўП МИҚДОРДА ЗАРАР етказган ҳолда; ж) Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ҳайвонот ёки ўсимлик дунёси турларини нобуд қилган ҳолда содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бу ҳолатда, мазкур модда билан жинойий жавобгарликка тортиш учун зарарнинг миқдорини билиб олиш ҳам муҳим.

Бунда анча миқдорда зарар деганда энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача (20.273.000 сўмдан 60.819.000 сўмгача) бўлган миқдор ни тушунамиз.

Кўп миқдорда зарар деганда энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача (60.819.000 сўмдан 101.365.000 сўм) бўлган миқдордаги зарарни тушунамиз.

Жуда кўп миқдорда зарар деганда энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган (101.365.000 сўм ва унан ортиқ)миқдорни тушунамиз.

## ЎСИШНИ ТЎХТАТИШ ЁКИ ЎСИШДАН ТЎХТАТМАСЛИК

Савол.

*Соғлом "чинор" дарахтини 4-5 метр баландлигидан 1 ёки 2 шохчасини қолдириб кесилишини ўсишдан тўхтамайди айтиши мумкин, тўғрими. Бироқ, ушбу дарахтни таги билан кесганда ҳам тўнқасини ён томонидан ўсиб чиқиб ўсишда давом этадику. Демокчиманки, дарахт таги билан кесилганда миллионлаб зарар ҳисобланмоқда, лекин деярли шуна ўхшаш ҳолат, яъни дарахт 4, 5 метр баландлигидан кесилганда, ўсишдан тўхтамайдиган даражасигача шикаст етказиши деб ҳисобляяпмизда, 0.3 фоиз коэффициент ҳисобляяпмиз. Бу қанчалик тўғри?*

ЖАВОБ.

Берган саволиз нафақат долзарб ҳисобланади, балки амалиётда ҳам мутахассисларга анчагина мураккабликлар келтириб чиқараётган муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилик тизимини (қонунлар, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Президент фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг қарорлари, ҳокимлик органлари қарорлари)ни бирма-бир кўздан кечириб чиқсангиз дарахтларни “ўсишдан тўхташ даражасида шикастлантириш” ва “ўсишдан тўхтамайдиган даражасигача шикаст етказиш” тушунчаларининг фақатгина бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда мавжудлигига ишонч ҳосил қиласиз.

У ҳам бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 14-иловасидир. Бу илова “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш ва шикастлаш билан ўсимлик дунёсига етказилган зарарни ундириш миқдорини ҳисоблаш учун коэффициент” ҳисобланиб, унда ўсишдан тўхташ даражасигача шикастланган дарахт ва ўсишдан тўхтамайдиган даражасигача шикаст етказилган дарахт учун зарарларни ҳисоблаш тартиби кўрсатилган ҳолос.

Бу масаланинг кўпчилиكنи ташвишга соладиган энг муаммоли томони нима биласизми? Муаммо шуки, бизнинг қонунчилигимизда дарахтларни “ўсишдан тўхташ даражасида шикастлантириш” тушунчасига таъриф берилмаган ва уни аниқлаш тартиби мавжуд эмас.

Аслида сиз айтганингиздек, бир чинор дарахтини 4 ёки 5 метр баландлигидан кесиб ташлаб, бу ҳолат “ўсишдан тўхташ даражасидаги шикастлаштириш” деб айтиш учун, қонунчилигимиз бўйича дарахтларни шикастлаштириш қайси ҳолатда “ўсишдан тўхташ даражасида” ва қайси ҳолатда “ўсишдан тўхташ даражасида эмас” – шунга аниқлик киритиб олиниши керак.

Амалиётда “ўсишдан тўхташ даражасида шикастлантириш” ва “ўсишдан тўхтамайдиган даражасигача шикаст етказиш” тушунчалари масалаларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясидан ёки бу ташкилот қошидаги бошқа илмий муассасалардан хулосалар олинмоқда. Масалан, Сиз айтганингиздек, бирор-бир дарахтни 4 ёки 5 метр баландлигидан кесиш ҳолатларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академиясига сўров хати берилмоқда ва “ўсишдан тўхташ даражасида” ёки “ўсишдан тўхташ даражасидамас” деган мазмунда хулосалар олинмоқда.

Бироқ, мен ушбу масалага чуқурроқ киришни тавсия этаман. Амалдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасида Фанлар академиясининг “ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида хулосалар беради” деган мазмундаги бир ваколати бор.

Лекин мазкур Қонунда Фанлар академиясининг дарахтлар масаласида ўсишдан тўхташ ёки ўсишдан тўхтамайдиган даражадаги шикастлантириш ҳолатлари юзасидан хулоса бериш ваколати йўқ. Янада ҳам чуқурроқ ёндошсак, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги 331-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг устави”да ҳам Академиянинг айнан юқоридаги ҳолатлар бўйича хулоса бериш ваколати йўқлигини кўришимиз мумкин.

Бошқа томондан дарахтларни ўсишдан тўхтатиш билан боғлиқ ҳаракатлар тушунчаси, бу яқкалик ёки бир марталик тушунчалар эмас, ушбу ҳаракат фаол ҳаракат сифатида умумий характерга эга. Яъни, мен бу ҳолатда “ўсишдан тўхташ даражасида шикастлантириш” ва “ўсишдан тўхтамайдиган даражасигача шикаст етказиш” тушунчалари ва бундай омилларни аниқлаш тартиби қонун ҳужжати даражасида белгиланиши керак, деб ҳисоблайман. Масалан, буни 290 ёки 43-сон қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга ошириш мумкин.

Мутахассис сифатида эса бугунги кунда бизда дарахтларнинг “ўсишдан тўхташ даражасида шикастлантириш” ва “ўсишдан тўхтамайдиган даражасигача шикаст етказиш” ҳолатларини аниқлаш бўйича ҳеч қандай ҳуқуқий механизм мавжуд эмас, деб ҳисоблайман.

Шундай экан, энди ўйлаб кўринг: дейлик, Чинор дарахтини 4 ёки 5 метр баландликдан кесилганлик ҳолати ҳақида “ўсишдан тўхтамайдиган даражасигача шикаст етказиш” деган хулоса чиқариш мумкинми?

Менинг жавобим эса шундай: ЙЎҚ, МУМКИН ЭМАС!!!

**ҲУКУМАТНИНГ ҚАЙСИ ҲУЖЖАТИ ҚЎЛЛАНИЛАДИ: 290-СОН ҚАРОРИМИ  
ЁКИ 43-СОН ҚАРОРИ?**

Савол.

*Дарахтни тахминан 4, 5 метр баландлигидан юқорисидан кесиб ташланди. Инспектор МЖТК нинг тегишли моддасига асосан фуқарога нисбатан 5 дан 10 минимал иш хаки миқдориди жарима солди. Бироқ бу ҳолатда етказилган зарар миқдори 2014 йил 20 октябрдаги 290 сонли ВМК га асосан бор йўғи хар бир дарахт учун 0.3 коэффицентда ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида дарахт кесувчилар учун арзимаган пул. юқоридаги ҳолат юзасидан 2019 йил 17 январдаги Узб. Рес. ВМК 43 сонли қарорининг 5 боб 49 бандига асосан зарарни ҳисобланса нотўғри ҳаракат булмайдими?*

## ЖАВОБ.

Йўқ. Нотўғри ҳаракат бўлмайди. Фақат бу жавоб давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталар масаласига тегишлидир.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги низом кўриб турганингиздек, 2014 йилда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги 12-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш, кесиш ҳамда дарахтларни хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом эса айнан мана шу йил – 2019 йилда қабул қилинган.

Эътиборли жиҳати шундаки, “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш, кесиш ҳамда дарахтларни хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом ҳам давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилишдан ташқари, уларни БУТАШ, КЕСИШ, ШУ ЖУМЛАДАН, САНИТАРИЯ МАҚСАДИДА КЕСИШ тартибини белгилайди. Яъни ушбу Қарор Сиз кўтарган масалага ҳам айнан тадбиқ этилади.

Мазкур Низомнинг 49-бандида эса дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш етказилган зарарни ундиришда ушбу Низомга 4-иловада келтирилган битта дарахт ва бутани кесиш учун берилган рухсатнома қиймати миқдорининг энг кам ойлик иш ҳақи миқдориغا нисбатан коэффицентлар инобатга олинishi кераклиги кўрсатилган. Яъни бу ҳолатларда аниқланган зарарлар:

кам қимматли дарахтлар тури учун 5 бараварга;

қимматли ёғочбоп дарахтлар учун 10 бараварга;

100 ёшдан ошган дарахтлар учун эса 20 бараварга кўпайтириш билан ҳисобланади.

Бироқ, бу вазиятда зарарни ҳисоблашда Вазирлар Маҳкамасининг 290-сонли ва 43-сонли қарорлари ўртасида тафовутлар келиб чиқмоқда тўғрими?

Эътибор беринг, амалдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси 4-қисмида “тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади” дейилган.

Демак, Сиз “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасини қўллаган ҳолда, етказилган зарарларни ҳисоблашда ВМнинг 290-сонли қарорига нисбатан кейинроқ қабул қилинган 2019 йил 17 январдаги 12-сон қарорини ва ушбу қарор билан тасдиқланган “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш, кесиш ҳамда дарахтларни хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомни қўллашингиз мумкин бўлади.



## МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРСИДАГИ КОДЕКСНИНГ 79 ВА 162-МОДДАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ НОЗИК ЖИҲАТЛАР?

Савол.

*Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириши ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш тўғрисидаги 162-моддасида АЙРИМ ЖОЙЛАРДА ИМОРАТ ҚУРАЁТГАНДА шу ерда ўсиб турган дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш ҳолатлари учун маъмурий чора назарда тутилган.*

*Агар шаҳар ҳудудида содир этилган ноқонуний дарахт кесилиши қурилиши, шу жумладан иморат қуриши билан боғлиқ бўлмасачи, шунда нима қилинади? Бундай (яъни иморат қуриши билан боғлиқ бўлмаган) ҳолатда дарахт кесилганлиги учун МЖтКнинг 162-моддаси бўйича жарима қилинадими ёки 79-модда (дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириши ёки йўқ қилиши) бўйичами?*

ЖАВОБ.

Ўзбекистон Республикасининг Маъурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда дарахт ва буталарни ноқонуний равишда кесганлик, шикастлантирганлик ва йўқ қилганлик учун маъмурий жавобгарлик масаласи асосан, қуйидаги иккита моддада кўзда тутилган:

1. МЖтКнинг 79-моддаси, яъни дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш;

2. МЖтКнинг 162-моддаси, яъни шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш.

Хўш, бу икки хил турдаги модданинг ва ҳуқуқбузарликни бир-биридан қандай омилларга асосан ажратиш оламмиз?

Бунинг учун мана шу иккала модданинг диспозиция (яъни ҳуқуқбузарлик таърифи) қисмига эътибор қаратишимиз керак, қаранг:

1. 79-модда диспозициясида айнан модданинг номи келтирилган, яъни дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш ҳаракати.

Бунда мазкур ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари актив ҳаракат сифатида ҳар қандай жойда содир этилиши мумкин. Айтишим керакки, бу моддада кўрсатилган маъмурий жазолар аҳоли пунктларида, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерларида, шу жумладан ШАҲАР ВА ШАҲАРЛАР ҳудудларидаги ерлардаги дарахт ва буталарга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин.

2. 162-модда диспозицияси – айрим жойларда иморат қураётганда шу ерда ўсиб турган дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш ёки бошқа жойга кўчириш, шунингдек фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўз ихтиёрларидаги дов-дарахтларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаслиги.

Яъни бунда модданинг номидан келиб чиқиб мавжуд ҳуқуқбузарликлар айнан шаҳарлар ҳудудларидаги ИМОРАТЛАР ҚУРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ бўлган қонунбузарлик ҳисобланади дейишимиз мумкин. Мазкур модда билан маъмурий жазога тортиш учун ҳуқуқбузарлик ҳаракати, биринчидан шаҳар ҳудудида содир этилган бўлиши керак, иккинчидан, шу шаҳар ҳудудидаги иморатларни қуриш билан боғлиқ ҳолда юзага келган бўлиши керак.

ХУЛОСА ШУНДАЙКИ, шаҳарлар ҳудудларида аниқланган, бироқ иморатлар қурилиши билан боғлиқ бўлмаган дарахт ва буталарнинг кесилишига оид ҳуқуқбузарликлар учун МЖтКнинг 162-моддасига мувофиқ эмас, балки 79-моддасига биноан маъмурий жарима белгиланади.

Шу ўринда, 162-моддани қўллаш учун иморатлар деган жумланинг ҳуқуқий мазмунига аниқлик киритиб олишингиз керак. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сонли қарори асосида тасдиқланган “Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом”ги кўра иморат сўзи бино ва иншоот сўзларининг умумий номи сифатида кўрсатилган. Яъни бино ва иншоотлар айнан иморатлар ҳисобланади.

Шаҳарсизлик кодекси 2-моддасида бино ва иншоотларга таъриф берилган, яъни:

□бино — функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажмни ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

□иншоот — ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юклар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизик тарзидаги қурилиш тизими ҳисобланади.

Демак, агарда МЖтКнинг 162-моддаси билан боғлиқ шаҳар ҳудудидаги ҳуқуқбузарликни аниқлаш зарурати келиб чиққан тақдирда, мавжуд хатти-ҳаракатларни иморатлар, бино ва иншоотлар ҳудуди ёки уларнинг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳудудлари ичида содир этилганлигига эътибор қаратишингиз керак.

## ЯНА ТУМАН ИНСПЕКЦИЯЛАРИ ВАКОЛАТИ ҲАҚИДА

Савол.

Ассалому алайкум Сайидали ака! Битта саволим бор эди, туман инспекторлари ўзлари тузган маъмурий баённомаларга ҚАРОР чиқариш ҳуқуқига эгами? Агар ҳуқуқи бўлса қонуний асосда тушунтириб берсангиз илтимос. Агар ҳуқуқи бўлса қонуний асосда тушунтириб берсангиз илтимос. Бизнинг туман вилоят бошқармадан анча узоқда жойлашган, шу сабабли айрим ноқулайликлар келиб чиқмоқда.

Жавоб.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги 29-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги янги таҳрирдаги низомда туман ва шаҳар инспекцияларининг ҳуқуқлари кўрсатилган.

Мазкур Низомнинг 24-бандида Давлат экология қўмитасининг туман (шаҳар) бўлинмаларининг бешинчи ҳуқуқига эътибор қаратинг, яъни улар ўз ваколати доирасида белгиланган тартибда МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, МАНСАБДОР ШАХСЛАР ВА ФУҚАРОЛАРГА ЖАРИМАЛАР СОЛИШ, ШУНИНГДЕК, УШБУ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ОҚИБАТИДА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР ВА АТРОФ МУҲИТГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ БЎЙИЧА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ЧОРАЛАР КЎРИШ ҳуқуқига эга.

Айнан мана шу 5-ҳуқуқ туман ва шаҳар инспекцияларига ўз ҳудудида аниқланган қонунбузарлик юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан тўғридан-тўғри маъмурий чора қўллаш ваколатини беради. Бу ҳолатда, маъмурий қарорни вилоят бошқармасига ҳужжатларни юбориш ва айнан шу бошқармадан яна кимнидир имзосини кутиш – умуман мантиқсиз ҳолат деб ҳисоблайман.

Нима учун янги таҳрирдаги низомда туман ва шаҳар инспекцияларининг маъмурий чора қўллашга оид ҳуқуқлари аниқ равишда белгилаб қўйилди деган саволнинг жавобини ҳар бир ходим ўзида ҳис қилиш керак.

Бундан кўзланган асосий мақсад туман ва шаҳарлар ҳудудида келиб чиқаётган экологик муаммоларни жойида тезкор ва самарали равишда ҳал этишдир. Ҳақиқатдан ҳам, Давлат экология қўмитаси тизимидаги туман ва шаҳар бўлинмалари фақатгина маълумот йиғувчи ёки ахборот ташувчи бўлиб қолмаслиги керак. У ўзининг туманидаги экологик муаммолар билан тўғридан-тўғри ишлай олиши керак, айнан шунинг учун ҳам унга зарур ҳуқуқлар ва ваколатлар берилган.

Қаранг, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги 29-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги низомга илова қилинган Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат экология назоратини амалга оширишда бевосита иштирок этувчи ходимлари тоифалари рўйхати (рўйхатнинг 9-қатори)да ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ НАЗОРАТ БЎЙИЧА ТУМАН (ШАҲАР) ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҚЛАРИ Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари

бош давлат инспекторларининг назорат қилиш йўналишлари бўйича ўринбосарлари эканлиги кўрсатилган.

Шунингдек, мазкур рўйхатнинг 12 ва 13-қаторларида ҳудудий органлар (бунинг таркибига туман ва шаҳар инспекциялари ҳам қиради)нинг бош мутахассислари катта давлат инспекторлари эканлиги, 1-тоифали мутахассислар эса давлат инспекторлари ҳисобланиши кўрсатилган.

Энди МЖТКнинг 261-моддаси 2-қисмига қарасангиз, унда бош давлат инспекторлари ўринбосарлари ҳам, катта давлат инспекторлари ҳам ва давлат инспекторлари ҳам ҳуқуқбузарларга нисбатан жарима бўйича ваколатига қараб, маъмурий чора қўллаши мумкинлиги кўрсатилган.

Яна бир маълумот: туман ва шаҳар инспекцияларида муҳр ва штамплар мавжудлигини унутманг, мана шу вазиятда муҳр бошқа муҳим ҳужжатлар қатори айнан маъмурий иш юритиш ҳужжатларини туман ва шаҳарнинг ўзида расмийлаштириш учун берилган.

**ХУЛОСА СИФАТИДА ШУНИ АЙТА ОЛАМАНКИ, ДАВЛАТ ЭКОЛОГИЯ ҚЎМИТАСИНING ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИНМАЛАРИ ЎЗ ҲУДУДЛАРИДА АНИҚЛАНГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЧОРА ҚЎЛЛАШ ВАКОЛАТИГА ЭГАДИРЛАР.**

#### ЯНА МАЖБУРИЙ КЎРСАТМА ҲАҚИДА

Савол.

*Давлат экология қўмитаси таркибидаги туман ва шаҳар инспекциялари қайси ҳолатларда мажбурий кўрсатмалар юбориши мумкин ва кимларга? Ва уни тайёрлаш тартиби ҳақида тушунтириши берсангиз?*

ЖАВОБ.

Давлат экология қўмитасининг туман ва шаҳар бўлинмаларининг энг асосий ҳуқуқларидан бири – бу экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари бузилишларини бартараф этиш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатмалар бериш ҳуқуқидир. Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги 29-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги низомнинг 24-бандида кўрсатилган.

Мана шу кўрсатмани мажбурий кўрсатма деб ҳам номлашимиз мумкин.

Хўш, мажбурий кўрсатмани тайёрлаш, уни ижрога қаратиш тартиби қандай?

Туман ва шаҳар инспекцияларида мажбурий кўрсатмалар аслида энг кўп тайёрланадиган ва энг кўп юбориладиган хат шаклидаги ҳужжат тури ҳисобланади. Агар бирор-бир туман инспекциясида ҳафта давомида юридик ва жисмоний шахсларга бирорта ҳам мажбурий кўрсатма берилмаган бўлса, демак, ушу инспекцияда қонунбузарликларни

бартараф этиш йўналиши бўйича шу ҳафтада бирор-бир иш қилинмаган деб хулоса қилиш мумкин.

Масалан, Сиз туман инспекцияси инспекторисиз, кунлик фаолиятингиз давомида бирор-бир шахс томонидан экология соҳасида йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатига дуч келдингиз, дейлик. Мана шу қонунбузарлик ҳолати (масалан, юридик шахс томонидан ноқонуний чиқиндихона ҳосил қилинганлик ҳолати)ни бартараф этиш юзасидан оғзаки кўрсатмангизни, биласиз бирор жойда исботлаб бера олмайсиз, чунки унинг расмий изи қолмайди. Айнан шу вазиятда, Сиз ўша қонунбузар ҳисобланган юридик шахс раҳбари номига қонунбузарлик ҳолатини бартараф этиш (масалан, ноқонуний ҳосил қилинган чиқиндихонани тозалаш) юзасидан ёзма равишда кўрсатма беришингиз мумкин.

Албатта, бу вазиятда аниқланган ҳолат юзасидан агар бу маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланса, маъмурий жазо чораларини ҳам кўрасиз, бироқ ўзингиз ўйлаб кўринг, маъмурий жазо олган ҳуқуқбузар мавжуд ноқонуний ҳолатни ҳам бартараф этиш керакку (масалан, маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг, ноқонуний чиқиндихона шундайлигича қолиб кетмайдик, тўғрими). Демак, мажбурий кўрсатмалар айнан мана шу вазиятларда жуда қўл келадиган воситадир.

Мажбурий кўрстама беришнинг қонун ҳужжатларида алоҳида тартиботлари ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори билан тасдиқланган “Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари”да икки хил ҳолатда мажмурий кўрсатма берилиши ҳақида сўз боради:

□ биринчиси, махсус чиқинди қутилари, чиқинди шахобчалари ва чиқинди контейнерлари масаласида аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун аввал шу ҳуқуқбузарликни бартараф этиш юзасидан бериладиган мажбурий кўрсатма;

□ иккинчиси, айбдор шахсни аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолатда шу ҳудудни тозалашга масъул бўлган жисмоний ва юридик шахсга ўзининг ҳисобидан рухсат этилмаган ва тартибсиз чиқиндихоналарни бартараф этиш юзасидан бериладиган мажбурий кўрсатма.

Мажбурий кўрсатмалар, экология соҳасидаги барча йўналишлар, сув, ер ва ерости конлари, атмосфера, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, муҳфаза этиладиган табиий ҳудудлар бораисда йўл қўйилган қонунбузарликлар бўйича ҳам берилиши мумкин.

Туман миқёсида мажбурий кўрсатма мавжуд қонунбузарликни аниқлаган давлат инспектори томонидан тайёрланади, бироқ у уни имзолаш ваколати берилган шахс томонидан, яъни туман ёки шаҳар инспекцияси бошлиғи томонидан имзоланади. Туман ёки шаҳар инспекциясидан чиқаётган мажбурий кўрсатма шу инспекциянинг чиқиш хатлари дафтарида рўйхатга олиниши лозим.

Мажбурий кўрсатмага хатларни рўйхатга олиш дафтаридаги кетма-кетлик бўйича тартиб рақами қўйилади.

Эътибор беринг, мажбурий кўрсатманинг таркиби қуйидаги схемадан иборат бўлиши керак:

□ кўрсатманинг кириш қисми (бунда кўрсатма хатининг мотиви, муайян бир қонунбузарлик ва унинг факти ҳамда мавжуд экологик оқибат келтирилади);

□ кўрсатманинг исботлаш қисми (бунда кўрсатмада кўтарилган қонунбузарлик ҳолатини бартараф этиш йўллари асослангирилади);

□ кўрсатманинг хулоса қисми (мавжуд қонунбузарликни бартараф этиш юзасидан хулосалар, сўровлар, талаблар рўйхати келтирилади ҳамда ушбу кўрсатмани бажариш муддатлари ва у бажарилмаган тақдирда белгиланган жавобгарлик чоралари кўрсатиб ўтилади).

Қиёсий жиҳатдан тушунтираман: прокуратура органларининг протести, адлия органларининг тақдимномалари, солиқ органларининг талабномалари қандай кучга эга бўлса, Давлат экология қўмитасининг (шу жумладан, туман ва шаҳар инспекцияларининг) мажбурий кўрсатмалари ҳам шу каби мақомга ва кучга эгадир.

Мажмурий кўрсатма белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда уни бажармаган шахсга нисбатан МЖТКнинг 198-моддаси (ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш)га асосан маъмурий чора қўлланилиши мумкин.

Ассалому-алейкум Саидали ака, агар имкони бўлса Чиқинди полигони бўйича мажбурий кўрсатма таёрлашда амалий ёрдам берсангиз полигон тез тез ёнади. Полигон эгаси яни алтернатив хизмат кўрсатувчи ташкилот буни ҳечам ўчирмайди, пинагиниям бузмайди.

Бир неча бор огохлангирдим, жаримагаям тортилган лекин менга шу ноқонуний фаолиятни тўхтатиш учун нолдан иш бошлашимга ёрдам берсангиз.

Сабаби бу альтернатив ташкилотнинг на тайинли техникаси бор, на қоровули. Полигон жудаям қаровсиз ахволда қолиб кетган.

Юқори ташкилотларга ва Президент порталига аҳолидан шикоятлар тинмаяпти, ҳуллас бошидан ишни тартиб бўйича тушунтириб берсангиз, яхши бўларди.

## АТТЕСТАЦИЯ САВОЛЛАРИ РЎЙХАТИ

**1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига доир қандай масалалар кўтарилди?**

Экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш. Хозирги вақтда Орол фожиаси туфайли 5,5 млн гектардан ортиқ майдонда Оролқум саҳроси пайдо бўлди. Ҳар йили 100 млн тонна қум ва туз ҳавога кўтарилмоқда. Бу эса Орол ҳалокати глобал муаммо эканини яна бир бор исботламоқда. муаммолари тўғрисида. БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шерикли асосида “Транс фонди”нинг тузилиши, ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлди. Агар мустақиллик йилларида Ўзбекистон бўйича 1 млн 220 минг гектарга яқин ўрмонзор яратилган бўлса, шундан 400 минг гектардан ортиғи айнан Оролбўйи ҳудудида барпо этилган. Бу масалада қабул қилинаётган маҳсус дастурга кўра, Орол денгизининг сувсиз ҳудудида келгуси йилда яна 500 минг гектар ўрмонзор барпо этилади.

**2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида фаол тадбиркорлик тушунчасига қандай таъриф берилган?**

Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир.

Фаол тадбиркорлик-тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тарраққиётга ва фаровон ҳаётга эришиш. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобат бардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун ларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба ортириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим.

**2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”қандай устувор йўналишлар кўтарилган?**

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари:

I. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишлари

III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

V. Хавфсизлик, диний бағри кенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.

Энг аввало замонавий ишлаб чиқаришни жорий этишга мўлжалланган инновацион ғоялар ҳамда технологияларни, фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга Асосий устувор вазифалардан бири ташқи ишлар вазирлиглари ишларини тубдан қайтадан кўриб чиқиб, чет эллик инвесторларни мамлакатимизга жалб

этиш. Ҳукумат ва уни таркибига кирадиган идоралар фаолиятини ривожлантириш, назоратни кучайтириш ва маъсулиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда ижросини таъминлаш. Илғор менежменти ва ақлли бошқарув тизимига босқичма босқич ўтиш. Малакали кадрлар етиштириб чиқариш.

**3. 2018 йилда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган энг муҳим қонун ва қонуности ҳужжатларини санаб беринг.**

**Қонунлардан:**

1) 18.04.2018 ЎРҚ-476-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”

2) 18.05.2018 ПҚ-3730-сон “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

3) 11.10.2018 ВМ-820-сон “Табиатни муҳофаза қилишни такомиллаштиришнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш тўғрисида”

4) 22.11.2018 ВМ-949-сон “Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”

**Қонуности ҳужжатлардан:**

1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 949-сонли қарори;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 174-сонли қарори;

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги “Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 14-сон қарори.

**4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2018 й. 949-сон “Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорининг мазмун ва моҳияти нимслардан иборат?**

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ривожлантириш учун янада қулай шароитлар ва юқори даражада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш.

**5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2018 й. 949-сон “Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори билан Ҳукуматнинг қайси ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва қайсилари бекор қилинди?**

**Қуйидагиларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди:**

- Ўзб. Рес. “Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилди;

- Давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган фаолият турларига ўзгартиришлар киритилди;

- Атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг II, III ва IV тоифаларига кирадиган фаолият турлари объектлари учун экологик нормативлар лойиҳалари давлат экологик экспертизасини ўтказган Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси, вилоят ҳамда Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли бошқармасининг бошлиғи томонидан тасдиқланади;



- Атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I -II-III-IV тоифалари объектларини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш ва кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилди;

**Ўз кучини йўқотган:**

- Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 31 декабрдаги 491-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 15 майдаги ПҚ-1112-сон қарори;

2009 йил 5 июндаги 152-сон қарорига илованинг **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки.**

**6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.10.2018 й. ПҚ-3956-сон "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мазмун ва моҳияти?**

Республика шаҳар ва туманларида санитария жиҳатидан тозалашнинг мутлақо янги тузилмаси яратилди. Барча жойларда давлат-хусусий шериклик шароитида замонавий технологияларни қўллаган ҳолда чиқиндиларни тўплаш, ташиш ва қайта ишлаш кластерларини ташкил этишни назарда тутувчи чиқиндиларни комплексли бошқариш тизими жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил давомида белгиланган вазифаларнинг тегишли даражада амалга оширилишини, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ислохотларни белгиланган суръатларда ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи қатор омиллар мавжудлиги аниқланди, хусусан:

- Барча жойларда давлат-хусусий шериклик шароитида замонавий технологияларни қўллаган ҳолда чиқиндиларни тўплаш, ташиш ва қайта ишлаш кластерларини ташкил этишни назарда тутувчи чиқиндиларни комплексли бошқариш тизими жорий этилмоқда;

- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда Давлат экология қўмитаси деб юритилади) функциялари ва ваколатлари ҳаддан зиёд марказлашган;

- Давлат экология қўмитаси инспекциявий фаолиятининг ягона вертикали мавжуд эмаслиги ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланишга қарши курашишни самарали олиб бориш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш имконини бермаяпти;

- санитария жиҳатидан тозалаш соҳасидаги субъектларнинг ташкилий, техник, иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолияти етарли даражада мувофиқлаштирилмаяпти;

- экологик тарғиботни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича самарали механизмларнинг йўқлиги мазкур йўналишда ижтимоий реклама ва амалга оширилаётган ахборот-тушунтириш ишларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимида, шу жумладан атроф-муҳит ҳолатини моделлаштириш ва прогнозлаштиришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари етарли даражада жорий этилмаяпти.

**7. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси қачон қабул қилинган ва унинг мазмун ва моҳияти нималардан иборат?**

08.09.2017 ПФ-5185 сон билан қабул қилинган ва унинг мазмун ва моҳияти куйидагилардан иборат:

1) Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкилий, ҳуқуқий асосларини шакллантириш.

2) Ижро этувчи ҳокимият органлари вазифалари, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш.

3) Иқтисодий тармоқларга маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш.

4) Вертикал бошқарув тизими ва Ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигини такомиллаштириш.

5) Давлат бошқарув тизимида стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш.

6) Профессинал давлат хизматлари самарали тизимини шакллантириш, Ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг таъсирчан механизмларини жорий этиш.

**8. Аввалги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2001 й. 491-сон "Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2018 й. 949-сон "Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори ўртасидаги асосий фарқли жиҳатлар нималардан иборат?**

**8.1. Янги таҳрирдаги Низомда қуйидаги асосий тушунчалар берилди:**

- давлат экологик экспертизаси;
- давлат экологик экспертизаси буюртмачиси;
- мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа фаолият;
- давлат экологик экспертизаси лойиҳаларини ишлаб чиқувчи;
- экологик талаблар.

**8.2. Атроф муҳитга таъсирини баҳолаш (ОВОС) лойиҳа хужжатларини кўриб чиқиш ваколатлари янгитдан аниқланди:**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг "Давлат экологик экспертизаси маркази" ДУК томонидан:

I ва II тоифасига кирадиган фаолият турлари бўйича:

- Атроф муҳитга таъсирини баҳолаш (ОВОС) таркибидаги, яъни "Атроф муҳитга таъсир тўғрисидаги ариза лойиҳаси"ни (ПЗВОС);
- "Атроф муҳитга таъсир тўғрисидаги ариза" лойиҳасини (ЗВОС);

"Экологик оқибатлар тўғрисидаги ариза" лойиҳа (ЗЭП) хужжатлари кўриб чиқилади.

I тоифага кирадиган объектлар учун экологик меъёрий лойиҳалар (ПДВ, ПДО, ПДС) кўриб чиқилади ва экологик меъёрлар ўрнатилади.

Худудий Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг "Давлат экологик экспертизаси маркази" ДУК томонидан:

III ва IV тоифасига кирадиган фаолият турлари бўйича:

- Атроф муҳитга таъсирини баҳолаш (ОВОС) таркибидаги, яъни "Атроф муҳитга таъсир тўғрисидаги ариза лойиҳаси"ни (ПЗВОС);
- "Атроф муҳитга таъсир тўғрисидаги ариза" лойиҳасини (ЗВОС);

"Экологик оқибатлар тўғрисидаги ариза" лойиҳа (ЗЭП) хужжатлари кўриб чиқилади.

II тоифага кирадиган объектлар учун экологик меъёрий лойиҳалар (ПДВ, ПДО, ПДС) кўриб чиқилади ва экологик меъёрлар ўрнатилади.

**8.3. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддатлари ўзгарди**

*Атроф муҳитга таъсир кўрсатишининг*

- I тоифасига кирадиган фаолият тури учун 30 кундан 20 кунгача;
- II тоифали объектлар 30 кундан 15 кунгача;
- III тоифали объектлар 20 кундан 10 кунгача;
- IV тоифали объектлар 10 кундан 5 кунгача қисқартирилди

**8.4. Давлат экологик экспертизаси хулосаларини кўриб чиқиш такомиллаштирилди:**

- буюртмачи экспертиза объектини реализация қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги хулоса (салбий хулоса) берилишига асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, хужжатларни қайта кўриб чиқишда ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалар томонидан аввалги давлат экологик экспертизаси хулосасида кўрсатилмаган қўшимча рад қилиш сабабларининг келтирилишига йўл қўйилмайди.

- экспертиза объектини реализация қилиш учун 3 йилдан ортиқ вақт керак бўлган ҳолларда, объектни реализация қилиш мумкинлиги ҳақидаги хулоса 2 йилга узайтирилади

- давлат экологик экспертизаси амалга ошириладиган фаолият турлари рўйхати қайта кўриб чиқилди: 172 фаолият туридан 138 тагача фаолият тури қисқартирилди: I тоифали объектлардан 3 та; II тоифали объектлардан 16 та; IV тоифали объектлардан 20 тага камайди, натижада юқори даражада ҳавфли тоифада 37 та, ўрта даражада ҳавфли тоифада 31 та, даражада ҳавфли тоифада 58 та, маҳаллий даражада ҳавфли тоифада 12 та қолди.

### **9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.01.2014 й. 14-сон "Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорининг мазмун ва моҳияти нималардан иборат?**

Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, расмийлаштириш ва келишишга ягона ёндашув йўли билан экологик нормалаштириш тизимини тартибга солиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2013 - 2017" йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида" 2013 йил

27 майдаги 142-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси 21.01.2014 й.да 14-сонли қарор қабул қилган.

Ушбу Низом атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг ташламалари, оқовалари пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ёки хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи ташкилотлар, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг экологик нормативлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартибини белгилайди.

Экологик нормативлари лойиҳаларини ишлаб чиқишдан аввал ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқариш манбаларини (ифлослантирувчи моддаларни оқова сувлар билан ер усти сув ҳавзаларига ёки жой рельефига оқизиш) ва чиқиндилар пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини хатловдан ўтказиш, лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, расмийлаштириш ва келишиш тартиби белгилайди.

### **10. Экологик нормативлар лойиҳаси бўлимларининг номлари деганда нимани тушунаси?**

Экологик нормативлар лойиҳаси бўлимларининг номлари деганда қуйидагилар тушунилади:

Экологик нормативлар лойиҳаси мазмуни

Аннотация

Мундарижа

Кириш

Объект тўғрисида умумий маълумотлар

Атроф-муҳитни ифлослантириш манбаи сифатида объектнинг тавсифи

Объектни ривожлантириш истиқболлари

Ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқариб ташлашни нормалаштириш

Ифлослантирувчи моддаларни атроф-муҳитга чиқариб ташлашни нормалаштириш

Чиқиндиларни нормалаштириш ва улар жойлаштириладиган жойларнинг тавсифи

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш нормативларига эришиш бўйича табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари

Экологик нормативларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш  
Экологик нормативлар  
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати  
Экологик нормативлар лойиҳасига илова

## **11. Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш қандай тартибда амалга оширилади?**

Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш қуйидаги икки босқичдан иборат бўлади:

ташламалар, оқоваларнинг манбаларини, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини хатловдан ўтказиш;

ташламалар, оқовалар, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини нормалаш.

### **Хатловдан ўтказиш:**

ташламалар, оқовалар, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилиши параметрларини аниқлаш;

ташламалар, оқовалар, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилиши нормативларини ишлаб чиқиш учун бошланғич маълумотларни аниқлаш;

ташкilotда фойдаланиладиган технологиялар ва материалларнинг экологик тавсифларини баҳолаш;

атроф-муҳитни ифлосланишдан ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.

Хатловдан ўтказиш бевосита ташкilotнинг ўзи томонидан ёхуд табиий ресурсларни кўриқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича материалларни ишлаб чиқишга ихтисослаштирилган юридик ва жисмоний шахсларни жалб этган ҳолда, ташкilotнинг иш даврида бир марта амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш технологияси реконструкция қилинганда ва ўзгарганда илгари амалга оширилган хатловдан ўтказиш маълумотлари аниқлаштирилади, унинг асосида **экологик нормативларнинг янги лойиҳалари** ишлаб чиқилади.

Ташламалар, оқовалар манбаларини, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини хатловдан ўтказиш маълумотларининг ишончлилиги учун ташкilotнинг раҳбари (экологик нормативлар лойиҳалари буюртмачиси) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Номи ишлаб чиқаришнинг технологик регламентига мувофиқ бўлиши керак бўлган ташламалар, оқовалар манбаларини, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини текшириш хатловдан ўтказиш давомида, технологик занжир бўйича изчилликда, асосий ишлаб чиқаришдан бошлаб ёрдамчи ишлаб чиқаришгача ўтказилади.

## **12. Экологик экспертиза мақсади. Экологик экспертиза буюртмачисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.**

Экологик экспертиза мақсадлари Ўзбекистон Республикаси "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуннинг (25.05.2000 й.) 3-моддасида, Экологик экспертиза буюртмачисининг ҳуқуқлари, 8-моддасида ва мажбуриятлари 9-моддасида белгиланган, яъни:

**3-модда** - Экологик экспертиза қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги босқичларида бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

режалаштириладиган ёки амалга ошириладиган хўжалик ва бошқа хил фаолият атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ёки шундай таъсир кўрсатаётган бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутиладиган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлаш.

**8-модда** - Экологик экспертиза буюртмачиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

экологик экспертиза ўтказиш масалалари бўйича маслаҳатлар ва зарур услубий ёрдам олиш;

экологик экспертиза экспертларига экологик экспертиза объектлари хусусида таклифлар, мулоҳазалар, тушунтиришлар ва экологик аудит натижаларини тақдим этиш;

қўшимча экологик экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш;

экологик экспертиза ўтказилишининг бориши ҳақида ахборот олиш. Экологик экспертиза буюртмачиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**9-модда** - Экологик экспертиза буюртмачисининг мажбуриятлари:

экологик экспертиза учун материалларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тақдим этиши;

давлат экологик экспертизаси ўтказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўлаши;

давлат экологик экспертизаси ҳулосасида кўрсатилган талабларни бажариши шарт.

Экологик экспертиза буюртмачиси зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**13. Давлат экологик экспертизасининг ўтказилишининг мажбурийлиги.**

Экологик экспертиза тўғрисидаги қонуннинг 11-моддаси ҳамда ВМ-949-сонли низомнинг 2-иловасида кўрсатиб ўтилган фаолият турлари давлат экологик экспертизадан ўтиши белгилаб қўйилган.

**14. Давлат экологик экспертизаси объектлари.**

ВМ-949-сонли низомнинг 2-иловасида кўрсатиб ўтилган фаолият турлари давлат экологик экспертизаси объектлари ҳисобланади:

давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;

барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари;

лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари;

табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ, хўжалик ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларнинг лойиҳалари;

техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар;

атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар;

кейинчалик уларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, фавқулудда экологик вазият ва экологик офат зоналари мақомини бериш мақсадида ўтказилган ҳудудларни комплекс текшириш материаллари;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари;

маҳсус ҳуқуқий режимли объектлар.

**15. 1-тоифали объектларни давлат экологик экспертизасини ўтказишда экспертларга қўйиладиган талаблар.**

Ўзбекистон Республикаси "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуннинг (25.05.2000 й.) 17-моддасида Давлат экологик экспертизаси **экспертининг мажбуриятлари белгиланган**

Давлат экологик экспертизаси эксперти:

давлат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиби ва шартларига риоя этиши;  
давлат экологик экспертизаси ўз вақтида, комплекс, холис, сифатли ўтказилишини  
хамда белгиланган тартибда хулоса борилишини таъминлаши;

давлат экологик экспертизасининг муайян объектига нисбатан шахсий  
манфаатдорлиги бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши;

давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган материалларнинг бут  
сақланишини таъминлаши керак.

тижорат сири бўлган маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлаши шарт.

Давлат экологик экспертизаси экспертнинг зиммасида қонун ҳужжатларига  
мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **16. II-тоифали объектларни давлат экологик экспертизасини ўтказишда экспертларга кўйиладиган талаблар.**

Ўзбекистон Республикаси "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуннинг  
(25.05.2000 й.) 17-моддасида Давлат экологик экспертизаси **экспертнинг  
мажбуриятлари белгиланган**

Давлат экологик экспертизаси эксперти:

давлат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиби ва шартларига риоя этиши;

давлат экологик экспертизаси ўз вақтида, комплекс, холис, сифатли ўтказилишини  
хамда белгиланган тартибда хулоса борилишини таъминлаши;

давлат экологик экспертизасининг муайян объектига нисбатан шахсий  
манфаатдорлиги бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши;

давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган материалларнинг бут  
сақланишини давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган материалларнинг бут  
сақланишини таъминлаши керак.

тижорат сири бўлган маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлаши шарт.

Давлат экологик экспертизаси экспертнинг зиммасида қонун ҳужжатларига  
мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **17. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун экспертизага тақдим этиладиган материаллар.**

Ўзбекистон Республикаси "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуннинг  
(25.05.2000 й.) 15-моддасида Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун  
буюртмачи-томонидан тақдим этиладиган материаллар кўрсатилган:

**лойихалаштирилаётган** объектлар бўйича - **атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши  
тўғрисидаги баёнот лойиҳасини**, экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнотни, қонун  
ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши  
тўғрисидаги баёнотни уз ичига олган атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари;

**ишлаб турган** объектлар бўйича - **экологик нормативларнинг лойиҳалари**,  
объектнинг атроф табиий муҳитга ва фуқаролар соғлиғига таъсир кўрсатиш ҳоллари  
аниқланган тақдирда **атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисида тайёрланган  
баёнот**. Буюртмачи қўшимча тарзда экологик аудит материалларини тақдим этишга  
ҳақли;

ушбу Қонун 11-моддасининг иккинчи, учинчи, бешинчи ва саккизинчи  
хатбошиларида кўрсатилган объектлар бўйича - тайёрланган барча ҳужжатлар.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси давлат экологик  
экспертизаси объектини молиялаш бошлангунга қадар тақдим этилади.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот давлат экологик  
экспертизаси объектнинг техник-иктисодий асослари тасдиқлангунга қадар тақдим  
этилади.

**Экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот** объект қонун ҳужжатларида белгиланган  
тартибда фойдаланишга қабул қилиб олингунга қадар тақдим этилади.

**18. Давлат экологик экспертизаси экспертнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.**

Ўзбекистон Республикаси "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуннинг (25.05.2000 й.) 16-моддасида **Давлат экологик экспертизаси экспертнинг ҳуқуқлари**

Давлат экологик экспертизаси эксперти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни олиш;

давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган, қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган материалларни рад этиш;

давлат экологик экспертизаси объекти бўйича алоҳида фикр билдириш, бу фикр давлат экологик экспертизаси ҳулосасига илова қилинади.

Давлат экологик экспертизаси эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуннинг (25.05.2000 й.) 15-моддасида **17-модда. Давлат экологик экспертизаси**

**экспертнинг мажбуриятлари**

Давлат экологик экспертизаси эксперти:

давлат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиби ва шартларига риоя этиши;

давлат экологик экспертизаси ўз вақтида, комплекс, ҳолис, сифатли ўтказилишини ҳамда белгиланган тартибда ҳулоса борилишини таъминлаши;

давлат экологик экспертизасининг муайян объектига нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши;

давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган материалларнинг бут сақланишини ҳамда давлат, ҳарбий, хизмат ва Эксперт государственной экологической экспертизы может нести и другие обязанности в соответствии с законодательством.

тижорат сири бўлган маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини

таъминлаши шарт.

Давлат экологик экспертизаси экспертнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуннинг (25.05.2000 й.) 15-моддасида **18-модда. Давлат экологик экспертизаси экспертнинг**

**жавобгарлиги**

Ўз вазифасини буюртмачининг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига моддий зарар ёки маънавий зиён етказган тарзда бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, шунингдек экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлик учун давлат экологик экспертизасининг эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

**19. Юридик ва жисмоний шахсларнинг табиат муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчлари.**

Юридик ва жисмоний шахслар табиатни муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик асосида утказиладиган экологик экспертизаларида катнашиш, узи яшаб турган ҳудуднинг атроф-муҳитининг ҳолати юзасидан маълумот талаб қилиш, узи яшаб турган ҳудуднинг экологияси бузилганда ушбу ҳолатни бартараф қилиш бўйича шикоят қилиш ҳуқуқларига эга.

**Бурчлари** – Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиат бойликларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, экологик талабларга риоя қилиш шарт. («Табиатни муҳофаза қилиш тугрисида»ги қонуннинг 12-модда).

- «Табиатни муҳофаза қилиш тугрисида» ги қонуннинг 27,42,47,48,49- моддаларида узи яшаб турган ва фаолият юритаётган ҳудуднинг атроф-муҳитини ифлослантормаслик,

табиатдан оқилон ва тежамли фойдаланиш, қурилиши режалаштирган ва рўёбга чиқарилиши кузда тутилган лойиҳа ва дастурларни экологик экспертизадан ўтказиш, корхоналарни ишга туширишда кам чиқитли технологияларни жорий қилиш, саноат ва маиший чиқиндиларни белгиланмаган жойларга жойлаштирмаслик, радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлатишда экологик талабларга риоя қилиш, ўз фаолияти натижасида табиатга зарар келтирилганда ихтиёрий равишда зарарларни тулаш каби **мажбуриятлар** юклатилган

## **20. ПДВ экологик норматив лойиҳасини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш тартиби.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сон қарорига биноан "Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қилиши тартиби тўғрисида Низом"нинг 46-52-бандларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низом"ни тасдиқлаш ҳақида 22.11.2018 й.даги №949-сонли қарори (5-боб, Материалларни давлат экологик экспертизасига тақдим этиш тартиби)га биноан ПДВ экологик норматив лойиҳасини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш тартиби ўрнатилган.

Аввал "Атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддалар ташламалари хатловдан ўтказиш материаллари (инвентаризация)" ташкилот жойлашган жойдаги ҳудудий Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари тасдиқлаб берилганидан сўнг, ПДВ экологик норматив лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 3 нусхада буюртмачи томонидан I-тоифага мансуб фаолият турлари Республика Давлат экология экспертизаси маркази ДУКга, II-, III- ва IV-тоифага мансуб фаолият турлари эса Қорақалғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Давлат экология экспертизаси марказлари ДУКларга экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилади (ЎЗР ВМК №949, 7 ва 8-бандлар).

Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2018 й.даги 949-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддати (6-боб) ва тартиби (5-боб) белгиланади.

Давлат экологик экспертизаси ҳулосаси ижобий бўлган тақдирда экологик нормативлар лойиҳалари тасдиқлаш учун берилади (ЎЗР ВМК №14, 48-банд).

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг I-тоифаларига мансуб бўлган фаолият турлари ташкилотлари учун экологик нормативлар лойиҳаларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг томонидан, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг II, III ва IV тоифаларига мансуб фаолият турлари объектлари учун - Қорақалғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади (ЎЗР ВМК №949, 25-банд).

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг IV тоифасига мансуб бўлган ташкилотлар учун, атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари, ташламалари ва оқовалари мавжуд бўлган тақдирда экологик нормативлар белгиланади (ЎЗР ВМК №14, 50-банд, ЎЗР ВМК №949, 18.в-банд).

Экологик нормативлар тасдиқланган лойиҳаларининг бир нусхаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ташкилот жойлашган жойдаги органига берилади, бир нусхаси ташкилотда қолади ва битта архив нусхаси экологик экспертиза ўтказилгандан кейин эксперт органларида қолади (ЎЗР ВМК №949, ЎЗР ВМК №14, 51-банд).

## **21. ПДВ экологик нормативларини ўрнатиш тартиби.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сон қарорига биноан "Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қилиши тартиби тўғрисида Низом"нинг 18-бандида: Атмосферага ифлослантирувчи моддалар ташламаларини нормалаш ушбу



Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича, ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалишини ҳисоблаш учун бошланғич маълумотлар сифатида қабул қилинадиган, иқлим ва метеорологик тавсифларни ҳисобга олган ҳолда олинган уларнинг саноат майдончасидан ташқаридаги ер усти концентрацияларини ҳисоблаш натижалари бўйича, кейинчалик олинган натижаларнинг ҳар бир ифлослантирувчи модда учун белгиланган нормаларга мувофиқлигини аниқлаш ҳамда ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича ифлослантирувчи моддалар рўйхатини тузган ҳолда белгиланади.

Ташламаларнинг йўл қўйиладиган чекланган миқдори (ТЧМ)нинг миқдори грамм/секунд ва тонна/йил ҳисоби бўйича белгиланади (УзР ВМҚ №14, III-боб, 18-банд).

Нормалар оширилган тақдирда норматив учун, квоталарга риоя этилган тақдирда, майдонча ташқаридаги ташламалар миқдори қабул қилинади ва ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича уларга эришиш учун табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқилади. Тавсия этилган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари самарадорлигини тасдиқлаш учун ифлослантирувчи моддаларнинг ер усти концентрацияларининг назорат ҳисоблари бажарилади.

ТЧМ (ПДВ) – ҳар бир ифлослантирувчи чиқарилма манбаларига, кейинчалик ҳар бир чиқарилма манбалари бўйича урнатилган квотага асосан урнатилади. Агарда ифлослантирувчи манбалар турли ҳудудларга жойлашган булса ПДВ ҳар бир саноат майдончаси учун алоҳида урнатилади. ПДВ меъёрини урнатишда объект даражаси ВМнинг №949-сонли қарорида берилган 2-иловада берилган рўйхат асосида аниқланади.

ПДВ меъёромаси ҳар бир алоҳида I, II, III-тоифадаги ташкилотлар учун атроф табиий муҳитга таъсир баҳоси бўйича 1 марта 5 йилгача муддатга ўрнатилади.

Фаолият тури бўйича атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига мансуб бўлган ташкилотлар учун ТЧМ (ташламаларнинг йўл қўйиладиган чекланган миқдори) нормативи ўтказилган хатлов натижалари бўйича олинган амалдаги маълумотлар бўйича, ТЧМ лойиҳасини ишлаб чиқмасдан ва давлат экологик экспертизасини ўтказмасдан белгиланади (УзР ВМҚ №14, 21-банд).

4-тоифадаги объектлар учун ПДВ меъёромаси объектни аниқланган инвентаризация қилиш натижалари бўйича ПДВ меъёромаси ишлаб чиқилмайди. Ушбу объектларда фақатгина инвентаризация меъёрий ҳужжати ишлаб чиқилади ва экспертизадан утказилади.

ПДВ меъёромасини урнатишни асосий критерияларидан бири ифлослантирувчи манбаларга урнатиладиган квотадир. Квота ҳар турдаги турли экологик-ҳўжалик туманлари ташкилотлари томонидан атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларга квоталар Низомнинг 3-илосаси бўйича Госкомэкология томонидан ўрнатилган.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунининг 15-моддаси талабига кура қорхона, ташкилот ва муассасалар атроф муҳитга таъсирнинг йўл қўйилиши мумкин булган энг юкори даражаларини тартибга солувчи экологик ва бошқа йусиндаги мезонларни ишлаб чиқишлари белгилаб қўйилган. Булардан - ПДВ - манба ёки уларнинг мажмуидан чиқаётган зарарли чиқарилмаларнинг миқдори ер атрофида, ахоли, хайвонот дунёси учун зарар булган сифат меъёридан ортик булмаслигини талаб этиладиган илмий техникавий мезон - нормативдир.

## **22. Сув ҳавзаларига чекланган миқдорда оқава сувлар ташлаш экологик норматив лойиҳасини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш тартиби.**

Оқованинг йўл қўйиладиган чекланган миқдори (ОЧМ) - назорат пунктида сув сифати нормаларини таъминлаш мақсадида вақт бирлиги ҳисобига ушбу пунктда белгиланган режимда ажралишига максимал йўл қўйиладиган оқова сувлардаги моддалар миқдори.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сон қарорига биноан "Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисида Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Оқова сувларнинг пайдо бўлиш манбаларини хатловдан ўтказилади ва вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган хатлов асосида сув ҳавзалари сатҳида ва ер рельефида ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган чекланган ташламаларининг экологик нормативлари лойиҳаларини ишлаб чиқилади.

Хатлов ҳужжати 1 нусхада ва экологик нормативлари лойиҳаси 3 нусхада Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2018 й.даги 949-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ I-тоифага мансуб фаолият турлари Республика давлат экологик экспертиза маркази ДУКга, II-III-IV-тоифага мансуб фаолият турлари ҳудудий (Қорақалоғистон Републикаси, Тошкент ш., вилоятлар) давлат экологик экспертиза маркази ДУКларга тақдим қилинади.

ПДС лойиҳалари объект тоифасига ўрнатилган миқдордаги тўлов амалга оширилгач, I-тоифага мансуб фаолият турлари - 20 кун ичида, II-тоифа - 15 кун ичида, III-тоифа - 10 кун. IV-тоифага мансуб фаолият турлари эса 5 кун ичида экологик экспертизада ўтказилиб, тегишли хулоса берилади.

### **23. Жой рельефига чекланган миқдорда оқова сувлар ташлаш экологик норматив лойиҳасини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш тартиби.**

Жойнинг рельефига унинг турли паст-баландлиги, шу жумладан жарликлари, қазилган очик ўралари, қумликлардаги чуқурлик, сой ва ариқларнинг қуруқ ўзанлари киради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сон қарорига биноан "Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисида Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади:

Оқова сувларнинг пайдо бўлиш манбаларини хатловдан ўтказилади ва вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган хатлов асосида сув ҳавзалари сатҳида ва ер рельефида ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган чекланган ташламаларининг экологик нормативлари лойиҳаларини ишлаб чиқилади.

Хатлов ҳужжати 1 нусхада ва экологик нормативлари лойиҳаси 3 нусхада Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2018 й.даги 949-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ I-тоифага мансуб фаолият турлари Республика давлат экологик экспертиза маркази ДУКга, II-III-IV-тоифага мансуб фаолият турлари ҳудудий (Қорақалоғистон Републикаси, Тошкент ш., вилоятлар) давлат экологик экспертиза маркази ДУКларга тақдим қилинади.

ПДС лойиҳалари объект тоифасига ўрнатилган миқдордаги тўлов амалга оширилгач, I-тоифага мансуб фаолият турлари - 20 кун ичида, II-тоифа - 15 кун ичида, III-тоифа - 10 кун.

### **24. Чикиндилар ҳосил бўлиши экологик нормативлари ва уларни жойлаштириш лимити лойиҳаларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш тартиби.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сон қарорига биноан "Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисида Низом"нинг 30-бандида: Чикиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини хатловдан ўтказиш ушбу Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Чикиндиларни жойлаштириш лойиҳаларини ДЭЭдан ўтказиш учун аввало корхонанинг раҳбари томонидан тасдиқланган инвентаризацияси "Ер сув ва номадан конларидан фойдаланиш" бўлими томонидан 2005 йилда тасдиқланган 84.3.15.2005

рахбарий хужжат асосида кўриб чиқилади ва вилоят Экология бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади. (Амалда мавжуд корхоналар учун чиқиндиларни ҳисоблари аниқланади. Чиқиндиларни ҳосил бўлиши, лимитлар ва уларни жойлаштирилиши ҳамда хавфлилик даражаси (класс опасность)га асосан ҳисобланиши керак.

Тасдиқланган хатлов асосида чиқиндилар ҳосил бўлиши экологик нормативлари ва уларни жойлаштириш лимити лойиҳаларининг экологик нормативлари лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Хатлов хужжати 1 нусхада ва экологик нормативлари лойиҳаси 3 нусхада Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2018 й.даги 949-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ I-тоифага мансуб фаолият турлари Республика давлат экологик экспертиза маркази ДУКга, II-III-IV-тоифага мансуб фаолият турлари ҳудудий (Қорақалоғистон Республикаси, Тошкент ш., вилоятлар) давлат экологик экспертиза маркази ДУКларга тақдим қилинади.

ПДО лойиҳалари объект тоифасига ўрнатилган миқдордаги тўлов амалга оширилгач, I-тоифага мансуб фаолият турлари - 20 кун ичида, II-тоифа - 15 кун ичида, III-тоифа - 10 кун.

## **25. Чиқиндиларни жойлаштириш лимитларини ўрнатиш тартиби.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сон қарорига биноан "Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисида Низом"нинг 34-бандида: Чиқиндиларни жойлаштириш лимити ташкилот ҳудудида, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларида пайдо бўладиган чиқиндиларни вақтинчалик жойлаштириш массасининг чекланган миқдори, майдони ва муддатининг давом этишини белгилайди.

Чиқиндиларни вақтинчалик жойлаштириш жараёнини такомиллаштириш, уларнинг одамга ва атроф-муҳитга хавfli таъсири даражасини пасайтириш, шунингдек уларни келгусида қайта ишлаш ва утиллаштириш имконияти масалаларини ҳал этиш мақсадида 14-сонли қарорнинг 18-иловасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш режа-тадбирлари ишлаб чиқилади. Чиқиндиларни ҳосил бўлиши, лимитлар ва уларни жойлаштирилиши ҳамда хавfliлик даражаси (класс опасность)га асосан ҳисобланади.

## **24. Давлат экологик экспертизаси жойлаштириладиган ер участкаси танлашга кўйиладиган талаблар.**

Объект жойлаштириладиган ер участкасини танлашда ушбу танланаётган майдонда атроф-муҳитнинг ҳозирги ҳолати, атроф-муҳит хусусиятлари таҳлили; мавжуд рекреация зоналари, аҳоли пунктлари, ирригация, мелиорация объектлари, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари, электр узатиш линиялари, транспорт, сув қузури, газ қузури коммуникациялари жойлашганлигини аниқлаш ва жой тўғрисидаги бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда вазиятли режа тузиш.

Ер майдони танлаш босқичида атроф-муҳитга таъсир тўғрисидаги ариза лойиҳаси тайёрланади. Унинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:

худуднинг вазиятли режаси;

назарда тутилаётган (мўлжалланаётган) асосий ва ёрдамчи объектлар, фойдаланиладиган техника, технология, табиий ресурслар, материаллар, хом ашё, ёнилғи, уларнинг атроф-муҳитга таъсири таҳлили, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг экологик хавfliлиги;

кутилаётган чиқариладиган, оқизилладиган ифлослантирувчи моддалар, чиқиндилар, уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири ва уларни зарарсизлантириш усуллари;

чиқиндиларни омборга жойлаш, сақлаш ва фойдали тарзда ишлатиш;

фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган фаолият ва технологик ечимлар муқобилларининг таҳлили;

салбий экологик оқибатларни истисно этувчи ва экспертиза объектнинг атроф-муҳитга таъсирини пасайтирувчи ташкилий, техник, технологик ечимлар ва чора-тадбирлар;

аварияли вазиятлар таҳлили.

### **25. I тоифали объектларга мансуб фаолият турларини санаб беринг.**

1. Автомагистраллар, метро, темир йўллар, тез ҳаракатланадиган катта йўллар, республика ва халқаро аҳамиятига эга бўлган юк терминаллари.

2. Аэропортлар.

3. Атом станциялар, шунингдек, ядровий реакторли қурилмалар.

4. I ва II тоифадаги нефть ва нефть маҳсулотлари базалари.

5. Нефть ва газ қудуқларини қазиб ва жиҳозлаш.

6. Республика ва туманлараро аҳамиятига эга бўлган сув ўтказгичлар.

7. Сув омборлари ва тўғонлар.

8. Кон-бойитиш фабрикалари.

9. Шаҳар маиший чиқинди полигонлари (аҳолиси 200 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарлар учун).

10. 30 МВт дан ортиқ қувватга эга бўлган гидроэлектрстанциялар ва бошқалар.

Жами 37 фаолият тури I тоифага мансуб.

### **26. II тоифали объектларга мансуб фаолият турларини санаб беринг.**

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг II тоифасига кирадиган (ўртача даражада хавфли) 32 та фаолият турлари киради

1. Аэродромлар.

2. Вилоятлараро аҳамиятга эга бўлган ер ости сувларини олиш иншоотлари.

3. Шаҳар маиший чиқинди полигонлари (100 мингдан 200 минг кишигача истиқомат қиладиган аҳоли пунктлари учун).

4. Темир йўл деполари.

5. Йилига 30 минг куб метрдан ортиқ умумий тарқалган фойдали қазилмаларни кидириб топиш, разведка қилиш, қазиб олиш ва қайта ишлаш.

6. Суткалик иш унуми 50 мингдан 280 минг куб метргача бўлган канализация тозалаш иншоотлари.

7. Озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғ-мой ва биологик қўшимчалар ишлаб чиқариш комплекслари.

8. Биотехнологиялардан фойдаланувчи, шу жумладан пиллани қайта ишловчи корхоналар.

9. Резина ишлаб чиқариш.

10. Вилоят аҳамиятга эга бўлган электр узатиш линиялари.

Жами 29 фаолият тури II тоифага мансуб.

### **27. III тоифали объектларга мансуб фаолият турларини санаб беринг.**

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг III тоифасига кирадиган (паст даражада хавфли) 58 та фаолият турлари киради:

1. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари.

2. Автопарклар.

3. Автомобилга ёнилғи ва газ қуйиш станциялари.

4. III тоифадаги нефть ва нефть маҳсулотлари базалари.

5. Биогаз қурилмалари.

6. Вилоят аҳамиятига эга бўлган ер ости сувларини чиқариш иншоотлари, шунингдек, сув чиқариш қудуқларини бурғулаш.

7. Вилоят ва туман аҳамиятига эга бўлган сув ўтказгичлар.

8. Шаҳарча аҳамиятига эга бўлган газ қувурлари.

9. Қуввати 30 МВт ва ундан кам бўлган гидроэлектрстанциялар.

10. Йилига 30 минг куб метрдан кам ҳажмдаги умумий тарқалган фойдали казилмаларни қайта ишлаш. Жами 58 фаолият тури 1 тоифага мансуб.

#### **28. IV тоифали объектларга мансуб фаолият турларини санаб беринг.**

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига кирадиган (махаллий таъсир кўрсатиш) 12 та фаолият турлари киради. Шу жумладан

1. Автосервис пунктлари ва автомобилларни ювиш жойлари.
2. Пахта титиш корхоналари.
3. Майдони 30 гектаргача бўлган балиқ урчитиш ҳавзалари.
4. Гилам тўқиш цехлари.
5. Кичик тегирмонлар.
6. Тошга ишлов бериш.
7. Рекреация ва уй-жой-фуқаролик объектлари.
8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва консервалаш.
9. Қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш майдончалари.
10. Иссиқхоналар ва парниклар, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан ташқари.
11. Қорамол, йилкичилик, қўйчилик, чўчкачилик ва қуёнчилик фермалари.
12. Мебель ишлаб чиқариш ва таъмирлаш.

#### **29. Чармга қайта ишлов бериш объектларнинг атроф муҳитга таъсири турлари.**

Чармга ишлов бериш технологик жараёни асосан III-босқичда амалга оширилади, терини ошлаб бўлгандан кейинги жараён ҳисобланиб, бунда атроф муҳитга таъсир асосан терини бўяш вақтида рўй беради. Буяшдан олдин тери ювилади, сиқиб сувсизлантирилади, яна кимёвий буёқлар ёрдамида ишлов берилади. Ушбу жараёнларда атмосфера ҳавосига аммоний сульфат, натрий бикарбонат ва ош тузи каби тузлардан фойдаланилади. Буяш жараёнида этанол бутил ацетат ксилол толуол каби кимёвий бирикмалар ташланади. Шлифовка жараёнида арганик (тери) чанги ташламалари мавжуд.

Чармни қайта ишлашда сув манбаларига ювиш ва терини чайиш пайтида ишлаб чиқариш оқова сувлари ҳосил булади. Оқовалар таркибида ишлатилган кимёвий реагентлар ҳосилалари мавжуд бўлади. Уларни утилизация қилиш учун маҳаллий тозалаш қурилмалари назарда тутилади, зарарсизлантирилгандан сунг ДСНЭМ билан келишилган жойларга чиқарилади.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари сифатида асосан тери қийқимлари, оқова тозалаш иншоотидан (лойқа қолдиқ) шламлар ҳосил булади. Улар тегишли жойларга утилизация қилиш учун чиқариб ташланади.

#### **30. III тоифали объект сифатидаги терига ишлов бериш технологиясининг атроф муҳитга таъсири. Унинг турлари.**

Терига ишлов бериш технологик жараёни асосан III-босқичда амалга оширилади терини ошлашгача булган жараён.

– Ивитиш - отмока

- Тукларни тозалаш - выдергивания шетины

- Тукларни механик усулда тозалаш обезволашивание

- Қолдик гушт ва ортикча туқималардан тозалаш

- Юзасини тозалаш, юмшатиш

- Пикеливание ва тузлаш .

- ошланадиган кейинги жараёни 2 тоифага мансуб булади. ошлашга тайёрлаш ишлари бажарилади;

- Ошлаш жараёнида -ошланган тери ярим тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилиши ва уларни тайёр ҳолатига келтирилади:

- ошладан кейинги жараёнда -терини ранглаш, мойлантириш, куритиш, ишлов бериш жараёнлари яъни терига керакли куриниш ва физико-механик хусусиятларга эга булишлик холатлари кечади.

Оковалари таркибидаги ишкор ва кислота колдиклари кимевий усулда зарарсизлантирилиши шарт охак сути ёрдамида чуқма хосил килиши шарт. Терини кайта ишладда махсулот куритиш жараёнида таркибидаги кимёвий воситалар колдиклари атмосфера хавосига парланиши олдини олиниши шарт.

Терини туклантириш у-н терига ишлов беришда терида и ишкор ва кислота колдикларидан тозалаш ва зарарсизлантиришда юкори хароратда кайнатилиб ювилиб куритилади.

Терини кайта ишлаш жараёнида кулланиладиган кимевий моддалар ва улардан хосил буладиган окова ва чикиндилар кимёвий усулда зарасизлантирилиши шарт. Сув захираларига окова сув таъсирида таъсир курсатиши мумкин. терини кайта ишладдан чиккан сув охак сути (известковый молоко) билан албатта зарарсизлантирилиши аа зарарсизлантирилгандан сунг ДСНЭМ билан келишилган холда чикиндихонага жойлаштирилиши шарт.

Терини кон, ифлос моддалардан ва бошкалардан тозалаш жараёнида салмокли хажмда сув талаб этилади. Ишкорли (щелочные) сувлар оковалар ташланиши кузда тутилган манбалар суви таркибидаги рН курсатгичини узгаришига олиб келади. рН курсатгичининг узгариши сув хавзасидаги флора ва фаунага салбий таъсир этади, биокимёвий жараёнларни, баликларнинг ва бошка тирик организмларнинг физиологик функциясини бузади. Сув таркибида ишкорнинг ортиши баликлар тери катламини, сузгичлар толаларини ва жабраларини бузилишига, сув утларини йуколишига, сувнинг узини узи тозаланишини бузилишига олиб келади.

### **35. Гўшт-сут саноат объектларининг атроф муҳитга таъсири турлари.**

Молларини суйиш ахоли турар жойларидан узокда алохида ташкил этилган жойларда суйиш пунктларида ёки гуштни кайта ишлаш корхоналари таркибида амалга оширилади.

Гушт саноати объектлари гушт махсулотларини кайта ишлаш, кадоклашни амалга оширади.

Гушт саноати уз ичига: иссиклик ёрдамида кайта ишладдан утган колбаса, гушт махсулотлари, гушли тузламалар ва дудламалар, консерва, янги ва музлатилган ярим тайёр махсулотлар, колбаса махсулотлари учун табиий ичак кобиклар ва бошка турдаги махсулотларни олади.

Гушт саноати объектларида катта хажмда таркибида сузувчи моддалар булган оковалар хосил булади. Каттик чикиндилар чамбараклар ёрдамида йирик аралашмаларни тутиб колишдан, шунингдек ишлаб чикариш биноларини тозалашдан хосил булади. иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланувчи заводларга (утилизация учун) жунатилади.

Гушт саноати объектлари оковалари ифлослик параметрлари: БПК, сузувчи ва эриган моддалар, ёг, мой, бактериялар, рН катталиги, шунингдек ишлаб чикариш жараёни турига кура фосфор ва аммиак билан белгиланади.

Гушт саноати объектларида атмосфера хавосини ифлословчи чикарилмалар минимал даражада булади. Бирок уларнинг таркибида каттик кисмлар, олтингугурт оксиди, азот оксиди, углеводородлар ва бошка органик бирикмлар булиши мумкин. Асосий муаммо объектда юзага келадиган нохуш хидлар хисобланади.

Гушт саноати объектлари ер манбалари холатига салбий таъсир этади. Бунда каттик чикиндиларни туплаш чикариб ташлаш катта рол уйнайди. Бу чикиндилар субпродуктлар булиб, уларни чикиндихонага чикариш мақсадга мувофик эмас. Бунинг окибатида юкумли касалликларни келтириб чикишига омил булувчи сичкон каламушлар купайиши мумкин.

Уларни туплаб қайта ишлашни йулга қуйиш кузда тутилади яъни қуйдирилган ёг, курук оксил моддалар, суяк уни минерал угит сифатида фойданилади ва бошқалар.

Атроф мухитга таъсири-ёқимсиз хидлар (сереводород) хисобланади. Гўшт камбинатларида асосан хайвонларни сақлаш, боқиш ва сўйиш, терига кимёвий ишлов бериш ва сақланиши, гўштни қайта ишлаш (дудлаш, калбаса тайёрлаш) жараёнида атроф мухитга ташланадиган ташламалар ва чиқиндилар хисобини текширишдан иборат. Чиқиндиларни қаерга ташланиши (яма ёки бошқа) ўрганилади. Агар бетон хандакка ташланадиган бўлса, чиқиндиларни зарарсизлантириш шарт. Чунки чиқиндиларни ташлашда ер ости сувларига таъсир кўрсатади. Канализацияга оқова сувларини ташлашда Сувоқова корхонасининг талабларига тўла мос келиши текширилади. Кушхонада махсулот узок вақт сақланмаслиги керак. Аироф мухитга ташланадиган чиқиндилар (сереводород ва қозонхонадан чикувчи зарарли ташламалар) гўштни қайта ишлаш ва уларни сақлашда ҳамда терига ишлов беришда хосил бўлади.

### **32. Балиқ етиштириш хавзаларининг ва балиқни қайта ишловчи корхоналарнинг атроф мухитга таъсири турлари.**

Атроф мухитга таъсир асосан ер ости ва ер усти сувлари, рельефга (шўрланиш, ер ости сувини кўтарилиши), тупроқ, ўсимлик дунёсига ва атмосфера хавосига.

Балиқ ховузларини ташкил этишда ер ости (грунт ости) сувлари сатҳига, қандай турпоқ таркиблигига, ховуз майдонида дарахтлар борлигига, очик сув хавзалари яқинлигига эътибор берилиши лозим.

Балиқ етиштиришда пруд ташкил этишдаги техникаларни ишлаши натижасида ифлослантирувчи моддалар микдори атроф мухитга таъсирини баҳоланишида, шунингдек оковалар таркибидаги аммиак ва сероводородлар оковаларни узок вақт сақланиши натижасида бижиш (ачитма) процесси хосил булиши кузда тутилиши шарт. Ховуздаги колдик иллар чиқинди сифатида эътироф этилиши лозим.

Балиқларни озиклантиришда минерал ва органик угитлар тайёрлаш ва уларни прудларга ташлаш ва улардан хосил буладиган колдик иллар сув ифлосланишини юзага келтиради.

Балиқларни яшовчанлик даражасини сақлаш юзасидан пруд сувларини окова сифатида чиқариш, пруд сувларини боткокланишдан сақлаш, сувдаги туз ва озукаларни меъёрида ва микдорида сақлаш, сувни лойкаланишдан сақлаш, балиқларни улиш микдорини камайтириш қушимча кислород билан таъминлаш чоралари кўрилишилозим.

Балиқларни табиий озук базаси фитоплактон, зоопланктон, зообентос коловраткалар, табиий озук манбаи булиб улар очик сув хавзасини биологик ифлосланишдан сақланишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ-3657-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси "Балиқчилик соҳасидаги илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 31 июлдаг 606-сон қарор қилади:

балиқчилик тармоғида илмий-тадқиқот ишларининг стратегик йўналишларини ва соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган истиқболли тадқиқот мавзуларини белгилаш;

давлат илмий-техника дастурлари доирасида фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар асосида балиқчилик соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан илмий-тадқиқотларни амалга ошириш;

соҳада селекция-наслчилик ишлари, балиқларни озиклантириш, шунингдек, балиқлар касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш тадбирларини амалга ошириш бўйича услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

интенсив технологиялар асосида, жумладан, қафас мосламаларида, ёпиқ айланма сув тизимида, оқар сув бассейнларида, суғориш тармоқлари ва дарё бўйларида балиқ етиштиришнинг инновацион усуллари ишлаб чиқаришга кенг қўламда татбиқ этиш;

балиқчилик тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда иштирок этиш, соҳага оид семинар ва тренинглар ўтказиш;

янги инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

### **33. Корхона ва ташкилотлар нефть омборхоналарининг атроф муҳитга таъсири турлари.**

Нефть омборларида асосан нефть маҳсулотларини нефть базаларидан олиб келиб, сиғимларга қуйишда, сақлашда ва уларни машиналарга қуйиш жараёнида атроф муҳитга зарарли ташламалар ташланиши кутилади.

Асосан атмосфера хавосига салбий таъсир курсатади. Таъсир манбалари нефть маҳсулотлари сакланадиган идишлар, хаво алмаштириш клапанлари ва ёкилги қуйиш жараёнлари: идишларга автоцистернадан ёкилги қуйиш, ёкилги қуйиш колонкаларидан углеводородлар; сиғимларни буяшдаги краска аэрозоллари таъсири мавжуд.

Нефть омборлари ер ости грунт сувлари ифлослаши ва авария ҳолатини олдини олиш юзасидан омбор ости ва чеккалари маҳсумус сув ўтказмас гидрохимояли қатлам билан қопланиши, заҳира сиғимлар ташкил этиш шарт. Сиғим остлари гидрохимояли қатлам билан қопланиши шарт.

Нефть омборларида асосан нефть маҳсулотларини сақлашда ва сиғимларни тозалашдан ҳосил бўладиган нефть (шлам)қолдиқлари, истеъмолдан чиққан паронит, фильтр чиқитлари каби ишлаб чиқариш чиқиндилар чиқарилиши кутилади.

### **39. Атроф муҳит муҳофазаси ва табиат ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги асосий қонун ва қонуности ҳужжатлари.**

#### **Қонунлар:**

09.12.1992 “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (11 та бўлим 53 модда),

06.05.1993 “Сув ва сувдан фойдаланиш” (29 боб 119 модда),

23.09.1994 “Ер ости бойликлари тўғрисида” (10 та бўлим 51 модда),

27.12.1994 “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” (1 та 30 модда),

30.04.1998 “Ер кодекси” (15 та бўлим 65 модда),

25.05.2000 "Экологик экспертиза тугрисида"

03.12.2014 «Муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида»,

12.12.2013 "Экологик назорат тугрисида",

19.09.2016 “Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги қонуни (41-модда).

21.09.2016 «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида».

#### **Қонуности ҳужжатлар:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги 3956-сонли қарори "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги “Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 949-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида" 174-сонли қарори;



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги "Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 14-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги "Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги 290-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги "Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 820-сон қарори.

#### **40. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг асосий талаблари.**

09.12.1992 “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун.

Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатишга доир экология талаблари (41-модда).

Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускуналаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатиш чоғида экология хавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари назарда тутилмоғи лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, айрим шахслар чикитсиз ва камчиқит технологияларни жорий этишлари, чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини камайтиришлари, уларни зарарсизлантиришлари ва қайта ишлашлари, чиқиндиларни навларга ажратиш, тўплаш, кўмиб ташлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ушбу Қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

#### **41. Ўзбекистон Республикаси “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунининг асосий талаблари.**

06.05.1993 “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида қонун.

Ушбу Қонуннинг мақсади сувга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни баргараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

#### **42. Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунининг асосий талаблари.**

23.09.1994 “Ер ости бойликлари тўғрисида” қонун.

Ушбу Қонуннинг мақсади ер ости бойликларига эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни (кончилик муносабатларини) тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари минерал хом ашёга бўлган талабларни ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш учун ер қаъридан оқилона, комплекс фойдаланилишини, ер

қаъри, атроф муҳит муҳофаза қилинишини, ер қаъридан фойдаланилаётганда ишларнинг бехатар олиб борилишини таъминлашдан, шунингдек ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан, шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

#### **43. Ўзбекистон Республикаси “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуннинг асосий талаблари.**

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «Муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида»ги қонунда тўла ёритилган.

Ушбу Қонуннинг мақсади муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари типик, ноёб, қимматли табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондиди сақлаб қолишдан, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсир кўрсатиши олдини олишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан, атроф табиий муҳит мониторингини олиб боришдан, экологик маърифат ва тарбияни такомиллаштиришдан иборат. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар белгиланган мақсади ва режимига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

давлат кўриқхоналари;

мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари;

табиат боғлари;

давлат табиат ёдгорликлари;

айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар;

муҳофаза этиладиган ландшафтлар;

#### **44. Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонуннинг асосий талаблари.**

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида” 2000 йил 20-майдаги қонунига кўра Экологик экспертиза деганда режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш тушунилади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ўртасида ўзаро муносабатни норматив талабларини белгилайди. Экологик экспертиза объектининг атроф муҳитга таъсирини турли босқичларда баҳолаш жараёнини тартибга солиди.

#### **45. Ўзбекистон Республикаси “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг асосий талаблари.**

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган. Мазкур қонун 30 моддадан иборат. Қонунда атмосфера ҳавоси табиий ресурсларнинг таркибий қисми эканлиги, у умуммиллий бойлик ҳисобланиши ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

атмосфера ҳавосининг табиий таркибини сақлаш;

атмосфера ҳавосига зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа хил таъсир кўрсатилишининг олдини олиш ҳамда камайтириш;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Атмосфера ҳавосининг табиий таркибини сақлаш; атмосфера ҳавосига зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа хил таъсир кўрсатилишининг олдини олиш ҳамда

камайтириш; давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

**46. Ўзбекистон Республикаси “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг асосий талаблари.**

“Чиқиндилар тўғрисида»ги қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган. Қонуннинг мақсади фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига атроф муҳитга зарарли таъсирини олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятларида оқилона фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Ушбу Қонуннинг мақсади чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш, уларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш масалаларини тартибга солишдан ва улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланилишини таъминлашдан иборат.

**47. Ўзбекистон Республикаси “Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунининг асосий талаблари.**

Ўзбекистон Республикаси “Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни 19 сентябрь 2016 й.да қабул қилинган. 41-моддadan иборат.

Ушбу Қонун қуруқликда, сувда, атмосферада ва тупроқда табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча турадиган ёввойи хайвонларни, шунингдек илмий ёки табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида ярим эркин шароитда ёки сунъий яратилган яшаш муҳитида боқилаётган хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

**48. Ўзбекистон Республикаси “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунининг асосий талаблари.**

2016 йил 21 сентябрдаги ЎРҚ-409-сонли «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Ушбу Қонун табиий шароитда ўсадиган ўсимлик дунёсини, шунингдек, такрор етиштириш ва генетик фондини сақлаш учун экиб ўстириладиган ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: флоранинг тур бўйича таркибини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш; табиий ўсимлик жамоаларининг ва ёввойи ўсимликлар ўсадиган муҳитнинг бир бутунлигини сақлаб қолиш; ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишни ва уни такрор етиштиришни таъминлаш; юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.

**49. Ўзбекистон Республикаси “Ўрмон тўғрисида”ги қонунининг асосий талаблари.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 1 декабрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган.

2018 йил 16 апрелда ЎРҚ-475-сон билан кучга кирган. Ушбу Қонуннинг мақсади - ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат;

Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари ўрмонларни муҳофаза қилиш, кўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш, такрорий кўпайтиришни таъминлаш ҳамда ўрмонлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ўрмонга оид муносабатларни тартибга солишдан, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан иборат (2-модда). Ўрмонлар асосан экологик (сувни муҳофаза қилиш, кўриқлаш, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреацион), эстетик ва бошқа вазифаларни бажаради, чекланган даражадаги фойдаланиш аҳамиятига эга (3-модда).

#### **50. Ўзбекистон Республикаси “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунининг асосий талаблари.**

Сенат томонидан 2013 йил 12 декабрда маъқулланган. Ушбу Қонуннинг мақсади экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Экологик назоратнинг асосий принциплари қонунийлик, холислик, мустақиллик, ошкоралик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаслик, табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган сабаб ва шароитларни ўз вақтида аниқланишининг устуворлигини аниқлаш ва бартараф этишни таъминлашдан иборат.

#### **51. Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги асосий қонун ва қонуности ҳужжатлари.**

Закон РУз «О недрах» от 23.09.1994г.

ПП-№649 от 07.06.2007г. «О мерах по совершенствованию порядка выдачи лицензий на право пользования участками недр».

ПКМ РУз №443 от 12.06.2018г. «О совершенствовании порядка выдачи лицензий на право пользования участками недр, содержащими нерудные полезные ископаемые».

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги [Қонуни](#) билан янги таҳрирда тасдиқланган.

Ушбу Қонуннинг вазифалари минерал хом ашёга, ер ости сувларига бўлган ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш учун ер ости бойликларидан оқилона, комплекс фойдаланишни, ер ости бойликларидан фойдаланиш чоғида ер ости бойликларини, атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш ва ишларни беҳатар олиб боришни, давлат ва фуқароларнинг манфаатларини химоя қилишни таъминлаш мақсадида ер ости бойликларига эгалик қилишда, улардан фойдаланишда ва уларни тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни (кончилик муносабатларини) тартибга солишдан, шунингдек ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилишдан иборат.

#### **52. Атроф муҳит муҳофазасига оид халқаро ҳужжатлар ва келишувлар.**

**Бугунги кунда Ўзбекистон қайси халқаро ташкилотларнинг ва қайси минтақавий ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади?**

Халқаро ташкилотлар - давлатларнинг ёки ҳукумат қарамоғида бўлмаган миллий жамият (ассоциация) ларнинг сиёсий иқтисодий ижтимоий фан-техника маданият ва шу

каби соҳаларда умумий мақсадларга эришиш учун тузилган уюшмаси: давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликларнинг энг муҳим шакллари бири:

Халқаро ташкилотлар XX асрда вужудга келди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кўплаб тузила бошлади. Ҳозирги кунда халқаро ташкилотларнинг сони 4000дан ортиқ бўлиб 300 таси ҳукуматлараро ташкилотлардир. Халқаро ташкилотлар ўзига хос бир қадар хусусиятлари билан ажралиб туради. Жумладан; халқаро ташкилотларнинг асосий тузилмаси, асосий мақсад ва ташкилот фаолиятини белгилаб берувчи таъсис ҳужжати (устави) бўлади; бундай ташкилотлар доимо ёки вақти вақти билан фаолият юритади.

Жаҳон бўйича халқаро ташкилотларнинг 50 дан ортиғига Ўзбекистон Республикаси аъзо саналади булардан:

1992.08.28 Оролни қутқариш халқаро жамғармаси

2011.10. 02 Бирлашган миллатлар ташкилотининг озик овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти азоси

1993.06. 10 дан бошлаб БМТнинг тараққиёт дастури азоси

1992.05. 25 дан бошлаб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти азоси

1994.12. 19 БМТнинг ЮНИСЕФ азоси

1993 йилдан буён аҳолишунослик жамғармаси ташкилоти аъзоси (УНФПА)

1972 й – Стокгольм (Швеция), 1992 й – Рио-де-Жанейро (Бразилия), 2002 й – Йоханнесбург (ЮАР).

### **53. Экологик экспертиза соҳасидаги халқаро тажриба (Европа ва МДХ давлатлари мисолида).**

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Европа Иқтисодиёт Комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳит муҳофазаси қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Атроф муҳитга таъсирини баҳолаш (ОВОС) бўйича қонун ва қонун ости ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда уларни халқаро стандартларга мослаштириш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Шу лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси, Европа ва МДХ давлатларининг Атроф муҳитга таъсирини баҳолаш (ОВОС) тизими ҳамда қонун ва қонун ости ҳужжатларини ўрганиш, миллий ва халқаро стандартларни ўрганиш натижасида уларни такомиллаштириш белгилаб қуйилган. Ҳозирги кунда, лойиҳа доирада Европа давлатлари, Украина, Беларусия, Россия, Қозғистон давлатларининг Атроф муҳитга таъсирини баҳолаш (ОВОС) тизими ўрганилиб, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш учун ишлар бошланган. Шу билан бирга, Республикада Стратегик экологик баҳолаш принципларини қўллаш бўйича ишлар ҳам олиб борилмоқда.

### **54. Аҳолиси 100 минг кишидан кўп бўлган аҳоли пунктлари учун мўлжалланган қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларининг атроф муҳитга кўрсатадиган таъсири турлари.**

100 минг кишидан кўп булган шаҳарлар чиқинди полигонлари атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг 2 тоифасига мансуб бўлиб, улар ер-сув захираларига ва усимлик дунёсига жиддий зарар қўрсатади. Ер таназулига /деградацияга/ учрайди. Ер ости сув захираларининг юқори қатламига таъсир қўрсатади. Тупроқнинг зичлиги ошади. Шу сабабли бундай полигонларда ер ости сувини сатхи ва сифатини кузатув кудуклари казилиб, сув сатхи ва сифати назорат қилиб борилиши талаб қилинади. Полигонларга жойлашган сув-оқава чиқиндилар ва ёмғир сувлари грунт сувларининг сатхининг кутарилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

- чиқиндихона корхона руйхати ва чиқинди турлари, классификацияси, тоифасига боғлиқ равишда қўрилиши керак.

- юқори синфдаги чиқиндини чиқиндихонага жойлаштиришлик, яъни (асбест, металл чанги, металл стрижка) РД бўйича комплекс баҳо берилиши керак.

- чиқиндиларни физик-кимёвий хоссаларига қўра уларни зарарсизлантириш.

- чиқиндихона учун танланган жой аҳоли пунктдан узокликда баликчиликга иктисослаштирилган сув хавзасидан узокда, кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер, ер-ости грунт сувлари узок булиши керак.

- фойдали казилма жойлашмаган буш майдон;

- чиқиндихона шамол йуналиши буйича аҳоли, саноат, рекреацион дам олиш худудига таъсири булмаслиги,

- атрофи дарахт билан коплапиши АТТА (ЗВОС) лойихада акс этиши;

- курикхона ва кишлок хўжалиги, урмон фонди ерлари тасарруфига кирмаслиги керак.

- суюк чиқиндилар учун уларнинг ер сатхига сингмаслиги учун химоя катлам ташкил этиш;

- объектда кор-ёмгир сувлари учун парланиш майдони ташкил этиш;

- объект учун СНиП талаблари асосида санитар муҳофаза худуди (СЗЗ) ташкил этиш (300 м);

Чиқиндиларни тасири асосан атроф мухит хавосини ифласлантириши - буни баргараф қилиши учун чиқиндиларни ёйиб устига қатламлаб тупроқ билан қоплаш, ер ости сувлари яқин бўлган худудларда майдонни бетон қопламалар билан тўшаш, шамол таъсирида полигон атрофидаги ер майдонларига хар хил зарарли моддалар чанги ташламаслиги учун полигон атрофи дарахтлар ёки девор билан ўралиши лозим.

#### **55. Аҳолиси 100 минг кишидан кам бўлган аҳоли пунктлари учун мўлжалланган қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларининг атроф мухитга кўрсатадиган таъсири турлари.**

100 минг кишидан кам булган шаҳарлар чиқинди полигонлари атроф-мухитга таъсир кўрсатишнинг 3 тоифасига мансуб бўлиб, улар ер-сув захираларига ва усимлик дунёсига жиддий зарар курсатади. Ер таназулига/деградацияга/ учрайди. Ер ости сув захираларининг юкори катламига таъсир курсатади. Тупрокнинг зичлиги ошади. Шу сабабли бундай полигонларда ер ости сувини сатхи ва сифатини кузатув кудуклари казилиб, сув сатхи ва сифати назорат килиб борилиши талаб килинади. Полигонларга жойлашган сув-окава чиқиндилар ва ёмгир сувлари грунт сувларининг сатхининг кутарилишига хам сабаб булиши мумкин.

- чиқиндихона корхона руйхати ва чиқинди турлари, классификацияси, тоифаси куриши керак.

- юкори синфдаги чиқиндини чиқиндихонага жойлаштиришлик, яъни (асбест, метал чанги, металл стрижка) РД буйича комплекс бахо берилиши керак.

- чиқиндиларни физик-кмёвий хоссаларига кура уларни зарарсизлантириш.

- чиқиндихона учун танланган жой аҳоли пунктдан узокликда баликчиликга иктисослаштирилган сув хавзасидан узокда, кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер, ер-ости грунт сувлари узок булиши керак.

- фойдали казилма жойлашмаган буш майдон;

- чиқиндихона шамол йуналиши буйича аҳоли, саноат, рекреацион дам олиш худудига таъсири булмаслиги,

- атрофи дарахт билан коплапиши АТТА (ЗВОС) лойихада акс этиши;

#### **56. Ҳавфлилик даражаси III-синфга мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарининг атроф мухитга кўрсатадиган таъсири турлари.**

Ҳавфлилик даражаси III-синфга мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарни атроф мухитга кўрсатадиган тасир турлари асосан чиқиндиларни ташишда, сақлашда ва уларни қайта ишлаш вақтида хосил бўлади ҳамда чиқиндиларни қайта ишлаш вақтида хар хил зарарли газлар чиқарилиши натижасида атмосфера хавосига хар хил ис газлари (углерод ва азот оксиди) каби зарарли моддалар ташланиши кутилади.

Ҳавфлилиги III-синфга мансуб чиқиндилар:

- мойли латтағпутталар (ветош)
- фильтрда ушлаб қолинган чанг
- буғдой дони чанги
- ун чанги
- цемент чанги
- пахта чанги

**57. Хавфлилик даражаси IV-классга мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарининг атроф муҳитга кўрсатадиган таъсири турлари.**

Табиатда мавжуд бўлган хамма моддалар охир оқибат чиқиндига айланади. Чиқиндилар асосан маиший қаттиқ ва санот чиқиндиларига бўлинади. Уларнинг бази бирлари оқава сувлар билан қўшилиб кетади, қолган қисмлари буғ ва газга айланиб, атмосфера хавосига, кўп қисми эса қаттиқ маиший чиқинди сифатида чиқиндихоналарга ташиб кетилади. Хавфлилиги 4-классга мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарни атроф муҳитга кўрсатадиган тасир турлари асосан чиқиндиларни ташишда, сақлашда ва уларни қайта ишлаш вақтида хосил бўлади ҳамда чиқиндиларни қайта ишлаш вақтида хар хил зарарли газлар чиқарилиши натижасида атмосфера хавосига хар хил ис газлари (углерод ва азот оксиди) каби зарарли моддалар ташланиши кутилади.

- ёғоч чиқиндилари
- ифлосланган қоғоз
- қаттиқ-маиший чиқиндилар
- Ўтин ва сомон кули
- Шағал чанги

**58. Чиқиндилар хавфлилиги тўғрисидаги тушунча. Чиқиндилар классификатори.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сон қарорига биноан "Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисида Низом"нинг Классификаторига асосан **Чиқиндилар хавфлилик даражаси бўйича 5 тага бўлинади:**

- I- класс - (юкори хавфга эга)
- II- класс - (хавфли)
- III- класс - (қртача хавфли)
- IV- класс - (кам хавфли)

V-класс - (деярли хавфсиз) классификатор каталогига кирмаган чиқиндилар «Чиқиндилар хавфлилигини комплекс баҳолаш методикаси Oz RH 84.3.8:2004» кулланмаси хисоблаш усулида аникланади.

**59. Умумий тарқалган фойдали қазилмаларни казиб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнида атроф муҳитга кўрсатиладиган таъсир турлари.**

Умумий тарқалган фойдали қазилмалар таркибига куйидагилар киради: шағал тош, кум, тупрок ва бошка қазилма бойликлар.

Дарёдан тош кум казиб олиш жараёнида дарёнинг киргогига ва усимлик дунёсига салбий таъсир курсатади.

Қазиш жараёнида техникаларнинг ишлаш пайтида ёкиги ёнишидан чиккан захарли моддалар ва нерганик чанг атроф муҳитга салбий таъсир курсатади.

Тупрок казиб олишда ер усти унумдор катлами сидириб олиниши ва қайта рекультивация килинади.

Умумий тарқалган фойданий қазилмаларни казиб чиқариш учун гидрологлар жалб килинади. Улар қазилмагоҳдан қанча қатлам қазилма олиш тўғрисида хулоса беришлари керак. Дарё ўзанларидаги хом ашёдан фойдаланиш бўйича лойиҳаларга келишув бериш нотўғри. Чунки оқиб турган дарёларни ўзанларини ўзгартириб салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Геология кўмитасидан рухсат олишни албатта талаб этилади.

Қазилмагохлардан фойдаланиш натижасида бўшаган ер майдонларини рекултивация қилиш бўйича план график аниқ ишлаб чиқилган бўлиши шарт. Қазилмагохларда машина ва механизмлар ишлаганда улардан чикувчи ис газлари атмосфера хавосини бузилишига сабаб бўлади.

**60. "Атроф мухитга таъсир тўғрисидаги ариза лойиҳаси" босқичида тайёрланадиган материалларга қўйиладиган талаблар.**

Мулжалланаётган фаолиятни амалга ошириш бошлангунгача атроф мухитнинг ҳолати, ҳудудда аҳолининг жойлашганлиги, ерларни узлаштириш ат-ф мухит хусусиятлари тахлили;

Мавжуд рекреация зоналари, аҳолии пунктлари, ирригация, мелиорация объектлари, кишлоқ хужалиги экин майдонлари, электр узатиш линиялари, транспорт, сув қузури коммуникациялари ва жой тўғрисидаги бошқа маълумотлар курсатилган ҳолда вазиятли режа:

Назарда тутилаётган (мулжалланаётган) асосий ва ёрдамчи объектлар, фойдаланиладиган техника, технология, табиий ресурслар, материаллар, хом-аше, ёнилги, уларнинг атрофмухитга таъсири тахлили, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг экологик хавфлилиги;

Қўйиладиган чиқариладиган, окизиладиган ифлослантирувчи моддалар, чиқиндилар, уларнинг атроф мухитга салбий таъсири ва уларни зарарсизлантириш усуллари;

Чиқиндиларни омборга жойлаш, саклаш ва фойдали тарзда ишлатиш;

Фан, техника ютуқларини ва илгор тажрибани ҳисобга олган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш нуктаи назардан мулжалланаётган ёеи амалга ошириладиган фаолият ва технологик ечимлар муқобилларнинг тахлили;

Салбий экологик оқибатларни истисно этувчи ва экспертиза объектнинг ат. мух. таъсирини пасайтирувчи ташкилий, техник, технологик ечимлар ва чора-тадбирлар;

Аварияли вазиятлар тахлили (эхтимолликни баҳолаган ҳолда ва уларнинг салбий оқибатлари олдини олиш сценарийси бўйича);

**60. "Экологик оқибатлар тўғрисида аризаси" босқичида тайёрланадиган материалларга қўйиладиган талаблар.**

Атроф мухитга таъсири тўғрисида аризанинг шунингдек жамоатчилик фикри эшитишда киритилган таклифларни қўриб чиқиш натижалари бўйича Давлат ТМҚ қарор ва чора тадбирларни тузатиш киритилади.

Экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнолда қорхонанинг ишга тушиш арафасида қорхонада мавжуд бўлган атроф-мухитга таъсир этувчи манбаларнинг ПДВ.ПДО.ПДС меъёрларлари аниқ курсатилган ҳолда қорхонанинг фаолияти баҳоланади. ЭОБ нинг асосий мақсади ишга тушириш арафасида турган қорхонада АТТА лойиҳасида курсатиб утилган тадбирларнинг, АТТА лойиҳаси учун берилган экологик экспертизаси ҳулоса шартларининг ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг инспекциялари томонидан берилган курсатмаларнинг бажарилиши ҳолати ва келажакда атроф-мухитга, хусусан, атмосфера хавосига, ер ва сув захираларига таъсири оқибатлари дастлабки баҳоланади. ЗЭП экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот лойиҳаси АМТБаҳолашнинг якуний босқичи ҳисобланади. Амал қилиш- 3 йил.

**63. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш жараёни ва давлат экологик экспертизасини ҳулосасининг тузилиши ва мазмуни.**

Экспертизага буюртмачи томонидан тақдим қилинган ҳужжат фаолияти турига қараб тоифаси аниқланади ва белгиланган тартибда объектни экспертизадан ўтказиш учун тўлов шартномаси тузилади, экспертиза учун ҳақ тўланганлиги тўғрисида тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда ҳужжат қўриб чиқилади.



Атроф-мухитга таъсирини баҳолаш материалларини куриб чиқиш матери&члари буйича ДТМК кумитасининг ДЭЭ органи томонидан ДЭЭ си хулосаси тузилади, унда экспертиза объекти, технологик жараёнлар, ишларни ташкил этиш ва атроф мухитни муҳофаза қилиш буйича назарда тутилган чора-тадбирлар, объектнинг фаолияти (руёбга чиқарилиши) б-н боғлиқ булган эҳтимол тутилган салбий экологик оқибатлар тугрисидаги зарур ахборот ва экспертиза объектини руёбга чиқаришга йул қуйилиши (ижобий хулоса) ёки йул қуйилмаслиги (салбий хулоса) тугрисидаги хулосалар булади.

Хулоса расмий бланкада расмийлаштирилади, ДТМК кумитаси раисининг уринбосари ёки давлат экологик экспертизасини утказган вилоятлар кумитаси раиси томонидан имзоланади.

Хулосанинг мазмуни асосан объект фаолияти буйича ишлаб чиқилган лойихаларга, лойихани руёбга чиқариш, лойихани қайта ишлаб чиқиш ва лойихани руёбга чиқармаслик тугрисида хулоса қилиниб, буюртмачига тақдим этилади.

#### **64. Давлат экологик экспертизаси хулосасини ижро этишнинг мажбурийлиги ва экспертиза хулосасининг амал қилиш муддати.**

Ушбу Қонуннинг 11-моддасида ва 949-сонли низомнинг 2-иловачида кўрсатиб ўтилган объектларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш мажбурийдир.

Давлат экологик экспертизасининг хулосаси давлат экологик экспертизаси объектни молиялаш ва руёбга чиқаришда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбурийдир. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси булмайд туриб, лойихаларнинг банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молияланиши, шунингдек, уларнинг руёбга чиқарилиши таъқиқланади. ДЭЭ қонуни- 21-модда

Давлат экологик экспертизасининг давлат экологик экспертизаси объектни руёбга чиқариш мумкин эмаслиги тугрисидаги хулосаси булган тақдирда, буюртмачи хулосадаги мавжуд тақлифларга мувофиқ лойиха маромига етказилишини таъминлаши ҳамда материалларни давлат экологик экспертизаси учун қайта тақдим этиши ёки амалга ошириладиган хужалик ва бошқа хил фаолиятдан воз кечиши шарт.

Давлат экологик экспертизаси объектнинг экологик талабларга мувофиқлиги хусусида давлат экологик экспертизасининг берган хулосаси берилган кундан эътиборан уч йил мобайнида юридик қучга эга булади. ДЭЭ қонуни - 22-модда

#### **65. Лойихаларни давкоэкспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқаришга ҳамда уларни молиялаштиришга йўл қўйганлик учун жавобгар субъектлар.**

Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси булмайд туриб, лойихаларнинг банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молияланиши, шунингдек, уларнинг руёбга чиқарилиши таъқиқланади. ДЭЭ қонуни- 21-модда

Давлат экологик экспертизасининг хулосаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаш ва рўёбга чиқаришда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбурийдир. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмайд туриб, лойихаларнинг банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молияланиши, шунингдек уларнинг рўёбга чиқарилиши таъқиқланади. Давлат экологик экспертизаси объектнинг экологик талабларига мувофиқлиги хусусида давлат экологик экспертизасининг берган хулосаси берилган кундан эътиборан уч йил мобайнида юридик қучга эга бўлади.

#### **66. Шаҳарсозлик хужжатларини экспертизадан ўтказишда давкоэкспертиза органлари томонидан қўйиладиган талаблар.**

Уз.Рес. ЭЭси тугрисидаги қонуннинг 11- моддаси талабларининг 8- бандита асосан шаҳарсозлик хужжатларининг барча турлари ДЭЭ сидан утказилади.

Курилишнинг барча турлари учун ер участкалари ажратиш, материалларининг экологик экспертизаси лойихаолди ва лойиха ҳужжатлари объектлари таркибида ўтказилади.

Шахарсозлик ҳужжатлари 50 мингдан ортиқ истиқомат қилаётган лойихапаштирилаётган объект республика экспертизаси маркази томонидан экспертизадан утказилади.

50 минг киши ва ундан кам аҳоли истиқомат қилиши лойихалаштирилаётган объектлар ДЭЭ минтакавий органлари томонидан экспертизадан утказилади. Бунда қурилишнинг барча турлари учун ер участкалари ажратиш материалларининг экологик лойиха олди ва лойиха ҳужжатлари объектлари таркибида утказилади. ДЭЭсини утказишда Шахарсозлик лойихаси ичидаги объектларни концентрацияси улар суви ва оқоваси чиқиндилар ҳосил бўлиши, ишлаб чиқариш тобъектлар умумий оценкаси баҳоланиши шарт.

Шахарсозликда селитеб зона билан пром зонани жойлаштиришда шамол йуналишини эътиборга олиш, санитар меъёрлар ва пром объектларни шаҳар маказидан қучириш, меъёрдан ошиш ҳолатларини аниқлаш даркор.

#### **67. Шаҳарларнинг бош режаларини экспертизадан ўтказишда давэкоэкспертиза органлари томонидан қўйиладиган талаблар.**

Давлат экология қўмитасининг давлат экологик экспертизаси органлари ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ экспертизадан ўтказиш шартлиги “Экологик экспертиза тўғрисидаги”, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўз Рес қонунларида ва Ўз Реснинг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган объектларни давлат экологик экспертизадан ўтказди. Аҳолиси 50 мингдан ортиқ истиқомат қилиши лойихалаштирилаётган объектлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баробари миқдориди ҳақ тўланиб, “Давлат экологик экспертизаси маркази” ДУК томонидан кўриб чиқилади. Аҳолиси 50 минг ва ундан кам аҳоли истиқомат қилиши лойихалаштирилаётган объектлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баробари миқдориди ҳақ тўланиб, ҳудудий “Давлат экологик экспертизаси маркази” ДУК томонидан кўриб чиқилади.

#### **68. Қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда давэкоэкспертиза органлари томонидан қўйиладиган талаблар.**

Давлат Экология қўмитасининг давлат экологик экспертизаси органлари ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ экспертизадан ўтказиш шартлиги “Экологик экспертиза тўғрисидаги”, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўз Рес қонунларида ва Ўз Реснинг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган объектларни давлат экологик экспертизадан ўтказди. Аҳолиси 50 минг ва ундан кам аҳоли истиқомат қилиши лойихалаштирилаётган объектлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баробари миқдориди ҳақ тўланиб, ҳудудий “Давлат экологик экспертизаси маркази” ДУК томонидан кўриб чиқилади.

#### **69. Атроф муҳитга таъсирни баҳолашни ташкил қилиш, унинг натижаси бўйича давэкоэкспертизага тақдим қилинадиган материалларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва сифати учун жавобгарлик.**

Буюртмачи томонидан объектнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолашни ўтказилишини ташкил этиши, давлат экологик экспертизасига тақдим этиладиган объектнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш материалларининг тўлиқлиги, ишончлилиги ва сифати учун жавобгардир.

экологик экспертиза учун материалларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тақдим этиши;

давлат экологик экспертизаси ўтказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўлаши;

давлат экологик экспертизаси хулосасида кўрсатилган талаблари бажарилишини таъминлаш.

#### **70. Давлат экологик экспертизасининг ижобий ёки салбий хулосасини олган буюртмачининг кейинги ҳаракати.**

Давлат экологик экспертизаси натижалари бўйича хулоса тузилиб, у давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги яқунларни ўз ичига олган бўлади (20-модда).

Давлат экологик экспертизасининг хулосаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаш ва рўёбга чиқаришда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбурийдир. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмай туриб, лойиҳаларнинг банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молияланиши, шунингдек уларнинг рўёбга чиқарилиши тақиқланади.

Давлат экологик экспертизасининг давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосаси бўлган тақдирда, буюртмачи хулосадаги мавжуд таклифларга мувофиқ лойиҳа маромига етказилишини таъминлаши ҳамда материалларни давлат экологик экспертизаси учун қайта тақдим этиши ёхуд режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятдан воз кечиши шарт (21-модда).

#### **71. Сув объектларидан оқава сувларни оқизиш учун рухсат берувчи ваколатли органлар.**

Саноат, қомулал маиший, зовур сувларини ва бошқа оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланишга қонунларга мувофиқ ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги органларининг давлат санитар назорати, қончилик назорати, қончилик назорати давлат органлари геология ва минерал ресурслар органлари билан келишибрухсат беради. Рухсат сув объектларидан оқинди сувларни оқизиш учун фойдаланиш зарурлиги ва имқониятларни асослаб берувчи ҳужжатларга биноан берилади.

#### **72. Сув объектларига оқава сувларни оқизиш учун қўйиладиган шартлар.**

Сув объектларига оқинди сувларни оқизишга сув объекти таркибидаги ифлословчи моддаларнинг белгилаб қўйилган меъёрлардан ошиб кетишига йўл қўймаслик шартли билан ва сувдан фойдаланувчи бундан оқинди сувларни табиатни муҳофаза қилиш ва санитария назорати органлари томонидан белгилаб қўйилган даражада етказибтозалаб бериш шартли билангина йўл қўйилади.

Агар мазкур талаблар бузилаётган бўлса, табиатни муҳофаза қилиш ва санитар назорати органлари оқинди сувларни оқизишни чеклаб, тўхтатиб ёки тақиқлаб қўйишлари, хаттоки айрим саноат қурилмаларни, цехлар, қорхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг тўхтатиб қўйишлари лозим. Аҳолининг соғлигига хатарли ҳолларда, оқинди сувларни оқизиш тўхтатилиб, хаттоки ишлаб чиқариш объектларидан ва бошқа объектлардан фойдаланиш тўхтатиб қўйилиши лозим.

#### **73. Очиқ сув хавзалари санитар ҳимоя зоналари.**

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарини ва сув иншоотларининг санитария муҳофазаси зоналари (округлари)ни белгилаш тартибини, шунингдек, сув ресурслари ифлосланиши, булғаниши ва тугашининг олдини олиш учун бу зоналарда хўжалик фаолияти тартибини бошқариб боради. Сув омборлари ва бошқа сув хавзалари атрофига, шунингдек, дарёлар, магистраль каналлар ва қоллекторлар бўйлаб сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқбўйи минтақалар белгиланади; хўжалик-ичимлик сув таъминоти

манбалари атрофида санитария муҳофазаси зоналари ва санитария-химоя минтақалари белгиланади; минерал сувлар ва бошқа даволаш воситалари манбалари атрофида санитария муҳофазаси округлари белгиланади. Сувни муҳофаза қилиш зоналарининг белгиланиши сув омборлари ва хўжалик-ичимлик сув таъминоти, даволаш ва аҳолининг маданий-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бошқа сув манбаларининг зоналари ва санитария муҳофазаси округларини белгилаш заруриятини истисно этмайди.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари ва санитария муҳофазаси зоналари (округлари)\* табиатни муҳофаза қилиш органлари ва тегишли сув иншоотларидан фойдаланувчи вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг таклифлари бўйича белгиланади.

#### **74. Чиқиндилар ҳосил бўлиши ва уларни жойлаштириш меъёрларини белгилаш (тасдиқлаш).**

Чиқиндиларни вақтинчалик жойлаштириш жараёнини такомиллаштириш, уларнинг одамга ва атроф-муҳитга хавфли таъсири даражасини пасайтириш, шунингдек уларни келгусида қайта ишлаш ва утиллаштириш имконияти масалаларини ҳал этиш мақсадида ушбу 14-сонли қарорнинг Низомнинг 18-иловасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш режа-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Чиқиндиларни ҳосил бўлиши, лимитлар ва уларни жойлаштирилиши ҳамда хавфлилик даражаси (класс опасность)га асосан ҳисобланади. Чиқиндиларни жойлаштириш лойиҳаларини ДЭЭдан ўтказиш учун аввало корхонанинг раҳбари томонидан тасдиқланганинвентаризацияси “Ер сув ва номадан конларидан фойдаланиш” бўлими томонидан 2005 йилда тасдиқланган 84.3.15.2005 раҳбарий ҳужжат асосида кўриб чиқилади ва вилоят Экология бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади. (малда мавжуд корхоналар учун чиқиндиларни ҳисоблари аниқланади.

Чиқиндиларни ҳосил бўлиши, лимитлар ва уларни жойлаштирилиши ҳамда хавфлилик даражаси (класс опасность)га асосан ҳисобланиши керак.

#### **75. Кўзгалмас манбалардан чиқариладиган зарарли моддаларнинг атмосфера хавосига таъсирини меъёрлаштириш.**

Атмосфера хавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг ҳамда унга физикавий омиллар зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари атмосфера хавосига чиқиндилар чиқарувчи ёки зарарли физикавий таъсир кўрсатувчи хар бир доимий бўйича белгиланади.

Хавони ифлослантирувчи доимий манбаалардан атмосфера хавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доиравий нормативлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли Ўзбекистон Республика Экология қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республика Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Атмосфера хавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республика Экология қўмитаси томонидан, атмосфера хавосига физикавий омиллар зарари таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби эса Ўзбекистон Республика Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ва Ўзбекистон Республика Экология қўмитаси томонидан белгилаб қўйилади.

#### **76. Экологик оқибатлар деганда нимани тушунасиз. Унинг амал қилиш муддати?**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2018 й. 949-сон "Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорининг 4-боб, 14-бқлим в)устига биноан ЭОТА лойиҳаси АМТБ муолажасининг сўнги якунловчи

босқичи хисобланиб, АТТА лойихасининг маълумотлари ва курилишининг ишчи лойихаси асосида объектни технологик жараёнларга аниқлик киритилганидан сўнг, объектни ишга тушириш босқичида ишлаб чиқилади.

Мазкур лойихада атмосфера хавосини ифлослантирувчи моддалар ташламаларнинг рухсат этилган экологик меъёрлари, чиқиндиларни хосил бўлиш меъёри ва микдорининг хисоби, паспорти ҳамда хосил бўладиган чиқиндиларни жойлаштириш лимити ўрнатилади

Объектнинг атроф муҳитга таъсирини экологик оқибатларини баҳолаш мақсадида содир бўлиши мумкин бўлган фалокатли ҳолатларнинг тахлили, экологик нуқтаи назардан объектнинг энг нозик ва табиий офатларга бардош бера олмайдиган тарафлари кўриб чиқилади ҳамда уларни олдини олиш чора-тадбирлари белгиланади.

ЭОТА лойихаси буюртмачи томонидан объектни ишга тушириш учун қабул комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжат бўлиб, табиатдан фойдаланувчининг кейинги фаолиятини Ўзбекистон Республика Экология давлат қўмитаси ҳудудий ташкилотлари томонидан назорат ўрнатиш учун ҳужжат хисобланади. Уни амал қилиш муддати уч йил.

#### **77. Таркибида икки ва ундан кўп фаолият тури бўлган давэкоэкспертиза объектлари мажмуасининг атроф муҳитга таъсири тоифасини аниқлаш тартиби.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2018 й. 949-сон "Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорининг 9-боб "Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун ҳақ тўлаш" 32-бўлимнинг 6-сатрбошида: Агар, давлат экологик экспертизаси учун битта буюртмачи томонидан тақдим этилган атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари комплекс ҳисобланса ва атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган ҳамда битта саноат майдонида жойлашган турли тоифадаги бир қанча объектлардан иборат бўлса, давлат экологик экспертизасидан ўтказганлик учун тўлов уларнинг атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг юқори тоифасига тегишли бўлганидан ундирилади.

#### **78. Чўчкачилик фермаларининг атроф муҳитга таъсири турлари, салбий оқибатлар эҳтимоллиги ва табиат муҳофазаси тадбирлари.**

Чўчкачилик фермаларининг фаолияти давомида яқинда яшайдиган аҳолига, атмосфера хавосига, ер ости ва ер усти сувларга, ер қаърига таъсир курсатиши мумкин. Чўчка гунги ва бошқа чиқиндилар, атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддалар, парвариш даврида хосил буладиган оқава сувлар. Гунгни мунтазам йигиб олиш ва бетонланган, гидрохимоялаш гўнг сақлаш хандақларига тўплан, зарасизлантириб, гидрохимоялаш (бетонлаш) шарт, шу жумладан уларни уз вақтида корхона хулдудидан олиб кетилиши шарт.

Атмосфера хавосига амиак, меркаптан, сереводород буғи, гўнг чиқиндиси, микроорганизмлар, тук чанги каби зарарли ташламалар ташланиши кутилади. Ер ости сувларини ифлосланишини олдини олиш учун гўнг сақлаш жойлари бетон қопламалар билан қопланиши лозим.

